



**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ БАДИИ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1968**






НАЗИР САФАРОВ

УРГАН
КЕЧИ РГАНЛАРИМ

П О В Е С Т Ь

Ўзининг драматик асарлари ва очерклари билан танилган ёзувчи Назир Сафаров «Кўргон-кечирганиларим» китобида ўн икки ёшигача бошидан кечирган воқеаларни байди этади. Автор ўзининг болалик даври, қишлоқ йигитларининг ҳаётини усталик билан тасвирлаган. Назир Сафаровнинг хотираларида 1916 йил Жиззах қўзғолопи катта урин тутади. Бу китобда уйдирма гаплар йўқ. шунинг учун у тарихий аҳамиятга эгадир.

Бу китобда номлари тилга олинган шахсларнинг бир қисми дунёдан ўтган, бир қисми ҳозиргacha барҳаст. Автор фақат ўзига таниш бўлган кишиларни тилга олган, ўзи кўрган ва яқин одамларидан эшиятган воқеаларнигина тасвир этган,



10 32712

2

БИРИНЧИ ҚАДАМ

Бозор оқшом кунларнинг бирида, дастурхон төпасида акам билан ошиқли сүяк талашиб қолдим. Онамнинг мушти бошимга тузида. Шу сүяк талаш сабаб бўлли-ю, тонг отиши билан дод-войимга қулоқ солмасдан онам мени ҳам мактабга олиб бориб топширди.

Мендан саккиз ёш катта акам ўта шўх, ошиқ ўйини деса ўзини томдан ташлар, ўқишига тоби йўқ, ота-она насиҳатини қулоқقا олмас эди. Агар бирон одам атай-лаб гаров бойлашиб акамни қидирмоқчи бўлса, бирон пастқам ерда ошиқ ўйиаб тургани устидан чиқарди. Шу важдан ҳар куни бир эмас, бир неча марта дадам ва онамдан калтак ер эди.

Чиллаки чиллакини кўриб چумак уради. Ҳали тўртбеш ёшда бўлишимга қарамасдан, акамнинг «касали» менга ҳам юқди. Ошиқка «ошиқ» бўлиб, кўзимга бошқа нарса кўринмай қолди. Бу юқимли «касал»дан мени қутқазишнинг бирдан-бир давоси, онамнинг фикрича, кундузи мени акамдан ажратиш эди. Бунинг учун акам қатнаб юрган мактабга эмас, қизлар мактабига элтиб топшириш керак, леб уқтириди дадамга онам.

Ҳали ўғлинг ёш. Ўқишининг маъносини қаёқдан билсин! Яна бирон йил чидайсан-да! — дер эди онамга тасаллия бериб дадам.

— Болани ёшлик чоғида қайириб олмадингизми, ба-
лога учради деяверинг! Бола азиз, одоби ундан азиз.
Хозирча мактабдан илм олмаса, одоб ўрганар-ку.

Дадам онамнинг галини жимгина тинглаб ўтирида,
охир «билганингни қил!» деб қўя қолди.

Тонг отди. Онам мени ювинтириб-кйинтириди. Дод-
войимга қарамасдан судраганча маҳалламиздаги Хик-
матой отинга олиб бориб топширди.

Эсимда, ёз пайти эди. Уриклар гулини ташлаб, ғў-
раси чигитдек бўлган. Отин буви дарвозасидан кириши-
миз билан, менинг кўзим кенг ҳовли ўртасидаги танаси
йўғон, пакана марварид тутга тушди. Кейин диққатим-
ни чугурчиқдек гужурлашиб ўтирган айвон тўла қизлар
ўзига тортди. Онам эъзоз-икром билан отин бувига ни-
манидир тушунтирас, менинг кўзим ҳар қайсиси ўз ҳо-
лича тебраниб, шовқин солиб ўқиётган қизларда. Улар
менга мутлақо бегона ва тушуниб бўлмайдиган сўзлар-
ни қироат қилиб жаврашардилар. Кўзим қизларда ю,
хаёлим ҳовли саҳнидаги азamat тутда. Энди оқара бош-
лаган марварид тут доналари зумрад барглар орасидан
кўзга ташланиб туради. Шоҳдан шоҳга учиб қўнаётган
чумчуқлар гўё ўқувчи қизлар билан баҳслашаётгандек
бир маромда чирқиллашар, тут доналарини чўқилиб
ерга туширас эдилар. Чумчуқларнинг бу «хизмат»лари-
дан мени кўнглим ёришиб кетди.

Мен тутни ҳозир ҳам беҳад икши кўраман. Баҳор-
нинг олд меваси тут баччахўрак бўлиши билан мени
қидиргани одам дарвозамиз рўпарасидаги қаландархона
хиёбонидан топарди.

Инқилобгача аксари шаҳарларда бўлганидек, биз-
нинг Жиазахда, худди мен туғилиб ўсан маҳаллада қа-
ландархона бор эди. Кенг хиёбон ичида қаландарлар
бобоси Дадавой девона ҳам оиласи билан шу қаландар-
хонада истиқомат қиласди. Туркистон ўлкасининг турли-

туман шаҳарларидан «гастролга» келиб-кетиб турадиган дайди-банги қаландар-дарвишлар шу қаландархонага келиб қўнишарди. Улар бозор куннари қулоҳ-жанда кийишиб, Дадавой девона олдинда, қаландарлар орқада саф тортишиб: «Ё обло дуст, ё обло!.. Баҳоваддин авлис» дейишиб, қўй бозор, от бозор, ун бозор, жун бозорларга одам тўплаб, хурофтот уруғини сочар, авом ҳалқнинг борйўғини шилиб олар эдилар. Даромадни ўртада ара қилишиб қаландархона хиёбони соясида қозон қайнатиб, наша чекишиб ётар эдилар.

Қаландархона мақтаса мақтагудек оромбахш жой эди. Йил—үн икки ой сувга танқис, ёзи беҳад иссиқ Жиззахда бундай соя-салқин ва кўркамликда ягона жой муболагасиз йўқ эди. Қаландархона хиёбони ичидан ҳаёт суви — Найман ариғи ўйноқлаб оқиб ўтарди. Хиёбон ўртасида катта ҳовуз, атрофида танаси қучоқса сиёмайдиган, кун бўйи остига тангадек офтоб тушмайдиган ўнларча азамат садақайрағочлар таги жиззахликлар учун оромбахш жой эди.

Бир чойнаккина кўк чой ичиб, ҳордиқ чиқариш орзу-сида атроф қишилоқ ва маҳаллалардан юзлаб одамлар келарди. Мен эса болаларга эргашиб қаландархонага тут егани борардим. Мева дараҳтлари орасида баҳор бошланиши биланоқ тутдан олдин пишадиган қандай мева бор, айтиб беринг-чи?.. Тут баччахўрак бўлдими, болалар тугул, ҳатто катталар ҳам қаландархона тутлари атрофида «пашшахўрда» булиб қолишади. Қаландархона катта йўл устида эди. Бу кўчадан ўтадиган пиёдалар у ёқда турсин, от-эшаклик, тuya-бияликлар ҳам уловларининг бошини ихтиёrsиз хиёбон томон бурадилар. Баъзи от ва эшаклар қаландархона дарвозаси олдига этиши билан дарҳол юришдан тўхтаб қолишарди. Эгалари то хала-қамчин ишлатмагунларича уларни қимирила-та олмасдилар.

Болалар мисоли олмахон, шохлари шохлари билан чөлкашиб кетган бир тутдан иккинчи, учичи тутга ўтишиб, қоринлари қаппайгунча дараҳтлар устида кун ўтказишарди.

Мен ёш бўлганим учун тутга чиқолмасдим. Ўзим тут тагида-ю, кўзим унинг шохларида бўларди, оппоқ-оппоқ тутлар ипга тизилган марварид доналари сингари шохларда, барглар орасидан менга мўралаб боқарди. Начора, қўлим қиска. Оғзимдан сўлакайим оқиб тут тагида ғивирлаб юрадим. Толсимдан ўргулайким, баҳтимга чумчуклар бор экан, агар улар тутни чўқиб ерга тушириб турмаганларида ким ҳам менга тут қоқиб берар эди?

Отин буви қаршисида тикка туриб ана шуларни ўйлардим. Менинг ҳам ўзимга яраша шерикларим бор эди, албатта. Кўпинча тентқур жияним Мели, ўртоғим Оқил ва Соатлар билан кун бўйи ўйнардик. Энди тут пишиб ёз бошланиб қўлим ширага ботай деб турганда онам мени отин бувига топширмоқчи. Уша топда мен бутунлай қопқонга тушиб қолган жонивор боласига ўхшар эдим.

Мени ҳеч нарса тушунмайдиган анои деб ўйламанг. Беш яшар бўлсан ҳам ўз «наф-зиёнимни» билардим. Қуш уясида кўрганини қиласди, деб бекор айтмаганлар. Мен акамдан таълим олардим. Отин буви қаршисида туарар эканман,— мактаб яҳши ер бўлса нега акам ундан бе-зиллайди,— деб ўйлардим... Акам бирон кун бўлсин хархашасиз, ўз хоҳиши билан мактабга йўл олганини билмайман. Онам унинг чўнтагини туршакка тўлдириб эшикдан чиқариб юборар эди. Акам бўлса мактабга бориш ўрнига бирон хилват ҳовлига кириб, ошиқ ўйнаб, мактабдан қайтиш вақти бўлганда «нигичка» бўлиб эшикдац кириб келарди. Онам ҳам анои оналардан эмас. У шундай зийрак эдики, гоҳо ичимда ўйлаган нарсаларимни мен айтмасимданоқ фаҳмлаб оларди... Акам баъзан мактабдан қочиб келса ёки чап бериб қолса, онамдан калтак

ер, дадамдан танбеҳ эшитарди. Шунда акамнинг аҳволига раҳмим келиб: «Мактаб ёмон екан, бўлмаса калтак ёб, сўкиш эшитишнинг унга нима кераги бор?» деган фикр бошимга келарди.

— Мактабда ўқимайман... Уйимизга кетамиз! — деб онамни тортқиладим мен.

Отин буви менга мулойим боқиб, кўм-кўк кўзларини сузиб деди:

— Яхши бола, оти нима эди, ҳали?.. Ҳа, Назирқул... Бу кимга назир қилинган?

— Шоҳи зинда авлиёга,— жавоб берди онам.

— Шоҳи зинда авлиёга назир қилинган бола, албатта ўқиб мулло бўлиши керак. Ўқимаса авлиёлар хафа бўлади-я! — деди менинг юрагимга қўрқув солмоқчи бўлиб отин буви.— Ана опаларингни кўр, ўқиб ўтиришибди... Адолатой! Бу ёққа кел-чи!

Барваста, қўй кўз, бароқ қош, жигар ранг пешанабоғни дол қўйиб ўраган қиз чаққон ўрнидан туриб, зич қалашиб ўтирган ўқувчи қизларни эҳтиёткорлик билан оралаб ўтди-да, икки қўлини кўксига қўйиб отин буви қаршиисида тик турди.

— Бу йигитчани танийсанми?

— Танийман. Оти Назирқул. Роҳат холамнинг ўғлилари. Яхши бола,— деди бошимни силаб. Сўнг узуу кокилимни кафтига олиб ҳавас билан боқди-да, гапида давом этди,—кокилинг мунчачиройлик?.. Қиз бўлганингда бормиди, нақ тақимингта уриб, қирқ кокилинг орқаолдингга сифмас экан. Кокилинг борлиги яхши, қизлар билан тез дўстлашиб кетасан...

— Тилингиздан ўргилай, ёлғизимни сизларга, сизларни худога топширдим,— деди онам.

— Мен укамга бир нарсалар бераман,— деди камзул часовининг ўнг ва сўл чўнтагига қўл солиб Адолат опа. Мен бўлсам, нима берар экан, деб унга тикилиб қолган-

дым. Адолат опа чўнтағида уч-тўртта бодом, бир дона попук чиқариб менга узатди. Мен олмасдан қийшайиб онамга қарадим. Онам ёнимда йўқ. Қарасам, онам ҳовли ўртасидаги тутдан ўтиб дарвозахона томон тез-тез юриб бораётир. Дод солдим. Мени маҳкам ушлаб олган Адолат опа онамга қўлини силкитиб:

— Бехавотир кетаверинг! Ўзим олиб бориб қўлингизга топшираман,— дер эди... Шундай қилиб, Адолат опа алдаб-сулдаб, яхши гапириб, эркалаб, тез орада мени ўзига ром қилиб олди. Қизлар Адолат опага халфа опа деб мурожаат қиласар эканлар. Халфа отин бувимиизнинг ўнг қўл ёрдамчиси, у болаларнинг сабоқ тайёрлашига кўмаклашар эди.

Кичиклигимда мен чучукликка ўч эдим. Адолат опа менинг ана шу бўш томонимни билиб олиб осонгина ўзиға ўргатиб олди. Ҳикматой отинда ўқиб юрганим дастлабки ойларда Адолат опа ҳар куни эрта билан бизнинг ҳовлимиизга кириб ўтарди. Зигирдек қанд-қурсми, ёки бир кафт мағиз аралаш қора майиз бериб мени кўнглимни олар ва ўзи қўлимдан ушлаб мактабга етаклаб кетарди. Кейинчалик ўзим ҳам ўқишга қизиқиб, мактабга бормасам ҳеч жойга сифмайдиган бўлиб қолдим. Менда рўй берган бу ўзгаришдан онам жуда хурсанд эди. Бироқ акамда ҳеч қанақа ўзгариш рўй бермасди. У мактаб деса безилларди. Ошиқ деса ўзини ўтга-сувга ташлашга тайёр. Шу важдан худонинг берган куни ҳовлимиизда хархаша.. Кунларнинг биррида онам дадамга ҳасрат қилиб бундай деганини эшитиб қолдим:

— Бўладиган бузоқ юришидан маълум. Мансурингиздан мулло чиқмайди. Эсимиз борида этагимизни ёпганимиз маъқул. Бебош бўлиб кетмасин десангиз, укангиз Ашурмат поччамга олиб бориб топширинг. У эртадан кечгача дам босдириб, босқон урдирсан! Ҳали ёш. Қайириб олса бўлади. Бир-инки йилдан сўнг сиз билан менга

бүйин эгиб бўпти! Бу, бетийиқнинг орқасидан юришга тоб-тоқат қолмади менда!

Онам айтган гапини қиладиган аёл эди. Эртаси қор уриб туришига қарамай, дадам укаси Аширмат амакимни уйга чақиртириб келди. Улар ошни еганларидан сўнг сандал атрофида ўтиришиб узоқ гаплашиши. Мен бутун гавдамни сандал ичига тиқиб, саксовул чўғи солинган иссиқ танча ичида оёғимни гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга қўйиб, гап тинглаб ётардим. Онам чой дамлаб танчанинг четига чойнакни қўйган экан, оёғим тегиб чойнак қулаб кетди. Онам: «Вой мен ўлмасам!» деб сандалнинг кўрпасини кўтарди. Менвой-войлаб сандалнинг ичидан чиқдим. Иссиқ буғ билан кўтарилигтан қўрга икки болдирим куйиб пухакча-пухакча бўлиб чиқсан эди. Мен куюк азобига чидамасдан додлаб йиғлардим. Ашурмат амаким «ҳеч нарса қиммайди, намакоб қилиб келинг, намакоб дори», дер эди. Онам дарҳол косага намакоб қилиб келиб, иккала болдиримга суртди. Болдирим ёниб ачишар, чидамасдан ҳўнг-ҳўнг йиғлардим.

— Фалокат оёқ остида деб шуни айтадилар-да! Мени қора босмаса, кўра-била чойнакни танча четига қўярмидим,— деб онам бечора ўқинарди.

Амаким тасалли бериб:

— У эмас, бу эмас, кўргилик, янга, кўртилик... Ваҳма қиладиган жойи йўқ. Уч-тўрт кун азоб егани қолади. Фақат терининг усти куйибди. Териси шилинниб тушади, холос,— деб онамни юпатар эди.

Бу кўргилик икки ҳафтадан кўпга чўзилди. Илон чаққан одам арқондан қўрқади деганларидек, менинг ҳам сандалга оёқ суқишга юрагим қолмаган эди.

Адолат опам баъзан ҳар куни, баъзан кун оралаб мени кўриб, бир-икки ҳарфни ёдлатиб кетарди. Оқил жўрам ҳар куни мактабдан қайтишда мени кўриб кетарди. У ойисига Хосиятницидан ҳам чиройлик копток тик-

тириб олибди. У коптокни менга узатиб: — Сейда турсин, оёғині яхши бўлган куни, «яккашта қулоқ» ўйнаймиз, жўра,— деди. Коптокни олиб суюниб кетдим.

— Энди Хосиятларга ялинмаймиз, жўражон, мен тузалиб чиқай, Хосиятинг шошмай турсин ҳали, деганимда, Оқил:

— Қўй, қиз бола билан баровар бўлма. Ўғил бола бўлганда менам қараб турмасдим. Ўчингни олардим,— деб мени шаштимдан қайтарар эди.

— Сабобингни ўқияпсанми? — қизиқиб сўради Оқил.

— Ўқияпман... Алиф, бе, те, се, жум, хе, ҳе... — дея жаврай кетдим.

Онам тандирдан нон узиб, саватда кўтариб кирди. У ўзида йўқ хурсанд бўлиб:

— Овозингдан ойигинанг ўргилсин. Ўқи, ўқи, қўзигинам. Ўқиб мулло бўлиб олсаларинг ўзларингга яхши,— деди, азбаройи ийиб кетганидан ширавор қутисига калит солиб жаранглатиб қопқоғини кўтарди. Икки-уч ёшга тўлиб, қурт тушиб кетган «Турсуной» қандалат, майизидан бир чангол олиб баркашга солди-да, иккита иссиқ жизвали нон билан сандал устига қўйди.

— Олинглар, нонга қўшиб-қўшиб енглар. Ҳозир мен чой дамлаб келаман,— деб чойнакни олиб уйдан чиқиб кетди. У чой дамлаб киргунча жўрам билан иккимиз майнэ, қандалатни пок-покиза шипириб қўйган эдик...

Оёғим тузалиши чўзилиб кетди. Кечалари унча билинмасди, кундузлари жуда зерикардим. Маҳалладаги шовқин-сурон уйимиздан яққол эшитилиб турарди. Кунларнинг бирида, кўчада келаётган қаландарлар овози қулоғимга чалинди.

«Менам девонаий Машраб, жаҳон бирла ишим борму, ё обло дўст, ё обло, ҳақ дўст ё обло...»

Қаландарлар турли-туман бўларди. Қашқарлик қаландарларнинг шавқ-завқи баланд бўларди. Улар са-

фойиларини жаранглатиб, Машраб газалларини қўшиқ қилиб ўйинга тушганларида, оломонни мафтун қилиб қўярдилар. Мен қашқарлик қаландарларнинг хонишнин эшитиб бозовта бўлдим. Кўчага юргум келди, ўрнимдан аранг туриб, авайлаб қадам ташлаб ҳовли юзига тушдим. Ҳаво очиқ. Қорлар эриб, ер лой бўлиб кетган эди. Қўрқиб битта-битта қадамлай бошладим. Болдирим бир оз тортишиб ачишса-да, илгаригидек оғримасди. Қийналиб-қийналиб беш-олти қадам босганимдан сўнг қувончимни ичимга сифдиролмасдан онамни чақира бошлидим:

— Она! Онажон!.. Оёғим юряпти... Мана-мана, ишон-масангиз кўринг! Оғримаяпти...

Онам молхонада сигирга терт қориб турган экан, ҳовлиқиб югуриб чиқди: «Ҳай, ҳай, юрма, йиқиласан», деди. Мен бўлсам: «Йиқилмайман, мана юряпман, кўринг», деб бу гал дадилланиб қадам ташлай бошладим. Онамнинг меҳри товланиб мени бағрига босди. Мен қашқарликлар ўйинини томоша қилиш учун кўчага чиқаман, деб қийиклик қилдим. Онам кўнмай, мени жойимга ётқизиб қўйди.

Орадан кўп ўтмай оёғим тузалди. Одатдагидек эрта билан туриб акам Ашурмат амакимнинг темирчилик устахонасига, мен эса Адолат опамни кутмасдан мактабимга йўл олардим.

Мактабим шундай қаландархона орқасида. Отин бувимизникига катта кўчадан ташқари ҳовлига кириб, ундан бир тоқалик эшик орқали ичкарига кириларди. Ҳовли кенг бўлса-да, дарахт зотидан биргина азим тут бор. Ёз кунлари, айниқса саратон ойларида бу ҳовли хумдондек қизииди. Биз терлаб-пишиб, кунга тескари айвонда ўтиришиб сабогимизни ўқирдик. Куз келиб ҳаво совий бошлиши билан гўрдек чуқур, қоронги бир уйга кириб олардик. Гуваладек қалашиб, ўз ҳовримизга ўзимиз «исиниб», титраб-қақшаб, дилдирашиб не ҳасратда қишини

ўтказардик. Тұғри, хонанинг ўртасида номига бир сандал бўларди. Унинг устига каноп қопдан қопланган зил-замбиль кўрпа ёниглиқ турарди. Ўқувчилар бағриларни танчага бериб, ўз тап ҳароратлари билан бу совуқ танчани илитишар ва шу зайлда азоб чекиб сабоқ олишарди.

Отиң бувимизнинг уч ўғли бор эди. Энг кичиги тўрт яшар Камолжон эрка ва ўта инжиқ эди. Қачон кўрманг ойисининг пинжида. Ҳатто отин буви болаларга сабоқ берадётган пайтларда ҳам унинг тиззасига чиқиб, чақалоқ сингари онасининг кўкрагини сўради. Қиз болаларнику билмайман, аммо унинг бу қилиги менинг ғашимга тегарди. Яна бунинг устига Камолжон мишиқи эди. Бурни дойим оқиб турар, ўзи у ёқда турсин, ҳатто отин бувимиз ҳам ўғлининг бурнини артиб қўймасди. Шунинг натижаси бўлса керак, боланинг бурни атрофи лавлагидек қизарив ем бўлиб кетганди.

Мактабда кўпчилик ўқувчи қизлар бўлиб, ўғил болалардан жияним Мелижон билан тенгқурим Оқиул жўрам ўқирди. Қизчалар бир калима сўэни ҳадеб ҳижжалайвериб зерикканларидан дарс пайтларида ҳам қўғирчоқ ўйнаб ўтиришарди. Биз ўғил болалар ўйин тополмаганимиздан қизларга тегажаклиқ қиласидик. Кунлардан бир кун қўғирчоқ ўйнаб ўтирган Меҳри билан Хосият орасига хира пашшадек суқилдим. Хосият лабини буруштириб, мушукдек юзимга чангаль солди. Жоним ачиб кўзимдан ёш чиқиб кетди.

— Отин бувимга чақаман! — дедим, қўрқсан олдин мушт кўтарар қабилида.— Тўпингни (копток) менга берасанми, йўқми?

Хосият мени менсимас, ҳатто кимга гапиряпсан ҳам демасди. Мен тимдаланиб анишаётган бетимга енгимни босиб, унга юқаётган қонга қараб-қараб қўядим.

Хосиятнинг коптогига ишқим тушиб қолганди. Пахта-

ни думалоқ қилиб, устига күк, қызыл ипакдан түр соли-
ниб тикилган бу копток шундай чиройлы әдикі, уни
йұнаш әмас, құлда құтариб томоша қилиб юрса
арзирди.

Биз мактабдан қайтгана катта құчани бошимизга
құтариб «тұпчоқ» үйнардик. Бизнинг тұпимиз подадаги
сигирлардан юлиб-юлқиб олғаниміз жундан думалоқ
қилиб ясалған бұларды, у жуда юмшоқ, отганимізда
узоққа кетмасди. Хосиятнинг тұпні бұлса анордек қаттиқ,
резинка тұпдек ҳавога сакрарди. Нима қилиб бұлса ҳам,
у тұпні құлға киритиш керак, деб хаёл сурардим. Хосият
ёввойи мушукдек жангари! У осонликча тұпнини менга бе-
ра қолмас! Шундай бұлса ҳам мен: «Тұпнингни яхшилик-
ча берасанми-бермайсанми, Хосият! Бўлмаса, отин бу-
вига чақаман,— дедим. Хосият бұлса бепарво, ўзи-
ни эшитмаганга солиб Мехри билап гаплашиб үтира-
верди.

— Бундан бошқа яна үйда катта құғирчоғым бор.

— Менға ҳам күрсатасанми,— деб Хосиятга ёлворар-
ди, мовий кўзларини сузид Мехри.

— Бизникига борсанг, күрсатарман.

— Бирга бориб ойимдан сўрайлиқ.. Йўқ дема, жоп
дугонажон... Ке, хўб дея қол, борасанми?— ялиниб-ёлво-
рарди Мехри.

Хосиятнинг қўрслиги ғашимни келтирди.

— Шунга ялиниб үтирасанми, Мехри, ойингдан сў-
рамасдан борсанг нима бўпти? Қўрқсанг, мен бирга бо-
ра қолай.

— Мехри сенга ўхшаб ўзбошимча әмас!— қошларини
чимириб, мени чақиб олди Хосият.

— Ким ўзбошимча!— қўлидаги тұпга чангал солдим
мен.

Икки қыз бир томон, мен бир томон тортишув бош-
ланди. Орада қўғирчоқ синиб, «ҳафтияқ» йиртилди. Ҳа-

зил зилга айланди. Хосият дод күтарди Қитобининг йиртилгани варағини қўлида тутиб юм-юм йиғлар экан:

— Тўлаб берасан, зиндача! Ҳафтиягимни тўлаб бермай кўр-чи!— дея бақириб ҳамманинг эътиборини ўзига тортди.

Халфамиз Адолат опа можаронинг сабабини текшириб турганида отин бувимиз кириб келди. У, айб қизларда эмас, мендалигиши аниқ билгандан сўнг:

— Қизларга азоб беришдан бошқа ўйин тополмадингми, шумтака!— дея мени ғадаблай бошлади.

— Бўлмаса дарс вақтида нега Хосиятингиз қўғирчоқ ўйнаб ўтиради,— дедим бўш келмасдан мөн ҳам. Ўзими оқлаш баҳонасида синиқ қўғирчоқни отин бувимга узатдим.

— Дарс вақтида қўғирчоқ ўйнаманглар, демабмидим сенларга!

— Биз қўғирчоқ ўйнаганимиз йўқ!— деди кўз ёшларини артиб Хосият.

— Бу қўғирчоқ меникими бўлмаса?— Хосиятнинг елкасига секин туртди отин бувим.

Хосият юм-юм йиғлар, мен эса отин бувим қаршисида гўё гуноҳсиз гуноҳкордек тик турадим. Шу пайт баҳтимга отин бувимнинг катта ўғли қандайдир меҳмон келганини хабар қилди.

— Учаласини ҳам «озод»дан кейин олиб қол!— халласига фармош берди отин буви. Сўнг кета туриб:— Ана-вий газандага эҳтиёт бўл!— деб қўшиб қўйди.

Қизлар хор бўлишиб:— Газанда! Газанда!— дея мени майна қила бошладилар...

Халфа «нонхўрак» эълон қилди. Қизлар чувуллашиб ўринларидан туриб, китоб жилдига солиб қўйган нонларини олишиб ҳовлига чопиб чиқишиди. Хосият ҳамон йиғлаб ўтиради. Қизларнинг: «Қўй, йиғлама, биз Назир га-

занданинг жазосини берамиз», деган гаплари қулогимга чалишиб қолди.

Газанда деганлари ҳолва-ку, улар менга қанақа жазо бермоқчилар?.. Юрагимга андак ваҳима тушди. Юзимни тимдалаб қонатгани эсимга тушгач:— Нега мен бетим тимдаланган жойини отин бувимга кўрсатмадим?— дедим. Агар қизларни озод қилиб, мени олиб қолиб жазо берадиган бўлсалар, қараб ўтирасман. «Хосиятингиз ёввойи мушук! Қаранг, мана, юзимни қандай юлиб ташлади!» деб даъво қилишни ўйлаб тургандим, қизлар устимга ёпирилиб келиб қолишиди. Олатўғаноқ чумчуққа қандай човут солса, қизлар ҳам менга шундай човут солишиди. Улар тўрт томондан турткилаб, юмдалаб, «ҳафтияк»ини тўлаб бермай кўр-чи, деб мени талай бошладилар.

— Ўғил бола бўлиб нега қиз болага тегасан, қўлинг сингур!

— Қиз бола сани тенгингми!

— Қандақа ўғил бола бу? Ўғил бола бўлса кокил қўярмиди!

Қизлар мени қуршовдан чиқиб кетишингма йўл қўйиншисади. Билмадим, қайси бир қиз кокилимдан ушлаб шундай қаттиқ силкиб тортини, бошим «чим» этиб, кўзимдан ўт чиқиб кетди. Шундан сўнг мен ҳам қараб турмадим. Ўзимни мудофаа қилиш учун ҳужумга ўтдим. Қизлар бўш келмади. Кўплашиб тортқилаб йиқитишиди. Бирри қулогимдан, бири кокилимдан тортиб адабимни беришиди. Мен додлаб йиглардим. Кимдир ёрдамга келиб мени ажратиб олди. Мен бўлсан аламимга чидаёлмай, кимдан ўч олишимни билмасдим. Мен бир ўзим, қизлар бўлса бир талай. Бирнга, иккисига бас келарман, кўпчиликка бас келиш қийин. Бир гала қалдиргоч ҳавода учиб мушукни талаганларидек, қизлар ҳам мени урибтуртиб қочишарди. Ҳар қачон мен билан ҳамдам бўлиб

келган Оқил жұрам шундай пайтда ғойиб бўлиб қолганидан беҳад танг әдим. Жияним Мелижон бўлса қуен-дек жунжикиб, девор тагига биқинниб, нон кавшаб турарди.

Бу воқеадан хабар топган ҳалфа, қизларни койиб ҳайдаб юборди. Шунда менинг ҳүрлигим келиб йиғладим. Одатдагидек, Адолат опа бошим, сочимни силаб эркалади. Йингламасам, қизлар билан бўлган можарони онамга айтмасликка, болаларни озод қилиш билан менга ҳам жавоб бериб юборишга ваъда қилди. Шундан сўнг мен йиғидан тўхтадим.

Қизлар кенг ҳовлини бошларига кўтариб, шовқин-сурон билан бир-бирларини қувлашарди. Саккиз чоғлиқ қиз билан Мехри тут тагида тўп ўйнар, бошқа бир тўда қизлар енгларини шимариб, кўйлаклари барини липала-рига қистириб олиб сакраб, ер тепиниб галма-галига қўшиқ айтишарди.

«Жаҳида қўшиқ чиқибди,
Беҳуда қўшиқ чиқибди.
Мен киймаган согона,
Қўзича баҳмал чиқибди!

Жаҳида-ҳу,
Жаҳида-ҳу.
Жаҳида! Жаҳида! Жаҳида!»

Нонхўрак-тушлик давом этарди. Бор борича, йўқ ҳолича, ҳар ким ўз-ўзини «зиёфат» қиласади. Бирор уйидан олиб келгани ўрик қоқисини мужиб, данагини тишида чақса, бошқа бирори шошилмасдан ўрик қоқини мужиб, данагини йиғар, сўнг тош билан чақиб нонига қўшиб ер эди.

Менга яқин ўтирган Муслима деган пучуқ қиз қайнадек чандир қовун қоқини зўр-базўр тишида узиб чайнар,

жаги толиб, кавшашдан түхтаб қоларди. Чанқаган қизлар пақирга түлдириб қўйилган лойқа ариқ сувидан энтикиб-энтикиб коса-коса ичишар, яна ёв қувлагандек, чопа-чопа ўйинга берилиб кетишарди. Мен ҳеч кимга қўшилмасдан айвон устунига суюниб тунд ўтирадим. Муслиманинг ҳафсала билан қовун қоқи чайнашини қўриб, оғзим сув очиб кетди. Қорним очганини сезиб китоб жилтимдаги яримта нонни олдим. Нонни олдиму, Оқил жўрам эсимга тушди. Оқил иккимиз жуда қалин дўст эдик. Бир майиз топилса икки бўлиб ер эдик.. Нега бугун Оқил жўрам мактабга келмади экан?.. У бўлганда қизлар мени бунчалик яккалаб қўймаган бўларди. Үндей десам Оқил жўрам ҳар нарсага ўзини уравермайди. Қизларга ҳам тегажаклик қилмайди. Ўзи буғдой ранг, қўй кўз, оғир табиатли, дўмбоққина бола. Яримта ноними ни ушатдиму, Оқил жўрам эсимга тушиб томогимдан ўтмади...

Нонхўрак тугаб қизлар чопа-чопа айвонга киришди. Мен ҳам бўйнимни эгиб ўз жойимга бориб ўтирдим. Бирор «ҳафтияқ», бирор «чоркитоб», бирор «Сўфи Оллоёр» китобини очиб, ҳар ким ўз ҳолича ўқий бошлади. Қўйсини отли бўйи етиб қолган қиз қўнғироқдек овозини баланд қўйиб:

«Беҳишт дўзах талошир,
Талошмоқда баён бор.
Беҳишт айтур мен ортиқ,
Менда ҳуру гиммон бор.

Дўзах айтур меш ортиқ,
Менда илон-чаён бор,

— дея қорилар сингари ёддан ўқирди. Хосият бўлса: «Инно аътойно кал-ковсар, инно аътойно кал-ковсар», деб овози борича бақириб, ўзини кўрсатмоқчи... Мен

«Қулъё»ни аллақачоплар ёдлаб олгандим. Бироқ ўша топда машқим паст бўлгани учун завқ-шавқсиз минғиллаб ўқиб ўтиравердим.

Менинг бутун хаёлим болалар озод қилингандан сўнг менга бериладиган жазода эди. Балки ҳалфа Адолат опам ўз сўзи устидан чиқиб мени олиб қолмас, отин бувимдан гуноҳимни сўраб олгандир. Ўзимга-ўзим тасалли берсам ҳам юрагимга жойлашиб олган ваҳимани тарқата олмасдим. Шу вақт ҳалфа келиб: «Ҳаммаларнинг китобларингни ёпиб, жилдларингизга солинглар!»— деди. Ҳалфамиз амри дарҳол бажо келтирилди. Елгиз мен эмас, ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам Адолат опа нима демоқчи эканлигини биларди. Ҳар пайшанба куни отин бувимиз хонадонида «уй кўтариш» бўларди. Гарчи ҳар кун деярли озод бўлиш олдида мактабхона ва ҳовли юзини ёғ тўйилса ялагудек қилиб супуриб, сув сепиб кетсанк ҳам, ҳар пайшанба куни, албатта «катта ҳашар» қилинарди. «Ҳовли кўтариш» ҳашарида ҳар бир ўқувчнинг тайинлик иши бўларди. Ҳали жаҳолат пардаси—пранжи бошига тушмаган ёш қизчалар кўчанинг нариги бетидаги ариқдан пақирлаб сув ташишар, бўйи етиб қолган қизлар, ҳовли супуриб, сув сепишар, уй йигиштириб, қозон-товоқларни қатрон қилишарди. Бирор кўнгил бериб ишласа, бошқа бирор шунчаки қимиirlаб вақт ўтказарди. Мен айниқса шу кун жонимни жабборга бериб иш қилдим. «Гуноҳимни» нима биландир ювишли жуда жуда истар эдим. Хосият олдида тиз чўкиб тавба қилиб эмас, балки отин бувимга яхши хизмат қилиб, унинг Эътиборини ўзимга тортиш йўли билан ўзимни оқламоқчи бўлардим. Югурнишда биронта қиз менга бас келолмасди. Икки қиз бир пақирнинг балдоғидан тутиб сув ташиса, мен ёлғиз ўзим бир пақирни кўтариб сув таширдим. Қизлар ариққа бир бориб келгунларича, мен икки бориб келардим. Баъзи бир қизлар, айниқса Хосият билан Мехри

мен билан баҳлашмоқчи бўлишди. Бир пақирни иккι
киши кўтариб чопиш ноқулай бўлар экан, чайқалиб тў-
килиб, пақирда ярим сув ҳам қолмас экан. Бунинг устига
Хосият Қўйсинг опадан: «Сув ташийдиган бўлсаларинг
пақирни тўлдириб келинглар. Эрмак қилиб ўтиришга
вақтимиз йўқ. Жума оқшоми тезроқ уйга боришимиз
керак»,— деб танбеҳ ҳам эшишиб олди. Шундан кейин
Хосият бир пақир сувни ўзи кўтариб, мен билан чопиш-
моқчи бўлди. Чопиб кела туриб дўмболоқ ошибб йиқилди.
Уст-боши, афт-ангари лой-тупроққа беланиб, хўб кулги
бўлди.

«Уй кўтариш» тугади. Халфа ҳаммани тўплаб қилинг-
ган ишга баҳо бериб чиқди. Бирорларни мақтаб, би-
ровнинг ишини ерга уриб гапирди. Ҳаммасидан ҳам:
«Қизлар! Югуриб-елиб ишлашин Назирқулдан ўрганинг-
лар!» дегани менга майдек ёқиб кетган эди.

Ер остидан Хосиятга кўз қиримни ташладим. Хосият
лаб-лунжини осилтириб менга қараб турган экан, тили-
ни чиқазиб калака қилди. Мен, «қараб тур, адабингни
бериб қўярман, сени!» деган маънода муштимни туғиб,
секин унга кўрсатдим. Шу пайт халфа «озод» эълон қил-
ди. Қизлар қафасдан бўшатилган қушдек, дарвозахона
томон отилишди. Лекин мендан бўлак биронтаси ҳам
дарвозадан биринчи бўлиб чиқиб кетолмади.

ДАСТЛАБКИ САБОҚЛАР

Күз ойининг қайси бир куни эди, отин бувим мени ҳуэурига чақириб: «Эртага жума, жумадан кейин қайси кун келади?» деб савол берди. Мен жумани олиб кела-диган пайшанба ва жумани олиб кетадиган шанбани яхши билардим. Шунинг учун қийналиб ўтирасдан: «Эртадан кейин шанба», деб қўя қолдим.

Отин бувим:

— Баракалла-баракалла, ақлли бола. Сендан одам чиқади... Биласанми Назирқул,— деди кўзимга тикилиб,— ҳозир тўғри уйларингга боргин-да, онангта айт: шанба куни эрта билан отин бувимни олдиларига бориб келар экансиз. Сизга айтадиган гаплари бор экан, дегин. Тушундингми?

— Тушундим.

Шу заҳотиёқ уйга қараб югурдим. Шундай чопгандимки, ўпкам шишиб, сўзимни айтишга қийналардим:

— Оначи... жума ўтиб...

— Ҳа, нега мунча ҳансирайсан! Ёв қувладими, болам... Ўтир-ўтир! Нафасингни ростлаб ол!— дер эди менни қўлимдан ушлаб онам.

— Она! Шанба куни... эрталаб... отин бувимларни... олдиларига... борармишсиз.

— Нима ишлари бор экан, менга?

- Билолмадим, уҳ... уҳ...
- Сўрамадингми?
- Сўрамадим... менга айтармидилар. Узингизга айтадиган гаплари бормиш.
- Нима бало, яна қизларга тегажаклик қилдингми?
- Тегажаклик қилган бўлсанм ўрай агар...
- Бўпти, яна иш орттирган бўлсанг майлига, сабогингни тайёрлаганинг?..
- Ҳа. Отин бувим, сендан одам чиқади... яхши боласан, Назиркул, дедилар.
- Ростданми?— юзидағи ташвиш ўрнида табассум жилва қилди.
- Ёмонлик қилганимда отин бувим мени мақтармидилар?
- Мақтаган бўлсалар яхши-я. Яхши ўқисанг, одобли бола бўлсанг ўзингга яхши. Ёмон бўлсанг, ким кўринингдан дакки ейсан! Ота-онасига лаънат дейиш қаёқдаю, бу болани ўстирган ота-онасига раҳмат дейиш қаёқда?.. Сенингча қайси бири яхши?
- Лаънат ёмон! Раҳмат албатта яхши-да!
- Баракалла ўғлим. Жилтингни михга илгин-да, косада шовла бор, еб ола қол.
- Қулоғим онамда бўлса-да, кўзим қаландархонанинг азamat дараҳтлари шохид. Томдан қўшнимиз Миррашиднинг овози эшитилди:
- Шамол!.. Хотининг ўлди, кетмонингни олиб югурр!
- Қорним оч. Ақли ҳушим варракда. Шу пайт эшикдан Оқил жўрам кириб келди. Кун салқин бўлса-да, одатдагича жўрамнинг усти юпун, яланг оёқ. Мен унга «имоишора» билан овозингни чиқарма, онам бор деган эдим. Оқил ҳайрон бўлиб атрофга аланг-жаланг қараб қўйди. Онамнинг кўзини шамғалат қилиш пайида эдим. Секин ошхонага кириб варрагимни олдим. Одатдагича тандиримиз устидан томга чиқиш хавфли. Онам сезиб қолса

варракни тортиб олиб, шовлани ейишга мажбур қилади. Бунга ҳам күниш мұмынду, аммо: «Шамол бұлмаса варрак үлгур учармишми! Бола бўлиб сенинг ҳам онанға фойданг тегса-чи!» деб бирон ишга боғлаб қўйса нима қиламан? Оқил жўрамни эргаштириб, секин кўчага йўл олдим. Болалар томлардан туриб: «Шамол! Хотининг ўлди, кетмонингни олиб югур!» деб бақиришарди.

Бизнинг томларимиз қўшнимизнинг томларига туташган. Ҳар иккала ҳовли ҳам ичкари-ташқарилик бўлиб, том деган нарса сероб. Варрак учириш учун майдон Қанча кенг бўлса шунча яхши-да. Маҳалламиздаги варракбоз болаларнинг ҳаммаси том тепасида. Бири қўйиб, бири қийқиришар, шамолни чорлашарди. Биз томга чиқиб олдик. Шамолдан дарак йўқ. Шундай бўлса ҳам варрагимни Оқил жўрамга тутқазиб, кун ботишга қараб олиб қочдим. Варрак бир кўтарилиди-ю, сўнг учмасдан пастга тушди... Кўнглим ғаш. Кўзимиз дараҳтлариниг шохида.

— Чақир! Шамолни чақирсанг-чи, Назир! — деб бақириди Оқил жўрам.

— Овозингни ўчири! Секин! — деб ўртоғимни туртдим.

— Нега? — қўрқа-писа секин сўради у.

— Онам эшитса вима бўлади?. Иккимизнинг ҳам таъзиrimизни беради-я! Отимни атама! Үзинг қичқира-вер!. Чакир, нега жим турибсан! Сени овозингни танимайди.

Жўрам штоаткорлик билан бақира бошлади: Шамол! Хотининг ўлди, кетмонингни олиб чоп!..

— Ана, қайрағоч тепаси қимиirlаяпти,— қувонганимдан ихтиёрсиз бақириб юбордим мен.

— Үзинг ҳам бақирма-да,— менга танбеҳ берди ўртоғим кўзини дараҳтдан узмай,—кўрдингми, мен чақирмасам шамол йўлга тушмас экан.

— Ушлай — варракни ўртоғимга тутқиздим! — Чоп, томининг париги бошига бор. Қўшинимизнинг томига!

Оқил жўрам чопа-чопа томиниг одоғига бориб варракни ушлаб турди. «Қўйвор» дедим, у варракни ҳавога отди. Мен олиб қочдим. Бир кўтарилидни-ю, яна пастлаб томга тушди. Ҳавсалам пир бўлиб жўрамдан ўпкаладим:

— Оқил чақирмаса шамол йўлга тушмас эмиш! Махтан-э... маҳтаниб кол!

— Маҳтансам-маҳтанимасам шамол йўлга чиқди,—деди Оқил жўрам.— Ишонмайсанми?.. Дараҳтнинг бошига қара. Қимиrlаяптими?..

— Қимиrlаяпти-ю...

— Ҳа, шамол бўлмаса дараҳтнинг учи ҳеч қачон қимиrlамайди... Биз унинг қулоғига хунук хабар етказдик. Хотини ўлганини эшитиб гангид қолди. Ҳозир у йўлда. Лекин хотини қаёқда, билмайди шўрлик. Шунинг учун у бир кун чиқишига, бир кун ботишга қараб югуради. Шу гапни эшитганмисан?— юзимга тикилиб савол берди Оқил.

— Сен ўзинг эшитганмисан?

— Эшитганман.

— Кимдан?

— Дадамдан эшитганман. Кўрдинг-ку, шамол ҳам одамга ўхшайди. Хотини ўлганини билиб йўлга чиқди. Лекин унинг хотини қаерда? Буни биз ҳам билмаймиз-ку, ахир! Бечора шамол у ёққа-бу ёққа югуриб-елиб чарчагунча ҳар куни биз варрагимизни учирив олар эдик. Кеча шамол кун ботишдан кун чиқишига томон юргурганди. Балки у кун чиқишида 1ұнаб қолгандир-а, жўра?

Оқил жўрам айтгани келди. Дараҳтларнинг боши кун ботиш томонига эгилиб қимиrlай бошлади. Варракни учирив эдик, ҳайн-наш дегунча «булут» орасига кирди кетди. Рашиднинг варраги қаландархона тутига шоҳ уриб йиқилди. У аламига чидамасдан йиғлаб, сўкинарди. Менинр

варрагим бўлса қимир этмай, гўё менга осмондан салом йўллаётгандек ғўнфилларди. Қувончимни ичимга сиғди-ролмасдан варрагимга мадҳиялар тўқир эдим:

Ўзим қилган сетарча-ю,
Булутга торг, булутга!

Шамол пастда сезилмас эди. Варрагимнинг борган сари юқорига кўтарилишидан шамол жуда баландда эканлиги маълум бўлди. Мен ҳам қўрқмасдан ипни қўйиб бердим. Катталиги тўрт бурчак патнисдек кела-диган варрагим ҳисоб дафтарнинг бир бетидек кўринарди. Оқил жўрам иккимиз ўзимизда йўқ хурсандмиз. Мен «ўзим қилган сетарчани» қўшиқ қилиб айтиб, кўзим варракда бўлиб, орқам билан юриб бораверибман. Орқа-га ташлаган сўнгги қадамим томга эмас, том одоги бўш-лиққа тушиб қулаб тушибман...

Кўчада одамларчувуллашар, менинг эса кўйлагим тўсин учига илиниб қолипти, ҳавода осилиб қолибман.

Үйнинг таги лиқ одам. Ҳамманинг қўли мен томон, юқорига узатилган.

— Қимирлама!

— Биронтанг ирғиб томга чиқ!

— Мўминжон кетди.

— Назирқул, қўрқма. Хайрият кўйлагинг оҳорлик экан....

Онамнинг товуши эшитилди. Одамлар унга тасалли бериб:— Роҳат опа! Йиғламанг, бола қўрқмасин... Ана, Мўминжон томга чиқди...

— Кўйлагига тегма. Оёғингни тўсинга қўй!..

— Мўминжон, тўхта! Умрзоқ! Сен тўнингни еч!.. Эҳ-тиётдан тўнни остига тутинглар!

Мен эса болохонанинг ташқарисига чиқиб қолган тў-син учига илинган кўйлагим этагига осилганча ётардим.

Кўплашиб мени ўлимдан қутқазиб олишиди.

Онам мени койишни ҳам, эркалашни ҳам билмасди. У қўлимдан ушлаб дарвозамиз томон етаклар экан, кимдири

— Роҳат опа, койиманг. Узи бўлганча бўлди. Бундан кейин томга ўйлашиб чиқади,— деганини эшитиб варрагим эсимга тушди. Сўрай десам ойимдан қўрқдим. Кейинчалик билсам, томдан йиқилишим билан қўлимдан чиқиб кетган варрагимни Дунгкўприк болалари «тала-тала» қилиб кетган эканлар.

Жума ўтди. Шанба куни онам билан мактабга бордик. Бироқ онам мактабдан хафа бўлиб қайтди... Эмиш, бўйим ўсиб, катта бўп қолибман, ёшим тўққизга етибди. Қизлар билан бирга ўқиш номувофиқмиш. Ўқишга қобилиятли бўлганим учун мени ўғил болалар мактабига бериш керак эмиш...

Онам мени ўқитмоқчи. Дадам бўлса:— Сафарнинг қорни муллоликдан тўйгани йўқ! Ўқиб мулла бўлганда мачитга сўфи бўладими?.. Кераги йўқ! Ҳунар ўргансин!— деб бақириб берди. Лекин онам ўз айтганини қилди. Бир тандир нон ёпиб, устига бир кийимлик оқ сурп қўйинб, мени маҳалла мачитидаги мактабга олиб борди:

— Тақсир, қулваҷчангизнинг эти сизники, суяги меники,— деди.

Орадан сал вақт ўтмасдан Оқил жўрамнинг онаси ҳам бошига баркаш қўйиб паранжида мачит дарвозасидан кириб келди. Қизлар мактабида Оқилни ҳам сифдиришмабди.

Шундай қилиб, Оқил билан бир мактабда ўқий бошлидик. Отин бувимиз нечоғлик мулоийм ва меҳрибон бўлса, янги домламиз шунча баджаҳл, мулла миртажанг экан. Бўлар бўлмас «гуноҳ»учун фалаққа тортавериб, бола бечораларнинг инка-тинкасини қуритаркан.

Мактаб шароити отин бувиникидан ёмон бўлса борки, яхши эмасди. Ҳар икки ҳафтада бўйра пули, уч-тўрт

ойда палос пули түлаб турсак ҳам, түшагимиз зигир похол эди. Үн бир ёғочлик бир уйда олтмиш-етмиш бола сиқилишиб ўтирадрдик. Қоида бўйича ҳар куни эрта билан чойдан сўнг мактабга бориб, пешин намозни жамоат билан мачитда ўқиб уйга қайтардик.

Ҳар бир янги сабоқ, масалан ҳафтияк ёки қуръоннинг бир сурасидан иккинчи сурасига ўтиш «катта воқеа» ҳисобланарди. Шундай ҳолларда мактаб боласи домлага «озодлик» овқат, нон олиб келиши одат тусига кириб қолганди. Бундан ташқари, бирон муллавачча «ҳафтияк» дан «қуръон»га ёким «чоркитоб» ва ё «Хўжа Ҳофиз»га тушадиган бўлса, албатта домла бошлиқ ҳалфаси ва пешқадам шогирдларни чорлаб зиёфат бериши, домлага бош-оёқ сарполар қилиши лозим эди.

Лекин бундай тантанага ҳамманинг ҳам қурби етавермасди. Йўқчилик доним йўлдоши бўлиб келган фақир кишилар бундай орзу-ҳавасни фақат тушларида кўришлари мумкин эди, холос. «Берган худога ёқибди» деганларидек, бой, ўзига тўқ оиласарнинг бу ерда ҳам ошиқлари олчи эди. Бойваччалар деярли ҳар куни домланинг оғзини «мойлаб» турғанлари учун сабоқдан сабоқга кўчмаган ҳафталари кам бўларди. Домла уларга кўпроқ эътибор берар, шу сабабдан улар тезроқ саводхон бўлиб чиқиб кетаверар, йўқсил болалари ҳафтияк йиртиб, нарига ўта олмасди. «Озодлик» олиб келмагунча у янги сурага кўча олмасди.

Халқимизда: «Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин!» деган киноявий бир мақол бор. Бизнинг диний мактабларда бойваччаларнинг айтганилари айтган, деганлари деган, домланинг жилови шуларнинг қўлида эди. Шу зайлда бадавлат кишиларнинг болалари ўн бешида бош бўлиб олса, йўқсил-камбағалнинг болалари ёни етса ҳам иши ўнгмасди. Умид-орзулар билан бешолти йил мактабга қатнаб олган «ilm»лари беш вақт

намозда ўқиладиган бир неча сурга ва ояллардан нари утмасди.

Маҳаллада бирон касалнинг ҳоли оғирлашиб қолган чоқларда «чилёсин» қилиш учун домла таклиф қилинарди. Касални ўлимдан «олиб қолиш» учун узундан-узоқ «ёсси» сурасини қирқ маротаба қайтариб ўқиш керак... Ана шундай «чилёсин» маросимларига домла ўзинга яқин кўрган пешқадам шогирдларни олиб борарди. Ҳоли оғирлашиб қолган бечора касалманд тез орада вафот этиб қолгудек бўлса: «Чилёсин» зўр бўлади. Ана дарров айирди-кўйди, ўладиган касалнинг ўлгани яхши, уйдагиларни тингани яхши», дейишарди.

Домламиз беҳад раҳмисиз одам эди. «Хирс мулло мешавад аззарб чўп» деган гапга эътиқод қилганиданми, ҳарқалай болаларни чўп зарби билан мулла қилиш мумкин, деб биларди.

Бўйра пули, кигиз пули, кўмир пули, янги сабоққа тушганда «озодлик» пайшанбаликни ўз вақтида олиб келмаган ўқувчилар албатта калтакланарди. Ҳамид билан укаси Оқил, Сидиқ деганлар билан мактабдош эдим. Бу учала боланинг калтак емаган куни бўлмасди.

Домла эрталаб дарсхонага кирадиганда «пешқадам, сахий» бойваччаларни ҳузурига чақириб сабоқларини тишглар ва улар келтирган мукофотни ипакдек ешилиб қабул қилгач, ҳақларига дуо қилиб, янги сабоққа туширапди.

Мактаббачалардан бир бойвачча домлани калака қиласди. Домла сабоқни текшириш учун уни олдинга чақиргандা, қув бойвачча ўз чўнтағига қўлинни солиб ковлаштирас, ҳадеганда пул чиқавермас, домла эса кафтини қашиб: «Қўлим бекорга қичимайди-да, бойвачча!» деб ўз қўлинни ўзи қайта-қайта ўлиб, қош-кўзига суртарди.

Пулни олгандан кейин кўнгли жойига тушар, хотири жам бўлиб, бойваччанинг ота-онаси ҳақига, ўлиб кетган

момоси арвоҳига бағишилаб узундан-узоқ дуо ўқирди. Бизларни ҳам дуога қўл кўтартираарди. Ҳалфа мулла Ибродимга домла уқтираарди:

— Шогирдларингизга тушунтириинг, ҳалфа, мулло бойваччадан ибрат олсинлар! Юз сиз-биздан, бир жизбиз афзал. Буни улар ҳам ота-оналарига тушунтирсинглар-да, ахир!

Навбат Ҳамид билан укасига келганда домламизнинг юз-кўзидағи қувонч сўниб, гўё чарақлаб турган хонани қора булат қоплаб олгандек туюларди. Болаларнинг ҳам қовоқлари осилиб қоларди. Бечора Ҳамид билан укаси сичқон уясини минг тангага ижара олишга ҳам тайёр эди. Начора, бекинишга жой, ҳимоя қилишга биронта мард топилмасди. Иккови калтакдан беziллаб аянч бир ҳолда қалтирас, жиққа ёшга тўлган кўзларини жавдиратиб, имдод сўрагандек бизларга термилишиб турганларида, ногаҳоний «адаб чўп» уларнинг бошларига тушиб қоларди.

Биз бу даҳшатдан юрагимиз чиқиб,чуввос кўтариб, сабогимизни ўқирдик. Домла ака-укаларни қўйиб, бизни, бизни қўйиб ака-укаларни савалаб кетарди...

Шуниси қизиқки, Ҳамидинг калтакка бардоши беҳад зўр эди. Қанча калтак емасин, чурқ этмай бўзрайганча тураверарди. Бу «безбетлик» домланинг баттар газабини орттираарди.

Домланинг фармойиши билан Ҳамидинг тўйлари устидан ёчиб олинди (калтак ўтмасин деб уч-тўрт қават тўн кийиб келар экан), бўй-басти Ҳамидга бир яримта келадиган бўз болага Ҳамидни опичлатиб, икки қўлини маҳкам ушлатиб, чунон саваладики, қўшчи гавронидек алаб чўп синиб, майда-майда бўлиб кетди. Ибродим ҳалфа: «Тавба қилдим десанг-чи, падар қусур», деб жабрдийдага дағдага қилса ҳам, Ҳамид «чурқ» этмади. Калтак зўр чиқди, ниҳоят эси оғиб йиқилди.

Кўп ўтмай яна шунақа бир ҳодиса рўй берди.

Жавзаки ўрик пишиб, бодиринг эндингина чиққан. Топган гул, топмаган бир боғ пиёз, деганларидек, боғи бор болалар олтиндек сап-сариқ жавзаки ўрикни баркашга солиб, энди ранг олган қизил оличани новдага тизиб домлага олиб келишарди. Бир кун мен ҳам шундай қилдим. Совғам домлага манзур бўлмади шекилли, у афтини буруштириб:

— Бундан бошқа нарса тополмадингми!— деб совғамни рад қилди. Ўртоқларим олдида ўзимни яширгани жой тополмай қолдим.

Мактабдошларим орасида камбағалларнинг камбағали Сафар деган бола эди. У жиккак, чопофон, читтакдек чаққон бўлгани учун болалар унга Сафар чиканак лақаби беришганди. Сафарнинг зеҳни тез, халфа берган сабоқни бирпасда ёдлаб қўярди.

Сафар чиканакнинг дадаси Файзи ота эски-туски шолкигиздан тўқим, ёпиқ, қоринбог тикиб рўзгор тебратадиган бечораҳол камбағал одам. Унинг бир эмас, тўрт ўғли бўлса ҳам, улар ҳали ёш, «ноннинг заволи» эдилар. Сафар сабоғини яхши ўтказиб, янги сабоққа тушмоқ учун отасидан «озодлик» пули сўраганда: «Мен сени нон-ошинг, кийимингни топиб берсан ҳам катта гап!» деб гапни қисқа қилиб қўяр экан. Ана шу сабабдан Ҳамидинг куни Сафар чиканакнинг ҳам бошига тушди.

Бир куни домла арзимас бир баҳона топиб, Сафар чиканакнинг қўл-оёғини боғлатди. Товоннин қаламтарош билан тилди. Сўнг тилинган ерига туз тиқди. Бола чирқираб йиғлар, лекин унинг додига қулоқ соладиган одам йўқ эди. Болага берилаётган бу жазо ҳам домланинг газаб ўтини сўндиrolмади, унинг иккала оёғини фалақ ҳалкасига солди. Фалақни жингиртоб бўлгунча бурағди. Сўнг уйнинг шифтига оёғидан осиб қўйди. Бола фарёд чекар, унинг зорини эшитадиган одам йўқ. Биз, бола-

лар ҳайкалдек қотиб қолғандик. Фалақда осилиб ётган Сафар йиғлаб-йиғлаб ҳолдан кетди. Юзлари күкариб, күзлари олая бошлади. Мен, Сафар ўлиб қолади, деб даҳшатга тушиб йиғлардим. Кўз ёшим кўксимга томиб турарди. Қўл-оёғи боғлиқ, боши ерга қаратади оёғидан осиб қўйилган Сафарнинг «жонсиз» гавдаси арқонда айланниб турарди. Бу мудҳиш манзара ҳовлимизда ёғочга осиб қўйилган ўлик қарғани эсимга келтириди...

— Тақсир,— деди ташвишланиб ҳалфа.— Яна бир марта Сафарнинг гуноҳидан ўтинг. Бу гуноҳини Сафар қилмади, мен қилдим, кечиринг гақсир?.. Болалар!— деди бизга мурожаат қилган бўлиб ҳалфа:— Домламизга сўз берамизми? Ортиқ шўхлик қилмайсизларми?

Мактаб болалар худди шу сўэни кутиб турганларидек баробар жавоб қилишди:

— Сўз берамиз!..

Домла бездек бўлиб ўтиради. У шифтда осилиб ётган Сафарга қуш қараш қилиб қаради. Қаради-ю, бирданига авзойи ўзгариб, сакраб ўрнидан турди. Файри-табий ёқимсиз овоз билан:

— Олинг! Фалақдан озод қилинг, падар лаънатни!— деб қичқирди

Ҳалфа шошилиб қўлидаги арқонци бўшатди. Сафарнинг «жонсиз» гавдаси шифтдан ерга туширилди. Домла ташқарига чиқиб кетгач, болалар Сафарни ўраб олишди.

— Болалар эшикнинг олдини ўраманг. Шамол тегсин,— дер эди ҳалфа. Сафар ҳушсиз, ранги оппоқ оқарган ҳолда чўзилиб ётарди.

Ун уч ёшларда бўлган Сафар нима гуноҳ қилди-ю, нима учун бундай оғир жазога тортилди?— деб сўрарсиз, албатта. Домламизга иқтидо қилиб, биз пешин намозини ўқирдик. Онаси Хушрўй хола таъбири билан айтганда, «ерга урса кўкка сакрайдиган» Сафар, намоз саждаси вақтида бойваччанинг оёгини қитиқлайди. Бой-

вачча шовқин күтариб намозни бузади... Айб Сафар устуна тушади. Бўлган гап, қилингани «гуноҳ» ана шу! Домла учун така бўлсину, сут берсин. Аммо эркак сабзидек фойдасиз, камбағал бир ўқувчидан қутулиш учун домлага бир баҳона керак эди...

Сафарнинг на отаси на онаси домлага даъвогар бўлмади. Аксинча Сафарнинг онаси келиб домлага ялиниб-ёлворди. Яхши қилибсиз, тақсир, калтак билан бола ўлмайди. Бола домладан қўрқмаса кимдан қўрқади? Бошда айтмаганмидим, ўглимнинг эти сизники, суюги менини деб. Ёмонлик қилган экан, жазосини берибсиз. Ўзи ҳам чунон адабини еди. Шу кунгача оёғини ерга босолмайди, тақсир. Энди гуноҳидан ўтсангиз бўларди. Улгунимча ҳақингизга дуо қиласай, жон домла. Болам кўчада қолмасин. Бебош бўлиб кетса яхши бўлмас. Бир камбағал боласига оқ-қорани танитсангиз савоби тегар-ку!..

Домла бўш келмади. У ўз юрагини очиб солди:

— Камбағал-камбағал! — деди асаби қақшаб домла, — ёмоннинг уруғи кўп дегандек, нима кўп дунёда камбағал кўп! Яширмайман. Мен ўзим ҳам бой эмасмашку, ахир!.. Менинг ҳам оилам бор. Бола боқаман...

Хушрўй хола домланинг гапини бўлди:

— Биламан, бой эмассиз. Лекин бизга ўхшаб сртишлаб қолганингиз йўқ! Бой бўлганингизда сочимнинг оқи, аёл бошим билан сизга ялиниб келмасдим, тақсир. Бойга ялингунча худога ялиноман. Бой бойга боқади, албатта. Сиз камбағал бўлсангиз камбағалларга қайишинг, тақсир. Камбағаллар сизнинг қўлингиздан оқ-қорани таниб чиқса, худога ҳам хуш келар, деб ўйлайман.

Домла мийигида кулиб қўйди. Сўнг, «савоби дейсизми?» — деб аёлга қаради-да, яна ўзи жавоб берди: — Хозир олиб турган савобимнинг ҳам ўзи менга етиб ортади,

Яширишнинг ҳожати йўқ, яхшики, олтмиш-етминш бола ичиди уч-тўртта бойвачча бор экан... «Ҳамма мулло бўлаверса подани ким боқади?..» Деҳқончиликни ким қиласди? Маслаҳатимга юрсангиз ўғлиниги билан ҳунармандга шогирдликка беринг. Ҳунар—ҳунардан унар!

— Маслаҳатингиз учун раҳмат, домла. Ундаи бўлса менинг ҳам сизга айтадиган гапим бор.

Домла ўрнидан турди. Аёлнинг гапини ортиқ эшигиси келмади шекилли: «Пешингга таҳорат олишим керак»,— деди-да, ташқарига чиқиб кетди.

— Ҳа, сиз ҳам домла, давлатмандга ёндашар экансиз. Оч баччағардан қоч баччағар-да! Ҳа! Камбағалдан қочдингиз!. Майли, бойлардан қолманг!— деди чачвонини юзидан олиб бошига ташлар экан Хушрўй хола.

Унинг юзи сомондек сариқ, озғин, худди ўғлига ўхшаган жиккаккина аёл экан. Қўзидан дув-дув ёш оқарди. Үрўмоли уни билац олдин кўз ёшларини, сўнг бурнини артиб хўрсинди. Икки қўлинини икки тиззаси кўзига қўйиб, ўрнидан кўтарилар экан:

— Эй худо, камбағални яратгунча, яратмасанг бўлмасмиди!— деб ҳужрадан чиқиб кетди.

ГАП-ГАШТАК

«Уратепалик», «Равотлик» маҳаллаларнинг одоги бизнинг қўрғон ҳовлимизга келиб туташган. Қаландархона деб аталган шу ернинг ўзида беш-олтита чойхона бор. Қиши фасли кечакундуз бу чойхоналарда одам гавжум. Жиззахнинг эски шаҳрида бундай маҳалла, чойхоналар сон-саноқсиз. Бу маҳаллаларда истиқомат қилувчиларнинг бир қисми ҳунарманд-косиб, майдада савдо-сотиқ билан шуғулланувчилар, бир қисми боғдор ва деҳқонлар. Бозор жойига яқин «Жиззахлик», «Свонгарлик» маҳалла аҳолиси дошқозонларда ёғ эритиб, совун пиширишади. Бутун Жиззах ва Жиззах атрофи бозорини совуи билан таъмин қилувчи шулар. Яна бу эл аҳолисининг бир қисми тери жийитиб ошлайди. Қўнчилар қайиш, саҳтиён, шигирин тайёрлаб вофурушларга улгуржи, ёки пойафзал тикадиган косибларга чакана сотадилар. Бозор жойидан узоқроқда, далада яшайдиган аҳоли боғдорчилик, деҳқончилик, чорвачилик (бўрдоқи боқиш) билан шуғулланади.

Жиззахда «Тошкентлик» элининг нуфузи катта. Бу элнинг шаҳарга яқин турадиганларининг деярли ҳаммаси савдо-сотиқка омил, одамлари «бозор пичоги», бazzозлик, атторлик, ип-ипак, чой, шириналлик, от-арава жабдуғлари, жун, кигиз-гилам сингари товар савдолари шуларнинг

қўлларида. Булардан ташқари, кавуш-маҳси, мўкки (тош тавон), кийим-кечак тикувчи ҳунарманд косибларнинг ҳам аксарияти «тошкентлик»лар.

Мен ўзим мансуб бўлган «ўратепалик» эли тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин. Бозор атрофидаги аҳолининг аксарияти косиб-ҳунарманд, ҳамда баққол, аттор, қассоб, ионвойлардан иборат майда савдогарлар.

Шаҳардан ташқарида яшайдиган «оққурғонлик», «равотлик», «мўлкаллик», «тоқчилик» ва шуларга ўхшаган ўнларча элатлар боғдорчилик, чорвачилик, дэҳқончилик билан шуғулланарди.

Ҳафтанинг Душанба, Пайшанба кунлари Жиззахда бозор бўлиб, пайшанба катта бозор ҳисобланарди. Катта бозорга иши бор ҳам, иши йўқ ҳам келарди. Бозор айланган кишининг баҳри очилгандек бўларди, шунга кўра одамлар орасида «бозор — орқа бошингни ёзар» деган гап тарқалган бўлса керак.

Бирор от сотиб, эшак олса, бошқаси буқа сотиб ғуажин олар, ҳунармандлар бозор учун тикиб тайёрлаган тўн, кўйлак, дўппи, белбог, кавуш-маҳси, мўкки сотиб ҳафталик озиқ-овқатлар гамлаб олардилар.

Мен бозор кунларини эмас, жума кунларини зориқиб кутардим. Иштоисизнинг тушинга икки ҳари бўёз кирибди, деганлариdek, менинг тушимга жума тез-тез кириб турарди. Бунинг сабаби шуки, биз мактаб болалари учун зиндан бўлиб кўринган мактаб жума куни ёпилиб, бизлар овод бўлардик.

Катталар ҳам, болалар ҳам ҳафтанинг жума кунлари маҳаллаларда бўлиб ўтадиган гап-гаштакларда кўнгил очар эдилар. Биз болаларга ўйин-кулги бўлса бас. Ҳар вақт қулогимиз овда. Келгуси жума ким гаштак беришни суриштириб билиб олардик. Жума куни осмондан қор эмас, тош ёғса ҳам, ўйин-кулги бўладиган ерга Оқил жўрам билан борар эдик.

Уша замон элатларида «гап-гаштак» урф-одат тусига кирган. Қайси эл—маҳаллани олманг, уч бўғин ҳамқурлар гаштакхўрлик қиласади. Йигирма-йигирма беш ёшлардаги бир қур, йигирма беш билан қирқ беш ёш ўртасидаги-лар иккинчи қур, булардан юқори ёшдагилар учинчи қур. Ҳамқурлар ўзларни билан чиқишадиганларни толишиб жўра-жўра бўлиб уюшгандилар. Гаштакка бирон янги ўртоқ қўшилмоқчи бўлса, бу жўралар йигилишида қал бўларди. Хулқ-атвори тўғри келмайдиганлар қабул қилишимай, рад қилинарди.

Ҳар бир жўранинг жўрабошиси, йигит оғаси бўларди. Жўрабошилик ҳар кимга ҳам мұяссар бўлавермас. Жисмоний бақувват, ақл-идрокли, ҳуёр, ўз фикрини маъқул қилиб, гапини бошқаларга ўтказа биладиган одам жўрабоши бўла оларди. Гаштакхўр жўралар ҳар қандай шароитда ҳам жўрабошининг измида. Гаштакларда ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйилмас, ичкилик ичилмас, аммо дастурхонда мева-чева мўл бўлар, қуюқ-суюқ таом тортиларди.

Менинг уйлик-жойлик иккита акам бор эди. Каттасининг оти Носир, кичигиники Қосим. Иккала акам ҳам да-дамининг кўз очиб кўрган хотинидан. Булар хулқ-атвор, табиат эътибори билан мутлақо бири иккинчисига ўхшамасди. Қосим акам ўттиз ёшларда бўлиб, қош-кўзи қора, буғдой ранг. Қоп-қора қалик мўйлови билан соқолни унинг кулович юзига қандайдир жозиба ва салобат бағишларди.

Қосим акамнинг касби темирчи. Одамлар унга «уста Қосим, Қосим aka!» деб мурожаат килсалар-да, орқасидан «Қосим фаранг» деб аташарди. Бунинг сабаби шуки, у темир, пўлат, чўяндан ясаладиган ўз замонасининг жами асбобларини дўндириб ясай биларди. Иккинчидан, у кийинишни биларди. Эгнида оқ пишиқ сурпдан яктак ёқа кўйлак, уншиг устидан кўк билан қора рангга мойил

газламадан яктак, белида түрт-беш айлантириб ўралган узун белбоғ ва құш қийиқча, устидан мавсумига қараб бекасам ёки пиёзи чакмон киярди. Бошида чоргул дүппи. Пешини калта қўйиб Амбар бўйи салласини шундай бежирим қилиб ўраддики, ҳеч ким ўхшатиб ўролмасди.

Оёгига пошнаси баланд, қўнжининг қулогига панжара гулчин солиб тикилган уфка этик. Чап ёнига тақиб юрадиган пичоғининг ҳам ўзига хос савлати бор. Булғори кўк қайнishдан тикилган қинга сариқ мисдан пойнак тақилган. Туя терисидан майин қинбое. Пичоқни бўлса испиҳони қилич синифидан акамнинг ўзи «қўлбола» қилиб ясад олган. Пичоғининг дастаси кийик шохидан ишланиб, унга садап қадалган, гул солинган.

Мана шу хусусият ва фазилатларнинг ҳаммасига сифат бериб, ҳалқ акамни Қосим фаранг деб атаган бўлса керак.

Қосим акам қирқ йигитга жўрабоши ҳам эди. Гаштак-хўр йигитлари уни Қосим оқсоқол деб аташарди.

Катта акам Носир бўлса, ўта чапани, бир эмас, уч ҳунар билан ном чиқарган. Уста доирадаст. Ўз замонасининг моҳир машшоги. Лекин ўтакетган қиморбоз эди. Үнинг чилдирмада «Садр», дуторда «Роҳат» ва «Муножот»лари ҳали-ҳали хотиримда. Гап-гаштак, тўй-томоша, базмлар Носир акамсиз қизимасди. Санъат мухлислари акамни мақтаганларини ўз қулогим билан эшигганман. Улар чойхонада чойхўрлик қилиб гурунглашиб ўтирганларида бири: «Носирнинг қўлида доира тилга кириб сайрайди-я»,— деса, бошқа бирови: «Дуторини айтмайсизми, «Роҳатни» чинакам машқ қилганда одамку одам, ҳатто учиб юрган қушларни ўйинга тушира олади, «Тўрғай»ни чалганда булбулжон дуторининг қулогига қўниб жўр бўлади»,— деса ишонавер, деб бири олиб, бири қўйиб мақташардилар. Одамлар мени эркалатиб:

«Назирқул! Сен Носир акангдек созанда бўласанми, ёки қиморбоз?» деб сўраганларида: «Қимор ёмон! Дадам уришадилар»,— деб жавоб қилганим эсимда. Улар яна савол ташлашарди: «Ҳа, бўлмаса ким бўлмоқчисан?..» «Менми, мен Қосим акамга ўхшаган фаранг бўламан»,— деб жавоб берардим.

Шунда улар хандон уриб кулишар: «Оббо сен-эй... Ҳа, дуруст, Қосим фарангга ўхшасанг, ёмон йигит бўлмас экансан... Носир аканг ҳам қимор ўйнамаса одамохун. Қимор ёмон нарса! Йигит қиласидиган иш эмас. Кишини ағбор қиласиди, қимор!»— дейишар эди.

Бизнинг ташқаримизда меҳмонхона ҳам бўларди. Деҳқончилик билан шуғулланадиган қишлоқ йигитлари қиши пайтларида ишсиз қолиб бекорчиликдан кечакундуз вақтларини ённизиёдаги чойхонада ўтказишарди. Чойхона олди серқатнов катта кўча. Ёз кунлари тиззага урадиган тупроқ қишида лойга айланарди. Ҳаво ёға бошлиш билан ер ўйилиб бу кўчадан арава юриши мушкуллашарди, от дарё кечгандек қоринбогитача лой кечиб, арава гилдирати гупчаккача ботиб, от тортолмай қолади. Шунда чойхонадаги йигитлар яланг оёқ бўлишиб лойга тушар, елкалари билан гилдирак суриб, гупчак кўтариб, ҳай-ҳайлашиб, қора терга ботиб кетган жони-вор отга кўмаклашиб, от-аравани ботқоқликдан чиқариб юборар эдилар. Орадан сал вақт ўтмай яна бошқа бир аравакашнинг от-араваси шу ботқоқликка келиб тикиларди...

Бекорчиликдан ўзларини қаёққа қўйинши, кучларини нимага сарф килишин билмаган ёшлар гап-гаштакдан ташқари, ҳар замон-ҳар замонда, ҳафтанинг душанба куни тўкма—ҳалфанаҳўрлик ҳам қиласидиган. Бу тўкма йигилиш, ўйин-кулги қилиш учун бир баҳона эди, бу срода чилдирма, дутори билан Носир акам ҳам ҳозир бўларди. Тўққиз ёғочли меҳмонхонанинг иккала томони

токча, сувоги ганчкори эди. Ерга похол солиб, устига қозоқи кигиз түшалган. Гир атрофга күрпача, шифтга йигирманчи лампа. Үртада чүян манқал. Үнда пистакүмир ловиллаб ёнмоқда. Носир акам манқалга чилдирмасини товлаб қизитарди. У бошини қийиқча билан бөглаб, күлини ўнг енгидан чиқариб чаққон бўлиб олган. Йигитлар меҳмонхона атрофига яктизза бўлиб чизилишган. Пойгаҳда эса қўшиқчи, ҳой баракаллачи йигитлар қалашиб ўтириби. Мен секин буларнинг орасига кириб, йигит огаси Қурбонбой полвоннинг кўзини пойлаб турардим... У йигитларни ўтқазиш, бўладиган қандайдир томоша тайёрлиги билан банд. Қурбонбой полвон мени тезда кўравермаса, ўтирган йигитларнинг бирига: «Амакижон! Мени токчага чиқариб қўйинг!» деб ялинардим. Бир куни Носир акамнинг кўзи тушнаб:

— Яна келдингми, бор уйта кир! — деб мени жеркиб берди.

— Қўйинг, ака! Боланинг кўнгли нозик бўлади, қаттиқ тегманг! Томоша қилсин,— деди икки қўлтиғимдан ушлаб, «ёпирим» дея даст кўтарар экан Урдушмат. У мени токчага ўтқазиб қўйди.

Носир акам манқалдаги ўтда чилдирмасини қизитиб ўтиради. У қовоғини уюб менга қаради-да:

— Болани ёмон ўргатиб нима қиласиз, наша ҳидига маст бўлиб кечагидек токчадан думалаб тушади,— деди.

— Бугун маст бўлмайман, ухламай ўтираман,— деб ёлвордим мен акамга.

Йигитлар чақчақлашиб кулишди.

— Маст бўлмасанг бизга улфат экансан... Жўра қилиб олсак бўлади. Нима дединг Назирқул, биз билан жўра бўласанми? — кўзимга тикилиб сўрарди Урдуш ака. Ҳамманинг кўзи менда. Жавоб бериш ўрнига, мён акамга қарадим. Урдуш ака бўлса мени жавоб беришга қистарди. Гарчи наша ҳидига маст бўлиб ухлаб қолганим-

ни сезган бўлмасам-да, эртаси куни кўнглим айниб, касал бўлганимни эсладим. Мактабга боролмай онам билан акамдан танбеҳ эшитганим хотиримга тушди. Урдуш ака бўлса:

— Ҳа, йўталсанг-чи, ёки гаштак беришдан қўрқяпсанми? Жўра бўлишга рози бўлсанг, биз сендан гаштак олмай қўя қолайлик,— деганда:

— Жўра бўсам наша чекмайсизми?— деб савол берган эдим, йигитлар қийқиришиб кулишиди.

Бўйдор, кенг яғринли, куш мўйлов Қурбонбой полвои:

— Йигитлар!.. Йигитлар! Жим!— деб қўлинин кўтарди. Шовқин бирдан тинди. Ҳамма йигит оғасининг оғзинга тикилиб турарди:— Назирқулнинг Урдушматга бергани саволини эшитдиларингми?

— Йўқ!

— Эшитдик.

— Урдушматни боплади-ку Назирқул,— қотиб-қотиб кулади Азизхон ака.

Йигит оғаси кулмасдан, қовогини уюб салмоқлаб гапира кетди:

— Назирқул ёлгиз Урдушматга эмас, қизим сенга айтаман, келиним сен эшит қабилидан тап қилди. Ҳаммамизни боплади!.. Ҳа, йигитларимиз орасида наякига айланishiб қолганлар борми? Бор! Наша қайси кўчага бошлаб боришини ўйлаётганимкин, наякига айланишашётган жўралар! Бова банди такясини саждагоҳ қилиб олган васиқадор бангилар ҳам наякидан бошлаганлар!.. Биз билан гаштакхўрлик қилаётган жўраларнинг биронтаси бўлса ҳам, Бова бангига уммат бўлишини истамасдик! Наякибозлар тўғрисида жўрабоши Қосим оқсоқолнинг фикрлари шундақа!..

Йигит оғаси Қурбонбой полвои, белидаги кул ранг белбогини ечиб олди-да, уни чигириб дарра ясай бошлади. Мен бўлсам:— Йигит оғасининг феъли ёмон, Урдуш-

матни дарраси билан савалаб, таъзириин бермаса яхши эди,— деб ўйлардим.

— Хўш, Урдушмат!— деди арқондек чигирилган даррасини ўз кафтига тарс уриб полвон,— қани, жўраларнинг қулоғи сизда. Назирқулга нима жавоб қиласиз?

Урдуш ака хижолат бўлиб, оғзини пойлаб турган жўраларни кўздан кечиргач, жилмайиб менга боқди-да:

— Қабул, ошнам. Бемалол томошангни қилавер! Бугун наяки қилинмайди,— деди.

— Бугун ҳам, бундан кейин ҳам!— дея наякибозининг сўзини шартта кесди йигит оғаси.

— Хўп бўлади. Бундан кейингиси бир гап бўлар, ахир. Саломатлик бўлсин, оға,— деди мулойим жилмайиб Урдушмат.

Йигит оғаси ортиқ гапирамади. Носир акам таранг бўлиб қизиган чилдирмасини «бака-банг, ум бака-банг. Бакаб-бака-банг этиб, чала бошлаган эди, «биз тайёр!» дегандек жўралар ўнғарилиб ўтириб олишди. Йигит оғаси «Омин!» деб хитоб қилиб, қўлини фотиҳага очди. Бошқалар унга эргашишди, у «Йигит ўлмайик, омин!» деган эди, жўралар гуриллашиб унинг айтганини такрорлашиди ва юзларига фотиҳа тортишди. Дастурхон йигилди. Мехмонхона пойгаҳида тизилишиб чўкка тушган ўн чоғлиқ хушовоз қўшиқчилар шайланиб турган эди.

— Бараканазар!.. Қани у?— жўраларни кўздан кечириб чиқди йигит оғаси.

— Ташқарига чиқсан... Ана келяпти,— деди кимдир йўлакка қараб.

— Бургага ўхшаб қаёқда юрибсан, ҳой!— деди полвон, қўлини рўмолига артиб пойгаҳда жилмайиб турган Бараканазарга қараб.

Жўралар қўлларини силкишиб «ҳа-ҳа, ҳой...», деб бир оғиздан қийқириша бошлади. Базм бошланиб кетган бўлса ҳам беларво ўтирган Азизхон мискарининг яғрини-

га йигит оғасининг дарраси «шарт» этиб тушди. Йигитлар қийқиришига Азизхон мискар ҳам қўшилди. Бу «Тўқма» базмининг бошланиб кетиши эди. Донрадаст чилдирмасига жўровоз бўлиб йигитлар «жон бургам» ҳажвий қўшигини янграта бошлади. Бараканазар ҳамон пойгаҳда, йигитлар орқасида тикка туарар эди. У елкасиши учиреб, қошини қоқиб, яктаги этагини белбоғига бар уриб, ўзича бурга қиёфасига кирган бўлди-да, чўкка тушиб, тизилишиб ўтирган тўрт қатор йигитлар устидан сакраб ўртага тушди. Жўралар бараварига: «Жон бургам, азамат бургам» дейишса, бургадек қоп-қора, мўйлов-соқоллари беўхшов, қошлари ўсиқ, ҳар қачон кўзи қуёниги сингари ўйнаб турган Бараканазар, ўзича сўз тўкиб, бургани сўяр, уни бўлакларга бўлиб ўзи хоҳлаган жўраларига «хомталаш» қиласди. Сийлаганига бурганинг гўшт-ёғидан, бундайроғига ичак-човоғи, ёки калла-почасини «ҳадя» қилганда, жўралар ичаклари ўзилгудек бўлиб кулишарди. Бараканазарнинг маҳоратидан завқланган жўралар, қарсак уриб, қийқиришиб базмга файз киритиб турардилар. Бараканазар лапар айтиб ўйнарди, жўралар жўр бўлишарди:

Бараканазар. Куни битди бургамни.
Хор. Жон бургам, азамат бургам.
Бараканазар. Қассоби ўзим бўлдим.
Хор. Жон бургам, азамат бургам.
Бараканазар. Олтмиш ботмон гўшт қилди,
Хор. Жон бургам, азамат бургам.
Бараканазар. Олтмиш ботмон ёғ қилди.
Хор. Жон бургам, азамат бургам,
Бараканазар. Калласи кайвонига.
Хор. Жон бургам, азамат бургам.
Бараканазар. Ичак-човоғи ма, сенга!
Хор. Жон бургам, азамат бургам.

Шу хилда жүралар базми борган сари қизир, бир ўйин иккинчи ўйин билан алмашынан турарди. Жүралар орасида Тұлача исмли жуссаси кицик, афт-турқидан юмронқозыққа ўхшаган бир киши бўларди. Унинг юзига қоракуядан уч-тўрт қизиқ тортилса, бурнининг иккала тешигига тирговуч чўп тиқиб, лаби билан милки оралиғига тираб қўйилса, бурни юқорига кўтарилиб, лунжи пастга осилиб юмронқозықнинг ўзи бўларди-қоларди. Юмронқозиқ Тұлача, Қурбон «тентак»нинг белига миниб олиб юмронқозиқ қилигини қилганда, токчада ўтириб слиб кула-кула ичакларимга оғриқ киради. Юмронқозиқ Қурбон «тентак»нинг бутлари орасига уя қилиб, уни гоҳо биқиниб, гоҳо бирданига югуриб ташқарига чиқар, икки оёғида тик туриб, қўрқа-писа атрофни кузатар, йўргалаб бориб буғдой бошофини тишлаб қочар, уни уясина яшириб, яна янги ўлжа пайига тушарди. Иигитлар бўлса, юрмон омон-юрмон-эй, юрмон омон-юрмон, дея хор бўлиб қўшиқ айтишар, чапак чалиб, юмронқозиққа мадад бериб турардилар.

Бу ўйин ниҳоясига етиб қўшиқчи ва қарсакчиларга дам бериларди. Чойнаклардан қайноқ кўк чой қўйилиб жўралар эъзоэ-икром билан бир-бирларини сийлашарди. Шунда мен ҳам чанқаганимни сезардим. Чой эмас, муздек сув ичгим келарди. Бироқ сув ичиш учун токчадан тушиб, ташқари чиқиш керак... Бунинг сира иложи йўқ. Акам билиб қолса томошадан маҳрум бўламан. Токчадан ўзим тушолмайман, бирортасига ялиниш ортиқча ташвиш... сабр-қаноатдан арzon нима бор?

«Али қизиқнинг ҳикоясини эшиитмасдан кетмайман!» деб аҳд қиласдим. «Сим ёғоч», «Келин тушди», «Узум ўқриси», «Мазорат» ҳикоялари қандай қизиқ... Даврада минг одам бўлсан, у ўз оғзига қаратади. Унинг ҳикоясини эшитиб турган одамга: «Хотининг кўзи ёриб, ўғил туғди» деб хушхабар келтирсалар ҳам, Али қизиқ

хикоясини эшитиб бўлмай кета олмайди. Али қизиқ ҳикоя айтар экан, томошибинларини сеҳрлаб қўярди. Улар ҳеч қаёққа жилмасдан қотиб-қотиб кулар, шундай қаттиқ кулги бошланардики, бир тош йўл наридаги кишиларга ҳам эшитиларди.

Мен даврадагилар ичидан Али қизиқни қидирдим. Қўзим акамга тушди. Доира чалиб хўб чарчаган кўринарди. У чой ичар экан, ҳар замон-ҳар замон менга қараб қўярди. У қараганда, мен бошқа ёққа қарадим. Бирдан акамнинг кўзи кўзимга тушгач, «кет!» дегандек боши билан уй томонимизни ишора қилди. Менинг юрагим «жиге» этиб кетди, гўё акамнинг имосини кўрмагандек бошқа ёққа қарадим. Ҳа, Али қизиқ ҳикоясини айта қолса эди. Сўнг бойлаб қўйғанларида ҳам токчаларида ўтирумасдим. Кимдир:

— Али қизиқ қадрини ўтказди! — деб қолди. Шундан билдимки, Али қизиқ бугун бўлмайди.

Меҳмонхона одамлар ҳовурига исиб кетган. Жўраларнинг баъзилари тўнлари енгидан қўлларини чиқариб ўтирас. Жўралар орасида чилимкашлар кўп — эрмакка чилим чекишарди. Баъзилари чилим найини оғзиларига кўйиб олиб, жон-жаҳди билан шундай қаттиқ тортардиди, сархонада «лоп-лоп» ўт ёниб, оғзидан паға-паға кўмкўк тутун бурқиб чиқарди. Мен тамаки ҳидини наша ҳиди сингари ёмон кўрсам ҳам, тек ўтираверардим. Кимдир:

— Йигит оға! Ошнинг гурунчини солаверсинми? — деб сўради. — Қурбонбой полвон «Гурунчини солаверса бўлар-я?» — деб ён-веридаги жўраларга қаради. Шу пайт меҳмонхонамиз қаршисидаги сомонхонада ётган даканхўрозим қичқириб юборса бўладими!..

— Хўроҳ қичқирди. Вақт кетибди. Майли, гурунчини солаверсин! — деди йигит оғаси.

Носир акам секин ўридан туриб, тўнини кийди. Сўнг

менга яқын келиб: «Томошага қондингми, хұмпар»,—
деди. Мен жавоб беріш ўрнига: «Ақа! Али қизиқ ама-
ким қаёқдалар?» деб сүрадым.

— Бугун Али қизиқ амакинг бўлмайди. Қета қол, то-
моша тугади. Уйга кириб ухла!— деб қўлинини менга узат-
ди. Озод кўтариб, мени меҳмонхона пойгаҳига элтиб қўй-
ди. Мен эринчоқлик билан ичкари ҳовлига йўл олдим.
Кечаканча салқин. Эшикни очиб уйга киришим билан
устма-уст аксириб юборсам бўладими. Онам уйғониб
кетдими ёки менинг йўлимни пойлаб уйғоқ ётган эканми,
ҳар товур ётган ўрнида ғазаб билан:

— Кўргина бўлмагур! Яна шамолладингми! Қачон
сен гап-гаштакка тўясан!— деб қўйди.

Мен индамасдан кўрпага кириб ётдим.

ДАДАМНИНГ САРГУЗАШТИ

Онам Роҳатой косиб қизн бўлиб, ёшлик чоғида дада^и уста Раҳимжон билан кавуш-маҳси тикиб, рўзғорга кўмаклашиб келган. Дадам Сафар бўлса Берди темирчи-нинг ўғли. Булар уч оғайни бўлган. Дадам Сафар ўртана-ча укаси Аширмат билан отасига қарашиб ҳунар ўрга-нишиб олган. Бобом Берди вафотидан сўнг Сафар ва Аширмат оталаридан мерос бўлиб қолган бир сандои, дам, болға-босқон, омбур, темир-терсак билан ота касби темирчилликни давом эттирганлар. Ҳунар орқасида уй-лик-жойлик бўлиб олганлар.

Лекин ака-ука ҳамкорлиги узоққа бормаган. Дадам Сафар оғир касал бўлиб жисмоний меҳнатга ярамай қолган. Самоварчиллик қилган. Куни ўтмагац, ўзини савдо-сотиқ ишига урган...

Жиззах туманининг Янгиқўрғон, Зомин районларида, ҳамда бу районларнинг узоқ-узоқ қишлоқлари Ём, Ра-вот, Молтоб, Пишогар, Огожон дараларида, Ўсмат, Бах-мал қишлоқларида дадамни танимайдиган одам камдан-кам. Дадам Сафар чойфуруш номи билан отнинг қашқа-сидек таниғлик чорбозорчи эди. Ҳафтанинг душанба, пайшанба ва жума кунлари Жиззахда, бошқа кунлари эса Янгиқўрғон, Зомин бозорларида савдо-сотиқ қилиб, сўнг йўл-йўлакай қишлоқма-қишлоқ изғиб савдо-сотиқ

қилган. Дадам ҳар гал сафарга отланиш олдида хуржуннинг икки кўзини чой, гугурт, қанд-новват, парварда-қандолат, калава ип ва машина ғалтак илга тўлдириб, отига юклаб чиқар экак, онам:

— Хайр, сафарингиз бехатар бўлсин. Ой бориб, омон қайтинг,— деб кузатиб қоларди.

Орадан уч кун ўтгач, дадам яна шу хуржунини бурдой, зигирга тўлдириб уйимизга қайтарди.

Дадамдан эшитишимга кўра, узоқ қишлоқларда истиқомат қилувчи деҳқонлар пул тутмас, рўзгорларига керак бўлган ҳамма парсани дон-дунга айрибош қилиб олар эканлар. Дадам ҳар гал кўтара савдо қилувчи жиззахлик Ҳожи Усмон номли бойдан насияга чой ва бошқа қишлоқбоб молларни дон-дунга айрибош қилиб келар, донларни яна бозорга сотиб, бойга қарзини тўлар, шу зайлда рўзгор тебратар эди.

Одатда дадам ярим кечада бозор сафаридан қайтарди. Биз дадам келишини кутиб мудрашиб ўтирадик. Ҳовлимиз ичкари-ташқарилек бўлиб, кўча дарвозамиз уйимиздан анчагина олисда ва тескари эди. Шунинг учун ҳам онам бечоранинг қулоғи овда, дам-бадам ичкари бидан ташқари оралнгига бўзчининг мокисидек бориб-келиб турарди.

Қиш кунларининг бирида, дадам одатдагидан анча кечикиб қолди, дараги бўлавермагач, онам хавотир ола бошлади. Қиш пайти, совуқ шунчалик қаттиқ эдики, мис кўзамиз суви билан ташқарида қолган экан, суви музлаб кўзанинг қорни тарс ёрилиб кетибди. Ӯша куни кечга томон изгирин аралаш қор ёғиб, сўнг бўронга айланди. Ӯйдан ташқарига чиқиш қийин, совуқда кишининг қўл-оғи шамдек қотиб, караҳт бўлиб қоларди.

— Дадангнинг ҳоли нима кечди экан,— деб безовта бўларди онам.

— Дадам бирон ерда тунаб қолгандирлар, шундай

бўроңда йўлга чиқмасалар керак,— деб тасалли берарди акам.

— Тонг отса Жиззахнинг бозори. Даданг етиб келишлари керак. Қуриб кетсин бу тирикчилик, болаларим оч қолмасин, деб не кунларни кўрмаябди шўрлик даданг!

— Дадам!— деб бақириб юбордим.

Ҳаммамиз қотиб қулоқ солдик.

— Қани?.. Ҳамма ёқ жимжит-ку,— деди онам.

— Назирқул!— деб чақиргандек бўлдинлар.

— Хаёлинг дадангда бўлгани учун, шундай туюлган,— деди ҳаяжонини босолмай онам.

— Иўқ, ўла қолай, овозларини эшилдим.

— Жим!— деди онам. Ҳаммамиз тошдек қотдик.

Айвонда оёқ товуши эшитилди. Уйимиз эшигини бирор қаттиқ тортиб: «Тирикмисизлар!— деб бақирди.— Дарвозани очинглар, амаким келдилар. Совуқда шамдек қотгандир, бечора!..»

Бу қўшнимиз уста Йўлдош оқсоқолнинг ўртанча ўғли Мўминжон ака эди.

Онам сакраб туриб уй эшигини тарақ-туруқ очиб, ташқарига югурди. Онамнинг орқасидан акам, мен чопдик. Изериин ялаб турарди. Бизни хабардор қилиб, ташқари ҳовли томон чопган Мўминжон ака, онамдан илгари бориб дарвоза занжирини туширди. Дарвоза ланг очилиб, дадам от устида ичкари кирди. Кеча унчалик қоронғи эмас. Дадамнинг бошида тулки тумоқ, устида қўй терисидан тикилган қўпол пўстин, оёғида кигиз этик. Отнинг киприклари, кокили, ёли оппоқ қиров...

Дадам уриниб-уриниб отдан тушолмагач, «оёғим қотиб қолди, ёрдам қилинглар», деди. Онам, акам, қўшнимиз ёрдамлашиб дадамнинг оёғини узангидан чиқариб, отдан тушириб олишди. От устидаги хуржун олиниши билан, жонивор от отхона томон юриб, ёпиқ эшикни тумшүғи билан очди-да, ўзини совуқдан панага олди. Онам,

акамлар дадамин суяшиб ичкари ҳовлига, сүнг уйға олиб киришди. Сокол-мўйловларида шода-шода музлар осилиб ётган дадамнинг қулоқчин ва пўстинини онам ечиб олди.

— Не кўргилик сизга, эр!.. Худонинг ғазаби-ку, шу бўрони қиёмат. Бир бозор савдосидан қолсангиз қолардингиз-да!— деб хўрсина-хўрсина дадамнинг юз-кўзини кафти билан силаб, исита бошлади.

Уй совуқ. Мен тишим-тишимга тегиб қалтираб, дадам қаршисида тик турардим.

— Шамдек қотиб, сенга нима азоб?.. Бор сандалга кир!— деб жеркиб берди дадам.

Сандалга бориб ўтирдим. Сандал жуда иссиқ, кўзи дадамнинг йўлига тўрт бўлган онам, сандалга қайта-қайта саксовул кўмир солиб бозиллатиб қўйганди.

— Дада! Сандал иссиқ, кела қолинг, бирпасда исиб, жонингиз киради,— деган эдим, онам:

— Сан, энди ётиб ухла, алламаҳал бўлиб қолди. Даданг ҳозир сандалга ўтирсалар, тирноқларига зирқироқ киради... кўзингни юм. Ухла!.. Ҳай, сиз ҳам тезроқ ечина қолинг, кўйлак-иштонингизни пахтадек ювиб, сандалга иситиб қўйибман. Дарров кийимингизни алмаштиринг! Сандалда иссиқ сув бор, ювининг. Танчада қаймоқли қайнок сут бор. Олиб ичинг. Ичингиз исиб, жонингиз киради.

Ҳар гал ҳам дадам чорбозордан қайтганда дарҳол унинг ички кийимларини алмаштиради. Ҳозирги замон тили билан айтганда, онам дадамнинг кийим-кечакларини, «дизенфекция»дан ўtkазарди. Унинг «дизкамери» жуда оддий. Мен ёки акам янтоқни гуриллатиб ёқиб турамиз. Онам ўтнинг алансига кўйлак-иштонни тутиб, чодир қилиб айлантиради. Қишлоқ хонадонларидан илашиб келган битлардан кийим-кечакларини тозалайди. Бугун ҳам худди шундай қилди. Акам билан онам ҳали

дизенфекция билан овора экан, дадам ювипиб-тарапиб сандалга келиб ўтириди. Мен ухламасдан дадамни кутиб ётардим.

Онам қўлида чойнак, косада серқийма хўрда кўтариб кираккан:

— Қалай, тузукмисиз?— деб мулойим жилмайди.

— Ҳа, тузук бўлмай нима бўларди, совуқни биринчи кўраётганимиз йўқ-ку, тошкентлик,— деб қўйди дадам.

Нимагадир дадам нохуш кўринарди.

— Бас қилинг бу ишингизни!— деди қовоғини уйиб онам,— тўйиб емасмиз, оз ермиз, қуюқ емасмиз, суюқ ичармиз. Тан-жонингиз соғ бўлса, бирдан олдин, бирдан кейин, тирикчилигимиз ўтар. Ҳозирча чорбозорчиликни йигиштиринг, шу ерда қимирилаб туринг. Қул ўлмас, ризқи камимас. Болаларингизнинг ризқи бўлса, яратганни ўзи етказар...

— Яратган йўлингга чиқазиб қўймас экан-да. Худонинг ўзи ҳам сендан ҳаракат—мендан баракат, деган-ку.

— Кўпга юурган оздан қуруқ қолади. Озиға барака берсин, шукур қиласми.

— Менга ўҳшаган чорбозорчилар ҳам кўп. Улар ҳам бекорга қишлоқма-қишлоқ изғиб юрганлари йўқ. Азбаройи тирикчиликлари ўтмаганидан, ноилож бозормабозор, эшикма-эшик гадо сингари изғиб юрадилар...

Орага жимлик чўқди. Афтидан, онам бу ҳақда ортиқ гапиришга журъат қололмай, чой узатар экан:

— Бугун мунча кечикиб қолдингиз?— деб сўради.

— Ўзинг кўриб турибсан бўронни,— деб секин сўз бошлиди дадам,— қор уриб туриби, кўз очиргани қўймайди. Биз Равот бозоридан йўлга чиққанимизда қор унча катта эмасди. Беш бозорчи, бир домла имом йўлга чиқдик. Бирданига қор зўрайиб, бўронга айланиб кетди. Эрта бозор, ҳар бало бўлса ҳам уйга етиб олайлик, деб отни қамчиладик. Мен йўл бошлиб олдинда борардим.

Бирдан от ҳуркиб, орқага тисарилди. Қарасам, йўлда бир қора нарса кўринди, инграйди, одам...

Ҳамроҳларим: «Бўри! Бўри!» деб қичқириши.— Ҳа, қарасам, дарвозахонамизча келадиган ерда бир эмас. иккита бўри итдек ириллашиб, улишарди. Йиртқичларнинг овози бир ёқимсиз, ваҳима босди.

— Одам нима бўлди?— куюниб сўради онам.

Мен дадамнинг ҳикоясинни эшитгим келса-да, қўрқанимдан сандалнинг ичига кириб кетдим.

— Одам қор устида қизил қонига беланиб ётибди.

— Тирикмиди?— сўради онам.

— Тирик-ўликлигини билиш учун отдан тушиш керак ёди. Бўрилар ириллашиб, бизларга даф қилмоқда. Тўрт отлиқ «ҳайҳайлашиб» бўриларга ҳамла қилдик. Йиртқичлар ҳайиқса-чи!

— Одамни назар-писанд қилмайди денг?!— луқма солди онам.

— Назар-писанд қилади-я!— деб чўзиб қўйди дадам.— Шерикларим гўё итларини чақиришиб: «Олапар! Сиртлон! Ол!» дея ҳайҳайлаб бақиришарди. Бўрилар атрофга аланг-жаланг қараб яна ириллашарди. Мен отдан тушиб, қор устида қонига беланиб ётган одам олдига бордим. Унинг ичаклари чиқиб ётарди. Гап сўрадим. Ғулдирайди. Гапига тушуниб бўлмайди. Отимга миниб ҳамроҳларимни чақирдим. Аҳволни уларга тушунтирдим. Ҳамма афсус қиласди. Ердам қилиш керак. Қандақа ёрдам?.. Энди, у инграшдан ҳам қолган эди. Үлмаган бўлса, барибир ўлади. Қор-бўрон борган сари кучаймоқда, ортиқ у ерда туришимиз мумкин эмас. Совуқ жон-жонимиздан ўтиб кетди. Ҳаммамиз домла имомга маслаҳат солдик. Имом домла: «Қолубалода бу одамнинг пешонасига бўриларга ем бўлиш ёзилган экан, биз бандалар ожизмиз. Олло таолонинг хоҳишига қарши боролмаймиз. Бу қор-бўроңда бу одамнинг жасадини ҳам бирон ерга

дағы қилиш амри маҳол. Худо раҳмат қилған банда әкан, охирати баҳайр, имони басаломат бўлсин, шаҳид кетди», деб фатво бердилар. Ҳаммамиз фотиҳа ўқиб отландик. От бошини шундай буришимиз билан оч бўрилар ўз қурбонига отилишди...

— Ажал тортиб, куни битган бўлмаса, шундай кунда ҳам ёлғиз йўлга чиқадими. Тақдир-қисматдан қочиб қутулиб бўлмайди. Шўрликнинг бола-чақаси бордир. Бугун-эрта йўлини пойлар, бўрига ем бўлганини билмас. Шундай қилиб, бир одам дом-дараксиз йўқолди. Чин дунёга кетди,— деб уҳ тортди онам.

Орага жимлик чўкди. Мен секин сандалдан бошимни чиқазиб дадам билан онамга қарадим. Дадамнинг кўзи қомуқ, боши эгик, жим ўтирибди. Онам кўзини бир нуқтага тикиб, пешанасини тириштириб чуқур хаёлга чўмган. Акам бутун гавдаси билан сандалга кириб олиб пишиш ухларди. Лампа чироқ тутаб, шишасининг бир томони қораланиб, хира ёна бошлади.

— Она, чироқ тутаб кетди-ку!— дедим ҳовлиқиб.

Дадам бошини кўтариб чироққа қаради. Онам чироқ пилигини бураб пастга тушириб кўрди, аммо чироқ баттар тутаб чирсиллай бошлади. Онам керосинданни қимирлатиб:

— Еғи тамом бўлти. Гап шу!— деди.— Чорбозорчаликни ҳозирча йиғиштирасиз! Сизни бундай азобда кўриб, еган ионимиз татимайди бизга..

— Майли, қўрамиз. Чарчабман. Ётайлик, ёпиirim!— дея ўрнидан қўзғалди дадам...

Шу воқеадан сўнг дадам Янгиқўргон, Зомин бозорларига қатнамай қўйди. Фақат қиши ўтиб, далаларда баҳор нафаси эса бошлаганда, яна чорбозорчилигини бошлади.

Кунларнинг бирида, кечқурун таом ейилиб, дастурхон йиғилгандан сўнг, чой ичиб ўтириб, дадам секин гап бошлади:

— Худо паноҳ берсин, йилнинг келиши оғир, ҳали бери уруш тамом бўлади ганга ўхшамайди. Ҳафта сарн нарх-наво кўтарилияпти. Бугун подшоликнинг бир солиғидан қутулсанг, эртага яна битта янги солиқ чиқариб турибди.

— Қуриб кетсин подшолиги, яна қандақа янги солиқ? — чой узатиб сўради онам.

— Урушга ёрдам солиғи. Гапни қара-я,— деди заҳарханда қилиб дадам,— уруш кимга керак ўзи!

— Шуни айтинг-а,— деди чўзиб онам. Сўнг ғазаби қайнаб қўшиб қўйди.— Ҳа, қнрилгур! Мусулмонлар сени урушгин деб қистаётгани йўқ-ку! Уруш бошлаган ўзинг, әплай олмас экансан, фуқаронгин азобга қўйиб нима қиласан!

— Урушни ўрус эмас, Герман подшоси бошлаган дейдилар,— изоҳ берди дадам.

— Герман подшоси урушқоқ экан, ўрус подшоси ишдамай қўя қолса ўладими?

— Эй,— деди кулиб дадам,— сен тошкентлик жуда содда экансан-ку. Герман ўрус ерига бостириб кирса, Николайнин таҳтидан ҳайдайди. Унинг таҳтига Герман келиб мишади. Ўрусия ери, суви, мамлакати фуқаролари билан Германга тобе бўлиб қолади.

— Ҳа, подшолар таҳт талашади, жабрини фуқаро тортади. Эчкига жон қайғи, қассобга ёғ, деб шуни айтадилар-да! Бу подшоҳ ўлгурулар йўқолмагунча фақир-фуқарога кун йўқ!

— Йўқолиши қийин. Бир подшо қулатилса, ундан кўра зўргори келиб ўрнини олади. Мамлакат подшосиз кун кўролмайди.

— Үндай бўлса рўшнолик кўрмасдан ўлиб кетар эканмиз-да!

— Қандай қилиб рўшнолик бўларди, Николай подшо мусулмонлардан аскар оламан деяпти, Туркистон губер-

натори орага тушиб: «Мусулмон аскарликка ярамайди, уларнинг қўлига миљтиқ тутқазиш хатарли, яхшиси, туркистонликлар дондан, гўшт-ёғдан, кийим-кечакдан, пахтадан ёрдам қилиб тургани маъқул эмасми?»— деган экан, Николай подшо ўйланиб қопти. Сўнг.— бу фикринг маъқулга ўхшаб қолди,— деб жавоб қибди.

— Бунча гапни сиз кимдан эшита қолдингиз?— қизиқиб сўради онам.

— Мирза Ҳошим гапириб берди. У худонинг бергаш куни дўконида ўтириб олиб газет ўқиди.

— У китобми, нима ўзи?

— Китоб эмас, газет дедим-ку... Газетни қаёқдан ҳам биласан, сен. Қандай тушунтиурсам экан, сенга! Газет дегани бир тахта қофоз. Дунёда бўлаётган гапларни мирзолар ана шу қофозга ёзиб юборар экан... Тушундингми?

— Мирза Ҳошимга ёзиб юборар эканми?

— Ҳа, шундай бўлса керак.

— Аскар олиш ўрнига, солиқ солишин ҳам Мирза Ҳошим айтдими?

— Ҳа.

— Ўрус подшосининг неча лак аскари бор экану, Герман подшосининг неча лак аскари бор экан, сўрамаддингизми?

— Сўрамадим.

— Сўрамаган бўлсангиз сўраб олинг.

— Буни сенга нима кераги бор?

— Вой содда эрим-эй, нега кераги бўлмасин, урушга солиқ тўлаганингиздан кейин, кимнинг аскари кўп, урушда ким зўр чиқади, билиб қўйганингиз яхши эмасми?!

— Сўрасам сўрарман... Аммо Ўрус подшосидан Герман подшоси зўр дейишяптилар.

— Буни сизга ким айтди?

— Эй,— деди онамни жеркиб дадам,— ким айтдиким айтди!.. Қим айтарди, еттидан етмиш яшарнинг оғзи-

да шу гап. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди-ку! Бу гапларни қўй, ўлмаган қул мана баҳорга ҳам стиб олди. Хоҳ қирда ёт, хоҳ чўлда ёт, деган пайт айни шу кунлар. Бугун-эрта дечқон қўшини қўшиб далага чиқади. Ер ҳайдаш, зовур олиш, экин-тикин билан банд бўлиб бош қашигани ҳам қўли тегмай қолади. Ана шунда чорбозорчиларнинг ҳам иши юришиб кетади. Шу ҳафта Раivot, Зомин бозорларини бир айланиб келсан, нима дейсан, тошкентлик?— деб дадам мурожаат қилди онамга.

Онам жавоб бермади. У қошини чимириб нимагадир, ташқаримизнинг томига қараб турди-да:

— Бу йил томларда кўкат кам кўринади. Дала-даштларда ўт-ўлан қалай бўлсайкин?— деб сўради.

— Намгарчилик кам, баҳор қуруқроқ келди,— деб жавоб бергач, ўз саволини такрорлаб, яна онамга мурожаат қилди. Онам бўлса, энди дадамнинг истагига қарши бормади:

— Олдимиз ёз. Одамлар дала-даштга чиқади, одам бор жойда бўри нима қилсин. Аввал бизни боққа кўчириб қўйинг. Сўнгра сизга оқ йўл. Худо хоҳласа, биз сизни сумалак пишириб кутиб оламиз...

Сумалак сўзини эшишиб менга жоп кирди. Суюниб кетганимдан ўрнимдан сакраб туриб, ҳовли юзига стилдим, боғлиқдан бўшаган тойчоқдек гир айланиб, иккала панжамни ёнимга «тарс-турс» уриб, тойчоқдек ўла кетдим...

БИР ҚИЗ БЕШ БОЛАНИ ҮЙНАТАРДИ

Иилнинг ярмини шаҳар ҳовлимиизда, ярмини бор далиниэда ўтказардик. Қиши мавсуми ўтиб, баҳор яқинлашаверса шаҳар ҳовлимииздан файз кўтарилиб, боғимиз сҳанрабодек ўзиға тортарди.

Ҳовлимииз қафас сингари, осмон кўринарди, холос. Боғнинг бўлса осмони кенг, туташ хиёбонлар.

Гарчи қўшниларимизнинг боғлари паст-баланд деворлар билан ўралган бўлса-да, дарахтлари бир-бирига тулашиб кетган. Олма, ўрик, нок-нашвати сингари мева дарахтлари чегара нима, билмас, сеники-меникини тан олмасди. Қайси томонда қуёш, бўшлиқ, ҳаво бўлса бас, шоҳ ёзиб, деворлардан ошиб, мева қилишни билади, холос.

Дарахтлар, айниқса бодом, шафтоли баҳор нафасини одамдан кўра олдинроқ сезади. Бир вақт қарабсизки, бодом гуллабди, шафтоли фунчаси тўлишиб, ўрик-олчалар бўртиб қолибди... Ана шу баҳор олди мавсумининг ўзиға хос гашти бўларди. Шаҳар ҳовлида юрак сиқилиб, кишининг боққа кўчиб боргиси келаверади.

— Онажон! Шу бургахона қўрада нима бор? Келинг, боққа кўча қолайлик! — деб онамнинг жон-ҳолига қўймасдим. Дадам, онам ўртасида куни кечаки бўлиб ўтган гапдан сўнг, кечаси ётиб уйқум келмади. Уртоқларим билан

боғдан боққа, дарахтдан дарахтга сакраб ўйнаган чорларим, қўшнимизнинг қизи Меҳринисо билан ҳовуз бўйиндан гир айланниб ниначи ва капалак тутиб юрган дамлар эсимга тушиб, қачон тонг отар экан, деб ўйлаб ётдим. Тонг ҳам отди. Қумғон-пақирни кўтариб йўлга тушдим. Онам мени дарвозахонамида тутиб олди.

— Ҳа, йўл бўлсин?

— Бонимизга.

— Сенга бирон гап бўлдими, боғда нима бор?

— Ҳа, кеча ўзингиз кўчамиз деган эднингиз-ку!

— Қайт орқангга! Қамбағал бўлсанг кўчиб кўр, леканлар. Кўчиш осон бўлтими сенга! Қумғонни менга бер, чой қайнатаман. Боғни яхши кўрган бола унинг девор-томига қарайди. Чизмакаш ҳоланг тарафидаги девор қулаб кетибди. Ўчақ-тандир валангир. Олдин уларни тузатмасдан кўчиб бўлармишми!

— Ёз бўлди, ҳамма кўчяпти. Бойчечак чиққанига қанча вақт бўлди. Ҳовлида қамалиб ўтиргим келмайди. Боғ яхши, кўчамиз! — деб туриб олдим.

Онам осмонга узоқ қараб турди. Ҳаво мусаффо. Қуёш эндигина кўтарилиб, унинг нурсиз шуъласи ошхона мўрисидан кириб, қурум босган деворни ёритиб турарди. Онам қўлимдаги қумғонни юлиб олди-да, унга кўзадан сув қўйиб ўчаққа қўйди ва ўтин қалаб, олов ёқди. Ҳовлига чиққан дадамга қараб деди:

— Кўчадиган бўлганимиздан кейин, кўчганимиз ҳам маъқул. Бугунги ҳавони қаранг. Чойни ичайлик-да, боққа борайлик, супуриб-сириб эртага кўча қолайлик. Шикаст-рехти, лой иши бўлса бўлаверар.

Мен хурсанд бўлиб кетганимдан онамнинг бўйнига осилиб, у-бу бетидан ўпдим.

Боққа кўчиб чиққанимизнинг иккинчи куни дадам отига хуржунини ортиб чорбозорига жўнаб кетди.

Боғ баҳор чоғи қандай яхши, теварак-атрофдаги да-

рахтлар гуллаб, барг ёйиб копти. Соат сайин табиатнинг жамоли ўзгариб, жозибаси ортиб боради. Кеча гулга кирган ўрикда довуччалар чигитдек-чигитдек бўлибди...

Қизлар мактабидан кетганимдан сўнг Меҳринисони кам кўрардим. Фақат ёэда ҳар куни деярли бирга бўлардик. Бирга ўйнаб, бирга дарс тайёрлардик. Меҳрига қараганда ўқишида пешқадам бўлганим учун, қизнинг онаси Фотима хола:

— Назирқулжон! Синглингни ўқишига ёрдам қил. Сен мулло бўлиб, Меҳринисо оми қолмасин? — дер эди.

Мен фақат ёз фаслида, боғимиизга кўчиб келган пайтдан кузгача Меҳринисонинг дарсига ёрдамлашиб, бўш вақтларда болаларга қўшилиб ўйнардим. Меҳринисо ёқимтой, эрка қиз бўлса-да, ўғил болалардек ўқтам, ўйнда бошчилик қилишни хуш кўрарди.

Қиши кунлари мактаб унча зерикарли бўлмасди. Ёэда жуда зерикардик. Мен ўқиб битирган ҳамма китобнинг деярли маъносига тушунмасдим. Бошқалар ҳам, ҳатто домламизнинг ўзи ҳам тушунмасди. «Ҳафтияқ» ва «қуръон» араб тилида, «чоркитоб», «Хўжа Ҳофиз» форс тилида. Биз эса она тилимиздан бошқа тилни билмасдик. Мен чоркитобни тугатганимда Меҳринисо энди қуръонга тушганди. Мен қуръоннинг бошидаги сураларини ёддан билардим. Меҳринисога ёрдам берар эканман, у ҳар бир сўзининг маъносини сўрарди. Мен жавоб беришдан ожиз эдим. Шунда у қуръонни тарс этиб ёпарди-да:

— Зерикдим, юр ўйнаймиз! — дер эди.

Онам боғ қўшнилари билан шерик бўлиб сумалак иншиromoқчи. Мен бу кунни бир йилдан бери зориқиб кутардим. Қўшнилар икки косадан ўртага буғдой тўкишиб, ивтишиб, тахта устига сочишди. Бир ҳафта дегандা буғдой кўкариб чиқди. Қаричга етар-етмай униб чиққан кўкатни келига солиб туйнишди, ширасини сув билан ювиб олгач, унга шакар қўшиб, катта дошқозонда бир кечакун-

дүз тинимсиз қайнатиши. Сумалак шундай шириң бүлардики, киши еб ҳам, ялаб ҳам түймасди.

Сумалакка мазахүрак бўлган биз болалар, баҳорнинг шундай дамларини қумсаганимизда, оналаримиз бизни сабрга чақириб:

— Наврўз келсин, куилар исисин, толлар кўм-кўк япроқчалар ёзиб, майсалар гилам бўлган чоқда, сизларга сумалак пишириб берамиз,— деб бизни юпатишарди.

Оналаримизнинг сўзига кириб, биз қуриб қолган дарахтларнинг кундаларини ковлаб, чумолидек тортқилаб бир ерга тўплардик. Шунда оналаримиз:— Үғил боладан ўргилай, ёш бўлса ҳам катталарнинг ишини бажаришяпти. Шулар ковлаб қўйган кундалар бўлмаса, дошқозонга ўтнин бас келарми?— дейишиб, ҳақимизга дуо қилишар ва сумалак пиширганда олдини бузга ваъда қилиб, қўнглимизни кўтаришарди.

Катта дошқозонга солинган ардобни, бир кеча-кундуз қадалиб ўтириб қайнатишар, узун кангир билан узлуксиз ковлаб сумалак тайёрлашарди. Ваъдага вафо қилиб: «Қани болаларим, пиёлаларингни тутинглар!»— дейишарди.

Мен, жиянларим Фойиб, Мели, акам Маисур ва Оқил жўрам билан қозон тезасида қатор тизилишиб пиёлала-римизни тутардик. Пиёла тўла сумалагимизни яшириб қўйиб, қозон тагини ялаш умидида кўз тикиб, ҳиқиллаб ўтирадик. Сумалак шериклар ўртасида расамади билан бўлингандан сўнг, келгуси баҳорда пишириладиган сумалак учун кунда ғамлаш шарти билан, қозон таги биз болаларга инъом қилинарди. Ана шунда томоша бошланарди, биз дошқозонга мукка тушиб олишиб, мушук болалари сингари қозон тагини ялашга тутинардик... Балки бизнинг меҳнатимиз сингани учун қозон таги шириң ва хуштаъмга ўхшаб кўринарди. Сендан хамир, мендан хамртурӯш, деганларидек, биз болалар ҳар қалай, тайёр-

га айёр эмасдик. Ёшлигимнинг шу саҳифаларини эслар эканман, кўнглим ёришиб, танам яйраб кетади. Мөҳнат қилиб қорин тўйдиришнинг нашъу намоси, кишига бағишилаган ҳузур-ҳаловатини мен ёшлигимдаёқ чуқурроқ ҳис қилдим.

Биз бир гала ўғил болалар Мөҳринисонинг укаси Мамадқулни аравачага ўтқазиб ҳовуз атрофидан айлантириб чарчадик. Мөҳринисо одатдагидек бизни бир ўйиндан иккинчи ўйинга бошлар, биз эса ўйинга сира тўймасдик.

— Болалар! Бу ёққа келинглар! — дея қичқирди Мөҳринисо.

Биз Мамадқулни аравачада қолдириб Мөҳринисо томон югурдик. Биз бир гала болалар ўтлоқзор оралаб, югуриб-елиб, ярим белимизгача шудринигга ботиб чучомма теришдик. Оёқларимиз остидан бизни гафлатда қолдириб беданалар учиб кетар, бизни доғда қолдиради.

Биз чучомани ўзимиз учун эмас, Мөҳринисо учун терардик. Мөҳринисони она-отасигина эмас, биз болалар ҳам ардоқлардик. Унинг бу яқин орада тенгқур дугоналари бўлмагани учун ҳам, биз билан бирга ўйнарди.

Мөҳринисо шу қадар жажжи, мулойим қизча эдикни, гўё табиат уни атиргул суви ва меҳригиё билан ютургандек эди. Ўзи гулга ўч бўлганидан, бизни гул териб беришта қистарди.

Бағри кенг боғларнинг атрофи дарахтлар билан ўралган. Майин, беғубор шаббода эсиб туар, илиқ қуёш нуридан ранг олган ям-яшил ўт-ўланлар орасида, оч гула-миқ ранг чучомалар ажиб фусункор ва жозибали кўринарди.

Мөҳринисо уват устида туриб чучомазорга сукланиб қаради. Унинг елкасига ёйилган жингалак сочлари ел билан ўйнашар, чимирилган қош, бодомқовоқ, ўсиқ киприклари орасида маъсум кўзлари чақнаган. У мулойим,

жуда ҳам ёқимтой жилмайиб, мени қўлимдан ушладида:

— Болалар! Назирқул ўрталарингда боради. Фойиб, Мелижон бу ёнида. Аҳмад, Оқил бу ёнида! Ҳар ким ўз тўғрисидаги чучмомани терсии. Мен «бўлди» деганимда ҳаммаларинг менга қараб чопасанлар. Ким кўп чучмома терган бўлса, ким олдин келиб гулни менга тутқазса, ўша ютган бўлади. Ютган бола, ютизган болаларнинг елка-сига миниб, ҳовуздан уч айлантиради.

— Бўпти!— деди шайланиб Фойиб.

Меҳринисо тузган тартибда ҳаммамиз ўт оралаб чопиб кетдик. Ўт ўсиқ, оёққа ўралиб тез юришга имкон бермасди. Чучмома сийрак. Мен ўртада бўлганим учун ўнг ёнимдаги Фойиб ҳам, чап ёнимдаги Оқил ҳам менинг тўғримдаги чучмомаларга югуриб, юлиб кетар, шарпамиздан беданалар гоҳ у, гоҳ бу ердан пириллашиб учар эди.

Соврин учун мэррани мўлжаллаб от сурган чавандозлар сингари, қўлимида даста-даста чучмомалар билан Меҳринисо томон чопдик. Қариёб бўйимиз баробар ўсиқ ўтларни ёриб ўтиш осон бўлмади. Мэррага етгунча ҳар қайсимиз неча мартадан йиқилдик. Баъзиларнинг чучмомалари сочилиб, орқада қолиб кетарди. Бироқ орада «орият» деган гап бор. Ҳар ким ҳам биринчи бўлиб чучмомани Меҳринисо қўлига тутқазгиси келарди. Агар бошқалар биринчи бўлиб, мен орқада қолсан, сўнг Меҳринисо кўзи олдида ўртоқларим мени эшак қилиб миниб, ҳовузни уч айланса, ким деган бўламан? Ана шу ваҳима мени биринчи бўлишга даъват қиласди. Бундан ташқари, бу гап Фотима холам қулоғига етса, унинг айтадиган гапи маълум:

— Вой, Меҳринисо! Нега ундаи қилдинг, қизим, қиз бола деган ўз қулоғини тишлигаган «Бешиккерт» йигитига ҳам шундай қиладими? Назирқулни уятга қолди-

рибсан-ку!— деса, нима деган бўламан, деган ҳар хил васвасалар кўнглимдан ўтарди. Албатта, биринчи бўлиш им керак. Меҳринисо ҳам шуни хоҳлади!— деб ҳаммадан кўп чучмома териш ва биринчи бўлиб Меҳринисо қўлига гул тутқазишни кўнглимга жо қилиб олгандим.

Ҳарқалай бахт менга ёр бўлди. «Рақиб»ларимни ортда қолдириб, чучмома дастасини биринчи бўлиб Меҳринисонинг жажжи қўлига тутқаэдим.

Ўртоқларим ҳасад қилибми, ғайирликлари келибми, ҳарқалай тумтайшиб, тўнғиллай бошладилар:

— Назирқул муғамбирлик қилди, ҳа, биз аҳмоқ бўлмасак, чучмомага қизиқиб олдинга чопармидик...

— Рост айтади, биз Меҳридан жуда узоқлашиб кетдик, Назирқул бўлса орқада судралиб борди...

— Сенлар, менга тайин чучмомаларга човут қилиб ҳам ютолмадиларинг!. Фирромни жазоси шу!— дер эдим гурурланиб мен.

Меҳринисо бўлса чучмома дастасини қучоғига босиб, бизни томоша қиласарди.

— Мен ўйнамайман!— деди зарда қилиб Мели.

— Мен ҳам,— деди Фойиб.

— Ўйнамай бўпсиз. Ҳаммангизнинг елкангизга бир-бир минаман, ҳовуз атрофидан уч-уч марта айлантириб, кейин жиловларингизни қўйиб юбораман!— дедим Фойибининг қўлидан ҳовуз бўйи томон тортниб.

— Уришманглар. Яраш-яраш,— деди менинг қўлимдан Фойибни ажратиб Меҳринисо. У қошларини чимириб бирпас жим турди-да, бирдан жонланиб: «Бу ёққа келинглар!— деди қўлини ҳовуз томон чўзиб,— мен сизларга бошқа ўйин кўрсатаман».

Биз қиз орқасидан эргашдик. Мен қиз орқасидан борар эканман: «Биламан қандақа ўйни ўргатишими, кечагидек ниначи билан капалак тутдиради»,— деб ўйлардим.

Меҳринисо бехосдан додлаб юборди, югуришиб ҳовуз бўйинга бордик.

— Дод, укам чўкиб кетяпти, дод-дод! — деб чинқирарди Меҳри. Қарасам, ҳовуз чайқалмоқда, ўртасида икки оёқча типирчилайди. Боланинг боши, йўғон сонигача сувпинг ичида.

— Войдод! Укам Мамадқул чўкиб кетди... дод! — деб чинқирарди ҳовуз атрофида югуриб Меҳри.

Менинг эсимга бостирмада кашта тикиб ўтирган хотинлар тушди.

— Она!.. Фотима хола!.. Мамадқул... ҳовуз... — деб бостирма томон югурдим. Менинг товушим билан уч аёл бостирмадан югуриб чиқди. Буларнинг бири онам, иккинчиси боланинг онаси — Фотима хола эди.

— Она! Бу ёққа чопинг! Мамадқул ҳовузга чўкиб кетди! — деб орқамга қайтдим. Сув ичида боланинг фаят кўйлакчаси кўринар эди.

Онам биринчи бўлиб ўзини ҳовузга отди. Болани даст кўтариб, бошини ерга қилиб ҳовуздан чиқди:

Фотима хола додлаб бетини юлар, оғзига келган сўзи қайтармай қизи Меҳринисони қарғарди.

— Кўрқма, Фотима, болангга ҳеч нарса қилмайди, — дер эди тасалли бериб онам. У икки яшар дўмбоқ Мамадқулнинг белидан қучиб, бошини пастга қилиб чайқади. Кўкариб кетган бола ўхчир, ҳар ўхчиганда оғзидан сув тушарди...

Меҳринисо укаси Мамадқулни аравачага солиб ўтказиб, ҳовуз бўйида қолдирганча ўзи ўйинга қизиқиб кетган. Бола аравачани қимирлатиб сурила-сурила ҳовузга тушиб кетган.

Ҳарқалай Мамадқул ўлим чангалидаш тортиб ғлинганди бўлса-да, у воқеа ҳаммамиз учун яхшигина сабоқ бўлганди.

НАВРУЗ

Қиши фаслиниң охирги ҳафталари, ташқаридә ча-параста қор урарди. Дадам, онам сандалда ўтириб гурунг қилишарди.

— Тұқсөндән ҳали бор. Тұқсөнниң ҳам қирқ куни чилла, қырк куни ҳийла. Чилласың ўтиб кетди, ҳийласыдан ҳали бор,— дейншади ҳисобдонлар.— Ажуз момо олти күн, қаҳр айласа етти күн. Мана шу Лайлак қор билан ажузнинг ҳам куни тугайди,— дер эди дадам.

— Бу йил қиши қаттық келди. Бирорвнинг усти бутуи, бирорники юпун. Ҳаво-жаҳон ёришиб кетса бўларди!— деб қишидан зорланарди онам.

— Қирққа чидаган қирқ бирига ҳам чидайсан энди,— онамга тасалли берарди дадам.— Кўпি кетиб ози қолди. Аҳмон-даҳмон ўтди дегунча у ёғи садпок... савр...

— Савр ёмғирини яхши кўраман,— дедим қувона-қувона мен.

Онам менга:

— Катталар гапираёттанды кичик гап қўшса уят бўлади. Жимгина тинглаб ўтиранг уқиб оласан!— деб танбех берди.

Мен уялиб бошимни сандалга тиқдим.

— Ду борони ҳамал, як, боровни савр,— деб сўзида давом этди дадам.— Гап энди ҳамалнинг қандай келин-

шида. Ҳамалда иккى, саврда бир марта яхшилаб ёмғири
ёғиб берса, дәхқоннинг уйи ғаллага тўлиб қолади.

— Айтганингиз келсин,— деди онамнинг чехраси
очилиб,— ҳамал-амал, ўлмаган қул баҳорни ҳам кў-
ради. Наврўз келади, «Қутур булоқ», «Хожа гозён»
сайили бошланади. Ёш-яланглар ёзилишиб яираша-
дилар.

Наврўз сўзини әшитиб, юрагим тўлқинлапиб кетади.
Оҳ, наврўзжон. Наврўзда ҳамма нарсага жон киради.
Ердан гиёҳлар, бойчечаклар бош кўтаради. Қушлар ин-
ларидан қуёш нури тўла осмонга учадилар. Қуёш нури-
дай мулойим шабада юзларимиизни силайди, руҳимиизга
ажиб шодлик бағишлийди. Тупроқда, тоғ-тошда янги
ҳаёт, дилларда янги орзулар қанот қоқади. Янги кун —
наврўз бошланади. Шу навбаҳор қўйнига, табиат оғу-
шига сингиб кетгинг, унинг ҳаётбахш янги кучини ҳис-
қилгинг келади.

Мен туғилиб ўсан Жиззахнинг табнати гўзал, боғ-
ларида ажойиб наврўз байрами бўлар эди. Бу байрам
айниқса ўз ҳовлиси ёки энг яқин қариндошининг уйидан
бошқа ерни кўрмай ҳаёт кечирган қиз-жувонлар учун
унутилмас байрам эди.

Ёз боши мартдан бошланади, деганларидек, наврўз
мартининг сўнгти ҳафталарида ўтказилар эди. Болалар
наврўз арафасини байрамга айлантириб юборишарди.
Үйма-уй қалдирғочлардай баҳор келганидан, эрта нав-
рўз эканлигидан хабар беришади.

— Баҳордан ўргилай,— дея сўзида давом этди
онам,— қандай худо яллақагур наврўзни байрам қилиш-
ни расм қилиб кетган экан, бир кун бўлса ҳам хотин-
қизлар яираб ўйнашадилар. Наврўз баҳона дийдор кў-
ришадилар. Тутқунликда занглаб кетган диллар баҳор
чечагидай очилади, тўрут девор ва унинг кар қулоқлари-
ни, сўқир кўзларини бир кунга унтилб, қушдек учиб яй-

райдилар. Баҳорги табиатнинг нашъаси — жонининг роҳати.

Ўзбек хотин-қизлари баҳорни беҳад севадилар. Ишқилобгача ўзбек аёлларининг қисмати шўр, умрлари тўрт девор исканжасида эди. Ташқи дунёдан бутунлай бехабар, ичкарининг тор қафасида рухсорларни заъфарон. Инсоний ҳуқуқнинг барчасидан деярли маҳрум. Улар учун бир нафасли эрк, ўйни-кулгни Сулаймон давлатидан улуғ, тапсик эди. Қуёш нуридан бутунлай маҳрум бўлган аёллар нур-ёруғликнинг гадолари эди. Баҳорни, йил боши наврӯзни кумсаб қўшиқ айтардилар. Мушк анқиб турган баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олишга муштоқ эдилар.

Одатда баҳор қиши, куз сингари жимгина келмас эди. Довул қоқиб, чақмоқ чақиб, шовқин-сурон билан келар эди. Қора булат учар отининг сағрисига қамчи босиб, ўт чақнатиб, шуъла сочиб, ер-кўкка ларза солиб келарди.

Баҳор илиқ нафаси билан борлиққа жон киритарди. Қиши билан ер қучиб ётган қурт-қумурсқалар уйғониб, қулоғидан тортгандек ер юзасига чиқиб қоларди. Дала-даштларга тўшалган қишининг оқ чойшаби ўрнида, энди ям-яшил майсазорлар... Сайнилгоҳларга зангори гиламдан поядозлар тўшалган. Ранг-баранг гулшанлар киши дилига олам-олам қувонч ва роҳат бағишлайди. Бойчеклар басма-басига рақсга тушаётгандек, сафларга тортганлар.

Наврӯз сайилини март ойининг адени, ҳафтанинг чоршигиба кунлари қилиш одат бўлиб қолган. Наврӯз байрамини жizzахликлар «Қутур булоқ» тогида, «Хожа гозён» хиёбонида ўтқазардилар. Маҳалла кўчалари одамлар билан тўлиб тошарди. Чилдирмалар таранг. Бакаум-банг! Қизиқчи-масҳарабозлар ўзларига оро беришиб, жўра бошининг фармонига мунтазир. Жizzах эски шаҳар атрофидаги Ўратепалик, Нижоплик, Равот-

лик, Оқкүрғонлик, Тоңчилик, Мұлкаллик, Тошқынтык, Жиззахлик, Ховослик ва бошқа ўнларча маҳаллалардаги жүралар ташкилий равишда тұда-тұда бўлишиб, чилдирма, карнай-сурнай чалишиб, қўшиқ айтнишиб, қариб етти-саккиз километр масофани ўйин-кулги, асқия билан босиб «Қутур булоқ» сайилгоҳига борардилар. Хотин-қизларнинг наврӯз байрами ўзига хослиги билан эркакларнидан ажралиб турарди.

Ҳа, ҳар йили баҳорда бўладиган наврӯз байрами Жиззахда жуда завқли ўтарди. Барчага баробар наврӯз байрамига ёш-қари, аёл-эркак ҳамма-ҳамма қатиашарди.

Еш бўлсан ҳам маҳалламиздаги одамларни яқиндан танирдим. Уларнинг кўпчилиги фақир одамлар эди. Эсимда, ҳар йил наврӯз байрами яқинлаша бошлиши билан маҳалламиздаги гап-гаштакхўр йигитлар, чора-кор-қароллар — ғалла пишиғиде тўлаш шарти билан давлатмандлардан қарз ҳасанага пул кўтаришарди. Наврӯз арафасида уст-бош янгилаш одат бўлганидан бола-чақаларини ясантириш тарадуддига тушиб қолишарди. Онам менга, ака-укаларимга дўппи, кўйлак, яктақ тиксалар, дадам бизни бозорга эргаштириб бориб калиш-маҳси олиб берардилар. Ҳамма ҳовлида ҳоли қудрат наврӯз байрамига тайёрлик борарди. Айниқса қизи бўйига етиб қолган оиласларнинг ташвишига ташвиш қўшиларди. Қизлар тиллақош, баргак, зебигардон, қўлтиқтумор, маржон, узук, билагузук тақиб, шойн кўйлак, нимча камзул кийиб ясанар эдилар.

Ясаниш ҳам ҳар хил бўларди, албатта, бой-бадавлат оиласларнинг қиз-келинлари атлас, кимхобга ўралиб, гардонларига олтин-кумуш, ёқут-марвариддан шода-шода маржонлар тақсалар, бечораҳол оиласларнинг қизлари чит кўйлак, беқасам нимча, ёки лас камзул кийишиб, оддий мунчоқлардан маржонлар тақиб баҳор сайилига шайланардилар.

Эрта наврўз леган куни ҳамма тараддуудга тушиб қоларди. Оналар наврўзни қутлаб ўрик ивитар. Ҳангаматалаб ёшлар тўда-тўда бўлишиб, қўшиқ айтишиб, уймай кезиб наврўзни қутлашарди. Оналар уларнинг бошкўзларидан минг айланиб-ўргилиб, наврўз хабарини келтирган қадамларига ҳасанотлар ўқишиб, коса-коса ивитеилган ўриклар билан сийлашарди. Бир гала қизлар тўпланишиб, бир парчагина ойнага боқишиб, ўзларининг шод ҳуснларига оро бериб ўсма қўйишарди қошлирига.

Мен энди билсан, ўсма қўймоқ ҳам санъат экан, унда ҳар киши ўзининг таъбини, дидини намоён қилади. Бирор энликроқ қошига ингичкароқ, бошқаси нозик қалам қошни кенгайтириброқ ўсма тортади. Бироқ киприклари устига ўсма тортса, бирор юзига хол қўндиради.

Қора қошга қовул ўсма,
Санамнинг йўлини тўсма.
Санамнинг йўлини тўссанг,
Инглар қоиндаги ўсма...

Ажабо, бу қўшиқ қайдан? Қандай йигит воқиф бўлиб қолди қизларнинг пардоз-андозидан? Гурр этиб кулги кўтарилди, қизлар бир-бирини паноҳ қилиб юзларини беркитдилар. Кимдан? Ҳамма лочиндан ҳурккан кабутардай аланг-жаланг. Қайси девор орқаси, ёки қайрагоч чўққисидан кузатяпти бу йигит? Кимнинг ошиғи? Қайси дилбарнинг ошифтаси?

Ҳеч ким, ҳеч ким йўқ. Кулги ичида қўлларга ўсма чўп олинар-олинмас яна:

Сурма қўймай бунча ҳам, жонон қародир кўзларинг,
Ҳар бири жон қасдига боқкан балодир кўзларинг.

Қизлар энди қаҳ-қаҳ уриб ўриннаридан туришди, шүхлик билан атрофга қарашди...

Шу кун ичкари асиralарига қуёш ҳам мұжда келтирди, ўз хонасидан кулиб чиқиб, булутларни ҳайдади, зарекокилин белигә ташлаб оламни гулистон қилиб юборди. Осмон камалаги латофатини нимага қиёс қилишни билмасдим ўша кезларда. Энди билсам, наврұз фусункор жамолини күз-күз қилиб, осмон гумбазида тұтиқуш либосида жилва қилмоқда экан.

Маҳалла күчалари хотин-қизлар билан тұлиб тошған. От-әшак, араваларға кигиз, күрпача, қозон-товоқ, озиқ-овқат ортишиб, бирөвлар пиёда, бирөвлар от-ара-вада боришарди. Болалар чилдирма қалиб, ўйнинг тушиб, хотин-қизлар ёр-ёр айтишиб күчани бошларига күтарар, тезоб шұх дарә сингари түлқинланиб «Хожа гозен» сайилгоҳи томон оқарди.

Осмон бегубор. Тиниқ күкда турналар қатор учыб борарди. Улар күчаларни түлдириб бораётған қиз-жувонлар бошидан гир айланишар, бўйинларини ер қизларига зигиб, гўё салом беришар, баҳор байрами билан кутлашиб, ўз сайилгоҳларига етиш учун парвозларидавом этишарди.

— Кечаги ёмғириң қарангү, бугунги ҳавони,— дер эди, теварак-атрофға назар ташлаб, чачвонини бошига қайтариб ташлаган, юзи очиқ аёл.

— Ҳа, ёшлар баҳтига ҳаво-жаҳон очилиб турибди. Кечаги довул чақмоқ, қора булутлар қаёққа ғойиб бўлди, эй қудратингдан кетай!— деб ёқасини ушларди бошиқа аёл...

Дарҳақиқат, кечаги оби раҳматдан боғ-роғлар чанги ювилиб, яна ҳам зумрад тус олган. Анҳорлар тұлиб, қирғоқларидан тошиб оқади. Ирмоқлар қўшилиб дарә бўлгандек, оила-оилаларга, маҳалла-маҳаллаларга қўши-

либ «Хожа ғозён»га олиб борадиган катта күчә дарёдек тўлиб оқарди...

Сайилчилар орасида баҳор олди кўзи ёригани келинн-чаклар оз эмас. Ўтган баҳор куёвга узатилган қўшнимизининг қизи аллақачон болалик бўлиб олибди. У ёғини сўрасангиз, онанинг ўзи ҳали бола! У, ўн учдан ўн тўрт ёшга қадам қўйганда бола кўрибди. Ёш она қайнана, қайнисингиллар қуршовида борарди. Чақалоқ эса бувисининг бағрида.

— Баҳордан ўргилай, наврўзга етказган худо-йимга шукур,— дер эди гап бериб бораётган чўтири хотин.

У барча қиз-жувонларнинг юрак сўзларини айт-ётганди. Агар куннинг чеҳраси очилиб бу кунгидек ку-либ турмаганда, балки сайил бунчалик кўнгилли бўл-масди. Ҳарқалай, ичкари асиralари бир кунлик ҳайит-га етганларидан ўзларида йўқ шод-хуррам. Бир кун бўлса-да, кўкракларига шамол тегяпти-ку! Шунисига ҳам шукур қилишарди мушфиқ оналар, ожиза сингил-лар.

Қўшнимизнинг қизи ёш келинчак билан изма-из бораётган бир тўда хотинлар ўзаро пинҳоний гап қилишарди.

— Қизлик чорида қош-кўзи попукдек эди, шўрликки-панинг. Ёши етмасдан қизни эрга бериш аҳмоқлик! Битта бола туғиб олқиндидек бўлди-қолди, шўрлик!— дер эди қўшнимизнинг қизига ачиниб аёллар.

Мен аёллар орасида уларнинг гапини тинглаб борарадим. Қўшнимизнинг қизи тўғрисида бораётган гап-сўз менга ёмон таъсир қилди. Шундан сўнг тез-тез қадам ташлаб, келинчакининг олдига ўтдим. Негадир келинчак ўтган баҳор тақиб чиққан баргак, тиллақош ва бошқа зеб-зийнатларини бу йил тақиб чиқмапти. Лекин келин бўлиб тушганда кийган атлас кўйлак, йўл-йўл духоба

камзул әтгнида, амиркон маҳси, қалъа кавуш обигида, бүйніга маржон тақиб олғанди.

Мен уннің юзінга синчикалаб қарадым. Еш аяча чач-вонини бошига күтариб қўйып, ярим юзи очиқ ҳолда ерга қараб борарди. Ҳа, хотинлар гапида жон бор эди. Дарҳақиқат, бир йил ичида, келинчак озиб қопти. Қизлик чоғидаги чиройи бутунлай йўқолибди. Рухсори сарғайиб, қора кўзлари киртайиб қолибди! Бу мусулмончлик дунёсининг қизларга бағишлаган гайри инсоний нитъоми!. Қанчадан-қанча ёши тўлмаган қизлар, очилмасдан узилган гул фунчаси сингари, кун кўрмасдан, ранг олмасдан хазон бўлишарди! Табиатнинг одамзодга қилган буюк ҳадяси — севги-муҳаббат нималигини сезмасдан, билмасдан, ёшлик баҳори нашъасини сурмасдан, турмушда роҳат, ҳузур-ҳаловат кўра олмай, дардга чалиниб, юрак тўла армон билан дунёдан ўтиб кетишарди.

* * *

Кенг «Хожа ғозён» сайилгоҳ ҳиёбони. Атрофи баланд девор билан ўралган сердараҳт, соя-салқин бое. Булатга бўй чўзган сон-саноқсиз азамат дараҳтлар. Мирзатерак, бақатерак шохларидағи кучалалар тўкилиб, ўринини кўм-кўк япроқчалар безаган. Ҳатто пўстлоғи қаттиқ садақайрағочлар зумрад тусга кириб уннің шохларидағи тангасимон гулчалар ел қанотида учиб сайилгоҳга тўпланишган қиз-жувионлар бошига сочилар. Кенг ҳиёбон қўёш нурига гарқ бўлган эди.

Еш гўдакларни ҳисобга олмаганда, бор ичи эркак зоти — номаҳрамлардан холи. Хотин-қизларга дорила-монлик, улар паранжи-чачвонсиз, юз-кўзлари очиқ. Фақат бирон йінгитга номзод қилиниб қўйилган қизлар

рўмол билан юзларинн ярим пана қилиб, озодликда ўйнаб кулишади.

Еш-ёш ўғыл болалар дараҳтдан дарахтга сакрашиб, аргимчоқ солар, қизлар хандон қулнишиб, лапар айтишиб, аргимчоқларда учишар эди.

Богнинг ўртасида катта ҳовуз. Ҳовуз атрофи кенг, текис супа. Супанинг теварагига тол, терак, қайрагочлар ўтказилган. Ёз пайтлари ҳовуз ва супага тангалек офтоб тушмайди.

Ҳовуз атрофи супаларда оила-оила бўлишиб, кигизгилам, кўрпачалар тўшалган. Бирор ўчоқ қазиб, қозон куриш билан овора бўлса, бирорлар сабзи-ниёз тўғраб, ошнинг масаллигини ҳозирларди. Хиёбонга келаётгандарнинг кети узилмасди. Шундай кенг бор танглик қилиб, кечикиб келганлар жой қидиришарди. Ана шундай пайтларда жойсиз қолган оиласларни олдинроқ келиб жойлашиб олганлар ўз давраларига таклиф қилишарди.

— Жой қидириб овора бўлманг, ўргилай, феъл кенг бўлса ҳамма сифиб кетади. Кела қолинг, эгачи, келин бувини тўрга ўтқазинг, ким етди, ким етмади наврўз байрамига,— дейишар, қозон-товоқ ҳам ўртада бўларди.

Ёш қизлар тўда-тўда бўлишиб, даврадан даврага ўтишиб келиш кўришарди. Куннинг биринчи ярми келиш кўриш, меҳмон кутиш билан ўтарди. Келинчаклар қизларни оёққа туриб, қайта-қайта салом билан кутарди. Оналар меҳмон қизларни ўтиришга таклиф қилар, қизлар ўтирсалар ҳам, келинчак ҳамон тикка турар, шойи рўмольча тутган ўнг қўли тиллақоши устида, чап қўли кўксида, бот-бот бош эгиб, таъзим қиларди. У ҳар гал таъзим қилганда гарданидаги зеб-эйнати, қўлтиқтумор, зебигардон, баргаклар шилдираб ажиб бир сирли мусиқадек эшитиларди. Тўкин дастурхон атрофида давра олиб ўтирган ранг-баранг кийимлардаги қизлар қизил, тарғил лолаларга ўхшарди. Шойи, атлас, чит, лас

күйлак, нимча, камзул, дурра, пешанабоғ, хуллас, борборича, йўқ ҳолича ясанган.

Боғ ташқариси, девор орқасида ҳам саийл давом этарди. Хиёбонга киравернишдаги катта дарвоза олди ва боғ айланаси ёш-яланг йигитлар билан лиқ тўла. Буларнинг баъзилари наврўз байрамига келган бўлажак қаллиқларини кутиш мақсадида ташқаридаги юрган бўлсалар, бошқалари поаниқ мубҳам умид билан шамчироқ парвонаси сингари девор атрофида гирдикапалак.

Ҳаммага маълумки, ўша вақтда бўйдоқлар—бўлажак куёв тўралар одатда унашилган қаллиғини, қиз эса куёни кўрмасди. Қиз боланинг боши оллонинг тоши, у палақмонга солиб отилган тошдек бир гап эди. Урф-одатимизнинг бу ўйинига қизлар, йигитлар кўннишиб, тақдирга тан берниб қўйғандилар. Шунинг учун бўлса керак, хиёбон ташқарисида, девор атрофида, йигитлар бирон марта бўлса ҳам ёрларининг қад-ниҳоли, ҳусн-жамолини кўриш орзусида айланиб юришарди.

Ичкарида қизлар, ташқаридаги йигитлар юраклари орзиқиб, бир-бирларини кўришга зор-интизор.

Хиёбон ичида наврўз байрами, ташқарисида саргардонлар сайнли. Каллапаздан тортиб, балиқпаз, ҳолвапаз, иўхатшўракчиғача, нишолдачи, қандалатчи, аттор, бақдол, сартарошдан тортиб, ҳаммолгача, кабобпаз, мантипаз, понвой, чойхоначидан тортиб, бazzозгача шу ерда ғимирлашарди.

Фурушандалар ўз молларини мақтаб харидор чорларди:

— Келинг!. Келинг! Чайнамай шимминг! Чак-чакдандон, бир пулга арzon.

— Бўрдоқисига кеб қолинг! Армонда қолманг, себ қолинг! Пули борга кабоб, пули йўқса дуди кабоб.

— Барра ровоч, сўлқилдоқ ровоч!

— Мой чайнаисиз! Ширмоиҳўрга ширмон, чапчак-

хўрга чапчак! Пулни бегона қилманг, қариндош!— леб бақириб чақиришарди.

Шу пайт яна нотаниш ошиқнинг ялласи эшитилди:

Томга хина эксан ўсаман, деди,
Ерга бино қўйсан кетаман, деди.
Кетма ёрим, кетма, жоним берайин,
Гулшанимдан сенга гуллар терайин.
Узим ҳар жойдаман, кўнглим сендадир.

Ошиқи зор ноласи маъшуқалар юрагини қитиқларди. Йигитлар орасида чапанилар бўлганидек, қизларнинг ҳам чаланилари бўларди. Шундайлардан бири:

— Эй, мард бўлсанг, ўзингни кўрсатмайсанми, йигит! Қизлар йигитларга ялинмаслигини биласан-ку!— деди ҳаммани кулдириб, ўрта ёшдаги шўх бир аёл. Мен «жигарсўхта» у йигит кимлигини билардим. «Мард бўлсанг, ўзингни кўрсат!» эмиш! Кўринниш беришнинг иложи бўлганда, у йигит ҳам қизларга кулги бўлиб, пинҳоний нола чекиб юрмаган бўларди. Кичик бир эҳтиётсиалик билан ёрини маломатга қўйишдан қўрқарди йигит. Ошиқ-маъшуқлар воситаси бўлган саломнома у замонда мингдан бир қиз-йигитга насиб бўлар, саводсизларнинг бу ўринда ҳам бахти юришмасди. Ана шундай шаронтда ошиқ-маъшуқларга югурдаклик қилиш ёш бола учун гуноҳ бўлмаса керак. Йигит илтимосини рад қилишга сира кўнглим бўлмади. У қайта-қайта уқтириб дер эди.

— Уқтингми, онасининг кўзини шамғалат қилиб чиқсин. Тушундингми?

— Тушундим.

— Бошқа даврадаги қизлар базмига, ёки келинчак кўргани ўтган бўлиб, секин мен кўрсатган томонга борсин. Мен ҳо анави хонақоҳнинг ёнида кутаман, англадингми?

— Аңгладын!

— Баракалда, азamat! Мана бу совғани секин опанғ-
нинг қўлига бер,— деди белбоғ тўла ноз-неъматин менга
тутқазиб. Бу сирни опанғдан бўлак ҳеч ким билмасин-а!
Тузукми?

— Тузук.

— Мен девордан мўралаганимда опанғ юзини очиб,
бир кўриниш берсин.

— Шайхлар қўриб қолса, бошингиз балога қолма-
син яна.

— Қўрқма, шайхнинг ҳам томоғи тешик. Рози қил-
ганман, кўрса ҳам кўрмасликка солади.

— Ундай бўлса яхши.

— Опангга айтиб қўй, қўрқмасин. Бу сирни учалами-
зу бир худодан бўлак ҳеч ким билмас экан, дегин. Қе-
ласи чоршанба куни «Қутур булоқ» сайилига албатта
чиқсин. У ерда девор йўқ. Бағри кенг тоғ...

Мен ошиқ йигит илтимосини бажариш учун пайт
пойлаб турганимда, ўн-ўн икки ёшлардаги бола ҳам бир
қийиқ ноз-неъмат олиб келинб, бир қизнинг олдига қўйди.

— Акам бериб киргиздилар...

Зангори кўйлакли, қизил дуррали дўндиққина қиз-
нинг юзи лоладай қизариб кетди. У қийиқни ўзи тиккан
екан. Пушти лас қийиқ. Эттириб қўйилган йигитдан...

— Эй дугонажон, муборак бўлсин!

— Аямлар ёшлигимизда шундай бир...

— Үзини кўрганмисиз, шундоғ ўртоғимизга муносиб-
ми?

— Утган наврӯзда узоқдан...— деди дўндиқ ва баҳ-
тиёр кўзлари чиройли бўлиб кетди, кейин орқага йўл
олган болани тўхтатиб:

— Обиджон, қийиқни ола кетинг,— деди.

Дастурхон ёзилиб қийиқ бўшатилди. Ширмон, патир,
ҳолва, қанд-қурс, майиз, ёнғоқ ва ҳоказо...

Бир қыз ҳалиги бола орқасидан шіўхлик қилиб қич-қирди:

— Укажоң, ақанғызға раҳмат айтынг ҳаммамиздан, наврұzlари құтлуғ бұлсии...— Бу манзара мени چуқур үйга солиб құйғанди. Обиджонни хизмати ошкоро, мәники эса пилқона?.. Фарқи нимада?, Обиджон келтирган совға соҳибаси дүндік қизнинг боши борлаған, шомздоди аниқ. Мен хизматида бұлған йигит қүнгіл қўйғал қизэ-нинг боши ҳали очиқ. Уннинг ихтиёри ўзинде эмас, ота-онаси, қавм-қариндошида!.. Йигитнинг эҳтиёткорлығи шундан әкан, билсам...

Ичкари асиралари ярим әркинлик маскани бўлган бу сайилгоҳда ўйнаб-кулишдан сира тўймасдилар. Буларнинг ораларида шопралар, газалхонлар, созанда, қизикчи ва раққосалар бўларди. Маҳалла-маҳалла басмабасига ўпнинг тушиб, ялла айтишарди.

Кеңг хиёбонда бир тўда қизлар қатор тизилишиб чанғовуз чолишарди. Қизлар ҳақиқдек лабларига чанғовузни қўйиб, иозик бармоқларини ҳаракатга келтирганлариди, ажойиб мусиқий жаранг юракларга ором бағишлиарди. Чанғовуз қизлар нафасида тилга кириб, гўё уларнинг юрак сирларини ошкор қилаётгандек эди:

Куёв-куёв, кимга куёв, куёв-куёв, кимга куёв...

Куёв-куёв, менга куёв, куёв-куёв, сенга куёв...

Сенга куёв, сенга куёв.. биё-биё, биё-биё...

Уста чолгучи санъатчи қизлар (чанг) чанғовузга тил киритиб, шинавандаларни мафтун қилишарди. Бир эмас, бир неча даврада чилдирма қалиб қиз-жувонлар ўйнинг тушар, ашула айтишинб базмии авжига чиқаришарди. Қасрда даврапинг базми шўх-файзлил бўлса, томоша-чилар ўша томонга оқарди.

Бир катта даврада гўзал бир жувон сурма ранг дур-

рани дол қўйиб, дутор чертяпти. Мен танидим бу жувонни. Биздан юқори маҳалладаги бир оиласнинг келинин, лекин мен илгари унинг дутор чалганини сира эшитмаганман. Дутор пардаларни тилига қулоқ солаётгандай бошини хиёл чап томонга эгиб дутор чертар эди, бу маъюс дилрабо оҳанг, ҳатто мени ҳам сеҳрлаб қўяётганини сезардим. Ҳамманинг юзида ҳақиқий музика ва санъат бахш этадиган ҳаяжон.

Қора сочим ўсиб, қошимга тушди,
Не савдолар менинг бошимга тушди...—

деб қўшиқ бошлади иккиси жувон. Мен бу жувонни ҳам танийман. У бизнинг қариндошларимиздан бири. Лекин нега унинг ашула айтганини сира эшитмаганман. Зотан, бу тутқун қафасдаги булбулларниң, қумриларниң овозини тўрт деворлардан ўзга ким эшитсин? Улар ўз уйларида ҳам қўшиқ айта олмайдилар. Бу қўшиқ «Тановар» эканлигини акам дутор чалганда билиб олгандим. Аёллар бахтсизлиги, тутқунликдаги оҳ-зорлари, ушалмаган орзу-ҳавасларининг гўзал нидоси «Тановар» эди.

— Қўй болам, юрагим тилка-тилка бўлиб кетди бу қўшиғинингдан. Шўх, шўхроғидан ол, ўйнагани чиққансизлар.— деди бир кексароқ аёл кўз ёшини рўмоли уни билан артиб.

— Қаринавога чалинг, дугонажон, Шарофатжон ўйнаб берадилар..

Кўй, қўшиқ, рақсга мафтун қиз-жувонларни баҳор шабадаси силаб, қуёш нури эркалаб турарди.

Бўйдор, қотма, қирғий бурун, қайрилма қош машшоқ қўлида дутор тилга кирди. Унга жўр бўлиб чилдирма чертаётган ўрта яшар аёл ўз созидан шу қадар таъсирланганники, унинг қоши, кўзи. ҳатто юзи ўйнарди. Машшоқ жувоннинг зарби тиниқ, дилнавоз жарангни дутор муҳлисларига чинакамроҳат бағишлади.

Раққоса қизнинг чарос қора кўзи, гуллек тиниқ юзи ҳар бир юракка шодлик бағишларди. Барно раққоса қушдек учиб, гир айланиб, нозиклиги, шўхлиги, майин табассуми, қош ўйнатиб, кўз сузишлари билан ҳаммани мафтун этди.

Ўйин-кулги, базм бир даврадан иккинчи, учинчн даврага кўчиб юрар, чилдирмаларнинг бакабангиги, хушиловоз қиз-жувонларнинг ёқимли, юракларин ўйнатувчи ялла ва қўшиқлари баҳор сайилинга фойз киритарди.

Аргимчоқда учиш ҳам санъат эканлигини мени ёшлик чоғимда ана шу «Хожа ғозён» хиёбонидаги наврӯз байрамида кўргандим. Кун ботишидаги азамат бакатеракнинг энг баланд шохига солинган аргимчоқда учиш, спорт мусобақасига айланиб кетганди.

Ўн-ўн икки метр баланд шохга осилган аргимчоқда ҳар ким ҳам қойил қилиб уча олмасди. Учишини эплай олмасдан пашшадек арқонга ўралиб қолган қиз-жувонлар роса кулги бўлишарди. Бу баланд аргимчоқда учишнинг ҳадисини олганлар ўз томошабинларига шавқ-завқ бағишларди.

Аргимчоқда, ўтириб-туриб учиш, ҳар сафар бориб келгандга суръатга суръат қўшиб, ердан ўн метр чамаси юқорига кўтарила билиш, яна бир маромда олға-орқага қараб хатосиз учишнинг ўзи бир санъат. Ўиларча учувчилар мусобақасида яна ўша гўзал юз, ширин сўз, шамшод қад рақосса голиб чиқди.

Ўйин-кулгидан ҳеч ким тўймасди. Давраларда олдинма-кейин дастурхон ёзилиб, турли таомлар тортилиб турарди. Бир қозонда шўрва, бир қозонда хўрда, бир қозонда ош... Бу наврӯз кунида меҳмондўстлик ўз камолига етганди.

Нақадар ширин туюлади табнат қўйнида пишган бу таомлар! Висол гашти билан, сұхбат билан, наврӯз нашъаси билан ширин эди бу неъматлар.

Наврӯз-навбаҳор куни очилмагани ғунча. Яйрамаган қўнгил қолмагандек, хиёбон күшчаларни жуфт-жуфт бўлишиб, учиб қўниб, чугурлашиб уя қўйишмоқда. Янги рўзғор, бола ташвиши биланми овора улар? Хотин-қизлар рўзғор ғамини унутиб, ўзларини шодлик қучогига ғтган. Қизлар тўда-тўда бўлишиб лапар айтишарди. Улар эркин ҳаёт, ишқ-муҳаббат, вафо, ёр, тенгликтини қумсаబ лапар айтишарди. Тенгсиз никоҳ, неваралари тенги қизчага уйланиб олган ноинсоф бой боболардан кулишиб лапар айтишарди.

Биринчи тараф:— Лапарни биз айтамиз, соз айтамиз,
Жавоб топиб беролмагач, биз қайтамиз.
Айтиш биздан, жавоб сиздан, қиз болалар,
Ери севган, баҳти кулган қиз болалар.

Иккинчи тараф:— Баҳор келди қулоқ-қулоқ гуллар билан,
Харён чечак, булбулга жўр қизлар билан.
Баҳор фасли ёр севмаган қиз бўларму.
Лапар айтиб куйламаган қиз бўларму?

Лапар лапарларга уланиб кетаверарди. Бироқ кун орishi билан аёлларнинг юзларига маъюслик чўкарди. Наврӯз байрамидан, табиат қўйнидаги суҳбатлардан, қўшиқлардан доира ва дуторлардан яна неча вақтларга-ча узоқ яшашнинг мунгли туйғуси кира бошлиди юракларга.

— Яна битта ўйнаб беринг!
— Яна битта ғазал ўқиб беринг!
— Яна битта, яна битта...

О, бир йиллик чанқоқлигини бир кунда қондириб бўладими? Ҳурликка, шодликка ташналиктини бир гўзал кундуз қондира оладими?.. Майли, бир кун бўлса ҳам, бир неча соат бўлса ҳам наврӯзга тасанно!

Ким билади, ўтмишда қачон ва қайси бағри кенг,

өміржаноб, доно ва меҳрибон ота-бобомиз томонидап үй-
лаб топылған бу бир күнлик шодлик — Наврұз байрами.
Бақорникінг бошланишини, габиатнинг уйғонишини, әкін-
тикин, меңнат ва ҳосил учун кураш йилининг бошлани-
шини байрам қилишни ким одатта киритган?

Халқ! Сира ўлмас, ҳамма вақт мангу анъаналарни
ардоқлада келган аждодларимизга балли!

Шундай яхши одатлар ва анъаналаримиздан бири
гүзәл Наврұз.

ЭШОННИНГ ЧАШМАСИ ИЧ БУРУГИ ҚИЛАДИ

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ деганларича бор. Жиззахнинг ўн икки ариғида Туятортар каналидан чиқарилган сув оқиб турган кезларда аҳоли бу қадар сувга муҳтоҷ бўлмасди, ҳовуз сувин тугаса ариқдан, ариқда сув оқмай қолса қудуқдан сув ичиб туриларди. Энди бўлса на ариқда сув оқади ва на ҳовузда сув бор... Одатимга кўра иккита жажжи пақирчамни обкашга илиб елкамга солдим-да, кўчага қараб чопдим. Туш пайти. Кун исиб ер темирдек қизинган. Қаерга оёқ босмайин жизиллатиб узади. Оёғи куйған товуққа ўхшаб питирлаб сакрайман кўчада. Онамнинг гапи эсимга тушиган сари ваҳима босади.

— Қудуқ олдига ёлғиз бора кўрма! Ажина бор. Жинлар ёш болага ўч бўлади-я! Борди-ю, «Назирқул» деб чақирган овоз эшитилгудек бўлса, «ҳа» дея кўрма! Қарим яламага ўхшаб юз-кўзинг қийшаяди-қолади.

Хар вакт онамнинг гапини бажо келтирадим. Биронта одам келмагунча кўчада, заргар эшон дарвозаси бўсағасида кутиб ўтираман. Баҳор ўтиб, кунлар қизий бошлиш билан ариқларда сув оқмай қолди. Туятортар каналини сув уриб кетди. Кетмон кўтаришга ярайдиган деҳқон зоти борки, ҳаммаси Зарафшон дарёсидаги Туятортар тўғони бошига «ҳашар»га ҳайдаб кетилган.

Мана ҳафтадирки, заргар әшоннинг қудуги одамлардан аримайди. Әшоннинг қудуги кудуқмисан қудуқ-да! Оғзи цемент билан ишланган. Үзи кўз илғамас чуқур. «Ичига қараганда кишининг кўзи тиниб, боши айланаб кетади»,— дейишади ваҳима қилиб сувга келган одамлар.

Сувини айтмайсизми? Зилол-а, зилол, муздаклигидан бир қултуми тишиңгизни «ёради», ичган кишининг жони киради. Сувга келган бирон кишининг ёрдамида пақирчаларимни тўлдириб олардим. Гўё ҳамён топган кишидек қувониб, обкашни елкамга солардим-да, ажиналардан омон қолганим шукронасига қўшиқ айтиб, пилдираганимча ҳовлимизга етиб олардим.

Кунларнинг бирида қудуқдан сув олгани бориб ҳеч қачон бўлмаган ҳодисанинг устидан чиқдим. Эшик олди тўла одам. Эркакдан кўп аёл. Ҳар вақт очиқ турадиган эшоннинг дарвозаси берк. Одамлар чувуллашади:

— Эшикни очинг, жон тўрам.

— Қудуқнинг суви қуриган бўлса сиёдан гипамиз йўқ.

— Пирим, оча қолинг, одамлар ўз кўзлари билан кўрсинглар!

— Нимасини кўради!— дер эди ичкарида туриб эшонвачча Сиддиқхон,— сув борида эшигимиз очиқ эди. Қудуқ Жайҳун эмас-ку, ҳаммангни супорсал Ўзимиз бир пақир сувга зор бўлиб ўтирибмиз!

— Ишонамиз. Шундай бўлса ҳам эшикни очинг. Гиналари ўзларидан қолсин.

— Ҳа, гина қилиб ўтказиб қўйғанларинг борми?

— Пирим, яхши эмас...

Пиримдан садо чиқмади. Кимдир дарвозани тақиллатиб урди, итарди, силкитди, тепди...

— Мана, эшондан келадиган иш! Ҳей ўша кўрсатган кароматидан ўргилиб кетдим, мен!

Одамлар ғазаби ошиб тошди. На ариқда ва на ҳо-

вузда сув бўлмаса! Нима қилиш керак? Кун иссиқ. Сувсиз бир кун ҳам тирикчилик ўтмайди. Одамларнинг кучи яна дарвозага етди. Қўл билан уриб, оёқлари билан тепа бошладилар...

Мени ваҳима босди. Нимага десангиз, эшон зотига эътиқодим зўр эди. Ога-онам бошимни Шоҳизинидага назир қилишган. Бугина эмас, онам тез-тез эшоннинг олиб бориб, менга дам солдириб қалтарди. Зағгар эшонга эмас, унинг ён қўшиси Бобохон эшонга. Ўтган йиғи тез-тез учинадиган бўлиб қолдим. Онам Бобохон эшонга ром очирган экан, кўзига пешанаси қашқа қора қўзи кўринибди. Онам шўрлик бисотидаги жамарғасига карзга олган пулинни қўшиб бозорни ахтара-ахтара ромда «кўринган» пешанаси қашқа қора қўзини сотиб олиб келди. Онам билан қўзини етаклаб эшон бобомнинг даргоҳига сифиниб бордик. Эшол бизни жула хушвакт кутиб олди. Баланд бўйли, мөш-биринч соқол, захча кўз, басавлат бу эшоннинг доим қўлида тасбеҳ, бошида қулоҳ билан кўрадим.

Онам паранжи-чачвон ичида таъзим бажо келтириб салом бергач:

— Ўргилай тўрам, қулваччангизни олиб келдим,— деди. Мен қўзичноқни ушлаб эшон қаршиисда турадим. Эшон бобом бир менга, бир қўзига қаради-да:

— Худди кўзимга кўринган қўзичноқнинг ўзи. Парвардигор Назирқулнинг инёзига атаб яратган экан бу жаннатини. Худо даргоҳига қабул қиласин,— лея юзига Фотиҳа тортди...

Онамни эшоннинг канизаклари кутиб олди. Мен қўзини боғлаб, эшон бобомнинг таклифига кўра ҳужрасига кирдим. У қалин кўрпача устига ўтирди. Мен ёнига, гилам устига чўкка тушдим. У кўзини юмуб, лабларини личирлатиб, алланималарни ўқиди, ҳар замон-бир замон кўзини очиб, менга энгашиброқ «куф-суф» қиласар,

тасбесҳи билан елкам, бошим аралаш уриб, яна қузини юмарди.

«Күф-суф» адo бўлгандан сўнг ҳужрадан чикдим. Эшон канизакларидаи бирига қўзичоқни олиб келишга, онам билан мени ҳозир бўлишга таклиф қилди. Бизнинг қўзомиз олдида жонивор қўзичоқнинг қулогини поки билан тилди-да, қонини пиёлага оқизиб олиб, ҳужрасига кириб кетди. Қўзичоқнинг қони билан дуо битиб онамга берди. Онам дуо битилган қофозни енгигида ушлаб олар экан, уни ўпиб пешанабогига енгилгина қилиб тугди. Ўйга қайтгач, қора ласка ўраб, уч бурчак қилиб тиккач, туморни дўпним ичига маҳкамлаб чатиб қўйди.

Қўзичноқ бизнинг биринчи ва охирги назр-ниёэмиз эмасди. Маҳалламиздаги бу иккала эшонга, айниқса Бобохон эшонга деярли бутун Жиззах, Уратепа, Зомин халқи ихлосманд. Ҳар куни бўлмаса ҳам, кун оралаб назр-ниёэз кўтарган, қўй-эчки, ҳатто қорамол етаклаган мурид ва ихлосмандлар иккала эшонни йўқлаб келиб турарди.

Эл сув гадоси бўлиб қолганда заргар эшоннинг эшиги ёпилди. Ихлосмандлар эшоннинг ўғли Сиддиқхонга «пирим» деб ҳам, «тўрам» деб ҳам ялиниб-ёлвориб кўришди. Уннинг тош юрагини эрита олмагач, иззатни бир пул қилиб шўх йигитлар аскияга тутундилар.

— Эшоннинг чашмасидан сув ича кўрма, ич буруги қилади.

Ҳамма хохолаб кулиб юборди.

— Эй, оғайни, хайри йўқ эшоннинг қудуғи қурисин! Яна одамлар хохолаб кулишди.

— Эй, оғайни, эшонга кўпам ихлосманд бўлмаганингиз маъқулга ўхшаб қолди.

— Нимага таяниб бундай дейсиз, жўра?

— Билмайсизми, эшоннинг яхшиси эл талайди!

Яна ҳамма кулди.

- Оғайни!
- Ҳо, лаббай!
- Эшоним деб эшагимдан ажралғанларданман!
- Оғайни!
- Ҳо, лаббай!
- У ёғини сўрасангиз биз ҳам хўжам деб хуржундан ажралғанлардан!
- Шўрингиз қурмасин, Жўрақул!
- Ҳо, лаббай!
- Эшоннинг қўлига тушган бир мен десам, тўрам деб тўрвадан ажралған сиз ҳам бор экансиз.
- Сиз тўрвани олдирганингиздан бери, мен ҳам эшон билан бир қудуқдан сув ичмай қўйганман.
- Бургага ўчакишиб кўрпа куйдирган экансиз.
- Рост айтасиз. Нима қилсак сув гадоларини хурсанд қила оламиз?
- Инсофсизнинг додини бериш билан...
- Рост, инсофсизга эрк берсанг, элни талайди деган боболаримиз.
- Тўғри таёқ балога тўғаноқ, деган гап ҳам бор.
- Гапга тушунганин қурбони бўлиб кетай! Маслаҳат бор, айтайми?
- Асло тортинманг. Эшонзода Сиддиқхондан ҳам, айта беринг.
- Ҳўп бўлади,— деди дарвоза ёнида чиқиб турган тўсинга сакраб асқиячи йигит. У тўсин учига қўли етиши билан қандай қилиб томга чиқиб олганини билмай қолдик. Шоввоз ана-мана дегунча томдан дарвозахонага тушиб, эшикни ланг очиб юборди. Одамлар пақирларини тарақа-туруқ қилиб қудуқ томон югуришди. Ўлар қудуқни ўраб олиб, энгашиб ичига қарашди.
- Ҳар қачонгидек суви жимиirlаб турибди.
- Арқон, пақир қани?
- Пасткаш экан, бу эшонвачча!

Сидиқхон қудук чиғириғига боғлаб қўйилган арқон билан пақирни ичкари уйига олиб кириб кетибди. Йигирма қулоч чуқур қудуқдан арқонсиз сув тортиб бўлмасди, албатта. Аёллардан кимдир:

— Эшон ойимни олдиларига кирайлик! Худо урдими, онаси ўғлидек баҳилмасдир ахир! — деган эди, бошқа бирори:

— Куш уясида кўрганини қиласди, эгачи, онасининг боласи-да,— деди. Шу вақт кўча томондан мени отимни атаб чақирган овоз эшишилди.

— Назир!.. Назирқул, ҳой...

«Ҳа» деб юборай дедиму, дарҳол онамнинг гапи эсимга тушиб жим қолдим, яна ажина акам бўлиб чақираётган бўлса-я!..

Назир!.. Назирқул! деган овоз тобора кучая борди. Мен «ҳа» дейишга журъат қилолмай тургандим, кимдир: «Эшиятсанми, сани бирор чакирипти»,— деди. Бу гап менга далда бўлди-да, чопқиллаб кўчага чиқдим. Яланғоч кўча қуёшда ёнарди. Ҳаммом қўридек қайноқ тупроқ тўпифимгача ботарди, оёғим куйиб тор кўчага етиб олгач, муюлишдаги томнинг соясида бироз жон сақладим. «Назирқул!» деб бақираётган ажина эмас, акам экан. У мени кўриши билан:

— Сув қани. Онангни қозондаги ёғи ўт олиб кетди, ўлдиради сени,— деб кўрқитди мени.

Мен акамга рўй берган воқеани тушунтиридим. У: «Э, афанди, Мўлкаллик ариққа сув келиб қолди, югур эшонникига, одамларга хабар бер!»— деди. Одамларга хабар қилиб, орқамга қарамасдан чопдим. Яланг оёқ акам сакраб, кўча тўзитиб, ариқ томон югурди. Ака-ука ўзимизни ариққа отдик. Ариқ саёз, сув сирли шилдираб, оқ-қора тошчаларни думалатиб ўйноқлаб оқарди.

— Оҳ, сув қандай яхши. Таңга ором, жонга роҳат, мунча ҳам қадрингни ўтқазмасанг. Санѓзоримнинг

суви!— деб күйлаги билап сувга ағашарди акам. Мен ҳам ариққа күндаланғ тушиб ёғиб олдим. Үстімдан сув шовиллаб оқар, ўрдакқа ўхшаб бош тиқиб, сув шинмирганим сари итгім келаверарди. Қудук бошидаги асл-әркаклар ҳам етиб көлиниди. Гапларига қараганда, әшон ойимдан ҳам иш чыкмабди. Сув гадолары Саңғзор сувига юз-құлларини ювиб, ундан қоңиб-қоңиб ичар эканлар:

— Сувни очиб келганлар сувдек сероб бўлишсин!— деб дуо қилишардилар.

— Янгиқўрғон павбат сувини ичиб бўлмасдан қандай қилиб Саңғзор сувини Жиззахга оғдиришига рози бўлибди?— ҳайрон бўлишиди одамлар.

— Борини сурнштириб нима қиласиз, узумини сб, шарбатнга сероб бўлаверсаларинг-чи, мусулмонлар.— дер эди бошқа бир әркак.

Одамлар бу «томдан тушган» баҳтнинг сабабларини аниқ билолмадилар, бирори: «Янги қўрғонликлар бизнинг сувдан қийналиб қолишганимизни билиб хотамлик қилгандир-да», деса, бошқа бирори: «Сув беги мулла Ҳақберди қамчисининг зарби бу», дер эди.

— Назир, юра қол, онанг кутиб хуноб бўлди. Сувни берамиз-да, изимизга қайтамиз, сўнг кечгача маза қилиб чўмиламиш,— деди обкашни елкасига олиб акам.

Мен сувда балиқдек яйраб, ташқары чиққым келмас. Акам: «Бўлди, кўп суюлма», деб жўнаб қолди. Уч юз қадамча нарида шаршарак бор. Ўша томондан болаларнинг қий-чуви эшитилгач, юрагимга ғулгула тушди. Пақириимни обкашга, обкашни елкамга илиб шаршара томонга югурдим... Ия, ўртоқларим бу ерда экан-ку! Улар қаторлашиб сувга калла ташлашар, балиқдек билтанглашиб, бир-бирларини сувда пишарди. Уларни кўрдиму сабрим тугади, йўл-йўлакай кўйлагимни ечиб пақириимга тиқдим, обкашни улоқтириб ўзимни сувга

отдим... Балық сувсиз яшай олмагани сингари, жizzах-ликлар учун хам сув ҳәттий масала эди, бу замонда! Болаларнинг ҳазилкаш дүсти Жайноқ амаки отини чўмилирига туриб:

— Болалар, Сангзор суви навбатига ҳали бир ҳафта вақт бор эди-ку. Ой қаёқдан чиқди?— деб қўярди.

«Сангзор суви» леб аталмиш сувнинг боши Усмат-Бахмалга яқин тог этакларидаги булоклардан таркиб топади. Булоқ сувлари бир-бирига қушилиб, тошдан тошга ўйноқлаб оқиб, хўп пишиб, Янгиқўрғон ерларини оралаб, Жizzах сойига келиб тушади. Бу сув жizzах-ликлар билан янгиқўргонликлар ўртасида навбат билан баҳам кўрилар эди. «Сангзор» суви қачон бошилан бўғилади, қачон Жizzах арикларида Сангзор суви оқади, буни Жizzахда билмайдиган одам йўқ деса бўлади. Нимага десангиз, Сангзор сувидек тиниқ, беғубор, хуштаъм сув жizzахликлар назарида ер юзида йўқдек. Айникеа Сангзор сувини зориқиб кутишган чойхўрларни кўреангиз... Кўк чой Сангзор сувида гўё «тилга кириб» кетармиш, бир чойнак чойни каҳрабони ичган ҳар қандай одам дард кўрмасмиш... Мен бу таърифни кўп эшитгандим.

Кутилмаган вақтда Мўлкаллик ариқда Сангзор суви қандай пайдо бўлиб қолди? Нечук «темир қонун бузилди?..» Сув гадоларининг оҳ-воҳлари худонинг қудрат қулогига етдими, ёким меҳр дарёси ийиб, шафқат эшиги шарақлаб очилиб кетдимикин?— деган ўй-хаёл ҳамманинг миясиниғовлатган... Йўқ, у ҳам эмас, бу ҳам эмас, сабаби бутунлай бошқа бўлиб чиқди. Буни мен маҳалла муazzини Аширмат сўфиннинг эшикма-эшик югуриб:

— Ҳоким тўра завжайи мұхтарамалари билан кўчамиздан ўтадилар, кўча, йўл-йўлак шипирилиб сув сепилсин! Акс ҳолда, жазога тортиласизлар, ҳой!..— деб маҳаллани бошига кўтариб жар солишдан билиб олгандим.

Ҳар шанба кечқурун, якшаша күни эрта наҳор билан Бешқувур (рус ахолиси яшайдиган Янги шаҳар шундай аталарди)дан тортиб қалаидархоналий мулла Ҳафизбойнинг боғ ҳовлисигача чўзилган кенг тош йўл, гузар кўчалари, ҳамда расталар супурилиб сув сепилар, ёғ тўкилса ялагудек қилиб орастга қилинарди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Утган йиллардан фарқи шу бўлдики, у вақтларда Жиззахнинг қайси ариғида бўлмасин, ё Туятортар суви, ёки Сангзор суви бўларди. Бу гал Туятортар капали уриб кетиб, Сангзор суви навбати янги қўрғонликларники бўлганидан ўн икки ориқ бирданига қуриб, ахоли сув қаҳатчилигига гирифтор бўлиб қолганди. Бу кутилмаган «шафқат»нинг сири мана шу экан!

Маҳалланинг катта-кичик ахолиси қўлига супурги, курак, пақир, кўза кўтариб кўчага чиқди. Кечаси билан сув сепиб, ҳоким тўра ўтадиган йўллар тонг отгунча орастга қилиб қўйилди. Эндиги ташвиш ҳоким тўрани иззат-икром билан кутиб олиш. Ҳар сафаргидек бу гал ҳам даҳа мингбошиси бошлиқ маҳалла эллик бошила-ри оёғи куйган товуқдек питирлашиб юришарди...

— Яланг оёқларингга кўз-қулоқ бўлиб тур!.. Бирон ножӯя ҳаракат содир бўлса, номақбул сўз эшитилса, дор тагига биринчи сенлар борасан!— деб мингбоши, элликбошиларга ўциқирса, элликбоши, ит итга буюради, ит қўйруғига, деганларидек, ўз навбатида югурулакларига ўшқиради!

Тонг отди. Қуёш кўтарилди. Кун исиб, ҳавонинг ҳарорати ортаётгандек. Элликбоши, маҳалла мутаваллиси одамларни бўйнидан боғлагандек уй-уйидан тортиб олиб чиқмоқда.

— Худо кўтарсин, ҳокимни!— деб газабланарди онам,— кечаси билан мусулмонларни уйқудан қолдириб кўча тозалатиб, сув септиргани етмасмиди! Қўли қимири-

ласа оғзи қимирлаб турадиган бечора косибларни яна ишидан қолдириб, ўзига сажда қилдиргани ортиқча!

Одамлар күчада рангларини сарғайтириб, ўз эшик-лари олдига чиқиб, ҳоким тўра йўлинни пойлашарди.

Биз болаларга ўйин, томоша бўлса бас. Оталаримиз ҳоким тўранни қоқсан қозиқдек бир ерда туриб, сўнг камалакдек эгилишиб қарши олсалар, биз ҳоким извоши орқасидан чопишни яхши кўрардик.

Ана, Собир полициячи от қўйиб, «пўшт, пўшт!» деб келмоқда. У катта кўчада келаётган, ёки кетаётган пиёда, от-эшакли йўловчиларни четга ҳайдаб кўчани бўшатарди.

Сомон ортилган аравани мингани аравакашга полициячи: «Хой, аравангни йўлдан чиқар!» деб дағдаға қилди. Тепса тебранмас қирчани юришини тезлатолмасди. Камбағалнинг ови юрса ҳам, дови юрмайди, деганларидек, араванинг чап ғилдираги кўприк тешигига тушиб қолди. Эгаси ҳарчанд уринса-да, ғилдиракни кўлприк чуқуридан чиқара олмади. Арава кўприк устида кўндаланг туриб қолди. Собир полициячининг икки кўэн Янги шаҳар йўлида. Унинг ғазаби тўлиб-тошган. Аравакаш эса хуноб, чаланилиги тутиб човкарининг етти пуштини йўқлаб сўқади.

Узоқдан извош қўнғирогининг товуши эшитилди. Маҳалла одамлари арава ғилдирагини кўтара-кўтар қилиб чуқурдан аранг чиқаришди. Кўприк бўшаб ҳокимга йўл очилди, мутасаддилар жаҳлидан тушиб, уларнинг рангига қон юргургандек бўлди.

Қўш от қўшилган извош сув сепилган кўчада учиб келмоқда. Извошнинг ўнг қанотига қўшилган қорабайир қашқа отнинг бўйни ўнг ёнига қайрилиб, қоринбоғига тортиб боғлаб қўйилган. Унинг кўзларида гўё ўт чақнар, ҳар қадамда бошини ўйнатиб, ёлини елпиллатиб, гўёни чопиб эмас, учиб келарди. Чап қанотдаги жийрон қашқа

агар жилови қўлида бўлмаса, юлдузга учиб кетадигандек. У виқор билан сакраб чопар, туёклари зарб билан қайроқ тошга урилганда учқунлар сачрарди.

Қўш от жиловини икки қўллаб ушлаган гажак мўйловли, қўнғир соchlари пешанасиға буралиб тушган шотирнинг савлатидан эшак ҳуркади. У извош курсисиға гўё минхлаб қўйилгандек қимир этмай ўтиради. Извош ичнда Жиззах туман ҳокими полковник Рукин мағрур ўтирибди. Оппоқ кителига орденлар қадалгаи, елкасидаги зарҳал погони қуёшда ялтиллайди. Рукиннинг хотини гўшти ёғга айланиб кетган беўхшов семиз аёл. Кўзлари сузик, сергамза. Олдинма-кейин бўйи етиб бораётган икки қизи онаси ёнида керилишиб ўтириб олган.

От чопиб келаётган беш нафар полициячининг бири олдинда, қолганлари орқада иккитадан сафга тизилган. Отлар йўртганда қилич-қалқонлар шалдирайди. Полициячилар теварак-атрофга даҳшатли боқиб, кўз чақчайтириб ҳоким тўра билан онла аъзоларини қўриқлаб боришади. Йўл четига халойиқ турнақатор тизилишган. Улар камалакдек эгилишиб, ҳайкалдек қотиб қолишган. Ҳоким тўра нукра дастали қиличини тик ушлаб, бутун гавдаси билан унга суюнган. Отлар пишқириб учиб ўтиди. Ким билсин ҳисобини, ҳокимни кутиб олиш жабрдийда ҳамشاҳарларимга қанчага тушган экан? Мана бир зумлик «томоша» ҳам тугади. Бешқувурдан мулла Ҳафизбойникигача чўзилган сафдаги эгилган бошлар кўтарилиб, камалак қадлар кўтарилиб, ҳорғин нафас олар экан:

— Эй худо, золимга инсоф бер! — деб қўйишади...

СУВ ОЛИБ КЕЛГАН ХОР-ЗОР...

Дунё бир ҳовуз деб тасаввур қилинг. У сув билан эмас, ташвиш-алам билан лиммо-лим. Қўл учиди кун кўрувчи ота ва мушфиқ оналар шу ҳовуздан сув ўрнига ғам-алам зардобини ичадилар. Аксинча ёш болалар дунённи сув олса тўпигига келмайди. Болага ўйин бўлса бас! Биз ҳам ҳар гал ҳоким извоши орқасидан от йўртиб бораётган полициячилар изидан тупроққа ботиб чопардик. Фақат ўша куни эмас, ҳар гал ҳам шундай қилардик. Извоши қаландархонадан ўтиши билан Нижонлик мачит орқасидаги тор кўчага бурулади. Шотир жилов тортмаса ҳам отларнинг ўзи қаёққа боришни билишарди. Ҳафтанинг якшанба кунлари хўжалари билан бирликда отлар ҳам бойникида яйраб-яшнашарди.

Извош мулла Ҳафизбойнинг қўш дарвозаси олдига бориб тўхтарди. Полициячилар отларидан сакраб тушиб извошнинг икки тарафини ўрашиб, ҳокимни қўриқлаб туришарди. Биз болалар бойнинг боғи томон ўтиб олишга уринардик. Лекин ҳаракатларимиз беҳуда кетарди.

— Қаёққа, қаёққа! Қайт орқангга! Маймун ўйнатаётганимиз йўқ-ку, ахир! — дер эди бизни ҳайдаб бойнинг мулоzимлари.

Биз болалар учун боғ ичиди маймундан кўра ҳам қизиқарли нарсалар бор эди. Аввало, бойнинг дарвозаси

ҳамма учун ва ҳамма вақт ҳам очиқ бўлапермасди. Мен ўтгани йили ёзда нима ҳам бўлиб ҳаммактабим бой боласи билан бу боққа кирганимда оғзим очилиб қолганди. Катта дарвозадаи кириши билан қатор синчкори меҳмонхоналар, нақшкор айвонларга дуч келасиз. Икки айвоннинг ўртасидаги коридордан эшик орқали кепг боққа чиқасиз. Қаршиигизда томдан баланд кўтарилиган ток сўрилари. Новдаларда шарбатга тўлгани шинвириғони, оқ кинмиш, ҳусайни, даройи узум бошлари, «марҳамат, хоҳлаганингизни узиб олиб енг!» деб тургандек... Лекин узум бошлари ердан шундай баландки, маҳсус парвонсиз узум бошларига ҳеч кимнинг бўйи етмасди. Растанга ўхшаган баланд сўрилар остидан ўтиб, бор ўртасидан шалдираб оқаётгани Мўлкаллик ариққа чиқасиз. Ариқ устига чиройлик қилиб ишланган катта тахта каравотга пиллапоя билан чиқади, ўнг томонидаги нақшинкор равоқининг усти болохона. Болохонанинг шарқ, ғарб ва жанубга қаратилган томони ойнаванд. Равоқининг пештоқ ва ромларига хилма-хил ранг ва зарҳал берилган. Ариқ устига солинган панжарали каравотдан қуйироқда яна бир серҳашам равоқ бор. Унинг шифт юлдузлар чақнаб турган тунги фазони эслатади. Чинни қалпоқли лампаларининг шуъласида тун ажиб сеҳрли манзара касб этади... Кундузги нашъу памодан сўнг тун оғушида бўладиган айшишрат шу равоқда ўтказилармиш, деб ҳикоя қилишади хабардор кишилар.

Ҳоким тўранинг қадами ҳасанотлари учун ҳар ҳафта қўй ёки қўзи сўйиларди. Кобили шўрва, жizzали патир, айниқса ўзбек кабобини күшишар экан ҳоким тўранинг завжайи мухтарамалари билан қизлари. Маҳсус пандалар бор, ҳунарларини ишга солиб анвойи таом тайёрлар эдилар.

Дид билан яратилган бу бор жиззахликлар таъбири билан айтганда, «Самарқанд музофотида таъриғин бор»

эди. Меванинг анвойи турлари бу боғда мавжуд; атиргулнинг барча нави гут-гул очилган. Теварак-атроф чаман, мушк-анбар анқийди...

Туман ҳокими полковник Рукин ва унинг ҳамтовоқла-ри ана шу роҳатбахш «Боги Эрам»да ҳордиқ чиқариб, қайф-сафо қилишарди.

Бойнинг ичкари ҳовлиси баланд девор ва иморатлар билан ўралган. Бу ерда ҳуснюсүф олма, нақш олма, қирмизак олма, нок-нашвати, жавзаки ва қандак ўрик, май гилоси, олўхиротдан тортиб чиллаки узум ва кишмишга-ча бор.

Ҳовли ичидан ариқ ўтади. Унинг иккала қирғонига чиройлик қилиб харсанғ тош ётқизилган. Ариқ усти шинам тахта каравот. Тепасидаги баланд сўрига ток кўтарилилган. Токларнинг занги нақ одамни белидек келади. Ҳосни шунча кўпки, иккى бошдан узум қилмаган новда кам.

Ҳокимнинг хотини билан қизлари ичкари ҳовлидаги ариқда чўмилишарди. Улар чўмилган вақтда ичкари эр-как зотидан холи қилиниб, тор кўчада ҳар доим хушмўйлов полиция қоровуллик қиласиди ва девор яқинига ҳеч кимни йўлатмасди.

Бойникидан беш юз метрча шимол томонда болалар чўмиладиган жой бўларди. Ёз пайтлари болалар чўмилиб, сув ичидан кунларини кеч қилишарди. Бироқ ҳоким тўра бойникига келди дегунча болаларнинг куни азага айланарди. Ҳаммамизга отнинг қашқасидек таниш Йўлдош полициячининг қўлида ингичка хипчин. У чўмилаётган болаларга:

— Мени хипчинимдан хирс мулло бўларди, сан ит болаларини мулло қилолмадим, қилолмадим-да!.. Минг марта айтдимки, шанба, якшанба кунлари мўлкаллик ариқда чўмилиш маън қилинган. Қулоқларингга мих қадалгурлар!— деб дуч келган болани хипчин билан саваларди. Бир марта хипчин еб бадани ғурра бўлган бо-

лалар Йўлдошхоннинг кораси кўриниши билан сувдан чиқарди-ю, кўйлак-иштонини йигиштириб қочиб қоларди.Faflatda қолганлари полициячининг хипчинидан «баҳраманд» бўлиб: «Амакижон, бошқа чўмилмайман», деб чирқиллашиб тумтарақай қочишардилар. Мен ўзим ҳам гарчи Йўлдошхон полициячининг хипчинидан елкам, соним тасмадек ғурра бўлган бўлса-да, сувни кўрганимда шанба, якшанбани унутиб қўядим. Бошқа тенгқурларимнинг қулоқларига гап кирмаслиги ҳам шундан бўлса керак. Лекин ўша куни мен қулоқ бошига бормаган эдим. Бунинг сабаби шу эди: мактабдош ўртоғим Соат:

— Назирқул, эрта шанба куни ҳоким тўра хотини, қизлари билан қўшнимиз мулла Ҳафизбойникига келади, билсанми?— деб қолди.

— Келса нима бўпти?

— Биласанми, нима қиласанми? Бизнинг омборимизнинг таги жуда чуқур. Омбор темир панжара билан беркитилган. Панжарани қўшнимиз мулла Ҳафизбой қоқтирган. Бизнинг томондан бирон одам ўтмасин деган-да. Энди тушундингми?

Эрта келсанг, иккимиз омборимизнинг тагидаги темир панжарани ушлаб, сувининг ичидаги биқиниб ўтирамиз.

— Сувда ўтириб нима қиласанми?— қизиқиб сўрадим мен.

— Ҳоким тўранинг қизи билан хотини қип-яланғоч чўмилишади. Томоша қиласан, жўра.

— Яланғоч хотинни томоша қилсак уят бўлмайдими?— ажабланиб сўрадим мен.

Соат бир оз ўйланиб турди-да, сўнг қатъий жавоб қилди:

— Нега уят бўлар экан!.. Үрис хотинлари эркаклардан қочмайди-ку. Шундай бўлгандан сўнг сувда биқиниб ўтириб чўмилишини томоша қилсак, уят бўлмас, жўра.

Үзи биэни күрмагандан кейин, нега уят бўлсин, нима дединг, жўра?

— Билиб қолса-чи?.. Пойлоқчи полициячи тутиб олсанчи?— хавфсираб сўрадим мен.

— Қўрқмал.. Мунча қўрқасан?.. Ўтган ҳафта сувда биқиниб маза қилиб томоша қилдим, билмади-ку! Оббо... келсанг нима бўпти. Барибир Йўлдош полиция ўша куни қулоқ бошида чўмилгани қўймайди-ку!

— Нега қўймайди?..

— Худди ўзинг билмагандек, «нега қўймайди» дейсан-а?

— Мени қўявер! Сендан сўрайман, айт-чи, Йўлдош полиция нега бизни чўмилишга қўймайди?

— Айтайми?

— Айт!— дедим фармономуз бир оҳангда.

— Болалар чўмилса сувни ифлос қилармиш. Ифлос сувда бариналар чўмилишини хоҳламасмиш.

— Бариналар чўмилса, сув ифлос бўлмасмишми?

— Бариналар ҳоким тўранинг қизи. Сен, мен, болалар ким бўлибмиз?— деди ва маъюс бир боқиш билан менга тикилди жўрам.

— Ҳоким тўрал.. Ҳоким тўра ўзимизга, ариғимизга, сувимизга ҳам ҳоким.

— Тўғри!— деди гапимни бўлиб ўртоғим,— ҳокимликка ҳоким.

Бутун Жиззах шаҳрининг ҳокими. Нима қисса қила олади. Шанба, якшанба кунлари эшигинг олдига сув сепиб супурмай кўр-чи. Ўша куниёқ Мирзаёр мингбошининг одамлари дадангни маҳкамасига даканглатиб қувив боради. Тўғрими?

— Тўғри-ку-я...

— Энди ўз ариғимизда чўмилтирмагани ортиқча!

— Йўлдош полиция хипчини билан «сийлаб турганичи?»

— Ҳа, шунн айт-а, жўра,— деди пешанасини тириштириб Соат,— полиция кўринса бас, иштон-кўйлакни қулоқ бошида қолдириб жуфтак урасан.

— Менми, сенми?— сўрадим мен.

— Сенам, менам,— деди иршайиб Соат.

— Мен ҳеч қачон қулоқ бошида иштон қолдирганим йўқ. Кўйлак-иштонимни оламан деб Йўлдошхондан хилчин егандим.

— Эрта шанба куни кел, жўра. Омборимиз тагига бикиниб чўмиламиз. Бариналарни томоша қиламиз. Келасанми?..

Мен «ҳа» деган маънода бош тебратдим...

САБР КОСАСИ ТҮЛГАЧ...

Рўза ойини ёинки бошқача қилиб айтганда, моҳира-мазонда мусулмонки бор, ҳаммаси рўза тутишарди. Са-ҳардан намозшомгача туз тортмасдан оч-наҳор юриша-ди аёл-эркак. Дилкашлиқ ўчғи бўлган чойхоналар ҳам берк. Ошхоналар бўлса тақа-тақ! Бунинг устига яқин-да одамлар Туятортарга кетишган. Шу важдан маҳалла-кўйларда одам сийрак кўришарди.

«Туятортарга!» деганда катталар тугул, болаларнинг ҳам юраклари безилларди... Сув ҳар бир жойда ернинг қони ҳисобланса, Жиззахда, ҳам қони, ҳам одамларнинг жони ҳисобланарди. Туятортар бўлмаса Жиззахда гиёҳ ўсмайди. Бироқ Туятортар ташвиши жиззахликларнинг жонидан ўтиб кетганди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар йили ҳисобсиз меҳнат ва беўлчов моддий бойликларни ўз комига тортарди Туятортар! Халқнинг тинкасини шу Туятортар қуритарди. Энди Туятортар аригини ямаб-яскаб, Зарафшондан сув очилганда, одат тусига кириб колгап фалокат яна юз берар, канал қирғонидан бирон ўпқон пайдо бўларди-ю, сув уриб кетиб бутун тоат-ибодатни бир пул қиласарди. Туятортарга зудлик билан одам ҳайдаш керак эди. Сув begи мулла Ҳақберди бошлиқ ма-ҳаллий маъмурлар бутун халқни оёққа турғизар, ўз озуқаси, галтак-замбили, кетмон-белкураги, арава-арава

ёгоч, тахта, шох, сепояси билан сафарга ҳозирланарди. Жиззахдан қарийб юз чақирилмалар олисда бўлган Туятортар ариғига «ҳашар»га йўл олишарди.

Уз номи билан «Туятортар» бўлган бу каналнинг чуқурлиги ўн-ўн беш метр келарди.

Бир кетмон лойқани юқорига чиқармоқ учун ўн беш кетмончи керак. Ҳар бир одам канал бағридан ўзи учун кичик-кичик майдончалар тайёрлаб лойқани биридан бирига отишар, шундай қилиб, бир кетмон лойқа ўн беш кишининг қўлидан ўтиб, ниҳоят қирғоққа чиқарилади. Жиззах деҳқонлари белларигача балчиқ кечиб ойлаб канал тозалашар, дамбаларга сепоялар қўйиб, ёгоч-шох босишиб, қирғоқларни мустаҳкамлар эдилар... Зарафшондан сув очилар, сув қирғоқларни ювиб, бўтана бўлиб Жиззах томон югурад, деҳқоннинг юз-кўзидаги ташвиш йўқолиб, табассум пайдо бўлар. Лекин бу табасум кўпга чўзилмай, унинг ўринида фам-алам ифодаси пайдо бўларди. Жиззах ойлаб сувсиз қолар, экинзорлар қуриб, кутган ҳосил барбод бўлар, деҳқоннинг попи бутун бўлмай қоларди. Бугина эмас, Туятортарга соғ бориб оғриб қайтганлар кўп бўлар, тиббий ёрдамсиз хасталар ўнғарилмасдан ўлиб кетар, қанчадан-қанча болалар отасиз қоларди.

Бироқ ариқ ковлаб, сув очиб келганлар одатда четга сурилиб, сувнинг ҳузурини бойлар, эшонлар, амалдор ва пулдорлар кўришарди. Сув устида жанжал бўлмаган, бош ёрилиб, ёқа йиртилмаган кун кам бўларди. Ҳақини талаб қилган камбағал айбдор қилиниб мингбоши ва полициячилар қўлига топшириларди.

Мен туғилиб ўсан Уратепалик элининг нуфузи катта эди. Туятортар мاشақатига ҳисса қўшган ҳамқишлоқларим кези келса, еб турган донини сотиб бўлса-да, подшоликка сув пули тўлашарди, лекин сувдан фойдаланишга келганда Қоравой Эмин барчага бир хил қарамасди.

Бизнинг эл Бекариқ қулоғидан сув ичарди. Шу ариқда «навбат суви келибди» деган хабар тарқалиши билан ҳамма ҳаракатга келиб, бошқа ҳар қандай тирикчиликни йиғишириб қўяр, боф ва экинларини сүфориб олиш пайига тушарди. Қўйнингки, Бекариқ қулоғига навбат сув очилиши билан тинчлик бузилар, сув устида жапжал бошланар, ёқа бўғиш, муштлашишдан қон тўкишгача бориб етарди. Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсинг, деганларидек, бу ерда ҳам пулдорнинг гапи ўнг, камбағалнинг гапи тўнг. Жигилдон бандаси Қоравой Эминнинг айтгани айтган, дегани деган эди. Мен эсимни танибманки, сув тақсимоти Қоравой Эминнинг қўлида. Бекариқ қулоғида навбат сув пайдо бўлиши билан Эминнинг иши юришиб кетарди. Ҳамма ҳам экин сүфориш учун Эминнинг оғзини мойлаш пайида. Эмин сира бўш келмайди. Унча-мунчага тўймайди. Яна бунинг устига, ўзини «камбағалпарвар» қилиб кўрсатишини айтмайсизми, гўё сувсизликдан камбағалларнинг экини эмас, уннинг жигар-бағри ўртанаётганмеш... ёлғончи-риёкор тағин ҳам ёрилиб ўлмас экан-да!

Ахрор эллик бошининг соя-салқин ҳовуз бўйиси Қоравой Эминнинг қароргоҳи. Уннинг остида қалин кўрпача, ёнбошида лўла болиш. Дастурхон тўла ноз-неъмат, мева-чева. Топган гул, топмаган бир боф пиёз, деганларидек, бирор шовла, бирор мошкиричи, бирор ошқовоқ сомса, бирор думба-жигар палов олиб келиб тутади.

— Қани дастурхонга яқинроқ келинглар,—дейди навбат суви кутиб, сарғайиб ўтирган деҳқонларни чорлаб Эмин,— камбағалнинг бир тўйгани — чала бой бўлгани. Қоринни қаппайтириб ариқ ёқалаб, қулоқ бошига бориб келиб, сувни тергаб туринглар! Ҳа, ариқда сув озайиб қолди.

Раҳмат. Қорнимиз тўқ. Бемалол олаверинг... Қосим акадан кейин навбат меники бўладими, Эминбова?

— Навбат кимниклигини мен айтаман! Сен қулоқ бошига бориб, сувни тергаб ўтири! Ҳеч кимни қуруқ қолдирмайман. Үтакаларинг ёрилмасин! Эшмат!

— Ҳо, лаббай.

— Навбат сенга! Тездан сувни ағдариб ол! — деди қүёш соатига назар ташлаб Эмин.

— Жоним билан, — деб кетменини ола югурди Эшмат. Ваҳолонки, навбат Қосим aka билан ариғи, ери ту-таш бўлгац Тошмат аканики эди. Тошмат aka жанжал кўтарди. Қосим aka Эшмат билан қирпичноқ бўлди. Эшмат сувни ўз ариғига ағдармоқчи, Қосим aka тиш-тирноги билан қарши туриб олди. Камбағални урма-сўкма қийимини йирт. Икки камбағал ёқа бўғишиб кўйлакдан чиқди...

Эминнинг ҳам айни муддаоси шу бўлса керак, фурсатдан фойдаланиб сувни эшоннинг корандалаларига ба-гишлаб юборди. Эшмат билан Қосим aka кўйлакдан аж-ралди. Тошмат aka кекирдак йиртиб қолаверди. Навбат кутиб ўтирган ўнларча одам қолиб, ариғи, қулоғи бутун-лай тескари бўлган эшонга сувни «ҳадя» қилар экан: «Оқаваси билан Эшматнинг ҳақи битди», деб қўйди. Ва-ҳолонки, Эшмат Қосим aka билан ёқа бўғишиб, ақалли қулоғини ҳам очолмаган эди. Бой бойга боқар, сув сойга оқар. Қоравой Эмин ҳам ҳамёни семизга боқарди-да. Оқ подшонинг кумуш-олтин пуллари кимларни ўз раъ-йига солмаган! Кимларни тўғри йўлдан оздирмаган дей-сиз! Ҳамёни семизнинг ҳар ерда қўли узун, тили бурро. Уларнинг биронтасига фирромлик ишлатиб кўрсин-чи, ни-ма кўрар экан! Ӯша куниёқ Қоравойнинг куни қора бў-либ, ризқ-рўзи қирқилади, эминликдан мосуво бўлади, буни яхши билади ўзи. Лекин шунга қарамасдан, у баъ-зан ҳамёни «қисир»ларга ҳам ён бериб қўяди. Ҳаммаси-га эмас, оғзи ботирларига, албатта. Шунда ҳам экинини

сувга қондириб әмас, жон берәетган одамнинг оғзига сув томизгандек.

Оқ подшо замонасида деҳқонлар ер суғориш учун соат ҳисобида солиқ тўлардилар. Шунга кўра Қоравой Эмин ҳам бирбўнинг ерига ярим соат, бирорвга чораккам бир соат ва ҳоказо сув оқизарди. Шуниси қизиқ эдик, соат вақти билан ўлчаб деҳқонларга сув берарди-ю, ўзида соат йўқ эди. Бу ёғини сўрасангиз, бутун Ўратепалик маҳалласида иккى одамда соат бўларди: бири вагончи Абдулла Махсумда-ю, иккинчиси Азизхонда.

Қоравой Эминнинг вақт ўлчайдиган бошқа «соати» бўларди. Бир «соати» қуёш чиқиб турганда иш берса, иккинчи «соати» қуёшсиз ҳаво булут кунларда, ёки тунда иш берарди.

Қуёш соати: текис ерга доира чизарди. Доиранинг ўртасига қаламдек чўлни тикка қилиб қоқарди. Қуёш кўтарилигандан, чўпнинг сояси Ғарб томонида, вақт қиёmdан оқканда сўнг соя Шарқ томонга ўрмалайди. Қоравой Эмин қуёшнинг ана шу ҳаракатидан ҳосил бўладиган сояни чизиқларга бўлиб «соат» қилиб олган. Ўнга қараб бирорвнинг ариғига ярим соат, бирорвга ундан кўп ёки оз вақт ичидан сув оқизади. Деҳқонларнинг эса Қоравой Эминга инсофини тилашдан ўзга чоралари бўлмаган.

Қўза «соати» бундан ҳам аломат. Эминнинг қорни катта, махсус сопол кўзаси бўларди. Кўзанинг бўғзидан тагигача ғалвир кўзидек кичик, катта тешик (кўз) чалар бор. Қўза сувга тўлдирилади. Ундан сув тизиллаб отила бошлиди. Ниҳоят, муайян вақтда кўзада сув тугайди. Қўза «соат»га қараб сув яна навбатдаги бошқа киши қулогига ағдариларди. Гарчи одамлар «соат» амрига кўникиб қолган бўлсалар-да, Қоравой Эминнинг лўттибоэлигига чидай олмасдилар. Жанжал, хархашага ҳар вақт баҳона топиларди:

— Қандақа ярим соат, инсоф қилинг, Қоравой ак!

Сувнинг боши омборимдан энди ўтганди, сиз бўлсангиз сувни бўғидирдингиз!

— Омборингдан ўтдими, ўтмадими, буниси билан ишим йўқ. Арифинг яхши чопилмаган, дўнг, сув равон оқмаса, ўзингдан кўр!— деди пинагини бузмай Эмин.

— Арифим дўнг эмас, ишонмасангиз юринг, ўз кўзингиз билан кўринг!

— Ҳожат йўқ, соат кўрсатиб турибди. Мен соатга ишониб иш қиласман,— деди кўзани кўрсатиб Эмин.

— Сиз Эминмисиз, кўз боғлагичмисиз! Жодугарлик ҳам эви билан-да!

— Тилингга кўпам эрк бераверма! Бошингга етмасин яна!

— Ҳақим учун, ҳақи хомталаш бўлганлар учун тикдим бу бошни!. Қани, керакми сизга бош, мана!— деди бошини Эминга эгиб деҳқон!..

— Бор-бор! Бошинг ўзингга керак бўлиб қолар!. Ҳеч кимнинг ҳақи талаш бўлгани эмас! Сали ким ҳимоячи қилиб юборди бу ерга?

— Мен ўз ҳақимни ҳимоя қиласман. Тутортарга мен борай! Ойлаб белимизгача балчиққа ботиб икки терак баландликка лойқани биз отайлик,— деди шавбат суви кутиб ўтирганларни кўрсатиб,— сувни бели оғримаган пулдорлар ичсин! Йўқ!.. Ҳозир сувни бўғаман!— деди деҳқон элликбошининг ариғига оқаётган сувни ўз ариғига ағдармоқчи бўлиб.

Элликбошининг чоракорлари ҳам бўш келмади. Бир кишига икки киши тармашди. Муштлашдилар, сўкишдилар, ёқа йиртишиб, бир-бирларни сувга босдилар. Элликбошининг чоракорлари устун келиб деҳқонни қулоқка босди. Икки ўртада тарафкашлиқ бошланиб, жанжал зўрайди. Бошқалар қараб турмади, Эминнинг «соатили» кўтариб ерга уришди. Қўза чил-чил бўлди. Қоравой Эмин жуфтак уриб қочиб қутулди. Жанжал шу билан тамом

бўлмади, албатта. Қоравой Эминнинг даъвоси ўринли топилди. Айбдор қолиб, айбсиз камбағаллар жазога тортилди, уч-тўрт деҳқон қамоққа ҳукм этилди...

Икки йилдан кўпроқ вақт давом этиб келаётган жаҳон уруши халқнинг турмуш шароитини оғирлаштириб юборди. Айниқса маҳаллий халқдан фронт орқасидаги ишлар учун мардикорликка сафарбар қилиш тўғрисида-ги подшо фармони меҳнаткаш халқ учун кутилмаган бир воқеа бўлди.

«Оқлошо, мусулмонлардан аскар олармиш, хотин-қизларни қолдириб, эркак зотини урушга ҳайдармиш...» дсгани миш-мешлар тарқалди. Айни рўза олдидан (1916 йилнинг 6 июль куни) оқподшо фармони эълон қилинди. Бу фармонда «19 ёшдан 43 ёшгacha бўлган маҳаллий халқ эркаклари мудофаа истеҳкомлари, окоп қазиш ишига уруш тамом бўлгунча сафарбар қилинади» дейилган. Гўё қуёш сўнди-ю дунёни қоронгиллик босди. Қўкни булат қоплаб, кишилар юрагига ваҳима тушди. Тўрт-беш киши бир ерга тўплангудек бўлса, ўша ерда уруш, мардикорга сафарбарлик тўғрисида гап бўларди.

Юрган дарё, ўтирган бўйра, деганларидек, менинг дадам ҳам мисоли бир «дарё» эди. Чорбозорчининг иши қишлоқма-қишлоқ, овулма-овул кезиши... Чой талабга чой, қанд-қурс талабга ширинлик сотиш ёки дон-дунга айрибошлаш... Дарбадар юрганда нималарга дуч келмайди киши?.. Кутилмаган турли-туман одамлар билан мулоқатда бўлади, ёлғон-яшиқ сўзлар эшитади, ҳар хил воқеа-ҳодисаларга дуч келади, кўради, эшитади.

Шундай қилиб, ҳар гал сафардан «бир қоп-бир қоп» тутилмаган гапларни олиб қайтарди дадам. Кейинги сафаридан бетоб бўлиб келди. Азамат икки ўғли Носир ва Қосим акаларимнинг кетма-кет бевақт вафоти жуда ёмон таъсири қолдирганди дадамга. Юраги сиқиладиган, бўлар-бўлмасга жаҳли чиқадиган бўлиб қолди.

Бетоб бўлса ҳам рўзасини очмади, у тоби йўқлигига қарамасдан акамнинг вафотига бағишилаб ифторлик маросими ўтказмоқчи эди. Онамнинг эътирозига қарамасдан жума намозига, мачитга чиқмоқчи, маҳалла вакиллари билан маслаҳатлашиб ифтор кунини белгилаб, тайёргарлик кўрмоқчи бўлди.

— Замон қалқиб турибди, эрта шима бўлади, билмайсан киши. Оқпошонинг мардикор олиш тўғрисидаги фармойиши одамларнинг авзойини бузиб қўйди. Бирон фалокат рўй бермаса деб қўрқаман тошкентлик.

Дадамнинг гапини эътибор билан тинглар экан онам,— худонинг ўзи паноҳ берсин,— деб қўйди.

— Санѓзор, Янгиқўрғон, Ём даҳаларида рўй берган воқеа Жиззахда бўлмайди, деб ўйлайсанми? Тавба,— деб сўзида давом этди дадам.— Мирза Ҳошим авлиёми, ёки газетасига қараб фол очадими, нима бало? У нима деган бўлса ҳаммаси тўғри келяпти.

— Фолбинлар ҳар хил бўлади-да,— ўэича талқин қила бошлади онам,— баъзи фолбинлар косадаги сувга, баъзилари ойначага қараб фол кўришади. Мирза Ҳошимиз балким ҳалиги Сиз айтган... Ҳа, оти қурсин, эсимдан чиқаверади, қоғоз хат бор-ку...

— Газетами?..

— Ҳа, балким ўшангага қараб фол очгаидир...

— Бе...— юзини буруштири дадам. Опамга эътиroz қилиб нимадир демоқчи бўлди-ю, гапни яна ўша Санѓзорда рўй берган воқеага бурди. Дадамнинг ҳикоя қилишига қараганда, Жиззах туманининг ҳокими оқпошонинг мардикор олиш тўғрисидаги фармонини тушуниши учун Санѓзор даҳасига борган. Санѓзор мингбoshi мулла Дўстбек ўз фуқароларини тўплаган. Қизиқиши шунчалик бўлганки, ҳатто ёш-ёш келинчаклар ҳам йиғилишга эрларни билан келишган. Ҳоким тилмочига қараб гапирган, тилмоч ҳоким сўзини оқиамай-томизмай

халқقا айтиб турган. Ҳоким гапининг пировардида,— шонаманки, туманимнинг аҳил фуқаролари бир ёқадан бош чиқариб фармони олийни яқдиллик билан бажарурлар,— деган.

Шунда мулла Дўстбек мингбоши иргиб ўрнидан турган-да: «Менинг фуқароларим аҳил. Урусиянинг душманини енгиш учун қаерда фойдалари тесса, ўша ерда хизмат қилишга тайёрлар. Сангзорликларнинг ваъдалари ҳам, қасамлари ҳам шу, ҳоким жаноблари»,— деган.

Мулла Дўстбек мингбоши сўзини тамом қилас-қилас-мас халқ орасидан: «Мингбоши! Фуқаро помидан катта ваъда бериб, қасам ичиб юбордингиз, бир оғиз бўлса ҳам фуқароларингиздан рози-ризолик сўраганмидингиз?»— деб қичқирган. Шунда айёр мингбоши. «Ҳозиргина ҳоким жаноблари ўзларингизга қараб «сўзланг, арзларнинг борми» деб сўрадилар, ҳамма жим ўтирди. Сукут қилди... сукут бизда аломати ризо бўлади. Мен ўз одатимиэга зид иш қилаётганим йўқ!»— деб важ кўрсатган. Шунда халқ орасидан ҳалиги одам:

«Қариндошлар! Сукут этиш вақти эмас. Кечикмасдан дардингизни айтиб қолинг! Мардикор беришга, мардикорга боришга розимисизлар?»— деб қичқирган.

«Мардикор бермаймиа! Мардикорга бормаймиз!»— деб қичқиришган аёл-эркак бир оғиздан.

Кўз очиб юмгунча рўй берган бу ҳодисадан ҳоким ва мингбошининг эсхонаси чиқиб кетган. «Кесак»дан ўт чиқмайди деб ўйлаган ҳоким билан мингбоши, ингичка бўлиб, йигилишдан чиқиб кетишган.

Бу воқеани дадам Янгиқўрғон бозорига келган Усматлик бир ошнасидан куни кеча эшишиб келган. Яна дадамнинг онамга қилган ҳикоясига қараганда, Қирқ қишлоғининг йигитлари: «Ким мардикорга деб одамларни хатга олса, ўша ерда уни ўлдирмоқ керак! Буни бажармаган йигитнинг она сути ҳаром бўлсин!» дейнишиб, сўз

бириктиришган. «Йұлбарс изидан қайтмас, әр йигит сүзидан! Худо паноҳ берсин, бирон мажаро юз бермаса әди», — деде ташвишланарди дадам. Чорбозор сафарида әшитғанларини онамга ұқыя қилиб дадам: «Кім тириклий үзини ўлымга тутиб бергиси келади?! Уруш бу, Тұятортарға бориб ариқ ковлаш әмас-ку, ахир!.. Қамбағалкосибларға алам қиласынан ери ҳам шунда-да! Қани ма-читта чиқайин, ҳойнахой намози жумада шу тұғрида гап бўлиши турган гап», — деди таҳорат қилиб бўлиб, юз-қўлинин белбоғига артар экан. Шу вақт ҳовлига Жўра тоғам кириб келди. У дадам билан онамга салом берниб аҳвол сўрашди. Жўра тоғам дадамнинг синглисидан бўлган иккинчи ўғил бўлиб, у Аширмат амакимдан темирчилик ҳунарини ўрганган. ӽаша кунларда ўзи мустақил устахона очиб темирчилик қиласынан. ӽиниг ёши йигирма бешларнинг нари-берисида. Мўйлови сабза урган, соқоли майин. Бошида кўк салла, устида оқ яктак, сарпойчанг оёғида кавуш, икки юзи қип-қизил, тараңг бўлганидан ҳамқурлари унга Жўра қантак деб лақаб берган.

— Тоға! Сизни маҳалла йигитлари қаландархонада кутишяпти.

— Нима ишлари бор экан? — сўради дадам.
— Билмадим, мардикор хусусида бўлса керак.
— Мардикор хусусида гаплашсалар, элликбоши бор, мингбоши бор.

— Қайдам, Санgzорда халқ мингбошини дўппослаган экан мардикорга бормаймиз деб. Сизни шу воқеадан хабардор дейишяптилар. Ростми шу гап?

— Ҳа, булар ҳам мингбошини дўппослашмөқчиларми? — Жўра тоғамга савол назари билан қараб сўради дадам.

— Қайдам. Ҳарқалай гап кўп.
— Қандақа гап? — қизиқиб сўради дадам.
— Қандақа гап бўларди, илгари, оқпошонинг фар-

мони барчага баробар, бой ҳам, камбағал ҳам мардикорга олинади, дейишганди. Энди бўлса бойлар камбағалларни пулга ёллаб, ўзлари қутулиб қоладиганга ўхшайди. Шу ҳам инсоф, шу ҳам адолат бўлдими, тоға!— деди у дадамга мурожаат қилиб,— гузарга чиқасизми?

Дадам жавоб бермасдан салласини ўради, дордан тўнини олиб кийди-да, онамга рўбарў бўлиб: «Мен намози жумани ўқиб қайтаман», деди.

— Худо хайрингизни берсин, мачитга борсангиз борингки, Сангзорда кўрганингизни айтиб, оғзингиздан гуллаб ўтируманг яна! Қўл югуриги ошга, тил югуриги бошга! Маҳаллангиздаги йигитлар кимдан аламларини олишни билмай юришибди. Сиз Сангзорда кўрганингизни айтарсиз, авом ҳалқ гап шу экан, деб элликбоши, мингбошини дўппослаб кетар. Худо кўрсатмасин: ким фатво берди, фалончи бўлиб, бошимиз балога қолиб кетмасин. Яхиси, чиқманг, бир марта намози жумани уйда ўқибсиз, ўқибсиз-да.

— Подадан олдин чанг чиқарма. Мен кўчага чиқсам, бирорга фатво бериш учун чиқаётганим йўқ. Савоб учун, жума намози учун чиқяпман. Сен ҳам мачитга борасанми?— Жўра тоғамга мурожаат қилди дадам.

— Ҳа,— деди дадамга эргашиб Жўра тоғам.

Мен ҳам орқама-орқа кўчага чиқдим. Ҳали намози жумага анча вақт бор... Одамлар тўда-тўда бўлишиб мачит томон бормоқда.

Ана менга яқиндан таниш ота-ўғил Ўринбой чўлоқ билан Қурбон сомсапаз. Буларниг уйида кўп бўлганман. Ҳовлисининг юзи, ишонинг-ишонманг уч ёки тўрт бўйра келади. Товуқ катагидек бу ҳовлида қурум босган бир даҳлиз билан бир хонали уй бор. Шу уйда икки ўғил, икки қиз, ота-она бўлиб олти жон истиқомат қилишади. Ҳовлининг ўртасида ер тандир, тандир ёнида ҳамиртахта. Онаси ҳамир юурса, қизлари пиёз тўғрашади. Ота-ўғил гўшт

хозирлаб қийма қилишади, туз-мурч сепиб об-тобига келтиришади. Кейин бири хамир кесиб, бошқаси хамир ёяди, сомса тугади. Жиккак чол оққурай ёқиб тандир қизитади. Унинг соқол-мўйлови ўт таптида жизгинак, гўё куя тушган пўстакдек бўлиб қолга.

— Зерикиб қолдиларингми, чироқларим?.. Мана, ҳозир... сабр қилсанг гўрадан ҳалво пишар, ҳим... тандирга тушди, Ўринбой отангни сомсаси пишди,— дейди қўлига рапидасини кияр экан ота, бизни кулдириб. У икки жуфт сомсани рапида устига қўйиб юзини ер тандирга рўпара қилиб «бисмилло» дейди-да, чаққонлик билан қизиб турган тандирга рапидасини босиб олади. Сомсалар «чиپ» этиб тандирга ёпишади. Шу зайлда юзга яқин сомсанни бирпасда ёпади, терларини рўмолига артиб, тандир қопқогини ёпиб, унинг устига паҳтали ёпиқча ташлаб қўяди.

Онам бирон маъракага борадиган бўлса, қўлимга Сир ярим танга тутқазарди-да, Ўринбой сомсалапазникига югуртиради. Мен борганимда ҳамма вақт ҳам сомса тайёр бўлавермасди. Мендан бошқа сомса кутганлар ҳам бўларди...

Сомса пишиб узиларди. Лекин ота бир йўла ҳамманнинг кўнглини ололмасди. Кимнинг навбати олдин бўлса унга бериб, бошқа мижозлардан узр сўради.

— Хафа бўлмайсизлар энди, қўзичогларим?.. Сиз қора кўзлардан бошқа ҳам қора кўз, ширин сўз сомсахўрларим кўп. Қелатуриб кўзларингиз тушгандир. Бино баққол билан Бекмат оқсоқол боболаринг чойхонасида қўр тўкиб ўтиришибди. Сомса бўйи аллақачон уларнинг димоғларига етди. Ўз вақтида олиб чиқмай кўрай-чи, уйга бостириб кириб ўзимни ҳам себ қўйишади. Агар сизлар, майли, Ўринбой отамни себ қўйса еб қўяр, бизга сомсанни узатаверсин, десаларинг, ихтиёрларинг...

— Йўғ-эй, дада,— дер эди мис тоғорага сомса тературиб Қурбонбой ака,— сизни улар себ қўйса, бундай ма-

залик сомсанни болаларга ким пишириб беради,— шундай деб ҳар биримизни бир донадан «брак» сомса билан меҳмон қиласарди. Берган худога ёқибди, деган гап түғрида!

— Биз кутамиз. Мижозларингизга олиб кетаверинг,— дейишардик чувиллашиб.

Мана, эллик йилдан кўпроқ вақт ўтди, лекин ҳамон Уринбой ота сомсасининг мазаси ҳали оғзимда. Ҳамирин хитойи қоғоздек юпқа, қат-қати мой, оғизга тушиши билан мороженое сингари эриб кетарди... Қурбонбой ака пишган сомсанни қунт билан доналаб тоғорага терарди, юзига қиздирилган мой суртиб, мурч билан туйилган қанд сепиб чиққач, яна устига терарди. Шу тариқа тогорани тўлдириб, дастурхон билан ўтар, бошидаги чамбарракка тогорани қўйиб, мижозларига олиб чиқиб кетарди-да, ҳаят ўтмай яна қайтиб келарди.

— Ҳа, одам кўпми?— сўрарди ўғлидан ота.

— Етарли. Бериги самоварга қолдириб, нариги чойхонадагиларга, ҳозир олиб чиқаман, дедим.

— Қани, тезлата қолинглар!— дер эди янгидан қиздирилган тандирга ёғлоғидан сув сепиб ота...

Гузар ҳар қачон одамлар билан гавжум. Маҳалла чорраҳаси серқатнов. Кўчанинг тўрт муюлишида бирбирига яқин тўрт чойхона, баққоллик дўконлари бўларди. Ўтган-кетган йўловчиларнинг аксарияти бирон баҳона билан албатта чойхоналарнинг бирига қўниб ўтса, тамакинга ўч гиёванд кашандалар, албатта чилим чекиб, хуморларини тарқатмасдан ўтиб кетолмасдилар.

Баққоллик бўлгандан сўнг рўзғорбоп нарсалар бўларди-да: туз, лампа ёғи, чироқ пилиги, безгак дори, жийда, сабзи-пиёз, ип-игна, мош-гурунц, шинни ва бошқа шириплеклар. Ўткинчи йўловчилардан ташқари, тўртала самовар чойхўрлари ҳам Уринбой сомсалазнинг доимий мижозлари эди. Ота-ўғил ҳар куни икки-уч тандир сомса

ёлиб, гузарга олиб чиқарди. Қизиги шунда эдики, Үринбой ота ўз одатига кўра сомса тўла тогорани йўл чекка-сидаги супачага қўйиб, ўзи Мирбақо чегачининг ёнига бориб жимгина ўтиради. Ўзи билан бирга олиб юрадиган жўмраги учган қирмизи пучуқ чойнаги, жийдагул пиёлласи бўларди. Халтачасида доим кўк чойи тайёр. Чойнакни кўтариб оқсанганича самоварга йўрттар, қайнаб турган сувга чойнагини чўмилтириб, чайқаб, сўнг унга бирсиқим чой солиб, дамларди-да, яна чегачининг ёнига келиб курсичасига ўтиради.

Тогора мижозлар қуршовида, сомса «тала-тала...» Үринбой ота бўлса парвойи фалак...

— Ҳой биродар, шакарни ози ширини, бизга ҳам қолсин! — дейишарди тогорага интилишиб сомсахўрлар.

Үринбой ота шошилмасдан пиёлага чой қуяр, қайтарар эди. У чойни уч-тўрт бор қайтаргач, белбоги билан чойнакни яхшилаб уради. Чойга дам бериш каҳрабодек сарғайганча кутарди.

— Қани, бўлди қила қолинг, пирим, дунёнинг иши битмайди, раҳматли отангиз ҳам тиним нима билмай, дунёнинг тагига етолмай дорилбақога қараб кетдилар. Сомса совимасин, олинг! — деди қийшиқ, кулга белангап сомсаларга манзират қилиб Үринбой ота... Пиёладан бутуни борми, узатинг, чой қуиб берай.

— Мана! — дерди чегалашган пиёланни отага узатиб Мирбақо. Сомсалаз бўлса пиёланинг орқа-олдига кўз юргутириб, бош чайқарди:

— Сизга қойилман. Мирбақо, тўққиз бўлак пиёлага ҳам умр бағишлибсиз-а... эшагидан тушови қимматга тушса керак, чегасининг музди пиёланинг нархидан ошиб кетмадиминкин?

— Қадоқланган пиёла-чойнакда чой, товоқ-косада овқатланиш савоблигидан хабарсиз эканлар-да, отахоним?

— Кўп бўлмаса-да, оз-моз хабаримиз бор, пирим. Са-

воби тегмагапда, биз ҳам жўмраги синиқ, тунука даста хитойн чойнакда чой ичиб юрмасдик-да!— дерди писанда қилгандек пиёлага чой қўйиб сомсапаз.

— Яхши қиласиз, бу дунёдан у дунёга киши савобдан бўлак нима ҳам олиб кетарди.

— Савоб деб кишилар ҳовуз қазитади, кўприк қурди, мачит-мадраса солишади... Мана шу биз еб турган сомсалар худонинг жамолини кўрди-ю, тандирдан узилиб кулга тушди. Шунинг учун мен бу сомсаларни сотмасдан кўнглим яқин одамларимга улашаман. Менга ҳам савоби тегар-ку, ахир.

— Шубҳасиз,— дерди «худонинг жамолини кўрган» сомсани оғзига тиқиб чегачи,— савоб ишни қилаверинг, ажрини охиратда кўрасиз, худо насиб қилса...

— Инишоолло, иншиоолло,— дерди чойнакдан пиёлага чой қўйиб сомсапаз.

— Ўринбой ота, тоғорангизни бўшатишди азаматлар!— деб қичқиради мижозлар.

— Иштача борида олиб чиқа қолинг!— дерди, лаб-даҳанини рўмолчаси билан артиб бошқа бир мижоз.

Ўриибай ота пинагини бузмай жавоб қиларди:

— Сабр қилиб туринглар, чироғларим, тандирдан узилсин. Қурбонбойингиз оғинни ерга тегизмай сизга етказади

— Энди оғиз қизиган эди-да сабил, яна бир тоғораси бўлганда ўзим еб ташлардим, худо ҳаққи,— дерди Эргаш ялама. У оҳиста-оҳиста қадам босиб бориб, Ўринбой ота қулогига шивирларди.

— Эй, ғаладонни санаб нима қилдим,— дерди хуфия сўзни ошкор қилиб Ўринбой ота,— қўявер, худо баракасини берсин.

— Бурунгининг одамисиз, ҳаммани ўзингиздек тўғри биласиз. Ғаладонни бир санаб кўрсангиз чакки бўлмасди.

— Умрим бино бўлиб ғаладон санаган одаммасман. Инсофларини тилайвер, ука!

— Беш қўлингиз баробар эмас-ку, ахир, инсофини ютган бирда-ярим одам йўқ деб ўйлайсизми?

— Бўлса бордир. Үрмон бўрисиз бўлмас.. ҳисоб-ки-тобга-ку йўқман. Аммо худога минг қатла шукур, давлатларингиз кўланкасида қирқ йил бўлди шу касб орқасидан куним ўтиб келяпти. Оч-яланғоч қолганим йўқ. Тўқликдан ёрилиб ҳам кетмадим. Энди ғаладондаги пулни санаб бой бўлармидим!

— Омин! Худо ғаладон ва дастурхонингиздан баракани узмасин! Омин!— дерди қўлини очиб чегачи.

— Омин!— дейишарди бошқалар чегачининг сўзини такрорлаб, юзларига фотиҳа тортаркан.— Оллоҳу акбар!

Үринбой сомсапазнинг кунлари шу хилда ўтарди. Маълумки, рўза ойида хўрандалар рўза оғиз бўлганларидан кундузлари на самоварга чиқишиди ва на сомса-хўрлик қилишади. Лекин ўша жума куни бу одат ўзгариб, гарчи самовар қўйилмаган бўлса ҳам, чойхоналар очиқ, одамлар мачит томон тўда-тўда бўлиб, баъзилар гамнок, баъзилар ғазабнок, баъзилари эса гап сотиб боришарди. Шулар орасида ота-ӯғил Үринбой сомсапаз ва менга узоқроқдан таниш яна бир киши одамларга ниманидир уқтирадар, куйиб-ёниб гапириб борарди.

Қизиги шундаки, ҳеч кимдан ҳайиқмай подшолик шаънига ножӯя сўзлар айтиб бораётган Жайноқ амакини мачитда, жамоат билан бирга намоз ўқиганини сира кўрган эмасдим. Бугун эса ҳаммадан олдинда.

Бу одамнинг сўзамол, гапга чечан киши эканини бир учрашувда кўриб қойил қолгандим.

Кунларнинг бирида Оқил жўрам билан бу кишиникида бўлгандим. Қиши. Қор ёғиб турарди. Жайноқ амакини

нинг ҳовлиси кенг. Дарвозасидан кираверишдаги ошхонанинг бир томони қулаб тушган. Девор ўрнига шох босиб қўйилганди. Ошхонага туташ, кун чиқишига қаратиб солинган катта бостиurmада ҳар хил деҳқончилик асбоблари: жумладан, мола, омоч, араванинг ғилдираги, ғалвир, шода-шода қилиб тусинга осилган оқ, кизил пиез, қалампир ва аллақандай қақур-қуқурлар тартибсиз ёйилиб ётарди. Кун совуқ бўлишига қарамасдан амаки оғнинг бўйинчасими, ҳарқалай бигиз билан бир асбобни тикиб ўтиради. Дарвозадан кираверишда бостиurmага туташ бир хонали уйнинг эшиги қия очиқ, Жайноқ амакининг хотини ўчоққа ўт ёқиб нимадир қовуради.

Биз дарвозадан киришимиз билан салом бердик.

— Ваалайкум ассалом,— деди ишдан кўзини олиб, бизга қарар экан Жайноқ амаки,— мулло бўлинглар, тилло бўлинглар, ўғилларим. Келинглар! Келинглар!

Мен бу хонадонга биринчи киришим эди.

— Бу болалар ким?— сўради эридан аёл.

— Кўзимга иссиқ кўриниб турибли... эсим қурсин мени... келинглар, нима хизмат?— бир менга, бир Оқил жўрамга қараб сўради амаки.

— Дадам ювордилар...

— Даданг ким, ўғлим?

— Танимаяпсизми, Салим акани ўғли бўламан.

— Эй, эй ўзимизнинг Салим хўроини дегин... Оппоқ-қина йигитча эдинг. Қачон чечак чиққан эди?..

— Бултур ёзда,— ерга қараб жавоб берди жўрам. Унинг бости чўтирил ва қоп-қора, утидан қизаргани ҳам сезилмасди.

— Чечак қургур ёмон лард! Ҳуснининг заволи...— деб бошини чайқаб қўйди амаки.

Жайноқ амаки топиб гапирганди, чечакнинг ёмон дард эканлигини мен Оқил жўрамни кўргани боргапимда билганлим.

Ез куни әди. Оқыл жүрам мактабга келмай қолди. Бир кун, икки кун күтдим, дараги бўлавермади. Сўнг хабар олгани уйига борсам, чечак чиқиб, кўрпа-ёстиқ қилиб ётибди. Отаси Салим амаки ерсиз деҳқон. Бойга коранда бўлиб кун кўради. Умри далада ўтиб, уйида кам бўлади. Жўрамнинг онаси ёлғиз қўл аёл. Кундузлари уй юмушлари билан овора бўлиб, ўғли ёнида қадалиб ўти-ролмасди. Бир кун яна жўрамни кўргани борсам, аҳво-ли оғир, ҳувиллаган валангор ҳовлида, катта садақай-рағоч тагида ёлғиз ўзи қора пашшага таланиб ётибди. У чақалоқ сингари йўргакланиб, қўл-оёғи боғланган. Юзида эса онасининг докарўмоли ёниғлиқ. Бемор инграб, «сув, сув!» дер эди.

— Оқыл!.. Жўражон!— дедим нима қилишимни билмай.

— Жўражон! Сув бер!— деди йиғлаб жўрам.

Юзига ёпишга оқ дока рўмолни олдим, сон-саноқсиз қора пашша ғувиллаб ёпишади. Бу ёқдан ҳайдасам, у ёқдан келиб қўнади. Жўрамнинг афт-ангорини кўриб юрагим орқамга тортиб кетди. Илгариги Оқылга ҳеч қандай ўхшашлиги йўқ. Кўзи кўринмайди. Башараси, бўйни яра-чақа, афтига кўкимтири лой чаплаб қўйгандек. Бош томонида турган чойнакни олиб қарасам сув бор. Жўрамнинг бошини ёстиқдан кўтармасдан сув ичириш қийин. Бир амаллаб елкасига қўлимни тиқиб кўтармоқчи бўлдим.. Қўланса ҳидга зўрга чидаб, чойнак жўмрагини жўрамнинг оғзига тўғри қилдим. Лаб-лунжи қўшилиб кетгандек. У энтикиб оғзини очди, нимани кўрай, даҳшат: оғзи, тили яра-чақа.

— Тезроқ, ичим ёниб кетди,—деда шивирлади жўрам.

Жўмракни эҳтиётлик билан лабига қўйдим. У чойнакни ютиб юборгудек. Ярим чойнак сўвни ичиб қўйиб, яна «сув» бер, деб йиғлай бошлади. Ортиқ сув йўқ, «ҳозир, ҳозир» деда bemorga тасалли берардим.

— Жўражон! Қўлимни еч!.. Баданим қичиганига чидай олмайман. Оҳ, жўражон, кўзимни, бетимни қашиб қўйсанг-чи... қичиганига чидай олмайман, юрагим гумуриб кетяпти. Қўлимни бирпасга ечиб қўйсанг-чи, жўражон..

— Сабр қил, онангни чақириб келаман,— дейман мен,

— Онамга айтма, барибир у қўлимни ечмайди.. Уламан... Үлиб қоламан, жўражон... Нима қилишимни билмайман.— Жўрамга раҳмим келади. Чечак чиққанда боланинг қўлини нима учун боғлаб қўйишларини биламан. Маҳалламиизда бир муккидўз бор эди, болага чечак чиққанда қўлини боғлаб қўйиш кераклигини билмас экан. Унинг ёлғиз қизига чечак чиққан. Чечак қичитган сари қиз баданини қашлаб, кўзини ишқалай бошлаган. Қўзининг гавҳарни устидаги яралар эзилиб, қиз кўр бўлиб қолган. Жўрам қўлимни еч деб қанча ёлвормасин, мен қулогимни кар қилиб ўтиравергандим...

Амаки:

— Чечак қурғур ёмон дард, ҳуснни заволи,— деганда. Оқил жўрамнинг бетига қараб, унинг чечак касали билан олишган пайти эсимга тушиб кетди. Амаки айтганидек, чечак Оқил жўрамнинг ҳуснини бузган эди.

— Вой-бўй, жавраб қолибсизлар-ку, ўғилларим. Шундай совуқда қаердан келяпсизлар?— сўради амаки.

— Мактабдан,— жавоб берди Оқил жўрам.

— Ҳой, холаси, муллаваччаларни ўчоққа чақир, исиниб олишсин!

Холапинг таклифи билан иккаламиз ўчоқ бошига бордик. Қозонда қовурилаётган макканинг хуштаъм ҳиди димоққа урилди, қандалатдек макка парт-пурт учиб ўчоқ атрофига сочиларди.

Ғўзапоя алангасига бағримизни тутиб ҳузур қилиб исиндик. Менинг оёғимда сарпойчанг калиш, Оқил жўрамнинг оёғида мукки. Мен яланғоч кир оёғимни чўғга

тovласам, жўрам муккисини товлар, ундан бадбўй ҳид тараларди.

— Ҳой, муккинг куйяпти, болам, иси чиқиб кетди! — деди хола, иккаламизинг этагимизга бир-бир сиқимдан қандалатдек оппоқ бодроқ ташлаб,— олинглар, эрмак қилиб ўтиринглар!

Хола ғўзапояга чўзила туриб осмонга назар ташлади.

— Садағаси кетай, қор ҳам жазавасига олди. Тина қолса болагиналар бундоғ яйраб кўчага чиқармиди.

— Худо бериб қолди, ношукурлнк қилманг, опаси! Осмондан нон ёғяпти.

— Худонинг қудратидан ўргилаи... Биласизларми болаларим,— деди осмонга қараб хола,— фалакдан ёғи-лаётган ҳар бир қор, бир фариштанинг елкасида. Улар ср билан осмон оралиғида муттасил учиб қор ташпайдилар, ерга қўйиб, яна осмонга учиб кетишадилар.

Мен учиб келиб ерга тушаётгаш паға-паға беҳисоб қорларга тикилиб фаришталарни қидирардим. Қорлан бўлак ҳеч нарсани кўрмагач:

— Хола, фаришталар кўринмайди-ку,— деб сўрадим.

— Фаришталар одамларга кўринармиди,вой содда ўғлим-эй... Улар фақат авлиё-анбиёларга кўриниш берадилар.

— Қанақа авлиё-анбиёларга? — яна савол бердим мен.

— Худонинг авлиё-анбиёларига-да,— қовурилган бодроқни қозондан саватга сола туриб жавоб қилди хола.

— Уша авлиёлар қаерда?.. Авлиё деганингиз мозорат эмасми,— хиралик қилиб яна сўрадим мен.

— Ҳа-ҳа, мозор-мозоратлар,— деди шошилиб хола,— тўғри айтдинг, авлиёлар ўшалар бўлади, болам.

Жайноқ амаки хандон уриб, хотинининг сўзини бўлди:

— Сиз бундай ҳикматларни қаёқдан биласиз, онаси? Мабодо отин бувиларнинг кигиз китобидан эмасми?

— Шаккоклик қилманг, худонинг қаҳри келади,— қовоғини солиб эрини жеркиб берди хола.

— Сизга шаккоклик қилиб бўладими, онаси,— ҳамон хушфеъллик билан очилиб деди амаки.

— Менга эмас, яратган эгамга!

Жайноқ амаки мийигида кулиб қўйди. Совуқ егац бармоқларини оғзининг ҳовури билан иситиб, кафтини кафтига ишқалар экан:

— Муллавачча бўлиб сизлар ҳам гапирсаларингизчи, холангизнинг гаплари тўғрими, эгрими? Ким айтади сизларни мактаб кўрган деб. Мен бир авом одам бўлсан, отин буви дийдиёлари билан қулоги пишган холангизга даф жавоб қилолмасам.

Оқил жўрам менга қараб ишшайиб қўйди. Хола эпди ҳужумга ўтди:

— Буви Чоршанба онадан ўргилай, у киши шарофатларидан билмаганимни билсан, савобга дохил, гуноҳдан фориғ бўлиб уйга қайтсан ёмонми?

— Биламиз, гуноҳларингизни нима билан ювади отин буви, дийдиё билан. Дийдиёни эшитганмисизлар, ўғилларим?

— Қанақа дийдиёни?— қизиқиб сўради Оқил жўрам.

Шовла есам ботмайди,

Томоғимдан ўтмайди.

Ҳиммат билан палов қилсанг,

Савоб бўлур дийдиё...

Ҳув-а, ҳув-а, ҳув! Ҳув! Ҳув-а, ҳув-а, ҳув! Ҳув!

Амаки дийдиёга ўзича куй тўқиб, икки қўлини кўкрагига уриб, дарвишлар сингари гир-гир айланада бошлидин.

Биз тоҳ кулиб, тоҳ ҳанг-манг томоша қилардик амакининг ўйинини.

— Амакиларингизга худо ўзи бас келмаса, бандаси бас келолмайди. Бу эркаккинанинг оналари азалдан мас-харабоз қилиб туққан!

Амаки тикиб бўлган бўйинчасини устундаги михга илди. Қўлини қўлига ишқалаб, «анчагина совуқ-а!» деб бир нарса кўргандек осмонга қараб қотиб қолди. Сўнг икки қўли билан ёқасини ушлаб:

— Эй қудратингдан ўргилай, парвардигор... Ҳой, бу ёққа-бу ёққа,— деди ҳамон осмондан кўзини узмасдан, қўли билан бизни ўзи томон чорлаб... Мен шоша-пиша ўрнимдан турдим-да, амакимнинг қаватига бориб осмонга тикилдим. Шоштанд лаббай топилмас дегандек, Оқил жўрам ҳалеганда муқкисини киёлмасдан ҳовлиқар эди.

— Кўряпсанми?

— Нимани?— ҳайрон бўлиб бир амакига, бир осмонга қарадим мен.

— Нимани бўларди, холанг айтган фаришталарни да!

Оқил жўрам бизнинг қаватимиэга кириб ҳаяжони-ни босолмасдан дер эди:

— Қани, кўрмаяпман-ку, фаришталарни, сан кўряпсанми, Назирқул жўра?..— «Иўқ» деган маънода бошимни тебратдим мен.

— Эй бу кўзми, пўстакни йиртиғими!— деди қоши устига бармоғини қўйиб амаки,— ҳар бири лайлакдек келадиган фаришталарни наҳотки кўрмаётган бўлсаларинг!

— Ула қолай кўряпган бўлсам.— Кўзини жавдира-тиб менга қаради Оқил жўрам.

— Ҳа,— деди айёона бизга боқиб амаки,— дарвоқе, фаришталар таҳорати бор кишига кўриниш берадилар. Ҷизларнинг таҳоратларинг бўлмаса керак... холангни чақир-чи,— деди секин қулоғимга шипшитиб амаки,—

таҳорати бўлса, балки унга кўринар, сўра-чи, таҳорати бормикин?

Мен унамадим. Жайноқ амаки Оқил жўрамни қистай бошлади:— Сўра-чи ўғлим, холангни таҳорати бормикин?

— Хола, таҳоратингиз борми?— сўради Оқил жўрам.

Хола жавоб бериш у ёқда турсин, қайрилиб ҳам қарамади. Амаки яна Оқилнинг қулоғига шивирлаб:

— Сўра, холангдан сўра, ҳар бир қорга бир фаришта банд бўлса, худонинг неча лак фариштаси бор экан? Шуни айтиб беринг, жон хола дегин!

Оқил жўрам ҳам амаки айтган сўзни тўтиқушдек такрор қиласерди. Хола ҳам ҳеч пинагини бузмай:

— Неча лак фаришта борлиги ёлғиз эгасига аён,— деб жавоб қилди.

— Эгаси ким, деб сўрамайсанми,— Оқилнинг қулоғига шивирлади амаки.

— Эгаси ким, хола?

— Эгаси сани, мани, ср-кўкни, майнабоз амакингни яратган худойим бўлади. Фариштанинг сон-саноги ёлғиз оллонинг ўзинга аён.

— Дийдиёларга-чи?—яна хотинининг ғашига тегди Жайноқ амаки.

— Қалака қилмай қўя қолинг. Дийдиёлар ҳам яратганга банда. Худо билганини ҳеч қачон бандаси билмайди.

— Дийдиёчи буви Чоршанба отинлар-чи?—жилмайиб, бизга кўзини қисди амаки.

— Қаранг-а, кошкийди, мен бу гапларни гўё ичимдан чиқарган бўлсам. Қитобла бор, табаррук қитобларда ёзилган гапларни айтипман.

— Тўғри,— деди жиддий бир оҳангда амаки,— киши ақли бовар қилмайдиган бундай гаплар дийдиёчилардан

чиқмаса, бизга ўхшаган оми, алифни таёқ дейдиган ақли норасолардан чиқармиди!.. Модомики, дийдиёчиларнинг шундай нарсаларга ақллари етар экан, «сочи узун, ақли калта», деб аёлларни камситадиган шаккокларнинг ўзлари балки ақлсиздирлар.

— Гапларингиз бирам заҳарли! Тикани бор!— деди зарда қилиб хола.

— Ботдими?— пичинг қилди амаки.

— Пичноқни ўзингга ур, оғримаса ўзгага, дейдилар. Аёллардан кулманг.

— Йўқ-йўқ, тушунмабсиз, онаси, аёллардан кулиб ўлибманми, қизишманг!.. Бизга ўхшаган авомларга амри маъруф ўргатмоқчи бўлсангиз оғир бўлинг! Ахир, ҳазрати Алишер Навоий пиrim нима деганларини биласизми?

— Навоийни ўқиганим йўқ.

— Ана, ўқимагансиз-да! Биз ўқимаган бўлсак ҳам уққанлардан. Ҳазрати Навоий айтганларки, сўраб билган олим, сўрамаган ўзига золим, деб. Мен ақлим етмаган нарсамни билиб олгим келади. Ана шу феълим баъзан одамларга ёқмайди,— деди мийигида кулар экан, хотинига шама қилиб амаки.

Оқил иккимиз бир-биримизга қараб жилмайишдик.

— Эркак зоти димоғдор бўлади. Ҳаммани қўйиб улар хотинлардан ақл ўрганармишми?— Хола ҳам эрига пичинг отган бўлди.

— Бошқа эркакларни билмайман, илло мен ўзим ақли расо хотинларни ҳурмат қиласман. Сиздан ўргаисам бўлади.

— Тилингизнинг учида. Дилингиз бўлса бошқа нарсани деб турибди.— Синовчан пазар билан эрига қаради хола.

— Худо ҳаққи, сидқидил гапим шу,— деди мулойимлик билан амаки.—Худони ҳеч ким кўзи билан кўрган

эмас, ақл билан ташыйди, дейди уламо-фузалолар. Бу ёғини ўзингиз тушуниб олаверинг. Кўрнинг муроди ёруғ дунёни бир дақиқа бўлса ҳам, очиқ кўз билан кўриш. Шунга ўхшаш, сиз айтган лак-лак фаришталардан кўп эмас, беш-олтитаси менга ўхшаган фақир деҳқонларнинг дала ишларига боқишиб оғирини енгил қилсалар, асакалари кетармиди?

— Сиз ҳам, энди дадаси одам бўлиб куракда турадиганроқ гап гапирсангиз бўларди. Ҳеч вақт фаришталар келиб сизнинг ишингизга қараашармишларми?

— Оразуга айб йўқ. Яхши гапга ҳам фаришталар «омин» дейишар экан, ёмон гапга ҳам. Нечун отин буви сизга бу китобдан дарс бермадилар экан?

— Худо таоло ва таборак...

— Тўхтанг-тўхтанг! Айбга қўшмайсиз, онаси, гапингизни бўламан, худо таоло... буни биз ҳам тушунамиш, аммо «ва таборак» деганингизга тушуммадим. Маъносинима?

— Маъносини мен қайдан билай. Домла-эшонлар шундай дейишадилар. Биз ҳам азиزلар айтганларини айтамиш-да. Яхшиси, гапни бўлманг!

— Хўп бўлади, қулогим сизда,— икки қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди амаки.— Қулогим сизда.

Хола жим қолди. Амаки эса қўли кўксида бош эгганча қимир этмай турарди.

— Гапиринг, қулогим сизда, онаси.

— Гапимдан ҳам адаштириб қўйдингиз.

— Бундан чиқди, гапингиз ёлгон экан,— мийифида кулиб, қошини учирниб қўйди амаки.

— Бекоргинани айтибсиз!— жиддий оҳангда жавоб қилди хола. Сўнг бир оз ўйлаб тургач, деди:

— Ҳа, эшитинг, мана: Худо таоло лак-лак фаришталарини ёлғиз сиз учун ишлатса яхши эканда-а! Йўқ, худо таоло ва таборак кўпнинг раҳмини ейди. Сизга ўхшаган

лак-лак деҳқонларнинг ғамхўри у. Осмондан ёғаётган қор эмас, нон деб тўгри айтдингиз. Элда бўлса тезаги тегади, дейдилар. Эл тўйса, сиз-биз тўямиз, тушундингизми?

— Тушундим, мана энди тушундим, онаси. Қойилман сизга, хотинжон, камдан-кам аёлдан бундай ақл чиқади, акангни хотини,— деди холанинг елкасига қоқиб амаки,— авлиё бўлай-бўлай деган экансизу, қайнанам тушмагур янгилишиб қиз туғиб қўйинптилар, чакки бўлган экан-да.

— Бу ерда ҳам қайнана шўрлик айбор, қайната бе-гуноҳ. Хотинлардан авлиё чиқмаган эканми?.. Биби Марям, биби Фотма-Зуҳролар авлиё бўлмай, ким улар? Қани айтишг-чи, Момо Ҳаво бўлмаганларида ўзлари қа-еқдан пайдо бўлардилар?

— Ҳа, мана энди қўлга тушдилар!— деди жилланглаб амаки,— қани менга айтиш: Момо Ҳаво бўлиб Одам Ато бўлмаганларида ўзлари қаёқдан бино бўлардилар?

— Кўрдиларнингми, ўғилларим, қандай сўзамол холаларинг бор! Тавбамга таянтириди холанг тушмагур,— деди кулгидан ёшга тўлган кўзларини артар экац, амаки...— Ҳар қалай, эр-хотин қўш ҳўкни деганларинча бор. Одам Ато, яъни мен, Момо Ҳаво, масалан, сиз бўлмаганингизда кўзимизнинг оқу қоралари Тоҳиржон ва Зуҳро бувилар бўлармиди, онаси... Тоҳиржон! Ҳо тайлоқчам, қаёқда-сиз?— деда чақирди амаки.

— Лаббай, мана мен, сандалда ётибман,— бир тоқа эшикли уйдан бола овози эшистилди.

— Ҳузурингизга ҳозир меҳмон олиб кираман... кутиб оласиз. Тузукми, ўғлим... Қани, бу ер совуқ, уйга ки-рамиз!— деди амаки.

Оқил жўрам энди ёрилди. У дадасига вазда қилинган қовун тухум учун келгани, ҳозир уйга етиб бормаса онаси хавотир олишини важ қилиб уйга кирмади.

— Ҳа, дарвоқе, дадангга ваъда қилган эдим. Отанг тадбиркор деҳқон, болам. Ҳозир-ҳозир,— деди-да, амаки эшиги ланг очиқ бостиrmага кириб кетди. Бир оздан сўнг қовун пўчоқ косасига солиб қуритилган уруғ олиб чиқиб Оқил жўрамга тутқазди.— Ўтган йили даданг билан Туятортар ариғи ҳашарида бирга бўлгандик. Азага борган аёл ўз дардини айтиб йиғлар, деганларидек, тўртта деҳқон бирга бўлса нима ҳақда гап бўлиши маълум. Деҳқонни мадорга киритиб, омборига барака киритадиган тоза уруғ бўлади. Даданг ўша бўрикалла қовунингиз уруғидан бизга ҳам озроқ берсангиз бўларди, деб қолди. Баҳор келаверсин, бир гап бўлар деган эдим. Яхши деҳқон баҳор ғамини куздан ейди. Насиб бўлса бу уруғнинг қовунидан татиб кўрарсизлар. Мазаси оғизла-рингида қолади.

— Оти нима бу қовунингизни?— қизиқиб сўради жўрам.

— Бўрикалла! Бундан бир тилиминни еган киши мазахърак бўлади, Маккадан ҳам сўроқлаб келади. Ҳа, беҳа-зил, таърифи кетган қовунимни... Даданг миришкор деҳқон. Аммо қўли қисқа бечорашинг, ер-суви, от-улови йўқ! Бир парча-ярим парча ери бўлганда ҳам, от-улови бўлмаса, қанотсиә қушдек гап. Парвози бўлмайди. Чоракорлик—тўртдан бирга шерик бўлиш, бу иш эмас. Иил—үн икки ой ишлаб яғини яғир бўлади чоракор халқнинг. Кун ўтятпи-ю, куннимиз тонг отмаяпти, ўғилларим. Ҳайр, шунисига ҳам шукур, ҳарқалай бутимиздан шамол ўтиб турибди. Тупроқдан ташқаридамиа. Ноумид шайтон. От босмаган ери тойчоқ босади, дейдилар. Бизларга кулиб боқмаган замон шояд сизларга жилмаяр, кулар... Ҳа, амаким роса эзма экан, деб масхара қилманглар яна мени. Деҳқоннинг номини чиқазадиган унинг тоза уруғи-ю, беминнат меҳнати. Мен ҳар ҳандай уруғни тикиб ернинг умрини ўтказмайман. Фалладан тортиб чигитгача,

ҳандалакдан тортиб сабзавот уруғигача тайёрлайман. Ҳар навидан, қўлбола уруғдан ғамлаб қўйганман. Қази билан қартадир, ахир зотига тортадир. Ҳамма гап зоти зурётда. Мен баъзи бир деҳқонларга ўхшаб қовун-тарвузимни от-арава, бут овора қилиб бозорга ортиб юрмайман. Қовун-тарвузим пишдими, худди пайкални ўзинда савдо бўлади. Фуршандаларнинг ўзлари келиб пул санаб берадилар. Менинг пайкалимда битган умрбоқий, шакарпалак, қизилмағиз, бўрикалла, кўқикалла пиш, дониёрий, гурвай, амирий қовун ёки қўзивой тарвузларимнинг ҳаридорлари ҳар қачон йўлда бўлади.

— Мен ҳам деҳқончиликни яхши кўраман,— деди Оқил жўрам. У амакининг гапларидан беҳад руҳланган кўринарди. Тўғрисини айтсам, деҳқон бўлганга яраша амакидек бўлиш керак-да.

Мана, ўша сўзамол, миришкор амакини бугун яна кўчада учратдим. У бир тўда одамларни ўз оғзига қаратиб гап бериб боряпти. Кўрдиму унинг ёнинг бориб, гап-сўзини эшигим келди. Тез-тез юриб, унинг тўдасига етиб олдим. Ҳатто унга кўриниш бериб, «ассалому алаїкум» ҳам деб қўйдим. У ўз хаёли ва гапи билан овора бўлибми, мени пайқамади. Бошқа кишилар саломимга алик олганини пайқади шекилли, «ваалайкум ассалом» деб сўзида давом этаверди. Мен ўзимда йўқ қувошиб, гап тинглаб қадам-бақадам боравердим. Амаки амалдор-бойлардан инсоф-диёнат кўтаришганни, фақир-фуқароларнинг оғир аҳволи, уруғ туфайли рўй берастган фалокатлар тўғрисида ёниб гапиради.

Кун иссиқ, мачитга оқиб келаётган ҳалойиқининг кети узилмасди. Қексалар ҳорғин қадам ташлаб, баъзилари

камалакдек букилиб, ёш-яланлар эса гурунглашиб келишарди. Бир неча паранжиллик аёллар мачит қаршистыраги азамат тут остида соядек тик туарди. Мен мачиттинг катта дарвозасидан киришга журъат қилолмай, ҳужра орқасидаги девордан ошиб, ариқ лабидаги садақайрағоч тагига ўтдим. У ерда маҳалла болалари, мактабдош ўртоқларимдан Эрмат, Соат, Миркарим ва бошқалар ўтиради. Биз домламиздан ҳайнқиб мачит саҳнига ўтишдан қўрқардик. Мачит супаси, саҳни, ҳовуз бўйи одамлар билан тўлиб тошган. Ҳар жума куни намози жума ўқилган кунларда ҳам бу срга бунчалик кўп одам йигилмасди. Буннинг устига тўпланганларининг кўпчилиги бизга нотаниш, афтидан, бир эмас, бир неча эл йиғилганга ўхшарди. Бундай катта йигинни биринчи кўриб, ҳайратда қолган болалар ўзларича бичиб-тўқишар, гал талашарди:

— Мингбоши сайлови бўлса керак. Мирзаёр мингбонни амалдан туширармиш-ку!

— Ҳа, элликбоши ҳам бойларга сотилган, деди кеча катта амаким.

— Мардикорга дадамизни олиб кетса, биз нима қиласмиз?

— Нима қиласдик. Бизнинг дадамиз Абдулаҳаддинг дадасига ўхшаб бой бўлмаса!. Бойвачаларники ҳузур экан!...

Шу вақт ариқнинг нариги қирғогида ўтирган одамлар «келди-келди» дейнишиб, бўйиниларни чўзишиб қолишли. Биз ўрнимиздан туриб мачит томонга қарадик. Мирзаёр мингбоши ўттада, полициячи ва элликбошлилар ёнида, мачит ҳовлисига кириб келишли. Одатда мингбоши тугул элликбоши кириб келса фуқаро унинг ҳурмати учун ўрнидан туарди. Қизиқ, бу гал мингбоши полициячи йигитлари билан савлат тўкиб кириб келгандя якка-ярим одам ўрнидан турса ҳам, кўпчилик қилишарди.

мир этмасдан ўтираверди. Мингбоши билан бирга Абулқосим элликбоши, Қосимхўжа оқсоқол, Ориф оқсоқол ва Содиқ полициячи мацит зинасидан одам бўйи баланд айвонга кўтарилишди. Домла, мулла Ҳафизбой ва бошқа казо-казолар ўринларидан туриб, уларни қарши олишиди. Мингбоши билан кўришиб, саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашишди.

Орадан кўп ўтмай Абулқосим элликбоши мацит супаси лабига келиб жамоатга рўбарў бўлди. Элликбоши ўз одати бўйича чинқириб, зарда билан гапиради. Бу гал ҳам шундай қилди. Узи чайир, жуссаси кичик, дойим қовоғидан қор ёғар, сарғиш чиён башара юзидан заҳар томаётгандек эди. Биз уни кўришимиз билан ўзимизни четга олардик. Қўққисдан тўғри келиб қолганда қўрқиб салом берганимизда алик ҳам олмасди. Тулкинники сингари чўзиқ юзи, чуқур тушиб кетган кўзларининг қора-чиғи мурданики сингарни совуқ кўринарди.

— Намози жумага вақт оз қолди... Ҳой... ариқ лабида ўтирганлар! Берироқ келинглар! Мардикор тўғрисида мингбошимиз уч-тўрт оғиз гап қиласар эканлар... Эши-тинглар!— деди чинқириб Абулқосим элликбоши.

Мирзаёр мингбоши гапга нўноқроқ бўлгани учунми, ҳар тугур гапни қисқа қилди, у:

— Ортиқча гап эшакка юк. Юртга келган тўй бўлди бу. Рўйхат тайёр. Ҳозир Мирза ўқиб эшиттиради. Оти чиққан одамларга келаси жума куни худди шу ерда пул, кийим-кечак топширилади. Ўрусия иқлими бизнинг юртимизга қараганда салқинроқ дейишияпти. Мардикор борадиганларнинг ғамини еб пошшолик иссиқ уст-бош ва оёқ кийим ҳозирлаган. Қани, тақсир, мардикор борадиганларнинг ҳаққига бир дуо ўқиб юборинг!— деди маҷит имомига юз ўгириб мингбоши.

Домла ҳам худди шундай фармонни кутиб тургандек, баланд овоз билан «Омин!» дея қўл кўтарди. Ү қуръон

оятларидан гоҳ овоз чиқариб, гоҳ пичирлаб ниманидир ўқирди. Ниҳоят, баланд овоз билан бир қатор авлиё-анибиёларнинг номларини тилга олди, йиғламсираб дуо қилди: «Пайғамбаримиз Мұхаммад мустафо ҳаққи, эй қодир ламязал, уммати пайғамбарингни ғози, душманларини зеб-забар, оқпошшо ҳазрат олийларига музafferиятни ҳар қачон, ҳар ерда ҳамроҳ қил. Мардикорга отланган мусулмон бандаларингнинг камарини йигитлар пири, ҳазрат Али шерн худо боғласинлар.

— Омин! — дейишди мухлислар, — лофато илло Али, лосайфа илло зулғиңор. Ҳар бало-ю, ҳар қазо, пеши ояд даф кунад парвардигор. Мардикорлар ой бориб, омон қайтсинглар! Оллонинг ердаги сояси оқпошшо олийлари паноҳларида бола-чақаларига яна бош бўлсинлар. Яқин кун, яхши соатда дийдор кўришиш насиб рўзи қилсан! Омин раббил оламин!

Домла юзига фотиҳа тортди. Лекин жамоатнинг «Оминида» одатдагидек жўшқинлик эшитилмади. Домла дуога қўл кўтарганда кўпчиликнинг энсаси қотиб, таъби хира бўлди. Қандайдир норозилик ифодаси уларнинг юз-кўзларида кўриниб турарди.

Мингбоши амри билан унинг мирзаси мардикорга сафарбар қилинганлар рўйхатини ўқиб, эълон қила бошлиди. Жамоат «ғиқ» этмай қулоқ бериб ўтирди, ора-чўра одамларнинг оҳ-воҳлари эшитилиб турса-да, ҳеч ким гаш қотмади. Рўйхат ўқилиб бўлинган эдики, бирданига ҳар ер-ҳар ердан овозлар чиқа бошлиди. Якка-ярим овозлар қўшилиб, бир зумнинг ўзида олаговурга айланиб кетди, ким нима деяётганини англаш қийин эди. Мингбоши домла, полициячилар «ҳай-ҳай»лашиб ҳам оломонни тинчтолмади. Одамлар қўлини пахса қилишиб шовқип-сурон кўтаришарди.

Шу пайт бизга таниш Жайноқ амаки одамлар орасини ёриб ўтиб, зинапояга чиқди-да, қўлини кўтарди. Шунда

одамларнинг ўзи бир-бируни жим бўлишга ундан бақира бошлиши.

— Биродарлар! Тинчланинг. Дардимизни айтиб, гаплашиб олайлик.

— Гапни эшитайлик.

— Ўтиргилар!— деган хитоблар ҳар томондан эшилди. Баъзиларнинг жаҳли чиққанидан ранги оқариб, қалтираб, ўзини босолмас, бошқалар уларнинг этагидан тортиб ўтиришга, оғир бўлишга ундарди.

Денгиздек тўлқинланиб турган оломон амаки даъвати билан жимиб қолди. Жайноқ амаки бошидаги салласини қўлига олиб, юз-кўзидағи терини артди-да, секин сўз бошлади:

— Тутга қўнган чуғурчиқ сингари ҳамма бирдан чуғурласа, бирон фойдали иш чиқмайди. Мана мард-майдон, ҳар ким ўз юрагидаги дардини очиқ-оидин баён қилишга ҳақ-ҳуқуқи бор. Шундай эмасми, тақсир?— дея домлагага юзланди ва саволига жавоб кутиб жим тураверди.

Домла нима дейишини билмай шошиб қолди. Мингбоши гапиринг!— дегандек унга имо қилди. Шунда домла:

— Амр подшо вожибдир. Худо ўз каломида: бандаларимининг бурчи мени ердаги соям бўлмиш подшо амрини бажо келтириш деган илло...

— Тақсир! Тақсир!— дея домланинг сўзини бўлди Жайноқ амаки.

— Илло... гапга қулоқ беринг! Осий бўлманг!

— Гапингизни тушундик, тақсир. Амр подшо вожиб дедингиз. Биз бундай фатвони биринчи марта эшитаётганимиз йўқ.

Мингбоши жим қотиб турган оломонга синовчан кўз югуртириб чиққач, ғайри табиий бир мулойимлик билан:

— Тушунибсиз, бу жуда соз! Ҳаммамизнинг ҳам муд-

даомиз шу эди. Жұма намозини үқишга ҳам вақт бўлиб қолди шекилли, тақсир,— деди домлага қараб.

Домла худди шуни кутиб тургандек, «дарвоқе, ё бисмилло», деб ўрнидан турди. Оломон яна сурон кўтарди. Қўрқиб кетганидан бўлса керак, домланинг кўзи аланг жаланг, орқа-олдига қараб олди. Афтидан, фурсат топса қочгудек эди.

Амаки домлага қараб деди:

— Тақсир. Сиз амри подшо вожиб дедингиз. Подшо амри сизга ҳам вожибми-йўқми?

— Худонинг бандасики бор, унга амри подшо вожиб,— деда таъкидлади домла.

— Ундай бўлса, нега ўзингиз ёки ўғлингиз мардикор рўйхатида кўринмадингиз. Балки мирза янглишиб ўқимасдан кетгандирлар.

— Йўқ,— деди мирза.— Мен рўйхатда борини ўқидим.

— Ҳар бир худонинг бандасига подшонинг амри вожиб экан, нега мирза ўқиган мардикор рўйхатида биронта бўлсин бой, бойвачча, қози ёки амалдорнинг оти йўқ? Биз ана шу сўроқларга аниқроқ жавоб талаб қиласиз, тақсир. Шундайми биродарлар?

Оломон: «Жавоб берсин!» деб қичқирди. Мингбоши үрнидан туриб оломонга «жим!.. жим!» деб хитоб қилди. Мирзаёр жаҳл отига мингандан ўзини босолмас, қизариб, бўғилиб, титраб-қақшаб гапиради. У Туркистон губернаторлиги амри билан подшо ва ҳалқ хизматида бўлган мансабдорлар, қози, домла, мударрис, мулла ва полициячилар мардикор сафарбарлигидан озод қилинганилиги ҳақида ээмалик қилиб тушунтириди. «Бой, бой болалари нега мардикор рўйхатида йўқ?» деган саволга келганимизда,— деб уқтириди у,— бу кундан ҳам равшан маълумки, ҳар тўрт оиласдан бир мардикор сафарбағ қилинади. Тўрт оила бирлашиб бир мардикор ёллашади.

Шундай бўлгандан сўнг қурби етганлар пул тўлайди, ихтиёрий равишда одам ёллагудек бўлса, хўш, бунинг нимаси вожиб эмас экан?.. Ўзинг қодир одамлар подшо амрига зид сўз айтиётганлари йўқ-ку! Бунинг нимаси тушинилмайди, сиага?

— Менгами?— сўради Жайноқ амаки.

— Ҳа, сизга!— деди дағаллик билан мингбоши.

— Бир менга бўлса унча алам қилмас эди-я! Бутун камбагал, бева-бечораларга оғир юқ бўлди бу мардикор ва мардикор пули. Давлатмандлар бу ишда ҳам подшолик олдида қадрли ва қодир, камбағал шўрлик бўлса ҳар қачонгидек қадрсиз ва қурбсиз! Шўри қурсин камбағални. Замон шундай кетаверар экан, пон гадоси қиласизлар камбағалларни!

— Бузуқбош! Битган ишни бузяпти, одамларни чалгитиб, тўғри йўлдан оздирияпти бу нокас!— деди домла томонга қараб мингбоши.

— Бузуқбошнинг таъзирини бермоқ керак,— деди тасбеҳини силкитиб домла.

Мингбошининг кўзида гўё ўт чақнарди. У Содиқ мирабга: «Ол, уни!» дегандек ишора қилди. Содиқ «ҳозир» дегандек йўғон мўйловини силаб, қиличи дастасини ушлаб, Жайноқ амаки томон қадам ташлади. Оломондан ҳайиқибми, зинапояга тушмасдан, «бу ёққа чиқинг», деб фармон берди. Одамлар: «У ёққа чиқманг! Супага чиқманг!»— деб қичқира бошладилар. Зинага яқин турган Қурбонбой Жайноқ амакининг қўлидан ушлаб паствга тортиди. Содиқ мираб супадан паствга тушишга, амакини оломон орасидан олиб чиқишига журъат қилолмади. «Содиқ йигит» номи билан жizzахликларга таниш мираб Содиқ укки кўз, бўрсиққа ўхшаш семиз, соқоли дуортланган, йўғон мўйловли одам эди. Содиқ йигитнинг журъатсизлигидан газабланиб Мирзаёр мингбоши «нега қараб турибсан!» деган маънода унга ўқрайиб қаради.

Саросимада қолган миришаб нима қилишини билмай елкасини қисиб, иккиланганича қиличининг дастасини тутиб қотиб қолди.

— Мардикорга бойлар борсин!. Камбағал бўлсанг мардикор беришдан бош торт!. Қимда-ким бой пулига ёлласа, ундаи помарднинг додини берамиз,— деган овозлар янгради.

Одамларнинг олағовурига қарамай сўфи аzon айта бошлади. Оломон унга эътибор ҳам бермади. Одатда аzon товуши эшитилиши билан йўлдами, уйдами тик турган одамлар ўтириб, гап-сўз тўхтаб қоларди. Бу гал бундай бўлмади. Одамлар гала-гала бўлиб мачит дарвовозасидан кўчага чиңга бошладилар...

Домла нонхўрак эълон қилди. Қоронги ҳужрада юраги сиқилиб ўтирган мактаббаччаларчувурлашиб ташқарига отилишди. Саратон. Ҳаво иссиқ. Рўза. Менинг ёшимда бўлган тўққиз-ён ёшдаги болалар ҳам рўза тутнишарди. Тўғрироғи, рўза тутнишга мажбур қилишарди.

Ёши етти-саккизда бўлган болалар рўза тутмас, нонхўрак вақтида суви қочиб қолган нонларици қивитишиб кавшанар, рўза оғизлар силласи қуриб, ҳовуз атрофидаги садақайрағочлар соясида чўзишлишиб ётар эдилар. Туш пайти кун қизиб ўзимизни қўйгани жой тополмасдик. Юрагимиз куйиб, оғзимиз қуриб, бағримиз ўртанарди. Мактабдош ўртоқларимдан баъзилари ўзларини четга олиб, қораларини кўрсатмай ғойиб бўлишарди. Ким билсин, улар орасида пинҳона нон кавшаётганлари ҳам бордир. Айтишга осон, бирон боланинг рўзасини очгани ошкор бўлгудек бўлса, боши балога қоларди, териси шиллингунча калтакланиб, сазойи қилинарди.

Ҳовуз бўйнда сулайиб ётар эканман, чанқоқликка бардош беришга ҳаракат қиллардим. Қани, эрким ўзимда бўлса-ю, ҳовуз сувидан қонганинчашимирсан. Йўқ, бун-

дай қилиш гуноҳ... Лекин бир йўли бор, танглай қуриган вақтда, рўза тутган одам оғзини чайқаши жоизлигини биламан. Аммо оғиз чайқаш билан чанқоқлик қонармиди?. Ҳарқалай оғиз чайқаш жоиз экан-ку, майли-да, ўзимни азобга қўйиб ётганимдан кўра... Шу фикр хаёлимдан ўтди-ю, бирдан ваҳима босиб, шайтон васваса қилиб, йўлдан оздирмаяпганимкин мени, деб қўрқиб кетардим. Гуноҳни эслаб қанчалик ваҳимага тушмай, ҳовузга тушиб, оғзимни сувга чайқагим келаверди. Шу ўй-хаёлларга ғарқ бўлиб сувнинг олдига борганимни ўзим ҳам сезмасдан қолибман. Кўзим аланг-жаланг. Биронта болами, каттами сезиб қолиб шарманда бўлишдан чўчирдим.

Ҳовузда қалқиб турган сувга тикилсам юрагим гумуради. Қуёш шуъласи тушиб турган сув юзида лак-лак қизил бош қуртчалар тўпланиб, ғимирлайди. Уларни ҳайдаб сувни тозалаш керак. Қўлим билан сувни чайқатаман. Қуртчалар думчаларини қимирлатиб, балиқ сингари қочишади. Лекин қўлимни сувдан олиш билан дарҳол яна тўпланиб олишади. Қанча уринмайин, сувни қуртдан тозалаш қийин. Одатда ҳовуздан олиб борилган сув, уйда докадан сузилиб тозаланади. Ишонинг-ишонманг, бир пақир сувдан bemalol бир пиёла қурт ажратган вақтларимиз кўп бўларди. Ноилож қуртли сувни ҳовучимда олиб оғиз чайқай бошладим. Дам-бадам оғзимни сувга тўлдириб, юзимни осмонга қилиб томоғимни ҳўллайман. Ҳар гал «ғарғара» қилганимда томоғимдан қулт-қулт сув ўтиб туради. Атала ялаб қорни тўймагандек, оғиз чайқаганда ичга кетган сув билан ҳам ташналигим қонмасди. Начора, қониб-қониб шимиришнинг иложи йўқ. Шу сабабдан оғзимга олган сувнинг ярмини ютиб, ярмии қайтариб ташлай бердим.

Наврўз деган чақимчи бола бўларди. У менинг ишимдан хабардор бўлиб домлага етказибди. Домла амри би-

лан унинг югурдаклари бало-қазодек келиб мени таппа босишиди. Дод-войимга қарамасдан оёқ-қўйлимдан олиб, кўтара-кўтар қилиб домлам ҳузурига элтишиди. Домлам ўзининг хос ҳужрасида ёнбошида лўла, кўрпача устида ёстаниб ётарди. У ҳали сўроққа тутгани ҳам йўқ эди, мачит сўфиси эшикдан ҳовлиқиб кириб келди. У терга пишган, ҳансираб гапиради:

- Тақсир, фалокат! Мингбошини ўлдириб қўйнишитни...
- Наузан билло,— деди ўз ёқасини ушлаб домла.
- Ким ўлдирибди?
- Халқ, тақсир! Мардикорга борпшдан бош тортгандар, тақсир!
- Худо паноҳ берсин,— ўрнидан турди домла.
- Гап шундаقا, кўчага чиқай-чи, тақсир!— деди-да, сўфи юргурганича ҳужрадан чиқиб кетди.
- Падар лаънат, йўқол кўзимдан!— тарсаки билан тортиб юборди мени домла. Кўзимдан «лип» этиб учқун чақнади. Чаппа бўлиб ерга йиқилдим. Калтак зарбидан ўзимдан кетибми, анча вақтгача ўзимни билмай ётиб қолибман. Бир вақт ҳушимга келиб, секин кўзимни очсан домла йўқ. Чап бетим, чаккам, кўзим аралаш зирқираб оғрийди. Қўлим билан бетимни, кўзимни ушлаб, кўрқа-писа ҳужра эшигидан ташқарига мўраладим. Ҳужра қаршисидаги айвон олдида болалар қатор турадилар... ҳар куни озод бўлиш олдида қоида бўйича болалар икки қатор бўлиб сафга тизилардик. Домла ишораси билан: «Ассалому алайкум» деб баланд овоз билан товушимиш борича қичқиришардик. Эллик-олтмиш боланинг овози узоқ-узоқларга кетарди. Домламиш расм қилган бу одатда маъно бор эди, албатта. «Эшигиниз, фарзандларингиз овозини, ҳой ота-оналар! Мактаббаччалар озод қилиндилар. Кўча-кўйда санқиб юришмасин, ҳар ким ўз боласини тергаб олсин!» деган гап эди бу. Шунинг учун

ҳам она-отасидан таңбөх әшитишни истамагап болалар озод бўлиши билан ҳеч ёққа қарамасдан салом бериб уйларига кириб боришарди. Ўйнинқароқ болалар озод бўлиши билан уйларига бориш ўрнига кўчада қолиб кетишарди. Ана шундай болаларнинг ота-оналари домлага шикоят қилгудек бўлса, жазосиз қолмасди. Ҳар куни ўқиш тугаб, озод қўйиш учун болалар сафга тизилганида ундаи тарбиясиз болалар саф олдида турғазиб қўйилиб сазойи қилинарди. Бу жазо етмагандек, бошқа болалар озод бўлиб уй-уйларига кетгандарди, гуноҳкор болалар қолдирилиб, сўфи иҳтиёрига топшириларди. Сўфи эса мачит ва ҳужраларни супуртириб, сув септириб намозшомгача ишлатарди.

Мен ҳамон ҳужра эшигидан мўралаб шундай жазони кутардим. Йўқ, йиллар мобайнинда бирон кун тарк этилмаган бу қонда бугун бажо келтирилмади. Болалар айвон олдида қатор турсалар-да, одатдагича, «ассалому алайкум» деб қичқирмадилар. домланинг: «Ҳеч ёққа қарамасдан тўғри уйларингизга боринглар... Шовқин-сурон қилмасдан тарқалинглар!» дейиши билан ҳамма дарвоза томон йўл олди. Ҳужрада тураверсам, домланинг қўлига тушиб қолишдан қўрқиб, секин хонадан чиқдим-да, китобимни ҳам олмасдан болаларга қўшилиб кўчага йўл олдим. Кўчада мактабдошларимдан бўлак ҳеч ким кўринмади. Болалар ҳам чурқ этмай ҳовлилари томон кўча чангитиб югуриб борар эдилар.

Ер мисдек қизиган. Оёқ босиб бўлмайди. Жиз-жиз куяди. Катта кўчада гоҳо югуриб, гоҳо сакраб-сакраб бораардим. Энди тор кўчага буриладиган муюлишга етганимда қўшнимиз уста Жалол амакига дуч келдим. Бу одам қирқ-қирқ беш ёшлар ўртасида бўлиб, башараси офтобда куйган, тўрва соқол, қўй кўз, ўрта бўй, миқтидан келган хуштабнат одам эди. Бошида салла, қўйлаги устидан белбоғ ўраб, устидан оқ яктак кийган. Қўлида

араванинг кегайи. Уста Жалол амаки мени қуриши билан тұхтадиң-да, мактабдошим, үғли Аҳмадни сұради. Мен күча чангитиб келаётган болаларга назар ташлаб, Аҳмадни күрмагач, «білмадым, мактабда күрган әдим», деб зўрга жавоб қилдим. Кишининг оғзи қуриб, танглайи Қақраб Қолса, овози яхши чиқмас экан. Уста Жалол амаки:

— Кўр бўлмагур ўртоғинг бозор бошига кетиб қолмаган бўлса яхши эди. Мингбошини ўлдирғанмишлар, эшитдингми?— деди-да, жавоб кутмасдан сарпойчанг кавушини судраб, тез-тез қадам ташлаб юриб кетди.

Мен уйимизга қараб чопдим. Бахтимга дарвозамиз олдида онам кўринди... «Келдинг, яхши бўлди, болам», дея мени қарши олди. Мен ўзимни онам қучоғига отдим. Онам мени қучоғида бօғ ҳовлимиизга олиб кирди. Мен бўлсам: «Онажон, юрагим куйиб кетди, рўза тутмайман, сув беринг», деб зорлашардим.

Онам авайлаб мени ерга қўяр экан, «шундай кунда рўза тутмасанг тутмассан», деди-да, кўзадан косага сув қуйиб менга тутди... «Бечора болам, нима зарур эди сенга, шундай аросат кунда рўза тутиб... куйиб кетибсан-а», дея этаги бари билан елпир эди мени. Қўшни аёллар бирин-кетин ҳовлиқишиб кела бошлишди. Кўчада учратганим уста Жалолнинг хотини мени қўриб үғли Аҳмадни сұради. Эрига берга жавобимни эшитгач: «Кўзингга ўқ тегмагур, мактабдан чиқиб қаёққа йўқолди экан?»— деди-да, шошилганча боғига ўтиб кетди. Бошқа аёлларнинг жағлари очилиб, ҳар қайсиси ўзича гапира бошлиди. Бири:

— Ажаб бўлти, хўб бўлти, тўнғиз қавмида кетгур мингбоши шаҳид ўлгани бекор бўлти-да,—деса, бошқаси:

— Гуноҳсиз бўлганда шаҳид кетарди. Гўрингда тўнғиз қўпгур Мирзаёр бева-бечораларга озмунча зулм кўрсатганимиди!— дер эди. Онам бўлса:

— Мирзаёр мингбоши ўлиб қутилдику-я. Бунга ҳо-
ким нима дер экан? Нима бўлса ҳам мингбоши оқпош-
шонинг одами эди, бирники мингга, мингники туманга
бўлиб кетмаса кошкийди. Ҳурмат опа,— дер эди. Шу
гап устига дадам кириб келди. Аёллар дарҳол уни са-
волга тутди. Лекин дадамнинг ҳам гапиришга ҳоли йўқ
кўриннарди. У тўнини счиб ерга ташлади. Бошидаги сал-
ласини онамга тутқазиб, «сув бер!»— деб хитоб қилди...
«Вой ўлмасам, рўза нима бўлади?»— деб токчадан коса
олди онам ва қўзадан сув қўйиб дадамга тутди. «Худо-
нинг ўзи кечирав, рўза тутадиган кун бўлмади», деб бир
кўтаришда косани бўшатди дадам. Үнинг юз-кўзидан тер
қўйиларди. Онам чипта елпигич билан дадамни елпир
экан, «мингбошининг ўлдирилгани ростми?» деб сўради.
«Ўлмай ўлсин Мирзаёр, унинг мурдор жасади маҳкамаси
олдида мўматалоқ бўлиб ётиби,— деб жавоб берди
дадам.— Мирзаёр ўлиб, шу билан ҳалқ тинганида бош-
қа гап эди. Оқ калтак, қора калтак бўлишиб бутун Жиз-
зах ҳалқи Бешқувирга чопмоқда. Худо паноҳ берсин, кал
ҳокимга бирон шикаст етадиган бўлса, юртнинг боши ба-
лога қолади деявер».

— Отингиз қани?— дадамнинг гапини бўлди онам.

— Отни мурдашўйнинг ўғли Урдуш миниб кетди.
«Кўй, ўғлим, отимга тегма», деб увOLA ёлвордим унама-
ди. «Мингбоши, кал ҳокимнинг тарафини олсангиз, май-
ли, отингизни берманг», деди. Қарасам, кўзига қон тўл-
ган. Ҳафа қилишдан тоймайди. Отдан тушиб жиловини
унга тутқаздим... Бўлар иш бўлди, бозорга бориш ке-
рак.

— Үзингизни тифга уриб бозорда нима қиласиз?

— Дўкон худонинг паноҳида қолаверса майлими!
Тала-талага тушиб кетмасдан дўкондаги молларни олиб
келсак бўларди. Үғлинг Мансур, Жўра, Миразимларни
дўконлари ланг очиқ. Үзлари бўлса йўқ... ким билсин,

кал ҳоким ҳам анойи эмас. Қалтак бардор оломонни таъзим билан кутиб олмас. Оқпошшо амалдори мингбошини оломон ўлдиармишиу, юрт ҳокими қўл қовуштириб ўтиармиши?

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман,— онам дадамнинг гапини маъқуллаб деди.

— Ҳўқизни шохига урса туёғи зирқиармиш. Бу тў-полоннинг охири баҳайр бўлмас, тур, хуржунни олиб чиқ. Бир-иккита қопчиқ ҳам бер. Назирқул! Сен ҳам мен билан юр, ўғлим.

— Ҳўп,— дедим ўрнимдан туриб. Дадам худди менинг кўнглимдаги гапни айтгандилар. Айни муддао бўлди. Кўча томон йўл олар эканмиз: «Мол-дунё қурсин. Эҳтиёт бўлинг. Дўконингиз талонда бўлса бора кўрманг. Бош омон бўлсин. Мол топилар»,— деб жавраб қолди онам.

Катта кўча серқатнов. Одамларнинг қўлларида таёқ, кетмон, теша, ўроқ, болта, бир-бирларига гап уқтириб бозор томон шошиладилар.

Мен Мирзаёр мингбоши тўғрисида ўйлардим. Унинг маҳкамаси қаерда эканини биламан. Қайси куни мачитда Жайноқ амаки унинг билан хўпам тортишган эди. Халқ уни ҳимоя қилиб ўз бағрига тортиб олмаганда Содиқ миршаб уни ушлаб қамаган бўларди. Лекин ўша куни Мирзаёр ҳам, Содиқ миршаб ҳам халқдан чўчиганини сезгандим. Агар мингбоши ёки Содиқ миршаб яна Жайноқ амакига текканда, халқ уларни ур калтак қилиб юборишдан тоймасди...

Муюлишдаги аравакашлик устахонасидан ўтиб, ҳиндиннинг саройи олдига етганимда, тош йўлда қора бир нарса дўппайиб кўринди. Мирзаёр мингбоши маҳкамасининг олдида йиртилган қоғоз, дафтарлар сочилиб, қора-қизил майиз, ҳар хил шираворлар тўкилиб ётипти. Ариқнинг ичидаги кигиз, кўрпача, ёстиқ лойга қоришган.

Биздан олдинда бораётган икки киши ҳалиги қора нарсага тош отди ва оёғи билан тепиб: «Ўла! Ҳолинг шу экан-ку, золим!» деб ўтиб кетди. Тош йўлда бора туриб мен ҳам унга назар ташладим. Узоқдан муштдек бўлиб кўринган қора нарса одам танаси экан. Агар унинг икки оёқ ва қўли бўлмаганда қора тулумдан фарқи йўқ эди. Боши мажақланиб ерга қалишган. Пашибалар учиб-қўниб, уймалашиб юрипти. Қорин-кўкраги ялангоч, кўп калтакланганидан аъзойи бадани мўматалоқ, шишиб кетган...

Уни кўриб қўрқиб кетдим. Чопиб дадамга етиб олдим. Қаршисида келаётган ҳар бир йўловчидан: «У ёқда ни ма гап?» деб сўрарди дадам. Бироқ ҳеч ким аниқ жавоб бермасди. Биз акамнинг мискарлик дўконидан ўтган эдикки, ғарб томонда бир неча суворийлар кўринди. Улар отларини тасур-тусур чопдириб, кўча чангитиб олдимиэдан ўтиб кетди.

— Бирон фалокат рўй берганга ўхшайди, бу отлиқлар кал ҳокимдан шатта еб қочиб келмаяптимикан?— дер эди дадам ҳайрон бўлиб. Оз вақт ўтмай калпон томонда сон-саноқсиз одам кўринди. Уларнинг қўлларида калтак, болта, панشاҳа, теша, кетмон... ёв қувлагандек биз томонга чопиб келишарди. Қўрқувдан ранглари қув ўчган. Чопа-чопа иссиқда ўпкалари шишган, ҳансираф, терга пишиб, тумтарақай қочиб келишарди. Кўча тўла оломон. Улар орасида Мансур акамни кўриб: «Дада! Ана акам!» дея бақирдим.

— Мансур!— деб қўлинни кўтариб қичқирди дадам.

Акам оломондан ажралиб четга чиқди. Қўлида ковия, бошини чайқаб биз томон юрди. Қоч-қочдан дармони қуриганидан бўлса керак, дадамнинг сўроқларига жавоб ҳам бермасдан, ўзиши супага ташлади. Қочиб ўтаётган одамларнинг кети кўринмайди. Мени ваҳима босиб, қўрққанимдан безгак тутгандек қалтирадим.

— Дада! Ҳамма қочяпти. Биз бу ерда нима қиласми, кетайлик,— дедим.

— Дўкондаги молларни кимга қолдирамиз. Сабр қил, мен растандан хабар олай-чи,— деди-да, вофурушлик растасига қараб кетди.

— Назирқул, укажон, юрагим куйиб кетди, нима қилдим энди, ташналик ёмон бўлар экан, сира чидаб бўлмайди,— деб менга термилди акам.

Мен «ҳозир» дедим-да, югуриб бориб ариқдаги сувдан дўппимни тўлдириб келиб акамга тутдим.

— Эсингни едингми, рўзаман-ку!— деди сувдан ўзини тортиб акам.

— Ичаверинг. Рўза қолибдими, менам, дадам ҳам кўзалар, боя ҳовлида бир коса сувни ичиб олдилар,— дедим.

— Қўйсанг-чи, ёлғон гапни!— иршайди акам.

— Ёлғон айтсан ёрилиб ўлай. Ишонмайсизми, мана кўринг,— дедим дўппи тагида қолган сувни ичиб.

— Ростдан дадамлар сув ичдиларми?

— Ишонмайсизми?.. Ёлғон айтсан каломулло урсин.

— Ишондим, ишондим. Бор, секин олиб кел. Одамлар кўрса яхши бўлмас,— деди акам.

Мен дўппимни сувга тўлдириб, акамга тутдим. У тескари қараб ичар экан, «худонинг ўзи кечирсин», деб қўйди.

— Сен дадам келгунларича қимирламай тур. Дўконим очиқ қолган эди, бориб хабар олай. Бекитиб ҳозир қайтаман,— деди-да, ковиясини олиб мискарлик ишхонаси томон кетди.

Дадам келиб, дўкон қулфини калит солиб очди. Бу вақт акам ҳам дўконини беркитиб келганди. Учаламиз бир бўлиб қутига терилиб қўйилган кўк ва фамил чойларни хуржуннинг икки кўзига тўлдирдик. Калла қанд, новвот, парвардани бир қопчиқقا, калава ип ва гу-

гуртни бошқа қопчиққа солиб, дўконни яна қулфлаб,
ҳовлимиизга қараб йўл олдик.

* * *

Кеч кириб, кун ботди. Одатда бу вақтда маҳалла муazzини Аширмат сўфининг азони биринчи бўлиб эши-тиларди. Бунинг сабаби бор эди, яқин қўшни маҳаллаларда соатли киши бўлмаганидан бизнинг Абдулла Махсумнинг соатига қараб аzon айтиларди. Аширмат сўфининг «Оллоҳу акбар, оллоҳу акбар»и эшитилмагунча бошқа мачит муаззинлари жим тураверарди. Қўзғолон бошланган кун шом ўтиб тун қора пардасини ёпинди, на аzon айтилди ва на дастурхон тузалиб ифторлик қилинди. Кеча бу вақтда дадам-онам қаватида биз ака-укалар тўкин дастурхон атрофида, муаззин азонини кутиб, қўл қовуштириб ўтиргандик.

Рўза кунлари ифторлик дастурхонида нималар бўлмаэди денг, кунуззукун оғзи боғланиб юрган кишининг кўзига ҳар қандай емиш ҳам лаззатли кўринаверади. Ифтор маҳалида тановул қилмоқ учун кўнгил тусаган нарсадан озми-кўпми дастурхонга мұхайё қилинади. Ноннинг ўзидан бир неча хилл дастурхонда мунтазир. Қиз юзицек қирмизи ширмой кулчалар, кунжут ва седана сепилғаш хушбўй, хуштаъм чап-чап ноңлар, нишолда, мурраббо, тандирда пиширилган ҳонаки ёғлиқ патир, гўшт гижда, хурмо, хилма-хил узум, шафтоли, қовун-тарвуз, ниҳоят пировардида манти-чучварами, ёки мошхўрда, атала-умочми, ҳарқалай «бор борича, йўқ ҳолича» деганиларидек, ҳар хил иссиқ-совуқ, қуюқ-суюқ таомлар албатта ҳозирланарди. Мана, энди, қўзғолон туфайли бир куннинг ўзида ифторлик ҳам, намоз-ибодат ҳам, тўкин дастурхон ҳам барҳам топиб, ҳавф-хатар катта-кичикнинг

йўлдоши бўлиб олди. Қандайдир фалокат рўй беришини кутиб, одамлар мол холларини беркитишарди. Дадам хуржундаги қадоқланган чойни катта чой сандиққа солди. Оғизга қопқоқ ёпиб михлади. Ўртанча амаким ҳовлисидан қудуққа шох ташлаб, шох устига чой сандиқ билан онамнинг бир бўхча ва «singit» маркали тикиш машинасини ташлади. Сўнг устидан барги шилиниб олинган гут новдасини босиб қўйди.

Ҳар ким ўзи билан овора. Қўлга илинадиган, пулга ярайдиган асбоб-анжомларини юриб-югуриб яширмоқдалар. Кимнинг ақли билан, билмайман, томга китиэ, кўрпа тўшаб қўйилди. Биз болалар аввал оқшомданоқ томга чиқиб олгандик. Ердаги ишни саранжом қилиб, амаки, тоға, опаларим, дадам билан онам томга чиқишиб, қўзғолон ҳақида қизғин мунозара қилишарди. Шу чоқ қўшнимиз уста Жалолнинг хотини йиғлаб келиб қолди. Томдагилар: «Нима гап?.. Тинчликми?» дейишиб ундан аҳвол сўрашдилар. Маълум бўлишича, Бешқувир йўлида солдатлар билан бўлган тўқнашувда, ўлганярадор бўлганлар орасида уста Жалол ҳам бор экан. Хотинининг айтишинга қараганда, эри ҳали тирикмиш, Равотлик маҳалласидан аллаким келиб, «эрингиз Тошлоққа яқин ариқ ичида «сув-сув» деб чирқираб ётибди» деганиш. Аёл бечоранинг дод-фарёдига йиғламаган одам қолмади. Дадамнинг буйруғи билан Мансур акам ва Жўра тоғам замбил кўтариб Тошлоққа қараб жўнадилар. Шундай хавф-хатарли чоқда дадамнинг гапини икки қилмай солдат ўқидан яраланган уста Жалол амакини олиб келишга кетаётган акам билан тоғамнинг юрагига, мардлигига қойил қолгандик биз болалар. Мен кўрлада аганаб ётган болалар ўртасида ўтириб олиб, домламдан тарсаки еб ҳушимдан кетиб йиқилганим, ҳушимга келиб, озод бўлган мактабдошларим орасида ҳужрадан қочиб, тор кўчамиз муолишида арава кегайини кўтариб, бозор

боши томонга ҳаллослаб кетаётган Уста Жалоли кўрганим тўгрисида ҳикоя қилардим. Бир вақт дадам «жим бўласанларми-йўқми!» деб жеркиб бердилар. Мен ўзимни ёстиққа ташладим. Бошқа болалар ҳам жим қолишиди. Ҳозиргина Жўра тоғам билан Мансур акамнинг даҳшатли ҳикояси қулогимдан кетмас, ўз кўзим билан кўрганим Мирзаёр мингбошининг қорайиб кетган мурдаси кўз олдимда эди. Қўрққанимданми кўзимга сира уйқу келмас, кўз олдимдан сира нари кетмаётган қора мурданни кўрмаслик учун кўзимни чирт юмуб, қўзғолон тўғрисида Жўра тоғам ҳикоясини қайта-қайта эслашга ўзимни мажбур қилардим.

«Мингбоши, ҳокимларни ўлдириш ҳеч кимнинг тушиға ҳам кирмаганди. Тўғри, кеча кечаси маҳалла йигитлари қаландархонага тўпланишгандик. Равотлик, Оққўргонлик, Үратепалик, ҳатто Жиззахлик ва Совунгарлик маҳаллалардан ҳам ғаштакхўр йигитларни ўз жўрабошлари бошлаб келганди. Йигитлар ўртасида кўп тортишувлардан сўнг: «Улсак ўламизи, мардикорга бормаймиз! Бирон пулдорнинг пулига учиб кимда-ким мардикор бўлиб ёлланадиган бўлса, ҳаммамиз ўшандай номарднинг бошида бўламиз. Шундай қилмаган ўғил боланинг она сути ҳаром бўлсин деб!» сўз айтиб, аҳдпаймон қилгандик... Тонг отиб бозор жўнадим. Одатдагидек дўконимни очиб, кўрага олов қилдим. Ўроқ пешлаб турсам, йўлда ўтиб бораётган одамлар қовун бозор томон югуришиб қолди. Нима гап деган ҳаёл билан дўкондан чиқдим. Катта-кичик маҳкама томон чопарди. Мансурнинг ҳам қўлида ковияси, эгнида жомакори билан жадал юриб кетмоқда, маҳкамам олди одамга тўлган. Мингбоши билан Дамиён кулол айтишиб турибди. Дағъин кулол ҳам бизга ўхшаб ишхонадан келган бўлса керак, устида кир жомакори, қўл-оёғи лой, иштон почаси тиззасигача шимарилган.

— Ҳаммани ўғли бормаса ҳам сен имонсизнинг ўғлинг мардикорга боради! — деди мингбоши.

Дамин кулол мингбошидан баланд келди: — Ўзинг имонсиз!

— Иўқол бу ердан хотини талоқ!

— Хотини талоқ ўзинг, хотини беқадр!

— Бу қизигарни нима қилсам бўлади, энди, — деб оломонга қарайди мингбоши.

— Хотинталоқ! Мардикор рўйхатини бер, бу ёққа! — деди безгак хуруш қилган одамдек қалтираб кулол. У мингбоши қўлидаги дафтарга чангаль солади. Дафтар икки ўртада торт-торт бўлиб турганда, Қурбонбойнинг ёрдами билан дафтар Дамин кулолнинг қўлига ўтади. Кулол шу заҳотиёқ дафтарни парча-парча қилиб йиртиб ташлайди. Мингбоши қаҳр-ғазаб билан Дамин кулолнинг бошига қамчи солади. Урдушмат мингбоши қўлидаги қамчини тортиб олади. Шундай қилиб, Дамин кулол Мирзаёрнинг ёқасидан олиб тош йўлга қараб судрайди.

— Юр бу ёққа! Мард бўлсанг майдонга чиқ! — дейа кулол мингбошининг ҳиқилдоғидан гиппа бўғиб судрайди.

Атрофдаги оломон бақиришиб:

— Қон чиқмас ерига сол, қизи талоқни, — дейишади.

— Бўғ. Қаттиқроқ бўғ!

— Дорга осилгурни бўғиб ўлдири!

— Жон ерига солсанг-чи!

Дамин кулол чўнтагидан тош олиб, рақибининг бошига туширди. Мирзаёр бўشاшиб йиқилди. Халойиқ худди шу фурсатни кутиб тургандек, ҳаш-паш дегунча золимни дўппослаб уриб ўлдириб қўйиши. Аламзада одамлар маҳкамадаги бутун анжомни кўчага улоқтириб, қофоз-дафтарларга ўт қўйиши...

Хаял ўтмай қовун бозор одамга тўлди.

— Огайшилар! Бұлар иш бұллар, энді ишни охирiga отказиш керак Мұлда Хидир минғоши маңкамасига әйданғлар! — деб қичқырлы аллаким. Отлиқлар от қүйнб, пиёдалар чопа-чопа Ем кишлоқлик катта минғоши маңкамасига етиб бориши. Хидир минғошининг куни битмаган экан — қочиб улгуритти. Лекин маңкамасидағи бутун анжом күчага иргитилиб, ўт қўйилди.

Жиззах кўчаларида, бозор бошида, ҳатто ҳайит кунларида ҳам шунчалик кўп одам кўрмагандим. Қўлида калтакми, болтами, ҳарқалай бирон яроқ бўлмаган одам йўқ.

— Оғайнилар! Минғоши ўлиб, кал ҳоким тирик қолса бизга кун берармиди! Бешқувирга юринглар! — деб бақирди яна ҳалиги одам.

Суворилар «хайхайлашиб» Бешқувирга от суриб кетдилар. Пиёда оломон бир-бирларига, «юр тезроқ, юрсанг-чи!» дейишиб отлиқлар изидан жўнадилар. Оломоннинг боши сайил жойи кўчасига етганда, Тошлоқ томондан извощ билан отлиқ миршаблар кўринди. Оломон уларнинг ўлини тўсди. Кал ҳоким билан нойиб ҳоким извощдан тушди. Бошларидан шапкаларини олиб, оломонга мурожаат қилди. Тилмоч Мирзаҳамдам: — Халойиқ, тинчланинглар! Ҳоким жаноблари, фуқароларим не сабабдан бундай тартибсизлик қилиб юришибди. Мақсадлари нима, айтишсин, деяптилар,— деди...

Халойиқ «ғиқ» этмай туравергач, Мирзаҳамдам: «Нега жим қолдиларинг, бирон киши ўртага чиқиб ҳалқ муддаосини айтсин!» — деди.

Исёнчилар тартибсиз равища:

— Мардикор бермаймиз!

— Ара-додимизни ҳеч ким эшитмади.

— Мирзаәр минғошингни ўлдирдик. Коғир ҳокимнинг ажали энди бизнинг қўллимизда! — деб қичқира бошлаши.

Уезд ҳокими билан ҳамроҳларига Мирзаёрининг ўлдирилиши янгилик бўлди. Улар Жиззах боёнлари ва маҳалла оқсоқоллари билан мардикор олиш хусусида мадрасада бўладиган кенгашга тушиб келаётган экан. Уезд ҳокими халқнинг асл муддаосини англагач, ўзини қуршовда кўриб, тулкидек товлана бошлади.

— Майли, ҳукумат билан фуқаро ўртасида баъзан жанжаллар бўлиб туради. Агар амалдорлар фуқаросига қайншмаса, Мирзаёр сингари ўзига зарар етказади, фуқаро қўлида беш-тўрт ҳукумат кишилари ўлган экан, ҳечқиси йўқ.

Оломон ўртасидан кимдир бақирди:

— Ҳали беш-тўртта бўлгани йўқ. Мирзаёрга сени қўшмозор қилганимизда беш-тўртта бўлади!

Оломон яна шовқин кўтарди, бирори: «Жим!» деса, бирори: «Олдин гапини эшитайлик», дер эди.

— Биз кўп алдандик. Энди ортиқ алданмаймиз, ҳой мусулмонлар! Бу бизга почча бўлмайди-ку! — деб отига бир қамчи босиб, уезд ҳокимига қараб от солди Муҳаммади. Комил йигит унга қараб ўқ узди. Лекин ўқ Муҳаммадга тегмай, бошқа кишини йиқитди. Шу пайт эски шаҳар томонидан уезд ҳокими маҳкамасига юриш қилган оломон янги шаҳар томонидан келган оломон билан қўшилиб мансабдорларни қуршаб олишди. Ҳоким тулкилик қилиб тилёғламалик билан халқ ғазабини босолмагач, қуролни ишга солди. Мансабдорлар оломонни ўққа тутди. Лекин милтиқ-тўппонча исёнчиларни аҳдидан қайтаролмади. Оломон мушти уезд ҳокими (Рукин), пристан (Штабс-капитан Зотоглавов), тилмоч Мирзаҳамдам, миршаб Комил йигитларининг бошига тушди. Собир йигитнинг учқур оти унинг жонига ора кирди, исёнчилар қуршовидан олиб чиқиб, ўлимдан қутқазди. Мулла Хидир мингбошини оломон ичидаги кўнгилчан Аэзизхон Дўст ўғли қучоғига олиб: «Бу одам мусофири, ёмонлигини кўр-

ған эмасмиз. Құйинглар», деб орага тушди, уни үлимдан қутқазиб қолди...

Оломон нима қилишини билмай саросимага тушиб турганда саман отлик янги бир киши от суриб ўртага чиқди ва унинг «халойиқ!» деб қичқириши билан оломон шовқини тинди:

— Биродарлар! Золимлардан қасос олиб хүб иш қилдиларинг! Мана уларниң мурдор жасадлари ўз қонлагиға бўялди. Золимларни қатл этган ғозиларга тасанно. Лекин биродарлар, бошлаган ишларингизни охирига етказишларингиз керак. Пашшадек душманнинг борлигини сезсанг, хотиржам бўлма. Янги шаҳарга юриш қиласмиз, у ерда ҳам қиладиган ишларимиз бор! Қани, кетдикми, омин, оллоҳу акбар!— деб отига қамчи урди, яланроҷ қиличини бошидан айлантириб, от жиловини Бешқувир томон бурди.

Сон-саноги номаълум бўлган, маҳаллалардан бозор жойигача, бозор жойидан яқин Тошлоққача чўзилган пиёда, отлик оломон, подшо амалдорлари ўлигини босиб-янчиб, янги шаҳар томон гуриллаб йўл олишди. Лекин оломон йўлда қуролли душманга дуч келди. Подполковник Афанасьев қўли остида, ҳар эҳтимолга қарши ҳоким орқасидан эски шаҳар томон келаётган солдатлар исёнчилар йўлига гов бўлди. Икки томон юзма-юз бўлиб уруш қилди. Биринчи бўлиб солдатлар устига от қўйған Фойиб ўқقا учиб умбалоқ ошли. Булутга сакрайдиган қоратўриқ оти типирчилаб жон берди Қурол-яроғсиз оломон милтиқ-пулемёт ўқига дуч келиб, у-бу ерда таппа-таппа йиқилаверди. Ажали етмай ўқдан омон қолганилари қочиб қутулишиди.

Бу воқеалар қўзғолонга бевосита қатнашган Жўра тоғам билан акамнинг айтиб берган ва менинг қулоғимга қўрғошиндек қуюлиб қолган ҳикояларидан фақат бир шингили эди, холос.

Тонг юлдузи самода чарақлаб турибди. Мен унга ти-
киламаш. Лекин кўз олдимда ҳамон ўша мудҳиш боши
пачақланган қора жасад, мингбоши мурдаси...

Онам дам-бадам бошини кўтариб «кеча мунча узайнб
кетди-я?.. Мансур билан Жўра нега ҳаяллаб қолди экан?»
деб ташвишланарди. Дадам ҳам уйғоқ экан:

— Тонг отишга ҳали вақт бор. Ўғлинг келиб қолар.
Тошлиқ оз йўл эмас. Бояма-боғ, ҳовлима-ҳовли девор
ошиб, бутун-бошли одами замбилда кўтариб келиш
онсон эмас-да. Бу ҳали ҳолваси, тонг отса қандай ҳангамалар рўй беради, худо билсин, гошкентлик...

— Бўлмағур нарсаларни ўйлаб, бошингизни оғриманг.
Тақдир нима ёзган бўлса кўраверамиз,— деб қўйди
онам.

— Йўқ, тошкентлик, хом хаёл бўлма,— деди чўзиб
дадам,— Тупроққўргондаги (казармани жиззахликлар
шундай атарди) аскарлар қўзголончиларни отиб, тар-
қатиб юбориш билан қаноатланса яхши бўлардику-я! Бу
шўриш-ғавғо губернаторга, ундан оқпошшо қулогига
стмайди деб ўйлайсанми?.. Хайр, фараз қўлайлик. Мир-
заёр, Мирзаҳамдам. Қомил йигитга ўхшаган уч-тўрт сарг
ўлса-ўлибида-да, шунга ҳам ота гўри қозихонами, деб ўй-
лаши мумкин эди, оқпошшо. Лекин Жиззак музофоти-
ни сўраб турган бир эмас, икки устунни қулатди ҳамша-
ҳарларинг. Бунинг учун жиззахликларга оқпошшо
раҳмат айтмас, албатта.

Бундай шўриш-ғавғо Янгиқўргонда, Богдоңда, Фори-
ш билан Зомин ва бошқа ерларда ҳам рўй берган
бўлиши мумкин.

Тонг бўзара бошлаганда акамнинг товуши эшитил-
ди. Унинг гапидан маълум бўлишича, уста Жалол қову-
гидан ўқ еган. Булар боргандаги қамақижон бўлиб «сув-
сув» деб ётган. Яқин орада сув бўлмагани учун ярадор-
ни замбилга солиб йўлга тушганлар. Ярадорнинг хотини

акамлар билан бирга борган. Булар Хўжамозор қабристони орқали қаландархонага ўтмоқчи бўлганлар. Қабристонга кирганиларида уста Жалол узилган. Тошлоқ жантидаги қурбон бўлганлардан беш-олти ўликни кечалаб Хўжамозор қабристонига олиб келиб кўмаётган эканлар. Қабристонда учраган бир домланинг фатвосига кўра «ғазавотда» ҳалок бўлган шаҳид ҳисобланар экан. Шаҳидларга кафан буюрмасмиш. Мурдашўйга ҳам эҳтиёж йўқмиш. Шаҳид қандай ҳолатда жоп берган бўлса, ўша ҳолатда дафи қилиш савоб эмиш. Домланинг фатвосига марҳумнинг хотини ҳам ризолик бериб, ўликни уйига олиб боришни лозим кўрмаган. Маҳалла-кўй, қариндош-уруғларига хабар қилиш учун акам бу ерга келган экан.

Дадам, поччам, амакиларим қабристонга жўнашди. Акам бўлса марҳумнинг қариндош-уруғларига хабар қилиш учун йўл олди...

ОНА МЕХРИ

Жазо отряди бало-қазодек стиб келди. Гүё ўрмонга ўт кетди-ю, ҳўл-қуруқ баб-баравар ёна бошлади. «Ҳамма бало амалдорларда. Мингбоши, миршаб, ўрис амалдорларни ўлдирсак, адолатсизлик барҳам топади», деб ўйлаган эди жабрдийда мазлумлар. Улар бу ҳаракат оқибатида ҳалқ бошига фалокатлар келишини ўйлаб ҳам ўтиргандилар. Зулм тиги суюк-суюкка етиб, сабр косаси тўлгач, ҳалқ ғалаёнга келган эди. Касб-кори таловчилик, сиёсати мустамлакачиликка асосланган чор ҳукумати ҳалқнинг игнадек ғазабига туядек жазо билан жавоб қилди.

Жиззаж қўзғолончиларининг кучи Мирзаёр мингбоши, Комил миршаб, таржимон Мирзаҳамдам, уезд ҳоқими полковник Рукин, пристав штабс-капитан Зотогловларни ўлдиришдан нарига ўтолмади. Тиш-тирноғигача қуролланган жазо отряди ҳужумига оломон бардош беролмади. Солдатлар итдек изғишиб уйма-уй, чорбогма-чорбог кезиб юрар, ҳалқ мулкини талаб, асбоб-анжомларини араваларга ортар, туёқли молларини ҳайдаб, ўйларига ўт қўйиб кетар, қулай келиб қолган ерда аёлларни зўрлаб, эркакларни отиб ўлдирап эдилар. «Подшоға қарши бош қўтарғанларга ана шунаقا жазо берага

миз!»— дейишиб ўз вахшийликларини кўз-кўз қилишарди жаллодлар!

Шуниси аниқ эдики, подшо нақадар шафқатсиз, жазо отряди нақадар зулмкор бўлмасин, исёнкор халқ ҳали бутунлай таслим бўлган эмас, каттадан-кичик қасосга ташна эди. Қора калтак билан оқпошшога қарши бош кўтариб панд еган халқ, энди ўз хатосини фаҳмлаб, бармоқ тишлаб қолган бўлса-да, унинг юрагидаги ғазаб ва қасос ўти унга тинчлик бермасди. Хор-зор, маҳкум ва мазлум бўлиб яшашдан кўра, олишиб армондан чиқишига, халқ озодлиги учун ўлимга тайёр шер юрак мардлар эл ичиди оз эмасди. Болта-теша, пичоқ, шашпар, калтаклар билан қуролланиб, пистирмада туриб солдатларни гумдоқ қиластган йигитлар тўгрисида миш-миш гаплар юради.

Саратон. Қуёш аланга пуркаётгандек. Кун беҳад иссиқ. Чирилдоқ ва чигирткалар жиғибийрон чирқиллашарди. Исёнкорлар ўзларига пана жой қидириб уйларидан чиқиб кетишган. Чакалакзорга туташ баланд пахса девор тагида бир тўда хотин-халаж ўз болалари билан биқиниб ётишарди. Ҳудди шу ерда мен, укам, онам, опаларим, жиянларим билан бирга эдик.

Ез кунлари жуда узун. Пана-пастқам ерларда биқинишиб, номуслари, ҳаётлари хавф-хатар остида қолган мазлума оналарнинг аҳволи айниқса ачинарли. Ёш гўдаклар, эмизик болалар қафасга тушиб қолган қушчалар сингари чирқиллашиб, талпинганилари талпинган. Улар солдат — жазо отряди нима, қўрқиш нима, билмас эдилар. Бу тил билмас гуноҳсиз гуноҳкорлардан ҳатто безиб, вақтсиз туққандан ўқинган оналар сўзини ҳам эшитганман. Одоги йўқ бу баҳтсиз кунлар беҳад оғир ва имиллаб ўтарди.

Оналарнинг тоқатлари тоқ. Улар ўзларини, болалари-ни қаерга яширишни билмай доим ташвишда. Баъзи бир-

лари ёруғ кун орзусида келажакдан умид кутса, бошқалари умидсизликка түшиб қолган.

— Ёруғ кунлар келади, яна бурунгидек яшаймиз, деб умид қилмай құя қол! Ёруғ кунимиз қайтмайды. Кунимиз битган. Бахтсиз бўлмасанг, шу золим замонасида био бўлиб нима қиласдинг!— дея йиглаётган боласини жеркиб, елласига уради ёшгина бир она.

— Ношукур бўлма, болам. Болани сен туққансан. Болада гуноҳ йўқ. Боланинг ўзи бино бўлиптими-а! Болани бино қилгани сен ва унинг отаси бўлса-ю, яна бино бўлмасанг нима бўларди, деб бегуноҳ болага зарда қиласан! Ундан кўра болани дадасига топшир!

— Дадаси! Дадаси!— дер эди кўзига ёш олиб она.— Дада она бўлармиди!

— Тинчлик кунларида сен оналик қилдинг. Энди қоча-қочда ота ҳам бир бола боқиб кўрса, эрларинг қадрларингга етадиган бўларди!

Кетма-кет милтиқ отилди. Кампирнинг гапи оғзида қолди. Тепамиздан ўқ ғиз-ғиз ўтаверди.

— Қочавер, ўлдинг!

Қаёққа қочиб бўлади? Олд томонимиз чакалакзор, орқада баланд пахса девор.

— Деворга чиқ, мен болангни узатаман!— деб онам пахса тагига чўнқайди. Опам онамнинг елласига чиқиб деворга тирмаша бошлади. Мен опамдан олдинроқ деворга чиқиб олгандим. Солдат «қарс-қарс» милтиқ отиб, биз томон келарди. Мен девор устида туриб солдатни кўрдим. У милтиқни бизга қараб эмас, осмонга отарди. Узимни ташлаб қочмоқчи бўлдиму, яна тўхтадим. Девор тагида чўнқайиб, елласига опамни чиқарган онамнинг оёғига тармашиб дод солаётган укамни кўриб қочгим келмади.

— Назирқул! Қўлимдан тортсанг-чи!— деди деворга тармашиб опам.

Мен улоқ тортишаётган чавандозлардек ўзимни де-
ворнинг бир томонига ташлаб, опамнинг қўлидан торта
бошладим. Опам тирмаша-тирмаша юқорига чиқиб олди.
Онам гўдакларни опамга узатарди.

— Девордан туш, укаларингни ол! — қичқирди опам.
Мен иргиб буғдойзорга тушдим. Опам бирин-кетин қиз-
ларини меңга узатар, қўрқанидан чир-чир йиғлаётган
болаларнинг оёғидан тутиб, гуваладек ерга ирғитардим.
Ниҳоят, опам онамни тортиб деворга чиқарди, иккаласи
ҳам девордаи ўзини буғдойзорга отди, умболоқ ошиб йи-
килди. Онам укамни, опам иккала қизининг қўлидан уш-
лаб судраганча қоча бошлишди. Ҳамма ўзи билан андар-
мон, золим солдатдан жонларини, номусларини қутқа-
зиш пайида қочиб боришарди. Девор орқасида аёл
кишининг «дод, қутқаринглар!» деган овози эштилди.
Үлкаси оғзинга тиқилиб, қора терга чўмиб қочиб бора-
ётган онам:

— О... шўри қуриди, саллот қўлига тушди бечора,—
деб қўшни аёлнинг помини тилга олди... Буғдойпояда
яланг оёқ қочиб борардим. Фиж-фиж чақирикан, янтоқ
ва бошқа дағал ўтлар ништардек оёққа қадаларди. Ўнг
оёғим панжаси «чим» этиб кетди. Тарс-турс милтиқ отил-
моқда. Оғриқ эмас, жон кўзга кўринарди. Оёғимга ча-
қириканлар кириб, оғритса ҳам қочишдан тўхтамасдим.
Чопа-чопа мевазор майдонга бориб йиқилдим. Онам,
опам, уларнинг болалари тўғрисида ўйлардим. Ўзим би-
лап ўзим овора бўлиб, уларни йўқотиб қўйгандим. Юра-
гим «гурс-гурс» ураётгани ўзимга эшитиларди. Нафасим
қисилиб, оғзим қақраб, тилим танглайимга ёпишиб қол-
ди. Оёғим зирқираб оғир, панжамдан қон оқарди. Майдонга
кимдир қочиб кирди. Секин бошимни кўтариб қа-
радим. Кимни кўрай? Дадам... Бечора ҳам биздек сол-
датлар қувғининга учраган. У ўзига пана жой қидирарди,
қинидан чиқиб кетган кўзлари аланг-жаланг. «Дада!..»

деб чақирсам, солдатлар әшитиб қолади, деб қўрқдим. Урнимдан туриб оқсоқланиб дадам томон юрдим... Оёғимга шунча кўп тикан кирганки, оғриғига чидаб бўлмасди. Оёғимни босолмайман. Дадам мени кўрмади шекиляли, бир сакраб девордан ошиб ғойиб бўлди. Орқасидан чопай десам, чопиш у ёқда турсин, оёққа босиб туролмайман. Узала тушиб ётиб олдим. Майдонга яна бир одам қочиб кирди. У олазарак атрофга қараб ўзини чуқурга отди. Мени кўрмасдан дадамнинг қочиб кетиши алам қиласди. Онамни йўқотиб довдираб қолгандим... Ётган ерим пана жой эмасди. Чуқурга тушсам бўлар экан, деб ўйладим. Секин тиззамда эмаклаб бориб чуқурга етдим. Чол мени кўриб:

«Кет-кет! Бу ерга тушма!»— деб қўлини силкитди.

Мен чолнинг гапига заррача эътибор бермасдан чуқурга сидирилиб тушдим. Чол таниш, маҳалла кексаларидан Шерназар сўфи эди. Қувошиб уни қучоқлаб олдим. «Боважон, дадамни топиб беринг?» деб ёлвориб «пиқ-пиқ» йиғлардим. Ваҳнмадан сўфининг кўзлари бежо, у қандай қилиб бўлса-да, мендан қутулиш пайдада. Мен бўлсам ундан ажралгим йўқ. Чол менинг қучоғимдан ўзини қутқазиш учун уриниб кўрди, бўлмади. Сўнг ялилиб-ёлворди: «Бованг ўргилсин, Назирқулжон, қўйиб юбор, солдатлар келиб қолади, қочайлик... бўлмаса иккимизни ҳам отиб ташлашади».

Мен эса: «Дадамни топиб берасиз!»— деб тармашиб олдим.

— Овозингни ўчир!.. Қайси гўрдан ёпишди менга бу ҳўл бало!— деб кўкрагимдан итара бошлади. Чол озгин, эти бориб суяғига ёпишган, кўзлари киртайиб рамақижон бўлиб қолган. Унинг бўйни тошбақаники сингари қават-қават ажин билан қопланган. Сув тўлдирилган аччиқ ичак сингари бўртиб чиққан шакар томири «ликлиқ» қимирлаб турарди. Оқ соқолнга хашаклар ёпишган,

Қовоғипи ўраб тушган қоши тагида нурсиз ярим юмуқ күм-күк күзи аранг күринарди.

— Қўйинб юбор... қўй дейман сенга оқладар! — этаги-ши силтаб торта бошлади чол. Қўйвормадим. У мени судраб лойхона лабига чиқиб олди. Мен этагини бўшат-масдан ўлиқдек осилиб олгандим. Бир вақт қарасам, сўғиннинг якtagи менинг қўлимда, ўзи йўқ. Бир амаллаб лойхонадан чиқдим. Эгнида фақат иштон, яланғоч ҳолда қочиб бориб, дадам ошган деворга тармашди... Якtagи менда қолди.

Тикан азоб бермоқда. Оёқ босай десам юрагим зир-қирайди. Онам қаерда бўлса экан?.. Улар солдатлар қў-лига тушмаган бўлса яхши эди. Солдат отган ўқдан ҳеч ким ўлмадимикан?.. Девордан ошолмай қолган қўшни-миз додлаган эди, бечорани солдат тутиб олган бўлса ҳоли нима кечди! Она!.. Онагинам. Дадамдан кўра менга онам меҳрибон экан. Солдатлар милтиқ отиб турганда ҳам оналар болаларни ташлаб қочмадилар-ку!. Оналарга қийин бўлди. Ҳавф-хатарга дуч келадиган бўлса-лар, оталар солдатларга чап бериб кета олади. Аёллар — она бечоралар-чи?.. Болам деб ўзларини минг балога гирифтор қилган оналар қўзғолон туфайли тугилган оғирликни ҳам ўз елкаларида кўтаряптилар. Сабр-тоқат қиляптилар, «дод!» демаяптилар. Болам деб йиртқичга ем бўлган оҳу сингари, оналаримиз оёғига болалари ки-шан! Эркакларга ҳам кун йўқ. Солдатлар улардан ўқни аямас эди!

Лойхона ёнида биқиниб ётиб шулар тўғрисида ўйлаб кетибман. Кун ботиб қоронги тушиш билан эркаклар ҳам, болаларини кўтариб, эргаштириб оналар ҳам тунаш учун ўйларига йўл олишади. Дайдиб юрган солдатлар ҳам даф бўлишади. Улар эски шаҳарда эмас, янги ша-ҳарда, казармада туришармиш. Солдатлар кечалари эски шаҳарда дайдиб юришдан қўрқишар экан, деган

гални дадамдан эшитиб шердилланиб кетдим. Ҳа, милти-
ғи бўлиб ҳам солдат қуролсиз қўзғолончилардан қўрқар
экан-ку!

Қоронги тушиб қолди. Ўйга энди қандай қилиб етиб
оламан, дегап ваҳима юрагимни кемирарди. Онам мени
йўқотиб тинч ўтирганмикин? Қўзғолондан бурун кўча-
кўйда узоқроқ ўйнаб қолгудек бўлсан, ҳеч кимдан ҳайнқ-
масдан: «Назирқул!.. Назирқул ҳууу!..» деб чақираверар-
ди. Ҳозир ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетган, кундуз
у ёқда турсин, ҳатто кечалари пичирлашиб гаплашади-
лар...

Кетишим керак. Секин ўрнимдан туриб, оёқ босдиму,
тиканлар қадалиб таппа йиқилдим. Боядан бери оёғим-
даги тиканларни обдои титкилаб, юзадагиларини тирно-
гим билан суғуриб-суғуриб олиб ташлагандим. Гўшт
орасига кириб кетган тиканлар оёқ боссам михдек қада-
либ, панжамдаги яра ачишар, қони оқиб турарди. Қорон-
гилик қуюқлаша борган сари юрагимни ваҳима боса
бошлади. Юрай десам оёққа туролмайман, нима қилиш
керак? «Оёқсизлар ўрмалашиб юришади-ку», деган фикр
бошимга келди. Тиззам билан ўрмалай бошладим. Чак-
ир-чуқур қолган дағал ўт-ўлан томирлари тиззамнинг
кўзига, иккала кафтимга қадалиб, ўрмалашга халақит
берарди... Теварак-атроф жимжит, ит ҳам ҳурмайди,
хўроҳ ҳам қичқирмайди. Фақат ҳар замон-ҳар замонда
милтиқ овози эштилади. Қоронги кечада отилган ўқ ос-
монда қип-қизил олов бўлиб чўзилиб, кўздан ғойиб бў-
лади.

Эмаклаб, тиззам билан қанча йўл босишим мумкин?..
Фақат Лутфулло бованинг чарбоғидан эмаклаб ўтгуним-
ча тиззамнинг кўзи, икки кафтим гўшт бўлиб қолди. Ариқ
марзасига чиқиб йиғлаб ўтирдим. Оналаб қичқираӣ,
қаттиқроқ йиғлай десам қўрқаман. Бахтимга дарахт-
лар орасида қизариб баркашдек ой кўринди. Юрагим

бир қадар тасалли топгандек бўлди. Девор орқасида шарпа эшитилди. Юрагим «шиғ» этиб кетди. Хас-хазонлар шитирлайди. Ким бўлса экан?. «Кимсиз?» деб овоз чиқазай дейману, ботинолмайман.

— Назир... Назирқул... қаёқдасан, қўзим, болам...

Қулоғимга ишонмасдим. Худди онамнинг, онажонимнинг овози. Беихтиёр:

— Онажон!— деб юбордим.

— Тошкентлик! Үғлинг топилди. Бу ёққа кел!

Бу дадамнинг овози эди.

— Дадажон!.. Онажон!..

Дадам олдинда, онам орқада аланг-жалаңг мени қилириб келишарди:

— Қаёқдасан, болагинам?

— Мана ман, онажон.

Мен ўрмалардим. Бу ҳолни кўрган онам қўрқиб кетди. Менинг учун онамнинг азоб чекишини истамасдим.— Қўрқманг онажон! Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Фақат оёғимга тикан кириб босолмай қолдим,— деб тасалли бердим. Онам оёғим тагини силаб кўрди. Оёғимдаги тиканлар унинг қўлига қадалиб оғритган бўлса ҳам «ғинг» демадим. Үнг оёғимни кўрсатмасликка ҳаракат қилиб:

— Кета қолайлик!— дедим.

Дадам мени опичлаб олди.

ОҚ ЯЛОВ

Жазо отряди терроридан жонларини ҳовучлаб юрган, ҳаётлари хавф-хатар остида қолган исәнчилар учун «Оқ ялов» гүё дахлсизлик бағишилади. Казаклар шу кунгача дүч келган аёл-эркакни отиб, чавақлаб ўлдириш ҳуқуқига эга бўлсалар, «Оқ ялов» эълон қилиниши билан аҳвол ўзгарди. Ҳар бир одам хоҳ аёл, хоҳ эркак, узунилиги бир қарич чўпга оқ латта тақиб яловча ясадолса бас. Казак, солдат дүч келиб қолгудек бўлса, оқ яловни кўрсатиб жонини сақлаб қолиши мумкин... Лекин бу расм жорий қилингандаш кейин ҳам казакларнинг бебошлиги давом этаверди. «Оқ ялов» кетидаи «Жон омону, мсл талон» деган гап чиқди. Солдатлар халқнинг мол-мулкини талаб, аёл зотига ит пашшадек ёпишиб оларди. Бу ваҳшийликдан юрак олдириб қўйган аёллар тўда-тўда бўлишиб қоронғи уйларда, пана-пастқам ер, ҳатто қабристонларда кун ўтказишарди...

Узун айвонга туташ бир хонали уйимизнинг бир эшигиги боғ томонга, иккинчи эшиги айвондан очиларди. Боғ томондаги эшик доим ичидан занжир. Айвон эшиги олдинда кампирлар ўтириб олишган. Қиз-жувонлар, ёш гудаклар қоронғи уйнинг тўрида «миқ» этмай ўтиришарди.

Мен оқ яловчамини кўтариб дам-бадам кўча эшиги билан қўшниларимиз боғини кузатиб турардим. Солдат-

лар қораси күрингудек бўлса, дарҳол оналарга хабар қиласдим. Кунларининг бирда шундай ку-затиш билан андармон бўлиб юрган чоғимда қўшнимиз томонда, деворимиз орқасида дукур эшитилди. Бу худди менинг сигиримнинг юришига ўхшарди. Одатда сигиримни подага ҳайдаб бораётганимда унинг туёғи шиқиллар эди. Сигиримни эса бундан бир неча кун бурун казаклар олиб кетганди. Шиқирлаган товушни эшитиб, казаклар сигиримни қўйиб юборган бўлса қўшнимизниги кирибди-да, деган хаёл билан ариқдан сакраб, эшикчадан қўш-нимизниги ўтмайманни... Мен кутган сигир ўрнида бир эмас, уч солдатни кўрдим. Юрагим қинидан чиқаёзди. Орқамга тисарилган эдим, ариққа юмалаб тушдим. Шунда солдатлардан бири қўлимдан ушлаб ариқдан тортиб олди-да, қўрқма-қўрқма болакай, деб бошимни силади. Солдатлар орасида ҳам одамсиёқ раҳмиди бор экан-ку, деб хаёл суриб турганимда «Қоратой» деган қопагон итим қаёқдан ўмр пайдо бўлиб, ҳура бошлади. Иккинчи солдат милтиғини «шақир-шуқур» қилиб итга тўғрилаганда, менинг бошимни силаган солдат: «Отма! Отма!» деб бўлса керак, бақирди. Лекин солдат отиб қўйди. Итим олдинги иккни оёғини баланд кўтариб чаппа бўлиб йи-қилди. Типирчилаб, бир оз фингшиди-да, жимиб қолди. Итни отган солдат йингирма ёшнинг нари-берисидаги ўсирип йигит эди. Солдатлар ўзаро вужурлашиб ит қотилини койишашётганини, рус тилидан бирон калима билмасам ҳам тушуниб турардим. Бўридек олғир, қопагон зўр кучугим кўз-очиб юмгунча дунёдан ўтди. Мен бўлсан қўрқанимдан ҳайкал бўлиб қолгаидим. Солдат менга томон юрди. Милтиғини ҳасса қилиб, қўндоғини ҳар галерга қўйиб қадам ташлаганда сигиримнинг туёғидек шиқирлар эди. Солдат яна бошимни силаб:

— Балакай, құрқма. Но ит жалко,— деб мени юпат-
ған бўлди. Бу эркалашдан бир оз ўзимга келдим.

Еш солдат айвон томон йўл олди. Мен оналарга хабар етказа олмаганимдан қаттиқ ташвишда эдим. Бизнинг тилимизга тушунадиган солдатга ялина бошладим:

— Амаки жон! Унга айтинг, оналарни қўрқитмасин. Жон амаки, айтинг, у ёқقا бормасин.

Солдат мени қўлимдан ушлаб айвон томон юрар экан:

— Балакай, қўрқма, тегмайди,— дер эди.

Биз айвонга кириб борганимизда, итимни отиб ўлдирган солдат эшик олдида ўтирган кампирларни босиб ўтиб, уй ичига киришга интиларди. Остона тагида ёстанниб олган кампирлар қўлларида оқ ялов тутиб, титраб-қақшаб солдат оёғига юз-кўзларини суртиб, оқ соchlарини кўрсатиб:

— Тўражон, баранчук қўрқади... Ичкарида ҳеч ким йўқ...— дейишарди.

Кекса ва мўътабар оналарнинг оҳ-зорлари ҳар қандай тош юракни ҳам эритарди. Ҳар иккала солдат ўспирин шериларига нималарни дир уқдириди. Ўспирин заҳарханда қилиб:—О... мама, мама,— деди-да, секин шошилмасдан милтигини судраб орқасига қайтди. Шу вақт дарвоза томонда Тожи пари кўринди. Унинг бир қўлида оқ ялов, бир қўлида узун ҳасса, елкасида хуржун... Тожи парини кўрдиму ваҳима босди мени. Қазаклар эрини отиб ўлдиргандан бери, айниқса Тожи парининг авзойи бежо. Икки гапни бирида: «Эримнинг хунини олмасам, Тожи тентак эмас эканман!» деб қўярди. Аёллар унга тасалли беришиб:

— Қўй, Тожи, кофир бўлма. Қек сақлашдан фойда йўқ. У эмас-бу эмас, пешанага битгани бўлди. Чолингни пешанасига: «Сенинг ажалинг Некалай золим аскари қўлида», деб худойим битиб қўйган бўлса, у кимнинг умри билан юрсин. Золим билан ўчакишгандан кўра инсофини тила!

— Түгри-да,— дер эди онам,— шундай Жиззахни сүраб қелган кал ҳокимни (жиззахликлар уезд бошлиги Рукинни «кал ҳоким» деб юритардилар) ўлдириб муродлари ҳөсил бўлмади-ку! Энди сан ҳам Тожи опа, тақдирга таң бергин-да, аскарга тега кўрма!— деса, Тожи пари ўт слиб кетарди:

— Танаси бошқа дард билмас. Сенларга нима, кўр, шол бўлса ҳам эр эди. Менга ҳамдам, ҳамдард эди, шўрлик чол! Алами ҳеч-ҳеч юрагимдан чиқмаяпти! Аскар ўлтурни курсам ғажиб ўлдиргим келади!— деб йиғларди...

— Мени эрим хотилининг қўйнига киргашими! Тили-жаги тегмаган, қўл-оёқсиз шол чонни нима учун отиб ўлдириларинг, золим! Бир тулки пўстин бир одамдан азиб бўлдими, сен очкўзларга!— деб дод солди. Бемора парининг кўзидан маржон-маржон ёш оқарди. Тупла-тузук гапириб турган Тожи пари бирдан жини тутиб кўзлари чақчайиб, оғзи кўпирашиб, «хув! хув!» деб гир-гир айлана бошлади...

Ёш солдат ҳиринг-ҳиринг кулар, бошқалари бир-бирига қараб елкасини қисарди.

Тожи пари бирпасда қора терга тушди. У ҳансираб-ҳансираб елкасидаги хуржун, қўлидаги ҳассасини ерга қўйди. Шошилмасдан енгларини шимарди. У човут солишга ҳозирланган йўлбарсдек ярим букилиб оҳиста, лекин шахдам-шахдам қадам ташлаб солдатлар томон юрди. Ёш солдат елкасидаги милтигини қўлига олиб, тескари суқилган найзани ўнглаб милтиғига тиқди-да, ўзини бир-икки қадам орқага ташлади. Шунда мен беихтиёр:

— Тожи хола! Қайтниг! Орқангизга қайтинг! Ҳозир итимдек сизни ҳам отиб ўлдиради,— дедим.

Тожи пари бўлса:

— Отолмайсан! Қани, отиб кўр-чи! Буни ким расм қилди?— деб қўлидаги оқ байроқчани силкитди.— Била-

ман, буни расм қилган ўша жувон ўлгир оқпошшонгии ўзи! Ман уни ёмон кўраман. Жон омон, мол талон эмиш! Ҳа, мени молим йўқ-ку, талаб олсанг! Отолмайсан! Отиб кўр-чи, золим!— пари кўкрагини очиб солдатга рўпара бўлди.— Айтасан, чолимни қайси биринг отгансан, ҳозир айтасан, бўлмаса, ҳа...— деди орқасига қараб, у югуриб бориб ҳассасини олди-да, ҳавода силкитди.

Иккала солдат ёш ҳамроҳига «милтифингни ол!» дегандек ишора қилди шекилли, у нохушлик билан секин милтифиши елкасига осди.

— Опай, опай!— деди менинг бошимни силаган солдат,— кел мунда, мунда кел!.. Үтири-үтири, гапир... Эринг ким?.. Кел мунда...

Тожи пари ҳассасига суюниб ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади. Солдатнинг раҳми келди. Аёлнинг бошини силаб юпата бошлади.

Тожи пари хуржунини елкасига олиб, аёллар бекиниб үтирган уй томон юрди. Солдатлар унинг орқасидан эргашишди.

Тожи пари елкасидаги хуржунни яна ерга қўйди-да, ундан бурда-бурда қоқ нон олиб кампирларга берди. Хуржунни кўтариб ичкари хонага кириб кетди.

Солдат ерга үтириди, тиззасига милтигини қўйиб, ҳамроҳларини ҳам үтиришга таклиф қилди. Иккала солдат қийналиб-қийналиб ерга үтириди. Ҳамма ҳайрон. Қўзғолон пайтида, умуман бизнинг ҳаётимизда бегона эркак билан аёллар бир ерда, юзма-юз бўлиб үтириши ғайри табиий ҳодиса эди. Шунга қарамасдан онамнинг бир ишига тасанно ўқийман. Онам ҳеч тортинмасдан солдатнинг олдига эски қудоқ дастурхон ёзди, Тожи пари олиб келган қоқ нон ва ўрик қоқи аралаш майиз билан уларни зиёфат қилди. Менинг бошимни силаган солдат «Бисмилло раҳим» деб қўлинни дастурхонга чўзаётганида аёллар: «Вой мусулмонга ўхшайди», деб юборишиди. Қизиги шун-

даки, ўт билан сув, қўзғолончилар билан жазоловчилик «эт-тириш» бўлишиб қолди. Агар ўрис солдати чалайим бўлса ҳам ўзбек тилини билмагандан Азроил ролини ўйнаган бу солдатлар билан мазлума мусулмон аёллари шунчалик тез иноқлашиб қолмаган бўлар эди. Яхши гап билан илон ишидан чиқиши, тил орқали инсон инсон дилига кира олнишини ўша фожиали дақиқаларда жуда аниқ ҳис қилгандим. Солдат дастурхонга аёлларни чорлади ва ичкариги хонада ўтирган қиз-жувонларни айвонга чақиришларини сўради. Лекин аёллар ташқари чиқишга журъят қилолмадилар. Солдат икки гапнинг бирида:

— Қўрқма. Менини мусулмонни яхши кўради. Казак жуда ёмон... Биз ўрис, яхши ўрис. Ўрис одам, мусулмон одам — бари бир одам. Ўрис мамашка, мусулмон мамашка бари бир... Жанжал-муқлаш йўқ. Жанжал ёмон.

— Мамашкалар жашжал йўқ,— деди онам жасорат билан, аёллар жашжални хоҳламайдилар, деган маънода. Сўнг самимият билан сўради:

— Сенини маржанка бор?

— Бирта маржа бор,— деди кўрсаткич бармоғини кўрсатиб солдат. Ўрис закон бирта маржа. Мусулмон закон бир-икки, уч... кун маржа,— деди бармоқларини букиб солдат.— Мусулмон закон яхши йўқ. Шу пайт елкасида бўш хуржун, қўлида сопол кўза, ҳасса ва байроқча кўтариб ичкари хонадан Тожи пари чиқиб қолди. Солдат Тожи парини дастурхонга таклиф қилди. Бироқ у ҳассасига суюниб, солдатлар қаршисида хўмрайиб тик туриб олди. Солдат уни гапга солниш учун ҳаракат қилас. Тожи пари бўлса ғазабнок, солдатни еб қўйгудек хўмраярди. Унинг важоҳатидан аёллар безовта бўлиб:

— Тожи, бу нима туриш! Булар сен ўйлаганлардан эмас, ўтири, меҳмон қил!— дедилар.

— Гўрга тиқиб келай меҳмонингни! Эримни ўлдирганни меҳмон қиласмишман!.. Ҳо... Эрим ёнига борсин улар!

— Алжирама, гапга тушунади,— деди огоҳлантирган бўлиб онам.

— Тил-жаги тегмаган, қўл-оёғи шол, иккала кўзи ноғирон чолимни ўлдирди булар! Йўқ! Мен худонинг ожиз бандаси учун хун оламан!— деди ҳассасини «тақ-тақ» ерга уриб. Унинг кўзлари қинидан чиққудек, авзойи бе-жо эди.

Иккала солдат ўрнидан турди, парвойи фалак ўтирган йўлдошларига зарда қилиб нималарни диди. Учинчи солдат уларни сабрга чақириб, билишимча, «оғир бўлинглар, оғир бўлинглар» деяётгандек эди.

— Тожини уйга киритинглар!

— Бирон касофат рўй беради.

— Роҳат опа, нега томоша қилиб ўтирибсизлар? Тортмайсизларми ичкарига у жинни ўлгурни!— деди чирқирай бошлади аёллар. Тожи пари онамнинг галига қулоқ соларди. Шунинг учун ҳам онам жинни қўзиб турганини писанд қилмай, унинг ҳовуруни босиб, солдатлар олдидан олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилди.

— Гўдаклар сув деб чирқиллашяпти. Юр, кўзангни мен кўтара қолай... Қаердан сув олиб келардинг, заргар эшоннинг қудуғиданми? Юра қол,— деб хонага эмас, бор томонга торти. Тожи пари бир силкиниб онамнинг қўлидан ўзини қутқазди-да, ҳўнграб йиғлаганча кўчага қараб чопди. Ёш солдат унинг бу ҳаракатидан чўчибми, ток сўриси тагига бориб қаққайиб туриб олди. Менинг бошимни силаган солдат Тожи парига қизиқиб қолди. «У ким, эри ким, қачон отилди, нега отди»,— деган саволларни ёғдирди. Аёллар ўртасидаги энг кекса оқ соч Ҳурмат кампир: «Тожи пари, Қодир бобо қиссанси жуда дароз, уни бир кеча-кундуз ҳикоя қилса ҳам тугамайди»,— деган эди, солдат кампирга ёпишиб олди, Тожи пари ва солдат отиб ўлдирган эри қиссасини айтиб беришни сўради.

Жазо отряди исковучларидан юраклари безиллаб:

«Худоё худовандо, қозоқ ўрис ва саллотнинг юзини тескари қил!» деб ўтирган аёллар, бундай дилкаш, беозор ўрисга дуч келишларидан ўзлари ҳам ҳайратда қолган эдилар. Ёмон куннинг бир соати ҳам тинч ўтганига шукур қилиб, хушмуомала солдатни мумкин қадар тутиб туришга майллари бор эди. Шунинг учун бўлса керак: «Ҳурмат опа! Бир ҳисобда ўтиргани маъқул, яхши ўрис экан. Ёмонлари келиб қолса жонимизга ора киради», дейишди аёллар, Ҳурмат кампир Тожи пари киссасини жуда дўндириб ҳикоя қилди. Гарчи у саргузаштнинг ярми рост, ярми ёлғон бўлса-да, ўз замонаси учун типик бўлган ўша ҳикоя шундан иборат.

...Тожи пари... Эл уни Тожи тентак, Тожи лашкар ҳам деб атарди. Уят-айб нима, тубдан билмасди. Истаса эркакчасига болохонадор қилиб сўкинар, хотинчасига «дўндириб» қарғар, тентак бўлиб тентак эмас, соғ бўлиб соғ.., Бевақт учраб қолгудек бўлса киши важоҳатидан сесканарди. Агар бир қулоғида тия тўғасидек исирға, пахмоқ сочи бўлмаса, иккиланмасдан уни эркак дейнш мумкин.

Бўйи бепиҳоят дароз. Қадди-қомати бесўнақай. Калласи гўё ошқовоқнинг думалоқ томони-ю, юзи, ияги — ингичка томони. Яъни боши беҳад катта, юзи чўзиқ, ияги ингичка. Бурни бўлса юзига нисбатан катта. Одатдаги бурунларга сира ўҳшамайди. Гўё юзининг ўртасига муштумдек жигар чаплаб қўйган. Қоши одам қошига ўҳшамас, гўё атайлаб пўстакдан икки парча йиртиб олиб ёпиширган, қошининг ўсиқ жунлари бадқовоқлари устида осилиб, селкиллаб турарди. Бетининг ўнг томонида қулдиргичи ўрнида ҳар бири Аштархон гилосидек икки қўш хол осилиб туради. Ияги ингичка бўлишига қарамасдан, оғзи бесўнақай катта, курак тишлари қалин лабларидан иргиб чиқсан..

Ёғочга либос ярашса ярашадики, Тожи парига ярашмайди.

Қийим-кечаги доим иркит, қуроқлардан тикилган. Жандасимон ола-була. Қуроқ бўлса ҳам йигитлар сингари кўкраги очиқ кўйлак киярди. Лозими қисқа, болдири доим очиқ. Уйда ҳам, кўчада ҳам яланг оёқ юради. Оёқ ҳам ҳамин қадар, бўйи, эни баб-баравар, одамнинг оёғидан кўра, туянинг пайшишига ўхшаброқ кетарди.

Тожи пари иссиқ-совуқнинг фарқига бормасди. Саратон кунларида ер чўяндек қизиб, кўча тупроғи ҳаммомнинг қўрига айланган пайтларда, ҳатто кўчанинг у юзидан-бу юзига яланг оёқ ўтиш сира мумкин бўлмай қолган кунларда ҳам Тожи пари яланг оёқ кўча кезиб юраверарди. Унинг товони, оёқ панжаси атрофлари тарам-тарам ёрилган, тирноқ ва бармоқлари қинғир-қийшиқ, хуллас оёғиппинг юзи, панжаси тимсоҳ тернси сингари бадбуруш.

Тожи пари паранжи ёпишмас, юзига чачвон тутмасди. Эркак зотидан қочмас, амалдорлардан оз бўлса-да ҳайқмасди.

Бу аёлни Тожи шабгири ҳам дейишардилар. Унинг қорониги зим-зиё кечаларда, бутун қишлоқ уйқу оғушида ором олаётган пайтларда кўчаларда дайдиб юрадиган одати бор эди. Хотин-халажлар Тожи парининг бу юриштуришини кўриб, ўзларича жин-парилари билан мозоратларда «чилтон базминни қуармиш» деб бичиб-тўқишаради.

Кунлардан бир кун Тожи пари кечаси эшоннинг чакалакзоридан ўта туриб, у ерда йиқилиб ётган ҳушсиз бир эркакка дуч келибди. У қўшни маҳаллалик таниш бир йигит экан. Пари кўрса йигитнинг бирон ерида жароҳат йўқ, ҳушига келтириш учун қилинган ҳаракат фойда бермагач, йигитни даст кўтариб елкасига олибди-да, уйига келтириб:

— Ол бу дардисарингни! Яхшики, бахтига мен дуч

келиб қолдим, бўлмаса эшоннинг чакалагида базм қуриб ётган девларга ем бўларди! — дебди.

Шу воқеадан сўнг хотин-халажлар шундай гап тарқатгацлар:

Эмиш, Тожи пари шу йигитга хуштор бўлган. Кўп уринса ҳам йигитни ўз раътига сололмагац, ундан ўч олиш пайига тушган. Ниҳоят кунлардан бир кун уни қизлар базмига таклиф қилиб: «Кел, сенга бир опалик қилай, эркак нафаси доримаган қизлар базмига олиб бориб димоғинги чоф қилай», деб йигитнинг юрагига ўт ёкиб қўйган. Қиши ақли бовар қилмас жамшид базми тенглашолмайдиган қизлар йигилишига олиб борган. Қип-қизил гилам, баҳмал-духоба кўрпаҷалар тўшалган пақшинкор меҳмонхона лиқ тўла, бири биридан гўзал, сулув қизлар ноз-карашма қилиб сузилишиб ўтиришганмиш...

— Оланг айлансин, парилар сени ўз базмларига лойиқ кўрибди, энди йигитликни бой берма. Қизлар сенга ялинмагунча, сен қизларга асло ялина кўрма. Айтганимни қилмасанг, пушаймонинг ўзниг билан! — деганиш йигитта Тожи пари.

Ҳанг-манг бўлиб қолган йигит ер тагидан қизларга разм солармиш. Бири биридан чиройли ҳурилиқолар... Бодомқовоқ, пистадаҳан, мўрчамиён, сутга чайиб олгандек оқ бадан, оқ бадан эмас, гул бадан, қоши қора, жон офати оҳу кўзлар... Ана латофату, мана малоҳат! Бу соҳибжамолларнинг ҳар бири бир мамлакат хирожидан қиммат, наволари бўлса жонга роҳатмиш...

— Пари опаси айлансин, бўз бола жондан. Билиб қўйсанг ёмон бўлмас, қиз бола деган шўх бўлади, йигит ёкиб қолса кўнгли тез оқар сой бўлади, гирдобига ўраб олса ҳолингвой! Комдил ҳосил қилишга муштоқ қизлар жонон пиёлаларда шароб тутиб бошингни айлантиришади. Шунда худо бериб қолди менга деб яна майга қўй чў-

за күрмә. Нафсини тийгән киши султон бўлур! Панд-насиҳатларимни қулоғингга олмагудек бўлсанг, пушаймонинг ўзинг билан!— деб яна қайта такрор уқдириганимиш Тожи пари.

Базм айни авжига минган. Созанда-навозандалар фифони фалакка уриб, товус қомат қизлар рақсга тушармишлар. Ноз-истигно билан қош қоқишиб, кўёз сузишиб, жазманига жилва қилиб юрагига ўт ёқишармиш. Чироқ-қа андармон парвоналар сингари қизлар йигит атрофида гирдикапалак бўлишиб, қош ўйнатиб, кўкрак силкишиб, юз ноз-карашма билан сеҳрни ишга солиб жонон пиёлада йигитга май тутишиб қолганда, бўз боланинг ақли учиб, ихтиёри қўлдан қочиб, майл қилиб қўл чўзибди-ю, бирдан сесканиб: «Ҳой йигит! Нафсингни тий!. Эшитмагансанми, бундай базмни одам эмас, жин-ажиналар тузадилар! Улар довюрак йигитларга ўч бўлишармишлар», дебди ўзига ва одамлардан эшитган гаплар эсига тушиб: «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Ё ошпичноқ, қалампир!»— деб юборган экан, нақшкор меҳмонхона ўрнида қабристон хонақоси-ю, сўлим қизлар ўрнида қабрлар, қабр устида баҳайбат қўчкор шохлари, ходага уланган туғда қозон куядек қора отнинг думи осилиб турганимиш...

Ўз жойи хобида ҳушсиз ётган йигит нима бўлади-ю, ҳушига келади, кўзиши очиб атрофига назар солади... Ўз уйи... Айвон, тандир, якка тут... Ҳаммаси ўзига таниш. Йигит эсини йигиб ўйлай бошлайди, ўз кўрган-кечирганилари ўнгими, тушими, аниқлай олмай мияси ғовлаб, юраги ўйнаб, ўрнидан турмоқчи бўлади, на қўли ва на оёғини қимирлата олади.

Ана шу эмиш, бора-бора сон-саноқсиз миш-мишларга қўшилиб, бир гапга икки гап, бир ёлғонга беш ёлғон қўшила бораверади. Бу ёлғонлар моҳир миш-мишчилар орқали ростга айланиб кетарди.

Шундай қилиб, йигитни жинлар «базмига» олиб борган ҳам, норғул йигитни қўл-оёқсиз қилиб, уйига олиб келиб ташлаган ҳам Тожи парининг ўзи, деган гаплар тарқалади. Ёлғон чинга айланиб, хурофот ботқоғига ботиб келган аёллар бу олди-қочдига ишонадилар. Тожи парига ихлосманд бўлиб қоладилар. Оқибатда Тожи пари «муродига етади». Қўл-оёқсиз шол, икки кўзи ногирон йигитнинг хотини бўлиб олади. Йигит қариб соч-соқоли қордек оқарди, лекин Тожи пари ҳамон девдек елиб-югуриб юрибди. Мұҳаббат ҳусн танимас. Бунинг устига ёшлиқда берган кўнгил эмасми, Қодир бобонинг фожиали ўлими Тожи пари юрагини ўртаб, доғига бардош беролмади. Унинг бирдан-бир овунчоги мазлума ҳамжинслари ва ёш гўдакларни боқиш, тўйдириш бўлиб қолди. Қўзғолон авжига чиққан пайтларда ҳовлима-ҳовли кезиб, қалдирғоч боласини қандай тўйдирса, бу баҳтсиз аёл қўшни аёл ва уларнинг болаларини қўлидан келганча боқиб, тўйдириб юради.

Икки баҳтсиз қиссасини эшитгач, менинг бошимни силаған солдат бошини чайқаб ўрнидан турди. Итимни отиб ўлдирған солдат аёлларга дахл қилмади, ҳатто Тожи парининг дағдагасини кўтариб «финг» демади. Оқпошшонинг жазоловчи солдатлари орасида бундай меҳр-шафқатли ўрис борлигидан ҳайрон бўлган аёллар муноқаша қилиб турганларида, «Оби худойи!.. Оби худойи!» деб яна Тожи пари пайдо бўлди. У:

— Е парийлар! Инс-жинслар мадад беринглар!— деб гир-гир айланди, кўза тўла сувни онамга бериб, елкасида хуржун, қўлида ҳасса ва яловчаси билан бир зумда яна қўздан ғойиб бўлди.

ХАЙДА! ХАЙДА!

Минг түккүз юз үн олтинчи йил. Июль ойининг охирги кунлари. Қоронғи кеча. Ойсиз осмонда юлдузлар чарақлаб турады. Құзғолончилар кундузлари солдаттар таъқибидан ўзларини пана-пастқам ерларга олар, кеч киргач құрқа-писа мұралашыб ўз кулбай вайроналарага қайтар әдилар.

Ҳар вақтдагидек ўша кечаси ҳам құшниларимиз бизништ токимиз сүриси тагига ўтиришиб, гангир-гунгур гаплашиб кечани бедор ўтказмоқда әди. Шунча құргиликлар камлик қылғандек исенчилар бири биридан хунук миш-мишлар тарқатди... Эмин тонг отиш олдиде жазо отряди Жиззах зеки шаҳрини түпга тутармиш.. Ажали етиб, куни битғанлар түп ўқига учиб, умри боқийлар майиб-маслиқ бўлиб қолармиш... Құзғолон бостирилғандан бери кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган жазо ва ҳақоратларни ўз бошларидан кечирган «гуноҳсиз гуноҳкорлар» бу гал ногаҳоний ажал комидан қандай қилиб қутулиб қолиш тўғрисида бош қотиришар. Йўлдошлари хавфхатар бўлиб қолган најотсиз халқ боши берк кўчада гаранг әди.

— Қирқ йил қирғин бўлса-да, ажали етган ўлади,— дер әди мудраб ўтирганларга далда бериб дадам.

Онам дадамнинг гапини қувватлаб:— Ҳа, нима бўл-

ганды ҳам қисматдагидан ортиқ бўлмайди, тонг отишига оз қолди, бир чимдим мизғишиб олсак бўларди, ухланглар!— деди.

Кўп ўтмай кимдир хуррак отди. Ўша кунларда негадир мен уйқусиз бўлиб қолгандим. Кўрган-кечирган даҳшатларим кўз олдимда қайта кўриниб, уйқу бермасди. Оёғим яраси газак олиб оғриғи миямга чиққан... Лекин онамнинг «ухланглар!» деган хитобидан кейин уйқуга кетганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Аллақандай телба-тескари тушлар кўриб ётган эканман, дадамнинг: «Тонг бўзариб қолди, туринглар!»— деган товушини эшитиб чўчиб уйғондим. Ҳадеганда ўрнимдан туролмадим. Кўзим осмонда... Оқшом фалак гумбазида чараклаб турган юлдузлар қаёққадир ғойиб бўлишган, балки улар ҳам бизга ўхшаб чироқларини ўчириб, тун оғушида уйқуга бош қўйгандир... Ҳа, ана ҳали уйқуга бош қўймаган якка-ярим бедор юлдузчалар бор экан. Улар аранг кўзга чалиниб, нурсизланиб ғойиб бўлишарди.

Қаттадан-кичикнинг юрагига ваҳима уя қўйиб олган. Тонг отиши билан шаҳар-қишлоқ тўпга тутилишини кутиб, қандай қилсалар тўп ўқидан жон сақлаб қолиш тўғрисида бош қотиришарди. Дадамнинг гапига қараганда, жон сақлаб қолиш учун энг мувофиқ ер қудуқ ёки ҳовуз эмиш. Кўпчиликка бу фикр маъқул тушди.

Аёллар болаларини кўтариб эргаштириб ҳовуз томон йўл олишди, эркаклар бўлса солдатлар кўзидан ва тўп ўқидан сақлайдиган бирон пана ерга яшириниб, аёллар аҳволидан хабардор бўлиб туришга ваъда бериб, ғойиб бўлишди. Биз тўп отилишини кутиб ҳовуз ичидаги қипниб ётибмиз. Жимжитлик. Ҳали кун кўзи кўринингунча йўқ.

Тожи парининг шанғиллаган овози эшитилди:

— Ҳой худонинг бандалари! Қайси гўрга гумдон

бўлдиларинг? Ев босиб келяпти, овозларингни чиқарсанларинг-чи!

Бағриларини ерга бериб ётган аёллар қўрқа-писа:

— Бу ёқда, ҳовуз ичидамиз! — дейишди.

Тожи пари ҳовуз лабида пайдо бўлди. У ҳовлиқиб:

— Үлдиларинг, жонинг бўлса қочиб қол! Мўр-малаҳдек саллот одамларни тутиб, пода қилиб ҳайдаб келяпти,— деди-да, кўздан ғойиб бўлди.

Ҳовуз ичидаги биқиниб ётганлар нима воқеа юз берганига тушунмасдан бир оз гангиб, сўнг бирор ётган ўрнидан туриб чўнқайди, бирорлар дув кўтарилиб оёқка туришди. Аллақаёқдан олаговур овозлар эшишилар. Мен ҳовуз лабига югуриб чиқиб боғ томонга қарадим. Нимани кўрай? Майдон тўла оломон. Улар йиқилиб-сурнилиб биз томон келишарди. Оломоннинг олдида, ён томонда милтиқ тутган солдатлар:

— Жур! Но-но! — дейишиб бақиришарди. Улар алланималар деб бақириб, аёл, эркак, болаларни ҳайдаб келарди.

Ҳовуз ичидагилар чиқиб улгирмасданоқ солдатлар бостириб келиб қолишли. Хотинлар дод солди, болалар қий-чув кўтаришли. Икки солдат ҳовуз лабига келиб, милтигини бизга тўғрилади-да:

— Жур!. Айда! — деб тепина бошлади.

Аёллар болаларини кўтариб, етаклашиб йиқила-сурина, ҳовуздан ташқарига чиқишиди. Солдатлар бизни ҳам оломонга қўшиб кўчага ҳайдади. Биз нима воқеа рўй бергани, қаёқка ҳайдаб боришаётганини англамасдик. Солдатлар шовқин-сурон кўтариб, орқада қолган кексаларни уриб, туртиб ҳайдарди. Бизнинг боғимиз билан катта кўча оралиғи уч юз метр келар-келмас масофа. Кўпи билан беш минут ичидаги бизни катта кўчага ҳайдаб чиқишиди. Кўчани кўриб бўлмасди. Чанг-тупроқ ер-кўкини тутган. Оломон тўзон ичидан аранг кўринарди. Ка-

заклар қилип ўйнатиб гоҳо олға, гоҳо орқага от чопишиб оломонни ҳайдамоқда. Ирмоқлар қўшилиб дарё ҳосил қилгани сингари маҳалла-маҳаллалардан ҳайдалиб чи-қилаётган одамлар йўл-йўлакай қўшилиб, денгиздек тўлқинланиб, дарё каби чайқалиб, кенг кўчанинг қирғоқларидан ошиб-тошиб оқиб борарди. Мен бўлсам бу оқимда суратим одам, ҳушсиз-ҳиссиз кетардим. Оломон бирданига тўхтади. Гангид қолиб тезда ўзимга келолмадим. Атрофга назар ташлаб қаерда эканлигимизни пай-қаб ололмай ҳайрон эдим.

Кенг майдон... Теварагимда нотаниш, сон-саноқсиз одамлар... Эркак, аёл, мункайиб қолган чол-кампирлар, ўспирин йигит ва ёш гўдаклар. Ҳамманинг қути ўчган. Афт-башараси тер-тупроқ, лойга беланган, фақат жавдираган кўзлари-ю, оқариб тишлари кўринади...

Кўзим пишиқ гиштдан ишланган баланд устунларга тушди. Ҳамон қаерга ҳайдаб келтирганларини билолмай бошим қотгац. Кўзим Нуриддин ҳожининг малрасасига тушди. Ӯнг канотидаги минораси турибди-ю, чап қанотидаги миноранинг қуббаси йўқ. Ҳайрон бўлдим. Ахир, бир вақтлар мен ўртоқларим билан шу минора тепасида туриб шаҳарни томоша қиласдим-ку. Биз болалар шу минора тепасига чиқиб олиб чуғурчиқдек вижирлашиб, от бозор, қўй бозор, мол бозорлари-маҳалла ва бод-рөгларини кўздан кечириб, ҳордиқ чиқарардик.

Вокзал, янги шаҳар билан эски шаҳарни боғлайдиган кенг, катта йўлда гижинглаган отлар қўшилган извошлиарнинг кети узилмасди. Худди шу йўлда каппондан галла юклаган сон-саноқсиз аравалар турна қатор бўлиб станцияга йўл олишар, отлиқ, эшаклик, пиёдаларнинг чумолидек тинимсиз ҳаракати минора устидан туриб кузатганимизда бизга ажиб завқ багишларди. Ажаб! Бутун бозор жойидаги юзлаб дўкон, ўнлаб раста, тимлар, қўр-

ғон ичидаги неча юзлаб ҳовлилар, каппон бостиrmалари күйиб күл төп бўлибди-ю, мадраса билан оқ уйга¹ ўт кетмабди!. Биз тўпланган ер каппон саҳни экан. Қаппон деганим беш гектар кенгликдаги бир майдон. Майдоннинг шимол ва жануб томонидаги икки қанотида бўйи беш юз, эни эллик, баландлиги йигирма беш метрлар чамаси келадиган баҳайбат катта бостиrmалар бор. Майдоннинг ғарб томонида мадраса ва оқ том, шарқ томонида эса, қатор раста, дўкон, чойхоналар бор. Қаппоннинг шарқ-жануб томонида мингбоши маҳкамаси, зингир тикув машинаси фирмаси жойлашган икки қаватли бино алоҳида ажralиб турарди.

Қаппон ва каппон саҳни ёэ-қиши — тўрт фаслда ҳам одамлар билан гавжум, савдо-сотиқ тўхтаб қолган бирон кун ҳам бўлмасди. Қўзғолончилар ҳайдаб келтирилган шу каппоннинг бундан бир ойлар илгариги манзараси ҳеч кўз олдимдан кетмасди. Қоп-қанорлар тўла буғдойарпа, гурунч, мош-ловия, зигир-кунжут, нўхат, жўхоридан тортиб унгача; ёнгоқ майиз, ўрик қоқи, олма қоқи, шафтоли қоқи, қовун қоқи, тут майиз, тут талқонидан тортиб, данак магиз, бодом, пистагача шу каппонда муҳайё. Энди бўлса мадраса, оқ том ва каппон бостиrmасининг баҳайбат ғиши устунларидан ўзга ҳеч нарса қолмабди. Саратон иссиғида қуюқ жизғин ҳидидан димоғ чатнаб, нафас бўғилиб киши кўнгли беҳузур бўларди...

Қаппон саҳни исёнкор оломон билан тўлиб тошган. Мана мен онам ёнида ўтирибман. Ҳамшаҳарларим бошлиридан кечирган фожиали бу дамларни тўла-тўкис қогозга тушириш беҳад оғир... Беш гектардан кенг майдонда ёш-қарн тарашадек қалашиб ётиди. Теварак-ат-

¹ Оқ уй, оқ том — ерликлар учун очилгаш рус мактаби биноси.

роф қуролли солдатлар биләп ҳалқа қилиб ўраб олингап. Зарварап погонли бошлиқлар түдалашыб нима ҳақ-дадир сўзлашардилар... Газабнок солдатларнинг юзларидан газаб ёғилар, боқишилари кўзни тешгудек... Онам ўғилчасини бағрига босиб хомуш ўтиради. Гўё у ҳеч нарса кўрмайди, атрофида бўлаётган воқеалардан хабарсиз... Мен бўлсан онамишнинг тескариси. Саҳнада кўрсатилаётган «томоша» ни қолдирмасдан кўргим келади. Қаппон саҳнида, офтоб тифасида кул-тупроққа қоришиб ётган минг-минглаб ҳамشاҳарларим ҳам менга ўхшаб ўз тақдирлари тўғрисида ҳеч нарса билмасди. Одамлар ўзи билан ўзи овора. Эс-ҳушини йўқотиб жинни бўлиб қолган аёл-эркаклар у ер-бу ерда кўриниб қоларди.

Солдатлар бирон бола ёки каттанинг ўрнидан туришга йўл қўймасди. Бирон киши ўрнидан тураг экан, дарҳол унга милтиқ тўғрилар, ўтиришга ундарди. Ҳамма — ҳамма ерга қалишиб олган. Шундай кенг майдонла тандагедек очиқ ер йўқ.

Вақт пешинга яқинлашиб қолди. Осмон гумбазининг қоқ белига мишиган қуёш одамлар устига аёвсиз аланга пуркарди. Сувсиэликдан чанқаб, ҳолдан толган бечоралар ўзларини қўйгани жой тополмасди. Соатлар ўта боргани сари заҳар танг қилиш табиий ҳодиса. Айниқса ҳоли танг бўлган қарияларнинг кўзлари аланг-жаланг. Улар ноchorликдан ўз иродаларига қарши бориб бўлса ҳам солдатларга ялиниб-ёлворишарди...

— Заҳар танг қилган кишига ўтирган ўрнига ҳожат қилишга рухсат! — деб эълон қилди бир ноинсоф бошлиқ. Одамларнинг фифони фалакка кўтарилди. Кўзларида ўт чақнади. Газабнок хитоблар эштила бошлади:

- Ноинсоф! Худо бехабарлар!
- Инсон эдик. Ҳайвонга айландик булар қўлида!
- Ялинманглар бу итларга!
- Лаънат буларга!

— Оқпошшоси билан қўшмозор бўлмасмикин булар!

Солдатлар қўйга дориган қашқир сингари оломонга ташланди. Оналар бағридаги ёш гўдакларни юлиб олиб, кппон саҳнидаги ҳожатхона ёнига тошдек улоқтира бошладилар. Оналар дод-фарёд кўтаришиб болаларига югуришар, бола она билан солдат қўлида улоқ... Солдатлар давра олиб тураган, оналар бағридан юлиб олинган гўдаклар шу давра ичига улоқтириларди. Гўдаклар қуш боласидек чирқиллашар, бифиллаб, кўкариб қотиб-қотиб йиғлар, оналар зори, оломон ҳайқириғидан ер-кўяларзага келарди. Бир-бирига қалашиб, қуртдек ғимирлаб, жажжи қўл-оёқчаларини қимирлатиб чирқираётган гўдаклар... қуролли солдатлар она-оталарини даврага сира яқинлаштирумасди. Кппон саҳнинда гўё қиёмат қойим юз берди.

Одамлар орасида бир неча ҳомиладор аёл бор эди. Буларнинг баъзиларининг шу ерда кўзи ёриган, баъзиларини тўлгоқ тутиб ётарди. Оналар ҳаётида эзгу воқеа ҳисобланиб келингган кўз ёриш пайтида жазо отрядининг офицерлари ва казаклар ваҳшийлик намуналарини кўрсатардилар. Тўлгоқ тутиб, чинқириб ётган оналарга ёрдам қилиш учун интилган кампирларни уриб-сўкиб ҳайдар, «Ўламан!.. Ёрдам қилинглар!» деб зор қақшаб ерда ағанаб, тўлғаниб ётган оналар олдига уларни ўйлатмасди.

— Ҳай, тўражон! Ўта қолай, чақалоқнинг киндиғи кесилмаса она-бала нобуд бўлади-я,— деб зорланарди, оппоқ сочи тўзиб кетган бош яланг кекса бир момо. Ҳомиладор онанинг тортаётган азоби, қомати камалак монинг ялиниб-ёлвориши ҳар қандай тош юракни ҳам эритарди. Шундай ҳам бўлди, ҳеч ким кутмаган бир воқеа рўй берди; кўзи ёриб, қизил қонга беланиб ётган она-болага ёрдам қилиш учун момолардан бир-иккитасини ўтказиб юборган солдатнинг боши балога қолди. Қўнгир

мўйлов, бароқ қош, юзи хўроz тожидек қип-қизил зар погонли бир бошлиққа ўрис солдатнинг мусулмон аёлига кўрсатган меҳрибончилиги ёқмабди Йсёнкор «сартлар» кўзи олдида у солдат қуролсизлантирилди ва ҳайдаб олиб чиқиб кетилди. Оқпошшога тобе солдатнинг мутлақо бегуноҳ мазлума бир онага кўрсатган инсоний шафқати учун унга берилган бундай жазо, халойиқда бошқа бир таассурот қолдирди шекилли, ола-ғовур бошланди:

— Саллотлар орасида ҳам раҳмдиллар бор экан-ку...

— Саллот ҳам оқпошшога қул-да! Бўлмаса-ку, у ҳам...

— Тўғри. У подшонинг қули бўлса ҳамки, туғиб ётган аёлга раҳмдиллик кўрсатди. Боши балога қолишини билса ҳам шундай қилди. Шўрлик йигит!

— У ҳам сиз-бизга ўхшаган бечора онанинг фарзанди-да!

— Ўрисдир-чулчутдир, ўз жинсига тортади. Камбагал бўлса камбағалга қайишади.

— Сартларга шафқат қилаётган сенми ҳали, деб отиб ташламаса шўрликни?— деган гаплар эшитиларди. Бу ҳодиса рус солдати билан рус армияси бошлиқлари ўртасидаги тафовутни кўрсатиб берди оломонга. Жазоланган солдатга нисбатан уларнинг дилларида қандайдир хайриҳоҳлик туйғулари пайдо бўлди. Ҳатто зарварақ погонли бошлиқни қарғаб, ҳақорат ҳам қила бошладилар. Солдатларнинг подшога бўлган садоқати зўравонлик, жазога асосланган маълум бўлиб қолди. Чунки подшога душман саналган аёлларга хайриҳоҳлик кўрсатган солдат, подшо тузуми душманлари кўзи олдида жазоланди! Бу ҳол рус солдатлари орасида қўзғолончи мусулмонларнинг дўстлари борлигидан далолат берарди. Менинг бошимни силаган солдат шу бўлмаса эди, деб эмаклаб унга яқин бордим. Иўқ, у эмас экан. Мен ўйлаганимча раҳмдил солдат битта эмас экан...

Маҳаллалардан ҳайдаб келинаётган исёнчиларнинг кети узилмасди. Бора-бора кенг каппон саҳнига оломон сифмай қолди. Доира кенгая борса-да, одамлар қалашиб минди-минди бўлиб кетди. Кишилар ўзларича бичиб-тўқирди. Бирор: «Бутун Жиззах халқини шу ерга тўплаб Сибирга бадарға қиласмиш», деса, бошқа бирори: «Бўйнидан боғлаган ит овга ярамайди! Узинга душман фуқарони подшо бешига бало қилиб Сибирга олиб борармишми?! Бе, ҳаммамизни шу ернинг ўзида отиб гумдон қиласди!»— дер эди. Шунда баъзи хотин-қизлар юм-юм йиғлар, эркаклар қандайдир дуо ўқишар, калимэ қайтариб золимга инсоф тилашарди. Менинг қулогим овда. Теварак-атрофимдагиларнинг гап-сўзларини пайқаб олгим келарди.

Биз каппоннинг жануб темонида, қўрғон ичига яқин култепа устида ўтирибмиз. Яқинда ўт қўйилган бу иморат култепасининг иссиқ ҳоври ҳали батамом совуганича йўқ. Бунинг устига қўёш ёниб бошымиздан алашга тўкмоқда.

Нима бўлди-ю жануб томондаги соқчи солдатлар иккига бўлинди-да, шарқ ва гарб томонга ўтиб, ярим доира шаклида саф тортди. Жануб томонда бир нафар ҳам солдат қолмагач, халойиқ ичидан ҳаяжон, ғовур-ғувур бошлиди. Атрофимдаги эркаклардан бири:

— Ўзим айтганим келди, калима қайтаринглар, мусулмонлар! Ана, тўп-тўпхоналарини тўғрилади, ҳозир отади,— деди-да, овозининг борича: «Лоилоҳа иллоллоҳу муҳаммадир расулилло...» деб қичқирди.

Мен тўпни кўрмоқчи бўлиб чўкка тушиб мадраса томонга қарадим. Ҳа, бу одам бекорга бақирмаётган экан. От қўшилган аравалардаги қатор тўпларнинг оғзи биз томонга қаратилганини кўрдим. Энди оғзимни жуфтлаб бир гап айтмоқчи эдим, онам этатимдан тортиб ўтқазди.

— Қарама! Кўзингини юм! Калима қайтар!— дея укам

билин қўшиб мени ҳам бағрига босди. Мен юзимни онам-линг кўкрагига қўйинб бир оз жим ётдим. Бўлмади, нафасим қисиб, бўғилиб кетдим. Зўрлик билан онам бағридан бошимни чиқариб олдим. Укам иссиқда уриниб, кўзини очишга ҳам дармони йўқ, онамнинг тиззасида ўликдек шалпайган.

Жазо отряди ўз исмига муносиб машъум бир корбадга таёrlанаётгандек.. Халойиқни ўраб турган солдатлар сафи аввалгидан кўра қалинлашган.

Ўрда томон бутунлай соқчисиз қолганини ҳисобга олмаганда, кенг майдоннинг уч томони қават-қават солдатлар билан ўраб олинган...

Одамлар энди бутунлай ҳаётдан умидларини узиб, бир-бирлари билан видолашар, оналар болаларини қуноқлаб йиғлашар, дод-фарёд, йиги-сиги сурони каппоши бошига кўтарарди. Бир неча юзлаб солдат милтиқларини оломонга тўғрилаб команда кутаётгандек. Шунда одамлар: «Кунимиз битгани шул!» дейишиб бошларини зигиб, ўлимни кутиб ўтиравердилар.

Шу пайт йўқ ердан автомобиль овози эшитилди. Бу менга таниш овоз эди. Қулоғимга ишонмадим. Баҳор чоғи, жума куни бўлса керак, бир тўда болалар қўй бозор майдонида, шундайгина Тошкент йўли биқинида чиллак ўйнаб юрардик. Тош йўлдан автомобиль гувиллаб ўтиб қолди. Чувуллашиб машина орқасидан анча сргача қувлаб бордик. Кейин дадамдан эшитсан, бу автомобиль Туркистон генерал-губернаториники экан. Шу саргузашт ҳисимга тушиб автомобиль овози келаётган томонга бўйнимни чўздим. Нимани кўрайин, худди ўша биз қувлагаш машинанинг ўзгинаси. Автомобиль устида бир одам тик турарди. Унинг қўлида конвертга ўхшаш бир қофоз. У қўлини баланд кўтариб қофозни ҳавода силкитарди. Бир зумда бир тўда погониллар автомобилни қуршаб олишди. Уст кийими тўпигига тушган, ўсиқ сочи

елкасини босгап, серсокол, бүйдор бир киши машинадан узатилган қоғозни олди. Одамларнинг гапидан билишим-ча, у поп бўлса керак. Погонлилар тўпланишиб новча поп билан нима ҳақдадир қизғин сўзлашарди. Қўзғолончиларнинг бутун эътибори уларга қаратилган. Мен кўрганларимни оқизмай-томизмай онамга айтиб турадим. Бошини эгиг, кўзини ерга қадаб олган онам бир оҳангда:

— У ёқса қарама! Золимларнинг юзи қурсин! Калима қайтар! — деб қистар ва бошимдан ушлаб ўзи томон тортарди. Мен бўлсан саркашлик қилиб, майдонда содир бўлаётган ҳодисаларни қизиқиб кузатардим.

Орадан кўп ўтмай погонлилар тарқалишди. Оломонни ўраб олган солдатлар бўлакларга бўлиниб, тўда-тўда бўлишиб, гурс-гурс қадам ташлашиб халойиққа беш-үн газ яқин келиб тўхташди. Соқчилар энди аввалгидан сийраклашиб қолганди.

Бир неча погонли ва погонсиз қуролли кишилар ўлим кутиб ўтирган қўзғолончилар орасини ёриб ўтиб, майдоннинг ўрта ерига келиб тўхташди ва у ердаги одамларни уриб-туртиб орқага суреб, ўзлари учун жой очиб олишди.

Зар погонли бошлиқ ўзига кўз тикиб турган минглар-ча ўзбекларга мағрур боқиб «жим!» деган маънода қўл силкиб, ёнида таъзим бажо келтириб турган лўппи юзли йигитга ниманидир уқтириди, сўнг қўлидаги қоғозни унга узатди. Йигит қоғозни олар экан, олдин уни ўпди, сўнг ўнг қўли панжасининг учини чаккасига тегизиб, оёғини оёғинга уриб сакраб тушди-да, қоғозни кўздан кечиргач, бошлиққа эгилиб таъзим қилди. Қенг майдон сув сепгандек жимиб қолди. Халойиқ йигитнинг оғзига тикилиб туради.

— Мусулмонлар! — деб хитоб қилди, икки буқлаб ушларан илон нусха қамчисини ҳавода силкитиб, лўппи кози йигит,— қулоқ солинглар!. Жиноятчи, нонкўр қўзғолончилар! Император олиймақом оқпошшо ҳазрат

олийлари шону шавкат ва салтанати муаззамларига гуноҳи кабир қилибсизлар. Шундай гуноҳни азрўйи инсоф, ҳазрат олий мақом сан исёнчи нобакорларни отиб-қириб ташлаш жазосини умрбод сарсони Сибирь, яъни бадарға қилиш борасида фармони олий чиқазиб, ўз муборак имзоларини қўйиб, муҳри олийларини босибдишар. Тошкентлик частидаги фуқаро «Қили» чўлига, Уратепалик частидаги фуқаро — катта-кичик, ёш-қари, аёл-эркак оч даладаги «Учтепа» чўлига умрбод сарсони Сибирь, яъни шаҳар-қишлоқдан бадарға қилинисанлар...

Халқ нафаси бўғзига тиқилгандек бир зум жим қолди... Сўнг дод-фарёд кўтариб ёппасига ўринларидан туришди. Солдатлар уларни қайта ўтқазиш учун кўп уриниб эплай олмагач, осмоңга қараб милтиқ отилар. Шундан сўнг одамлар «ўғир! ўтири!» қилишиб, ўтирмағапларини этакларидан тортишиб ўтқазиши.

Подшо фармонини ўқиб эшиитирган лўппи юзли йингит қўзғолончилар томонидан уриб ўлдирилган Мирзахамдамнинг ўрли Анварбек эканлигини одамларнинг гапсўзларидан билиб олдим.

Солдатларнинг зўри билан оломон яна жимида.

— Эшиинглар! — дея хитоб қилди Анварбек, — меннинг гапимни яхшилаб эшитиб олинглар! Тошкентлик частига (даҳасига) қарашли маҳаллаларда яшаб келган онлаларнинг боши ўз хотин, бола-чақаларини олиб мадраса орқасидаги Намозгоҳ саҳнига ўтишлари керак. Уратепалик частидаги маҳаллаларда яшаб келган одамларнинг ҳаммаси ўтирган еридан қимиirlамасин! Тушундиларингми?

У ердан-бу ердан савол туша бошлади. Лекин бирои кишининг саволини эшитиб бўлмади. Одамлар ўринларидан туриб аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Болалар йиғлашар, қариндош-уруглар чақириб бир-бирларини қидиришарди. Одатда бир эл иккинчи элга қиз берарди. Жиз-

захда ҳам Совунгарлик маҳалладан Равотлика, ёким Тошкентлик маҳалладан Үратепаликка келин бўлиб узатилган ёки унашиб қўйилган қизлар кўп эди. Одамлар эл-юртидан бадарға қилиниш муносабати билан Тошкентлик даҳасига Үратепаликдан келин бўлиб узатилган, ёки унашилган қизларни она ва қайнаналар ўзлари билан бирга олиб кетмоқчи ва бадарға кулфатини бирга тортмоқчи бўлишарди. Бечора қиз, келинлар икки ўртада талаш эди.

Тала-тўполон чўққисида. Оломонни тинчтишнинг ҳеч иложи йўқ. Бир она қизини «Қили» чўлига тортса, иккинчи томон келинни «Учтепа» чўлига тортади. Фармон зудлик билан бажарилиши керак. Бадарға қилингандарнинг томонларга ажратиб олиш мумкин бўлавермагач, қиличлар қинидан суурилди, найза ва қамчилар ишга солинди, казаклар одамлар устига от сурди. Шундагина оломон тарвуз палласидек иккига бўлинди, дод-фарёдлар фалакни тутди. «Қили» ва «Учтепа» чўлларига мол сингари ҳайдалди Жиззах аҳолиси...

Б А Д А Р Ф А

Саратон. Жазирама офтоб. Қенг күча. Тупроқ болдирға уради. Солдатлар дарғазаб. Одамлар подаси тошқин дарә сингари чайқалиб оқарди. Пиёда солдатлар оломонни уриб-суреб ҳайдар, отлиқ казаклар эса күчанинг икки қанотида от чопишиб, яланғоч қиличларини одамларнинг бошида ўйнатиб даҳшат солиб югуришарди.

Минглаб оломон ҳаракатидан, отлар оёғидан күтарилаётган тұзон орасида кишилар бир-бирларини күролмасдилар. Солдатлар: «Жур! Айда!» дея бақиришар, ёш гүдаклар ҳолсизланиб: «сув-сув!» деб инграшар... Мен онамнинг этагида маңкам ушлаб оқсоқланиб борардим. Үкам сув сүраб тинимсиз йиғлайверганидан товуши хириллаб қолди. Одамлар саратон қуёши иссиғида сув ўрнида чанг ютиб, томоқлари қақраб ҳолдан толған. Солдатларнинг ҳайқириғи, отлиқларнинг қамчи ва қиличлари зарбидан улар зүрге қадам ташлаб, бир-бирларига суюнишиб боришарди. Қари-қартант өзінің өзінде таппап таппа-таппа үткелдерди.

Мана, муҳтарам ўқувчиларимга таниш «Хожа ғозён» хиёбони ёнидан оломон ўтиб бормоқда. Баҳор ойи минглаб қиз-жувонлар ясан-тусан билан худди шу күчадан «Ер-ёр» айтишиб «Хожа ғозён» хиёбонида «наврўз» байрамини ўтказғанди. Барно қыздар түда-түда бўли-

шиб лапар айтганлари, чанг чалишиб, аргимчоқларда учишганлари, чилдирма, дутор чалишиб, базм қилишганлари, шодликлари дунёга сиғмай ўйин-кулгини авжига чиқаргандарни ҳаммамизнинг хотиримизда. Мен ўша осуда дамларни эслаб борар эканман, бирдан бошимга отлиқ солдатнинг қамчиси тушиб қолди. Бошим айланиб йиқилдим. Оломон устимдан босиб ўтар, баъзилари менга тўқнашиб йиқилиб тушарди. Ҳарчанд уриниб ўрнимдан туролмагач, «Онажон» деб дод солдим. Солдатлар одамларни уриб молдек ҳайдар, ерга эгилиб ёрдам қилишга имкон бермасди. Мен қандай қилиб оёққа турганимни билмайман. Бўталоқдек бўзлаб, одамлар оқимида хасдек қалқиб, онами иzlай бошладим. Ҳамма ўзи билан овора. Ота-онасими йўқотиб бўзлаб юрган бола бир мен эмасдим. Катталар бўлса бу сурон даҳшатидан эс-ҳушларини йўқотган. Энди ортиқ қадам ташлашга мажолим қолмади. Менинг баҳтимга одамлар юришдан бош тортиб, тўхтаб қолиши. Пиёда солдатлар наиза ўқталиб, отлиқлар қамчи билан савалаб ҳам одамларни юргизолмади, ҳамма ўтириб олди. Дўйқ-пўписа иш бермагач, солдатлар оломондан ўзини четга олишди. Баъзилари тамаки тутатиб, баъзилари милтиқларини оломонга тўгрилаб ҳайкалдек қотиб турарди. Отлиқ солдатлар кўчанинг у бошидан-бу бошига от суриб, ўтирган одамларга ниманидир уқтироқчи. Биз тилига тушунмасдик. Шунда бошқа бир отлиқ ўзбек тилида гапира бошлади:

— Худонинг осий бандалари! Полковник жаноблари ҳаммаларингни ётишга фармон бердилар. Молга ўхшаганлар! Қани, ётинглар!

Оломон орасида олаговур бошланди.

— Овозлар ўчирилсин!.. Йўқ, ундаи эмас, юзни ерга бериб, кўкрак билан ётилонин!.. Тез! Тезроқ қимирласаларинг-чи, рўдаполар!

— Овозинг гүр тагидан келгур, ким ўзи? — ёнимда ётган бир аёл гүнғиллади.

— Анварбек эмасми?

— Ўша!

— Гўрингда тўнғиз қўпгур Мирзаҳамдамнинг арзандаси!

Анварбек кўча бўйлаб от чопиб одамларни ётишга мажбур қиласди. Онасини йўқотган қўзичоқ сингари ёш болалар «Буви!», «Аяжон!» деб дод-фарёд қилас, Анварбек дағдағасини писанд ҳам қилишмасди. Оломон орасидан кимнингдир овози эшилди:

— Анварбек! Ҳарна бўлса ҳам мусулмон фарзандисиз, мўминларга раҳм қилинг!

— Мусулмончилик қолдими! — дея ўшқирди Анварбек.

— Динингиздан қайтибсиз-да. Ҳай аттанг! Ҳайр, майлингиз.. Аммо сиз ҳам отасиз. Ёш болангиз бордир, ахир. Бизга раҳм қилманг, гўдакларга раҳм қилинг, Анварбек!

Мен гарчи қорнимни ерга бериб ётган бўлсан ҳам, қўзимни Анварбекдан узмасдим. Анварбек одамларнинг гапига эътибор ҳам қилмади. У отининг жиловини буриб юзини тескари ўғирди. Илон нусха қамчинини икки буқлаб этиги соғисига секин уриб, отлиқ офицерга ниманидир матьқулларди.

— Ташналиктан жонимиз ҳалқумга келди. Ҳаддан ошди зулмларинг.

— Оқпошшо дастидан дод-дод!

— Додлама!. Додингизга қулоқ соладиган одам йўқ! Бу ҳали ҳолва! Зиёфатнинг қуюгини чўлга бориб кўрасанлар!

Анварбек ўлганнинг устига чиқиб тепгандек, атай-лабми, билмадим, ҳар қалай оломоннинг яраланган юрагига туз сепар, қақшаган асаблар билан ўйнашарди. Тоқати тоқ бўлган одамлар яна ғулу кўтарди:

— Ноинсоф!
— Динсиз!
— Золим!

Солдатлар ер тепинар, суворилар одамлар устита от солиб ҳам уларнинг овозини ўчиролмади. Фулу борган сари кучая борди. Қарс-қурс милтиқ отилди. Ўқлар тепамиздан чийиллаб учиб ўтди. Кун ёнарди. Қуёш гўё тепадан аланга сочаётгандек. Ер гўё қизитилган хумдошу, одамлар сопол асбоб!.. Анварбек тўхтовсиз жаварди:

— Кимда-ким ердан бошини кўтарар экан, ёки ўрнидан турар экан, жойида отиб ташланади. Офицер жанобларининг буйруқлари шул!

— От!

— Бу хўрликдан ўлим афзал!— деган овозлар янгради.

Одамларнинг кўзига ўлим кўринмай колганди. Мен кўзимни юмиб, юзимни тупроққа қўйиб ётавердим. Ер мисдек қизиган. Бирпасда қора терга ботдим. Оғзим куриб, тилим танглайимга ёпишиб қолди. Устим юпин, кўйлақчангмаи. Қорним, тиззам тупроқда жиз-жиз куярди. Одамлар ўтиндек қалашиб, узала тушиб, ерга бағрини бериб ётишарди. Бошимдан юз-кўзимта тер қуилиб, нафасим қиса бошлади. Юрагим «гурс-гурс» уради. Онамни ўйлаб, хўрлигим келиб «пиқ-пиқ» йиғлардим.

— Кимнинг ўғли бўласан?— оғир-оғир нафас олиб сўради ёнимда ётган аёл.

— Роҳатойни.

— Қайси Роҳатой, Сафар амакининг ўғли Назирқулмисан?

— Ҳа.

— Мен момонг бўламан.

— Момо!— дедим энтикиб. Гўё ўз онамни топиб олгандек қувондим. Турсуной момо менга доялик қилган.

Бир менга эмас, маҳалламиздаги ўғил-қизларнинг киндигини Турсун момо кесган. Қўзи ёриган ҳар бир она-нинг оғзига ош тутиб дармонга киритган. Чақалоқларни ювиб тараган, баданига тупроқ, киндигига мой сўртиб йўргаклаган. Иссиқ бағрига босиб аллалаб ухлатган.

— Турсуной момонинг қўли енгил,— дер эди оналар, унга миннатдорчилик билдирган бўлиб. Ҳа, тўлғоқ тутиш билан «осон»гина кўзи ёриган оналар қаторида, бола тескари келиб беҳад қийналган оналар ҳам бўлар экан. Бола тескари келиб, ажал она бўғзига чаңгал солиб турган кезларда, бир эмас, икки жонни ўлим чаңгалидан қутқазиб келган, уларга ҳаёт бағишлаган нажоткор бу мўътабар момога маҳалла аҳлиниң ҳурмати чексиз эди.

— Болагинам, худога нима ёзифимиз бор экан,— момом қўл чўзиб елкамни силай бошлади.— Онанг, данглар қани?

Мен онамни йўқотиб қўйганим, дадам билан акам солдатлардан қўрқиб қаёқларгадир қочиб кетганини айтдим. Айтдиму, кўнглим бузилиб йиглаб юбордим.

Момом оқпошони қарғаб, Анварбекдек бераҳм ўғилни ўстирган онадан койиб:

— Бундай дилозор, худобезор бола туққанингдан тўнғиз түгсанг бўлмасмиди, шўрлик она!— дер эди.

Момомдан бу гапларни әшитиб, унга бўлган меҳрмуҳаббатим яна ҳам ортди. Мен эсимни танибманки, момонинг биронта катта ёки кичикка дағал муомала қилганини билмасдим. У болаларга жуда меҳрибон, болалар ҳам Турсуной момонинг жони-дили.

Ез кунлари, айниқса пишиқчилик вақтида мен момонинг ҳовлисига тез-тез кириб турардим. Үннинг ҳовлисида бир туп каттакон олмуруд дарахти бўларди. Олмуруд бўлганда ҳам нашватидан ширин эди. Деярли ҳар куни мактабдан қайтиш чогимда йўл-йўлакай мон

момникига кириб, дўппимни олмурудга тўлдириб чиқардим. У шундай totли эдики, кишининг еган сари егиси келарди. Уйга етиб боргунимча бир дўппи олмурудни еб одош қилардим. Уша ўтган кунлар менга тушдек кўринарди.

Хозир момом ўзича худога ёлвориб, биз гўдакларга раҳм қилишини, золимларга инсоф бериб, жумла мўминни бу кўргуликдан қутқазишини сўрар эди. У такводор кампир, балки унинг доди худонинг Қулоғига етар, деб ишонардим ва ўзимча хаёл сурардим... Анварбек: «Борнинглар! Тўрт томонларинг қибла. Уй-йўларингга қайтишларинг мумкин. Оқпошшонинг ҳақига дуо қилинглар», деб юборса... ҳаммачуввос уриб шаҳарга йўл оларди. Мен онамни қидириб топардим. Албатта Мўлкаллик ариғи кўпригидан ўтамиш. Шунда: «Опажон! Сиз ариқдан бет-қўлингизни ювинг, мен сувга бир-икки шўниб чиқай», десам, онам йўқ дермиди?

— Мусулмонлар! — деган овоз янграб кетди. Хаёлим узилди... — Мусулмонлар! — дея тақрор қичқирди номаълум бир киши. — Ажалимиз етиб, кунимиз битганга ўхшаб қолди. Оқпошшо бизлардан қўрғошин ўқини ҳам ҳайф кўрганга ўхшайди. Сувсиэликдан чанқатиб, танамизни офтобда қовуриб ўлдирмоқчи! Калима қайтаринглар, мусулмонлар! Лоилоҳа иллоллоҳу муҳаммадир расулилло, ашҳади анло илоҳа...» деб пайғамбар номини қайта-қайта тилга олганда, оломон ҳам чуввос кўтариб, «лоилоҳа иллолло»ни айтишиб, калима қайтара бошлади. Минг-минглаб аёл-эркакнинг ҳазин, мунгли овози бир-бирига уланиб, аллақандай ваҳимали бир садо касб этганди. Секин бошимни кўтариб атрофга назар ташладим. Анварбек оломонни жим қилишга уриниб, кўчанинг у бошидан-бу бошига от чопарди. Лекин у оломоннинг товушини ўчиролмади. Шундан сўнг тўрт томондан милтиқ отила бошлади. Суворилар одамлар устига от солиб, улар-

ни қамчилай кетди. Гүдаклардан бошқа ҳамманинг уни ўчди. Аммо ёш болаларнинг йиглаиш: юракларни эзарди. Анварбек энди ер бағырлаб ётганларни туриб ўтиришга мажбур қилди. Одамлар ердан бағыларини күттарар эканлар: «Худога шукур», дейишиб ўзларини елпншарди.

Одам одамни таний олмайди, афт-башарага чаңг ўтиравериб юзи, қош-қовогига гүё лой чапланғандай. Фақат одамларнинг оқ тишилари, милтиллаб күзлари күришарди, холос. Анварбек оломоннинг оёққа туришини, аввалгидек солдатлар бошлаган томонға йўл олишнмизни бақириб уқтириди. Одамлар чанг-тўзон күтариб ўриниларидан турдилар.

— Юриб бора туриб бирон одам тўдасидан четга чиқса, ёки орқада судралиб қолса, отиб ташланади. «Учтепа» чўлига кўп қолмади. Тез-тез юриб манзилларинга етиб олишларинг керак, қани, кетдик! — дея отига қамчи урди Анварбек.

Отлиқ ва пиёда солдатларнинг яна жазавалари тутди.

«Айда!.. Айда!» дея бақиришиб, отлиқлар оломонни пода сингари ҳайдай бошлади... Ит азобида, кун ботиш чоғида «Учтепа» чўлига етиб олдик. Суворилар оломон тўдасини гир айланишиб, одамларни ўтиришга ундарди. Ҳолдан толиб, дармони қуриғаи одамлар ўзларини таппа-таппа ерга ташлашди. Анварбек яна эски қўшиғини такрорлади:

— Юракларинг ёрилмаса ҳам бўларди, қириб ташлаш тўғрисида берган фармони олий, яна оқпошшо ҳазратлари томонидан ўзгартирилди. Бу, сиз нонкўрлар учун кутилмаган шафқат бўлди. Мана энди, «Қили» ва «Учтепа» чўлида ўз кунларингизни кўраверасизлар. Бундан катта марҳамат бўлиши мумкин эмас! Бунинг учун аввало худога шукур, сўнг худонинг ердаги сояси оқпошшо ҳазрат олийлари ва ўғил-қизлари, завжайи муҳтарамаларининг ҳақларига дуо қилинглар. Сиз му-

сулмонлар учун бу ҳам фарз, ҳам қарз! Қани, якдил бўлиб ҳаммаларинг бир дуога қўл кўтариングлар-чи?— дея Анварбек фотиҳага қўл очди. Оломон ўртасидан ким-нингдир овози эшитилди:

— Мусулмонлар!.. Бахтсизликда ғамгузор биродарларим! Қўлларинги очиб омин денглар. Дуой хайр бор, дуой бад бор. Омин денглар, мусулмонлар!

— Омин!!!— оломоннинг ғазабнок овози янграб, кенг чўлда акс-садо берди.

— Омин денглар, мусулмонлар! Оқпошшо ҳазратларининг бизга кўрсатаётган марҳаматлари ўн ҳисса бўлиб худодан ўзларига қайтсин!

— Илоҳи омин!— дейишди гуриллашиб одамлар. Чўлдан акс-садо эшитилди.

— Омин денглар, мусулмонлар! Худоё худовандо, оқпошшо ҳазратлари йиқилсин — турмасин, йиғласин — кулмасин!

— Илоҳи омин!— дейишди гуриллаб одамлар. Чўлдан, «йиғласин — кулмасин» дея акс-садо эшитилди.

Оқпошшо ҳазрат олийлари билан тўралар қўшмозор бўлсинлар!

— Ё раббано, илоҳи омин!.. Қўшмозор бўлсинлар!..

— Жим бўл! Овозинг гўрдан келгурлар!— дея бақирди Анварбек. Аёллар қарздор бўлиб қолишмади, бир қарғишига ўн қарғиш билан жавоб қилишди. Хотин-қизлар юм-юм йиғлашиб:

— Оқпошшонинг дастидан дод!

— Оқпошшонинг даврига тўполон келсин, худо!

— Бошпанасиз бу чўл-биёбонда қандай кун кечира-миз энди!

— Сувсиэ, нонсиз тирикчилик қандай ўтади!.. Бу азобдан отиб ўлдиргани яхши эмасмиди, мусулмонлар!— деячуввос кўтариб, фифон қилишарди одамлар.

Мени «ҳа» дегудек ҳолим йўқ. Гўё тирик мурдадек

чүэилиб ётардим. Олағовур ичида Айварбекнинг ёқим-сиз овозини аранг эшитардим.

— Мана «Учтепа» чўли. Бир-икки чақирим нарида «Тукир сой»... Қамишзор бор. Қапа тикиб олсаларинг...

Сўнг нима бўлганини билмайман...

...Баҳайбат арава устида сон-саноқсиз одамлар. Қуён-дек хўтиқча шу қадар катта арава билан шунча одамни қир томон тортиб борарди. Қаршимизда осмон билан ту-ташган ёнар тоғ... Хўтиқча шундай югурадики, арава-нинг филдирати баъзан ерга тегиб, баъзан тегмай ёнбошига огиб, яна тўғриланиб борарди. Хотин-халаж қўрққанидан кичқиришар, гўдаклар оналарига ёпишиб йиглашарди. Мен араванинг орқасида зўра илиниб ўти-тардим. Онами чақирай десам овозим чиқмайди.

Худонинг құлрати билан хўтиқча қанот чиқазди. Арава билан осмонга парвоз қилди. Одамлар бу ғайри-табии ҳолдан ваҳимага тушиб дуо ўқирди. Аравамиз қора булутлар орасида сузиб борарди. Осмону фалакда туриб ерга қарасам, ёнар тоғдан бурқиб тутун чиқмоқда, атрофига ловалар сочилмоқда. Аланга билан ўралиб олинган кенг майдонда илон билан чаёnlар одамга ўх-шаб ўйинга тушиб, бир-бирларига муқом қилишаётгани яққол кўриниб турарди. Ақл бовар қилмайдиган бундай манзаралар кўз олдимда намоёл бўлар экан, домламдаи эштганим дўзах шу бўлсамикин, деб ўйлаб кетдим: «У дунёда дўзах, беҳишт бўлади,— деб таъриф қиларди домлам.— Бу дунё бевафо, кимда-ким бу дунёни деб, у дунёни унутса, савоб иш турганда гуноҳ ишлар қилса, ундай бадкирдор бандаларни худо дўзахида ёндиради. Беҳишт юзини кўрмайди, абадий ҳамроҳи шайтон алай-ху-лаънат бўлади, охирати куяди», дер эди.

Домламнинг шу гапларини эслар эканман: «Ҳа, аравага қўшилган хўтиқча худонинг ё фариштаси, ё шайтони бўлса керак. Үзимизнинг жайдари эшакнинг боласи

шундай баҳайбат аравани тортиб. қанот чиқариб осмонга учолармиди?.. Беҳиштга кирадиганлар дўзахнинг кўпрги пулсиrotдан ўтиб олиб, сўнг беҳиштга киради, дейишарди. Балким фаришта бизни пулсиrotдан ўтказятгандир!»— деган ваҳимали хаёлларга гарқ бўлиб турганимда: «Кўзларингни юминглар!» деган нидо эшилди. Кўзимни очсан, ёнар тоғ ўрнида ям-яшил ўрмонзорни кўрдим. У ерда тушимда ҳам кўрмаган рангоранг қушлар сайрашарди, уларнинг ёқимли овозидаи киши маст бўлиб, аравадан ўзини ташлагуси келарди.

— Хўтиқча! Аравянгни шу ўрмоннинг бирон очиқ ерига тўхтат! Жаннатдек жой экан. Томоша қилишайлик,— дейишди чувуллашиб одамлар. Аравамиз ўрмонга қўниш учун ерга шўнгий кетди. Осмонда бизнинг кўзимизга ўрмон бўлиб кўрнинг нарса, тубсиз, қирғоқсан зенгиз бўлиб қолди. Аравамиз денгизга қўнди. Қўнди-ю, ҳамма гарқ бўлди... Мени денгиз ўз қаърига тортарди-ю, мен ўзимни эмас, онамни ўйлайман. Бир вақт онамнинг: «Болагинам, қўзичоғим... Бор экансан, топдим... минг қатла шукур»,— деган овози эшилди.

Кўзимни очдим... Қоронги тун. Гангиб, ҳеч нарсани пайқай олмасдим.

— Назирқулжон. Тузукмисан, ўғлим?.. Ҳа, нега индамайсан?..

Эсимни йигиб, эслай бошладим. Онам қучоғида ўзими кўргач, онажон!— деб юбордим.

— Қўзичоғим,— дея бошимни силарди онам.

— Укам қани?

— Уканг, мана, ухлаб ётибди.

Мен бошимни кўтариб қарадим. Тун қоронги бўлгани учун укамниг юзини кўролмадим. Сўнг пайпаслаб юзларини силадим.

— Ухлаб ётибди. Уйғонмасин,— деб мени ўзига гортди онам.

— Она, биз ҳозир қаердамиз? — қоп-қоронги чўлга назар ташлиб сўрадим мен.

— Қаерда бўлардик, Николай пошшонинг гулбоги-дамиз, ўғлим!

— Қандақа гулбоғ? — деб сўрагим келди-ю, сўрамадим. Сўраб онамнинг ёниб турган юрагига ўт қалашни истамасдим. Қаерда эканлигимизни ўзим яхши билардим. Фақат уйқунинг карахти билан шундай саволни бериб қўйиб, сўнг пушаймон қилдим. Ҳали ёш бўлсам ҳам оқпошшонинг бизга берган жазосининг қанчалик даҳшатли эканлигини тушуниб олгандим. Уй-жойингдан мосуво қилиб, ўз она шаҳрингдан чўл-биёбонга ҳайдаган бўлсал Бир қултум сув, бир бурда нонга зор, кўрпа-ёстигининг қоқ ер бўлиб қолган бўлсал!.. Онамнинг нима демоқчи эканини ёш бўлсам-да тушуниб олгандим. Гапнинг тўғрисини айтсам, онамнинг бу гали менинг кўзимни очганди; зулмга, золимларга қарши газабимни қўзгатган эди.

— Биласизми, онажон, қандақа тушлар кўрдим?..

— Қандақа туш? — қизиқиб сўради онам. Мен батафсил айтиб бердим. Онам тушимни хайриятликка жўйди: «Сен кўрган ёнар тоф биз сургун қилинган чўл. Аланга ичиди базм қуриб юрган илон-чаёнлар Анварбек билан саллотлар... Дўзахдан омон-эсон ўтиб, яшил ўрмонзорга дуч келишинг, бу халқ бошидаги фалокатнинг аригани. Денгизга тушиб кетганда уйгониссан, сув ёруғлиқ бўлади. Худо хоҳласа ёруғлиқ кунга чиқар экаммиз, ўғлим.

Онамдан бу сўзларни эшишиб кўнглим ёришиб кетди.

Тонг отиши билан гўё шаҳарга қайтаётгандекмизу, осойишта ҳаёт яна бошланадигандек...

Тун қоронғисида юлдузлар шундай чараклаб кўришар эдикни, мен ўн ёшга кириб осмонда шунча кўп юлдуз борлигини биринчи марта пайқадим. Мен юлдузларга эмас, миллион-миллион юлдузлар гўё бизга тикилиб, ҳо-

лимизга қайғуриб, қўзларидан мильт-мильт ёш тўкаётган-дек... Одамларнинг йўталиши, басма-басига хуррак тортишлари, чигирткаларнинг чирқииллашини ҳисобга олмаганда, тун сокин, фақат мен ва юлдузлар бедор эдик... Гарчи онам тушимни яхшиликка жўйиб дилимга тасалли берган бўлса-да, тушда кўрганларим қайта-қайта қўз олдимга келавериб, ухлай олмадим. Очликдан юрагим гумуриб, оғзидан қора сув келарди. Шу аҳволда дадам билан акамни ўйлардим. Улар солдатларнинг қўлига тушган бўлса, уларсиз бизнинг кунимиз нима кечади? деган ваҳималар билан хаёлим қочиб турган пайтда, ёнимда ётган одамлар дув ўринларидан туришди. Буларнинг шарпаси билан онам ҳам чўчиб уйгонди ва босинқирабми, алланима деб гапирди. Укам чириллаб йиглади, кимдир унинг оёғини босиб олган бўлса керак. Онам укамни бағрига босиб овутишга ҳаракат қиласади. Одамлар бир-бирларидан «нима гап?.. Нима гап?» дейишиб сўрашар, лекин бирон одам қандай воқеа юз бергани тўғрисида ҳеч нарса айттолмасди. Шу аснода ҳар томондан эркак кишиларнинг овозлари эшитилди.

— Халойиқ! Тинчланинглар! Шаҳарда яшириниб қолганлардан уч-тўрт киши етиб келибди.

— Кимлар экан улар?

— Шаҳардан келганларнинг бири Шокир ака,— деган овоз эшитилди.

— Қайси Шокир?—чувуллашиб сўрашди одамлар.

— Ҳа, лақабини қўшиб айтмагунча бўлмайди чамаси; Шокир ялама оиласидан ким бўлса бу ёққа келаверсин!..

Аёл ва болалар чувуллашиб қолишли. Кимдир: «Шокир ака, бу ёққа келинг. Хотин болаларингиз шу ерда»,— дер эди.

— Халойиқ! Сурон кўтармасаларингиз-чи! Салим хўрознинг ўғли Оқил, Дўсматнинг боласи Соатлар кели-

шибди. Ота-онаси шу ерда бўлса бу ёққа келсин!— Оқил, Соат менинг мактабдош ўргоқларим. У срга учиб боргим келди. Лекин онам этагимдан тутиб: «Борма! Яна йўқолиб қоласан. Қулоқ сол-чи, зора даданг билан аканг ҳам келган бўлса».— деди.

— Шерназарнинг хотини, укалари бўлса овоз берсин!

— Қайси Шерназар?— чувуллашиб сўрашди одамлар.

— Шерназар-чи, Кенжавойнинг акаси, лақаби билан айтсан Шерназар боди!

Оломон орасидан кимдир кулди. Онам қўлимдан маҳкам ушлади-да:

— Юра қол! Шерназар поччанг келибди. Максад аммангни эри. Зора даданглардан дарак олиб келган бўлса,— деди-да, укамни кўтариб, мени етаклаб йўл олди.

Ой уфқдан мўралаб, аста кўтарилмоқда. Унинг шуъласи қоронгиликни ютиб, бепоён чўлни сутдек нур билан тўлдира бошлади. Онам мени етаклаб, оломон орасини ёриб ўтиб, Шерназар почча ёнига этиб олди. Поччанинг қариндош-уруғлари ўраб олган. Одамлар шаҳарда колиб кетган жон-жигарларини йўқлашиб, унга саволлар беришарди. Онам ҳам энтика-энтика дадам билан акамдан дарак сўради. Шерназар почча:

— Эрингизни, ўғлингизни кўрдим. Оймат сўфининг девори тагидан чуқур қазиб, ота-болани кўмиб, чўлга йўл олдим,— деди.

Онам қўриқинчли овоз билан бақирди-да, нафаси ичинга тушиб, қўлидаги боласи билан ерга гурс этиб йиқилиди. Мен бу машъум хабардан тангиб қолгандим. Ҳушсиз йиқилиб ётган онамни бир неча аёллар кўтариб, суяшиб ўтқазди. Укам қўрқувдан даҳшатга келиб йигларди. Мен уни кўтариб олдим. Қаёқдан Турсуной момом этиб келди. Укамни қўлимдан олиб, унга бир дона парварда берди. Онамнинг юз-кўзини силаб:

— Үзингни тетик тут, Роҳат. Болаларинг қўрқяпти. Нича бўлса худодаи. Банда бўлганингдан сўнг тақдирга тан берасан-да. Мана, мен ҳам чолимдан ажралиб қолдим. Тифи парронига учрагур саллот, ақалли эримнинг оппоқ соқолини ҳурмат қилмади. Кўзимизни бақрайтириб оёғидан отди. Етган ажали, шаҳид кетди чолим раҳматли. Сен ҳам энди ўлганларга имон, қолганларга умр тила. Ҳали бизнинг ўзимиз нима бўламиз, худобиисин...

Мен онамнинг пинжига кириб, уни суяб ўтирдим. Укам Турсуной момомни қўйнида ухлаб қолди. Онам пиқ-лиқ йигъларди. Яқингишада иккни азамат акам Но-сири, Қосимлар вафот этганди. Ҳали онамнинг эгнидан мотам либоси тушмасдан, дадам билан акам тўғрисидаги фожиали хабар онамини тириклай ўлдирган эди...

Ой кўк юзида сузар. Пода сингари ёйилиб, тўда-тўда бўлиб ётган одамлар ойдинда ғира-шира кўзга ташланарди. Биз энди одамлар тўдаси ичиди эмас, энг четда, «Учтепа» чўлиннинг шимол томонида ўтирадик. Нечамнинг аёл-эркак гўдаклари билан бир оиланинг аъзолари сингари, гўё бир ҳовлида яшардилар. Кемага тушганинг жони бир, деган мақол сургун қилинганд жizzахликлар тақдирида ўз ифодасини топганди. Ҳа, қаватимдаги аёлларнинг бири: «Бундан сўнг ҳолимиз нима кечади?» деса, бошқа бирови: «Бошга гушганни кўз кўрар, ҳа, бундан сўнг кўрган кунимиз нима бўларди, дунё тамом, этаки», дер, яна бошқа бирови: «Тирик бўлсак бир тепада, ўлиқ бўлсак бир чуқурда бўламиз. Ноумид шайтон. Худо подшоҳи карим. Узи яратган бандаларини хўрлаб қўймас, ахир. Боболаримиз, зулм қиличи қайралган подшоннинг боши ўз қиличи билан кесилади, деганлар. Оқпошонинг зулми фуқаронинг суяк-суягидан ўтиб кетди»,— дер эди.

Мен ўз қайғум билан ўртаниб ўтирасам да, теварак атрофдан әшитилиб турған гап-сүзларга бепарво бўлолмасдим. Чунки биз улоқтирилиб ташланган жарликнинг туви кўринмаса ҳамки, оналар айтмоқчи, киши дунёдан умидини узолмас экан. Мен оқпошшо халқ жонига қасд қилиб қайраган қиличи қандай қилиб ўз бошини кесар экан, деб ўйлардим. Дадам қўзголои бошлиган куни амаким билан сўз талашиб, сен-манга бориб қолгани эсимда:

— Оқпошшо билан беллашишдан олдин ўйлаш керак эди! Оқпошонинг чумолидан кўп аскари, Жиззахдан туриб отса Самарқанд минорасини қулата оладиган тўп-тўпхонаси бор! Э-ҳа, ур-калтак билан Николайни таҳтидан қўзғатиб бўлармишми! — деган эди... Дадам ҳақ, амаким поҳақ бўлиб чиқди. Қаёққа кетди ўзиши подшоҳ эълон қилмоқчи бўлган Назирхўжа билан Бодондан ялов тортиб келган Жевачи?! Бўлмади, қайтага икки орада эл давосиз дардга, ногаҳоний балога гирифтор бўлди. Бу балодан қутулишнинг иложи бормикин?. Фақат биргина йўл бор... Қани эди, энди тушим ўнгидан келса-ю, хўтиқча билан учар арава шу топда «Учтепа» чўлида ҳозир бўлса. Дамин кулол билан Муҳаммади бучча қулоқдек ботирни қаватимга солсан, учар аравага менинг тўппа тўғри оқпошшо саройига қўнсак.Faflat уйқусида ётган оқпошонинг калласини шартта кесиб, хуржунга солиб, учар аравага ортиб яна «Учтепа» чўлига равона бўлсак... Оҳ, қани эди, шу хаёлни ҳақиқатга айлантиришнинг ҳисоби бўлса! Ҳисоби йўқ-да! Шунинг учун ҳам одамлар баъзан хаёлпастлардан кулиб: «Орзуга алб йўқ», дер эканлар-да...

Кечак сутдек ойдин. Саратонда кундузлари беҳад иессиқ бўлишига қарамасдан, чўл туни салқин бўлар экан. Устимда бир қават кўйлак, баданим жумушшиб онамининг пишкига тиқилардим. Уйқум қочиб кетди. Самода сайд

этаётган ой. сон-саноқсиз юлдузлар күзни қамаштиради. Кампирлардан эшитган афсоналир эсимга тушиб кетди.

— Осмонда ҳам, ерининг тагида ҳам одамлар яшармиш. Ерининг тагидаги одамлар белбоги тиззасидаи, ерда яшовчи одамлар белидан, осмонда яшовчи одамлар кўкрагидан белбог боялармиш... Осмондаги одамлар ердагиларга юлдуз бўлиб кўрингандек, ердаги одамлар — сиз билан биз осмондагиларга юлдуз бўлиб кўринар эканмиз...

Кампирларниңг афсонавий бу гапини эслаб, ўзимча ўйлардим:

— Осмондаги юлдузлар одам бўладиган бўлса, уларнинг ҳам подшолари бордир... Ҳа, дарвоҷе Зуҳро юлдузи ер подшосининг қизи бўлганмиш.. Отасининг адолатсизлигига қарши исен кўтариб осмонга учеб кетганмиш... Ўзи адолатпарвар бўлган Зуҳро, фуқароларига зулм қилмаса керак. Шунинг учун ҳам доим унинг юзи ёруг, юлдузлар ичиди энг кўркам, равшани ёлғиз Зуҳродир. Осмон одамлари Зуҳродек маликаси билан баҳтиёллар... Бу афсонани эслар эканман, осмондан, Зуҳро юлдузидаи кўзимни узолмасдим. Гўё у осмонда туриб бизнинг азобуқубатимизни кузатиб тургандек.

Уз хаёлпастлигимдан хижолат тортгандек кўзимни юмдим. Яна ўйга толдим. Теварак-атрофимда одамлар хуррәк тортишар. Катта-кичик чарчаб, шалайим бўлиб ўйқуга кетган...

Үйқум келмади. Яна кўзимни очиб, бошимни кўтариб теварак-атрофга қарадим. Гўё бир қабристонни кўргандек бўлдим. Одамлар оила-оила бўлиб қалашиб ётарди. Бу эса, ойдин кеча, чўл сукунатида дўппайиб турган гўрларни эслатарди.

Тап-тақир чўл. Баланд-паст тепаликлар. Ким билсин, бу тепалар қачон пайдо бўлган, бошидан не савдолар ўт-

казған?.. Бу тепалар ҳам сургун қилишгандар сингари уйқуда... Жоңсиз, ҳаракатсыз чүл қўйшида, абадий уйқуда!. Мен эса, ваҳимали бу тунда узоқ-узоқларга боқаман. Олисда, жуда ҳам олисда қандайдир қора нуқта кўринишгандек. Қора нуқта диққатимни ўзига жалб қилди. Мен ундан кўзимни узолмадим. Қора нуқта борган сарн каттайди, яқинлашиб келарди.... Ниҳоят, нуқта одам шаклига кирди. Икки одам ва бир от... Ҳа, ҳа, иккита одам. Иккита одам икки томондан отнинг жиловини ушлаб, сенин қадам ташлаб, биз томон келмоқда. Ойдинда юзлари яхши кўринмайди. Улар биздан уч-тўрт қадамгина нарида тўхтади. Отнинг ўнг томонидаги бола акам Мансурга ўхшайди. Юрагим жигиллаб кетди-ю, беихтиёр «Ака!» деб юбордим. Акам менга отилди. Дадам бўлса хўрсина-хўрсина, «болам-болаларим», дер эди. Улдига чиқарилган дадам билан акамнинг пайдо бўлиши ҳаммани ҳайратга солганди. Ҳа, отиб ўлдирлиб, Оймат сўфининг девори тагига кўмилган одамларнинг тирилиб келиши худди тушга ўхшарди. Онам шўрлик нима қилиш ва нима дейишини билмай акамни қучогига босиб йиғлар, мен бўлсан, дадамнинг бўйнига осилиб олиб соқол-мўйловидан ўпиб: «Дадажо! Тирик экансиз», деб жаврардим.

Бизнинг шовқинимизга атрофдагилар уйғониб кетишди. Улар кўзларини уқалашиб: «Нима шовқин?.. Нима гап?..» дейишарди. Мен товушим борича бақириб:

— Нима гап бўларди, дадам билан акам тирилиб келдилар,— дер эдим.

Оломон бизни ўраб олди. Улар дадамдан ҳол-аҳвол сўрашар эканлар, Шерназарнинг «ҳазишлидан» хафа бўлишиб, уннинг шаънига ҳақоратомуз сўзлар айтишарди.

— Шерназар бодини энди биляпсизларми? Ёлғон гапирмаган кунн хотини талоқ бўлади! Бирорнинг дилини оғритмаса ётиб уйқуси келмайди. Яхши одам бирорвга ўлим тиламайди!— дер эди дадам.

Биз бутун кечани уйқусын үтказдик. Дадамнинг гапи-
га қараганда, шаҳарда одам қолмаган. Якка-ярим қочиб
қолғанлар бола-чақасига озиқ-овқат ғамлаб «Учтепа»га
етказиш пайида юрганишилар.

Дадам ҳам «Учтепа»га қуруқ келмабди, отга ярим
қоп бугдой, учта кўрпа ортиб, қумғон, қозон, мис кўзада
ёг, бир пақир узум олиб келибди. Онам кўрпанинг битта-
сими тўшаб укамни ётқизди-да, устига иккинчи кўрпани
ёпиб қўиди.

Ҳали тонг отмасдан одамлар «уйқу»дан туриб олган-
ди. Оч қорин билан қоқ ерда қанақа уйқу бўлсин! Очлик,
ташналиқ ҳаммани ғангитиб қўйган эди. «Нон!.. Сув!»
деб нолиш килаётган гўдакларнинг дод-фарёдига тоқат
қилиш қийин эди. Ҳамма эртани ўйлаб боши қотган.
Одамларнинг бири қўйиб, бири дадамни сўроққа тутар-
ди. Кимди:

— Сафар ака! Чўл чегарасида саллотга дуч келдинг-
изми? — деб сўради.

Дадам бир эмас, тўрт саллотга дуч келганини айтди.

— Саллот индамадими?

— Фақат ёнимизни титкилаб, кўрпани ёзиб, қопни
ковлаб кўрди. Кейин ўғлнимни елкасига қоқиб: «Баран-
чук-баранчук» деди-да, қўйиб юборди.

— Саллотлар ичидаги раҳмдиллари ҳам бўлар экан.
Офицери худонинг ғазаби.

— Саллотларнинг ўзи ҳам офицерларидан безиллаб
турар экан.

— Сафар акамга тегмай чўлга ўтказиб юборибди.
«Тўражон, баранчуклар очдан ўлиб қолади. Қишлоққа
тушиб озиқ-овқат топиб чиқайлик» десак, ичимииздан
вакил юбориб саллотларга арз қилсак, қалай бўлар
экан?

— Ҳа, ётиб қолгунча отиб қол, деган гап бор,— деб
бошқаларнинг сўзини қувватлади дадам.— Бориш керак.

Арз ҳам қилиш керак. Очдаи ўлмаслик учун нима зарур бўлса ҳаммасини қилиш керак...

Муаззиннинг, «Оллоҳу акбар-оллоҳу акбар» деган ни-доси эшитилди. Гап тўхтаб, тикка турганлар ўтиришди. Ўтирганлар хомуш бўйин эгишди. Тепаликка чиқсан му-аzzin, лоилоҳа иллолло!— деб азонини айтиб тугатди. Аёл-эркак юзига фотиха тортишди. Эркаклар ўриплари-дан туришиб бомдод намози ўқишга тайёрлик кўра бош-ладилар. Кимдир: «Сув йўқ, таҳорат нима бўлади?» деди. Бошқа бирори: «Пайғамбаримиз сув йўқ ерда таяммим жоиз, деганлар», деб фатво берди. Шундан сўнг эркаклар енгларини билакларигача шимаришди. Панжаларини ер-га уриб тупроқ билан қўллари, билакларини ва юз-кўз, қулоқларини ювган бўлдилар. Бомдод намозини ўқиш учун муаззин азон айтган тепалик томон кетди-лар...

Онам тонг отгач қўғирмоч қовуриб беришга ваъда бе-риб бизни қувонтирган эди. Тонг отиши билан дадам: «Буғдойни кўз-кўз қилмай тур! Намоз бомдодга жамоат жам бўлади. Элнинг бундан кейинги тирикчилиги тўғри-сида бирон маслаҳат бўлса керак. Шунга Қараб иш қи-лармиз», деб ўзи намоз ўқигани кетганди. Акам билан иккимиз қўғирмоч қовуриб бер, деб қанча хархаша қил-майик, онам дадамнинг гапини икки қилолмади. Қорним очиб, юрагим гумуриб кетди. Нафсимни тиёлмадим. Яна пақирдаги узумга човут солдим. Узумли пақир кўрпага ўроғлиқ турарди. Мен кўрпани очишга тутингандим, онам қўлимни ушлаб, кўрла орасидан пақирни олди-да:

— Болам! Анави болаларни кўряпсанми? «Нон! Оч қолдик» дейишиб онаси шўрликни гангитиб қўйишиди! Уларга ҳам бир шингил-бир шингил берайлик... Ўзимиз еганимиз билан шохимиз чиқмас,— деди.

Биз билан ёнма-ён ўтиришган аёлнинг бир ўғли, уч қизи «нон» деб фингширди. Онам уларга икки бош узум

узатиб: «Үргилай, курган ошни күйиги ёмон дейдилар. Болагиналарингизнинг оғзи тегсин. Очликдан эсгиналари кетди. Эй, яратган эгам! Болагиналарнинг раҳмини есанг нима бўларди!» деди. Аёл узумни болаларига бўлиб берди. Болалар талашиб, бирига бири чанг солишиб, бирпасда узумни еб қўйишиди. Аёлнинг кўз ёши тинмасди. У «мусичадек беозор эримнинг қўзғолонга бошчилик қилишда айбланиб қамалишдан беҳад хавотирдаман», деб йиғларди. Ўғли Ҳакимжон озғин, кўзи ғилайроқ, ёқимтой бола экан, мен у билан дарров ўртоқ бўлиб олдим. Онам берган бир бош узумдан бир шингилини олиб Ҳакимжонга бердим. У узумни банди билан оғзига тиқиб, ҳаш-паш дегунча еб қўйди. Онам билан аёлнинг гапи қўр олиб, Шерназар поччанинг номаъқул хулқи тўғрисида сўзлашарди. Онамнинг изоҳига қараганда, поччанинг дадамга адовати бўлган. Акам терлама касалидан вафот этди. Ёш хотини икки ўғли билан тул қолган эди. Ўзбекларнинг урф-одати бўйича тул қолган аёл эрининг йил ошини ўтказмасдан турмушга чиқмайди. Оиласизнинг келини бу одатга зид Шерназар деганга эрга чиқадиган бўлган. Дадам рўйхушлик бермаган. «Ақалли эрининг йил ошиси ўтсин. Эгнидан аза кийими тушиб, оқ кияр қилисин. Вафодор хотин эрининг арвоҳини чирқиллатмаслиги керак! Қирқ йигитнинг боши бўлган ўғлимнинг қадр-қиммати шу бўлдими!» деб хафа бўлган.

Бу гап «почча»нинг қулоғига етади. Икки орада адоват туғилади. Дадамдан ўч олишни кўнглига тугиб қўйган «почча» вақти келганда ана шу хилда найранг ишлатиб, бизга озор етказар эди.

Очлик азоби жон-жонимдан ўтиб кетди. Сабрнинг чегараси емирилган... Акам билан иккаламиз: «Қўғирмоч!. Кўғирмоч!» деявериб онамнинг қулоқ-миясини қоматга келтиргандик. Онам бечора:

— Бурунгиларнинг боласи, экиб келдим. Буғдой пиш-

сын. Тандир-тандир нон ёпиб бераман,— деганда, чидалы экан. Сенлар бұлсанғ, дадаң шамоздан қайтгүнча ҳам чидамайсан!— деб бизни сабр-қаноатта чақирады.

Менинг бошимга, буғдойни қовурмасдан еса нима бўлади, деган фикр келиб қолди. Бу фикр акамга ҳам маъқул бўлди. Онамнинг кўзини шамғалат қилиб буғдой солинган қоп устига ёпиб қўйилган кўрпани кўтариб орасига кирдим. Қопнинг оғзи боғлоғлиқ экан. Харчанд уриниб очолмадим. Сўнг қопнинг бирон йиртиқ жойи бордир деган умидда пайпаслаб кўрдим. Йўқ. Қоп мустаҳкам. Бутун. «Ҳани энди, шу топда пишоқ бўлармиди, қорнидан ёриб, дўппимни бугдойга тўлдириб чиқардим», деб ўйладим.

— Дадаң ҳадемай келиб қоладилар. Қўғирмоч қоvuриш учун ўтин керак бўлади. Укангни қаватингга олиб ўтин териб кел!— деди онам.

— Қандақа ўтин?— сўради акам.

— Қаранглар, янтоқлар орасида оққурай кўринади. Оққурайни биласанми?

— Нега билмай, палов пиширганингизда ёқардингизку,— деб очилиб жавоб берди акам.

Мен бу орада секин кўрпанинг орасидан чиқиб олдим. Биз ўтин теришга йўл олган эдик, онам:

— Назирқул! Ҳакимжон ўртоғинг ҳам бормоқчи,— деди. Ҳаким бизга эргашди.

— Үғирлаган буғдойнинг ҳани?— сўради акам.

Жавобимдан акамнинг ҳафсаласи пир бўлди. Яқин орада бўлиқ оққурай кўринмади. Оққурай қидириб анча нарига кетиб қолибмиз.

Кун чиқиб, ҳаво исий бошлади. Тўрғайлар оёғимиз остидан чуғурлаб учиб чиқар, ҳавода пирилларди. Янтоқзор оралаб оққурай юла бошладик. Оққурайнинг танаси бақувват бўлар экан. Нимжон Ҳаким бир туп оққурайни синдиргунча қўл-оёғига тикан кириб йиглай бош-

лади. Мен Ҳакимнинг олдига бордим-да: «Қўй. Кучинг етмаса, мен оққурайни синдириб беравераман, сен бир ерга тўплайверасан», дедим. Шундай қилдик. Биздан беш юз қадамлар нарида одамлар энгашиб ниманидир териб юрарди. Акамнинг даъвати билан учаламиз одамлар томон юрдик. Юрдигу, пушаймон қилдик. Янтоқ белга уради. Оққурайдан бўлса дарак йўқ. Қайтмоқчи бўлган эдим, акам:

— Назирқул! Борайлик. Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур, деган экан тулки. У ерда бирон фойдали нарса бўлмаса шунча одам бекорга соврилиб юрмасди,— деди.

— Борамизу, тикани кўп экан. Болдиrim, оёқ-кўлим тиканга тўлди,— дедим.

Ҳакимжон билан мен гаплашиб акамнинг орқасидан боравердик. Ҳакимжоннинг дадаси жуда машҳур қори экан. Рўза ойлари мачитларда қориликка ўтиб ҳаммани йифлатар экан. Товуши қўнғироқдек, қуръонни қўшиқдек мақомга солиб ўқир экан. Ҳакимжон дадасидан таълим олиб қуръоннинг кўп сувраларини ёд олипти. Мен ҳам бир неча суврани ёддан билардим. Биз бир-биримизни имтиҳон қилдик. Қуръонни қироат билан ўқишида Ҳакимжон мендан кўра ўткир экан. Мен ўқиган нарсаларининг маъносини сўрадим. У: «Қуръоннинг маъносини худодан бўлак ҳеч ким билмайди»,— деб жавоб берди. Мен ортиқ савол бермадим. Лекин Ҳакимжон дадасининг қандайдир янгича мактаб очиш тараддуудида юрганлиги, янги очган мактабда болалар тез савод чиқариб, бир-инки йил ичиди ўқиб, ёзадигаи бўлиб олиши мумкин, деган гапни дадаси оғзидан эшитганини сўзлаб берди. Дадасини эслаб гапирав экан, дам-бадам кўзига филтиллаб ёш келарди...

— Укажонларим! Назирқул! Худо бериб қолди, югуришлар! Ҳазинанинг устидан чиқиб қолдик. Қўряпсан-

ларми бошоқ, нақ буғдойнинг ўзгинаси!— дер эди, бошоқни қўлида сиљкитиб акам.

Мен акамнинг олдига югуриб эдим, оғим ярасига тикан кириб ўтириб қолдим. Тиканни ола туриб, менинг ҳам бошоққа кўзим тушди.

— Ака! Мана, менам бошоқ топдим,— деб қичқирдим.

— Бошоқ сероб экан. Териб дўппиларингга солаверинглар! Тур ўрнингдан!— дер эди кўзини аланг-жаланг ерга югуртириб акам. Мен бошоқни кафтимда янчдим-да, сомонини пулаб совурдим. Донини оғзимга солиб касир-кусур чайнадим, хамир ҳиди анқиб, қақраб ётган оғзим сув оча бошлади. Мазахўрай бўлиб, очкўзлик билан бошоқ қидирардим. Янтоқлар орасида «яшириниб» қолган бошоқларга кўзим тусиб шошиб қолдим. Қувончимдан:

— Ҳакимжон! Оққурайни ташла! Бу ёққа кел! Бошоқ нималигини биласанми, ўзинг? Бошоқ буғдойнинг ўзгинаси. Есанг маза қиласан,— деб бошоқларни териб дўпимга солардим.

Ана-мана дегунча дўппим тўлди. Акам этаги тўла бошоқ билан олдимга келиб кўйлагимни ечириди. Кўйлакнинг ёқасини енги билан боғлаб халта қилдик-да, бошоқларни унга солдик. Оз фурсатда кўйлак-халтамиз ҳам тўлди.

Бир гала эркак-аёл ва болалар рўмол, белбоғ ва тўнларига бошоқ туғиб олиб, қўнган жойларига қайтишарди. Акам кўйлак-халтани кўтарди. Ҳакимжон билан мен йўловчилар атрофларида парвонадек елиб-югуриб оққурай териб борардик.

Бирорнинг: «Назирмисан?» деган овози эшитилди. Қарасам, мактабдош ўртоғим Оқил, Салим хўрошининг ўғли.— Ҳа, жўражон!— деб қичқирдим мен ҳам.

— Сенларни ҳам чўлга ҳайдашганмиди?..

— Кўриб тўрибсан-ку!

- Даданг, бувинг қаердалар?
- Шу ерда, «Учтепа» чўлида. Сенинг даданг, бувинг-лар-чи?
- Улар ҳам шу ерда.
- Бошоқ тергани яна келасанми?
- Сен-чи?
- Сен хўп десанг бирга келамиз. Ейдиган бошқа нарсамиз йўқ-ку, ахир, жўражон.
- Бўпти. Нима қилиб оққурай кўтариб юрибсан?
- Онам бошоқдан қўғирмоч қовурадилар. Бизниги каел!
- Сизларники қаерда?
- «Учтепа»да дедим-ку.
- Биз «Учтепа»дан юқорига кўчдинк. У ерда қудук бор. Сув бор...

Қудук-сув дарагини эшишиб акам гапга аралашди. Оқил биз билан бирга борадиган, қудук-сув тўғрисида, кўчиб борган жойлари ҳақида дадамга гапириб берадиган бўлди. «Биз ҳам кўчиб бориб, ҳаммамиз бир ерда яшаймиз», деб Оқил жўрамни қувонтирдим.

Дадам билан онам бизни тажанг бўлиб қарши олишиди. Дадам:

- Болани ишга буюр, орқасидан ўзинг югур, деб бекор айтмаганлар-да!— деди.
- Талқон енгу болаларингизни сувга юборинг!— дея пичинг қилди онам. Бироқ бу кўнгил хиralик узоққа чўзилмади, кўйлак-халта тўла бошоққа кўзлари тушиши билан онам:
- Шукур қилинг, дадаси. Үғилларингиз нон топишшиб келибди. Емон куннинг бир куни бўлса ҳам ўтганини айтмайсизми! Дунёдан бутунлай умидимни узиб қўйган эдим. Мана, донимиз йўқ эди, донлик, сувимиз йўқ эди, сувлик бўлдик. Қани, болаларим бери келинглар, дўппиларингни тутинглар!— деди онам рўмолига тугилган қў-

Еурмочдан бир кап-бир кап дүп биларимизга солиб.— айтиб қүйй, қулокларынгда бўлсин, яна баднафслик қилиб қўғирмочни бирданига ёб қўйманглар. Бир дона-бир дона оғзиларингга солиб, шимиб-шимиб, сўнгра чайнасаларингиз ҳолвайтар егандек маза қиласизлар. Кечгача бундан бўлак овқат йўқ!— деб уқтириди-да, ҳар қайсизмизга бир қултум-бир қултумдан қайнаган сув ичирди. Сув таъмсиз эди. Қани энди шу сувдан бир косаси бўлсал. Биз келгунимизча одамларнинг кўпин кўчиб, қолганлари ҳам кўчишга ҳозирланётган эди. Дадам аллақачон қудуқ бошига бориб, пақир билан қумғонин қудуқ сувига тўлдириб қайтган экан. Қопдаги буғдои, кўрпаларни отга юклаб биз ҳам қудуқ бошига қараб йўл олдик. Чўлда одам болалари чумоли сингарни ўрмалашарди. Қудуқ бошига етиб бордик. Бу ер ҳам тақир чўл. Маълум бўлишича, бу ерда беш-олти овул қозоқлар яшар экан. Жиззахликлар исёни бостирилгани, жазо отряди ёвузилик қилаётганидан хабар топган қозоқлар қаёққадир кўчиб кетганлар. Қалиб ташланган таппининг орасига бир катта қозон, тахтадан ясалган бир пақирни беркитиб кетган эканлар. Оломон таппини қулатиб, қозон билан пақирни олишинти. Пақир қудуқдан сув тортишга, қозон қўғирмоч қовуришга асқатипти.

Биз қудуқ бошига етиб борганимизда ажойиб манзарани кўрдик. Бир нечта норғул йигит қудуқ атрофини қуршаб олган. Қандайдир бир мўйсафиид товуши борича бақиради:

— Мусулмонлар! Бутун ҳалойиқ қудуққа ёпирилган билан бирон муддао ҳосил бўлмайди. Яхшиси, ҳаммаларинг жой-жойларнингизга бориб ўтиринглар. Фақат оила бошлиқлари қудуқ бошида саф тортиб қатор турсинлар! Тегирмон навбати билан, деган гап бор. Ҳар ким гартибга риоя қилса, навбати билан битта-битта қудуқ олдинга келса, жон бошига бир пиёла ҳисобидан сув

олаверади. Шундай қылсак, қудуқнинг суви ҳаммага етади. Қани, тартиб билан қатор бўлинглар!

Оломон бир-бирини суриб, итаришиб сафга тизила бошлиди. Болалар чирқираб йиғлашар, олағовур чўлни қоплаган эди.

Азamat йигитлар қудуқдан сув тортмоқда. Қатордаги одамлар навбат билан чойнак, коса, қумғон, мўндиларига сув олар эканлар: «Барака топ!.. Сувдек сероб бўл!» дейишарди.

Чўлда ғимирлаган жон борки, ҳаммаси нафс ғамида овора! Бу оламлар орасида ҳафталаб нон юзини кўрмаган ва иссиқ овқат емаганилар кўп эди. Сургундагиларнинг бирдан-бир смиши қўғирмоч бўлиб қолди. Бир эмас, бир неча қозонда аёллар қўғирмоч қовураган эдилар.

Дадам ҳам қудуқ бошига кўчиб келишимиз билан ўчоқ қазишга тутнинганди. Акам, мен, Оқил, Ҳакимжон, иккала жияним Мели, Фойиблар биргалашиб бошоқ янчишдик. Бу ишга леҳқон боласи Оқил бошчилик қилди. У янчилган бошоқни дўпписига солиб, бўйи баравар кўтариб секин тўка бошлаган эди, чўл шабадасида сомон четга учиб, дони бир ерга туша бошлиди. Шу тахлитда бошоқни донга айлантириб онамга бериб турдик. Онам иккала опам билан қозонда қўғирмоч қовуриб, расамади билан тарқатишарди. Бир майязни қирқ киши бўлиб еган замон бўлган экан, деган гапни она-оталар оғзидаи кўп мартаба эшитган эдим. Мана энди ўшанақа замонни ўзим қўриб турибман.

Биз билан қўшни оиласлар ҳам бошоқларнин янчиди, буғдойларини кўтариб бизнинг ўчоқ бошига келишди. Улар ҳам навбатма-навбат қўғирмоч қовура бошладилар.

Туш пайти Қўёш яна қизитиб, одамлар бошидан аланга сочарди. Чашқоқликдан одамларгини эмас, ер-кўқ: «Сув! Сув!» дей иолиш қилаётгандек... Одамлар бошпа-

на — соя қидиради. Бошпана қаёқда дейсиз!. Лекин бүннинг ҳам иложини топдилар. Оққурай тўлидан соябон қилишди, гўдак ва хаста кексаларни сояга ётқиза бошлидилар. Аммо буни ҳам «худо» кўп кўрди. Қаёқдандир бало-қазодек қуюн етиб келди, соябонларни дамига тортиб, гирдобига ўраб олиб кетди. Мен бундай қуюнни биринчи кўришим. Қуюн ер сатҳида шиддат билан гир-гир айланар, ер билан осмон оралиғида зўр устун ҳосил бўларди. Қуюн тупроқ, қум, хор-хасларни ердан кўтариб, одамлар тўдасига урди. Оломон чанг-тўзон ичидаги қолди. Ёниб турган ўзоқлардаги чўғларни ўчириб кийим-кечакларга ўт кетди. Одамларнинг бошидаги дўппи, рўмолларини учиралиб, кўз юмиб очгунча ҳамма ёқни остин-устин қилиб юборди.

Одамлар қуюнни даф қилиш учун: «Е ошпичоқ, қалампир! Е ошпичоқ, қалампир!» деб бақиришарди. Мен қандай ҳодиса рўй берганига тушуммай, қўрққанимдан ер бағирлаб писиб ётардим. Тўполон шамол тинди. Аёллар чанг-тупроқ кирган кўзларини уқалаб, ёқаларини ушлаб: «Балойи ногаҳонийдан ўзинг сақла, худойим», дейишиб, қуюн учиралиб кетган анжомларини теришар экан, ўзаро сўзлашардилар. Бу шамол гўё одатдаги шамол бўлмасдан, дев-ажинлар шамоли—қуюн эмиш. Бундай вақтда дарров: «Е ошпичоқ, қалампир!» дейилмаса, инс-жинслар одамларни чалиб оғзини қийшиқ, оёқ-қўлни шол қилиб кетар эмиш... Мен қуюн орасида соғсаломат қолганимга таажжубланиб: «Она, мен ошпичоқ, қалампир демадим. Нега дев-ажинлар мени урмади?» десам, онам: «Дев-ажиналар қалампирдан қўрқишармиш... Шунча одам: «Ошпичоқ, қалампир!» деб бақиришгани учун дев-ажиналар тўдамизга доришдан чўчили. Бу девларнинг шамоли эди. Ўзи бўлса тўдамизни сакраб ўтиб кетди», деб жавоб қилди.

Мен у пайтларда одамларнинг бу эътиқоднига ишонган

ёки ишонмагаппигимни эслай олмайман. Аммо бўлиб ўтган у воқеани эсласам, хурофот ота-оналаримизнинг қанчалик содда ва анди қилиб қўйганига ҳозир ҳам ачина-май.

Сувсиз, озиқ-овқатсиз, бошпанасиз чўл-биёбонда одамлар бошда гангид қолган бўлсалар-да, кейин яшаш учун кураша бошладилар. Одамлар қаёқдандир қамиш орқалашиб келиб, капалар (чайла) қуришга киришишди. Турган жойимиздан беш-олти чақирим нарида «Тўкир сой» номли қамишзор борлиги маълум бўлгач, бир гала одамлар билан дадам, акам, поччамлар ўша ёқса қараб йўл олишди. Биз бир гала болалар бир бўлиб ма-шоқ, ўтин тергани кетдик. Сувсаб-ҳориб, оёқ-қўлимиз ти-канга тўлиб, бир этак-бир этак бошоқ териб қайтдик. Кунботар чоқда икки линг қамишни отга ортиб дадам-лар ҳам қайтишди. Қамиш ўриш учун бирон асбоб йўқ-лигидан ҳар бир дона қамишни қўллари билан қайириб, синдириб тайёрлагунларича кўп қийналганлар. Қўл-оёқ-лари ажда-ажда бўлиб кесилган, афт-ангор ва кийимла-ри қип-қизил қон эди...

Шу кун кечаси одамлар кўз юммади деса бўлади. Қамиш ташиб, ката қуриб тонг оттирдилар. Учинчи куни ҳар бир оила ўз чайлласига эга бўлиб олганди. Эркаксиз, ишга яроқли кишини йўқ бевазанларга ҳашар қилишиб ката тикиб беришди.

Бош омон бўлса дўппи топилади, деганлариdek, мана номи чайла бўлган билан ҳарқалай бошпана тайёр бўлди. Қапалар тикилди-ю, одамларнинг боши бошига қо-вушиб қолди. «Фалончининг чайлласи... фалончи фалончи билан қўшни!» деган гаплар пайдо бўлди. Бироқ ёлғиз ката билан чўлда ҳаёт кечириш асло мумкин эмасди. Тўрт-беш ўтовлик қозоқ биродарларни сув билан таъмин қилиб келган қудуқ иккинчи куниёқ қуриб қолди. Таш-налиқ азобидан юрак олдириб қўйган халқ орасида яна

ваҳима бошланди. Уй-жойларидан бутунлай маҳрум қи-линган жиззахликлар орқасидан ҳалокат қувиб юрарди. Сувсиз, озиқ-овқатсиз, бир бурда нонга зор бўлиш ҳало-катнинг ўзи эмасми, ахир!

Қариялар тўп-тўп бўлишиб гурунг қуришарди. До-нишманд кексалар кўрган чора ва тадбирлар сургундаги-лар қулогига яшин тезлигида етарди. Кексалар гурунги-да бўлиб ўтган гап-сўзларни дадам оқизмай-томизмай онамга келиб айтарди. Кексалар кенгашиб қудуқлар қа-зишга қарор қилишибдилар.

Ёш-яланглар дарҳол бел боғлаб ишга киришдилар. Кечаси билан ухламасдан навбати билан қудуқ ковлаш-дилар. Бир эмас, учта қудуқ қазилди. Иккитаси говмиш чиқиб эл сувга сериб бўлиб қолди. Балоларнинг бири — ташналиқ балоси даф этилди. Худонинг куни кўп! Очлик балосининг чораси нима бўлади, деган ваҳима катта-ки-чикнинг тинка-дармонини қуритганди.

Кексалардан бирори кенгашда шундай депти:

— Биродарлар! Тўрт томонимиз қуролли қотиллар билан ўраб олинган. «Учтепа»дан чиқиб Жиззах ёки Тошкент томонга йўл олишга ҳақимиз йўқ, қоровуллар отиб ташлайди. Қандай дарди бедаво кунга қолди, шўр-лик халқ!.. Энди, бирдан-бир чора қолди: ичимиздан элчи сайлайлик. Бир парча оқ латтани чўлга боғлаб ялов қи-либ элчимиз қоровуллар олдига борсин. Элчига ўлим йўқ. Унга тегмаслар. У сургундаги оломоннинг арзини баён қилсин. Нонсиз, сувсиз, бошпанасиз чўл-биёбонда қолдик десин. Тезлик билан сургундагиларга нон-сув ет-казиб беришни, ўз киндигимиз қони томган шаҳримизга тезлик билан ҳаммамизни қайтаришни талаб қилсин.—Бу фикр кенгаш аҳлига маъқул бўлибди... Дадам чайла та-гида ўтириб кексалар қарорини онамга ҳикоя қиларди. Шу пайт чайлалардан одамлар чиқиб тепа томонга қара-шиб қолишди. Болалар ҳам ўша томонга югуришди. Мен

ҳам болалар орқасидан бордим. Тепалар оралигида отлиқ ва тия стаклагани одамлар кўришди. Бизлар учун тушдек кўринган карвон қўрамиз томон йўл олди, эски қудуқ олдига келиб тўхтади. Отлиқ отдан тушди. Туялар чўкди. Мен: «Қудуқ эгалари яна қайтиб кўчиб келишмадимикин?» деб ўйлаб турувдим, улар одамлар билан қучоқлашиб кўз ёши қилишиб, «боврим-боврим» дейишиб кўришишди. Ҳол-аҳвол сўраб ҳолимизга ачиннишди, афсус-надоматлар қилишди.

— Биз Босимбек уруғидан бўламиз,— деб ўзини, ёнидаги икки йигитни таништирди ёши олтмишлардан ошган мўйсафид қозоқ,— Учтепа чўлига сургун қилингандарингиздан кеча хабар топдик. Оз бўлса-да, пича буғдой, бир йилқи олиб келдик. Ёмон куннинг бир кунига бўлса-да, яраб турар,— деди кўз ёшларини артиб чол ва подшони қарғаб, лаънатлай бошлади. Бу қардошлиқ туйгулари сургундагиларнинг бошларини кўкка еткургандек бўлди. Чайлалардан бирини бўшатиб меҳмонларни ўтқаздилар. Меҳмонлар савол устига савол беришар, жиззахликлар бошларига тушган кулфатларни айтиб адодилишолмасди. Кекса қозоқ отни сўйишга фотиҳа берди. Одил қассоб чаққонлик билан уни бажо келтирди. Гўшт билан саккиз қоп буғдой расамади билан оиласаларга тақсим қилинди...

Кунлар ҳасратда ўтиб борарди. Бу орада бир неча гўдак туғилиб, бир неча аёл-эркак қабрга ҳам қўйилди. Яширишининг ҳожати йўқ, «кўрганнинг куни ортиқ» дегандек, чайладан чайлага қиз узатиб, бир коса сув билан никоҳ ўқитиб, қиз-йигитни қовуштириб қўйишарди. Катта опамнинг қизи Норакбуви ни ҳам шу тахлилда куёвга узатгандик.

Кексалар юборган элчилар чегара соқчиларидан хушхабар олиб қайтгани тўғрисида дув-дув гап тарқалди. Чегара соқчиларининг командири билан элчилар ўртаси-

да бир татар солдат тилмочлик қылган эмиш. Командир элчиларни хушмуомалалик билан қабул қилиб, сургундагиларнинг арз-додларини уезд ҳокимиға етказишга вавда қылганмиш.

Ана шу кундан бошлаб катта-кичикнинг қулоғи овда бўлиб қолди. Кунлардан бир кун бошоқ териб юрган эдик, айни пешин вақтида Жиззах томондан бир қора пайдо бўлди. Мен қўлимни қошим устига соябон қилиб Қарадим. Узоқдан у қора нуқта одамми, ҳайвонми ажратиш кийин эди.

— Жўра! Жиззах томонда бир қора кўриняпти, шима бўлса экан? — сўрадим Оқилдан.

Оқил ҳам қўлини қоши устига соябон қилиб узоқ кузатгач:

— Отлиққа ўхшайди,— деди.

Терган бошоғимизни шошилиб этакларимизга солиб, чайламиз томон югурдик. Отлиқ бизга яқинлашиб келарди. Биз турган ерга тўрт юз метрлар чамаси масофа қолганда отлиқ бизга етиб олди. От қора терга тушгани, пишқириб бурнидан нафас оларди.

Отлиқ бизга яқинлашгач, унинг йўлини кесиб салом бердик. У алик олгач:

— Этакларингизда нима бор? — деб сўради.

— Бошоқ,— дедик.

— Бошоқни нима қиласизлар?

— Қўғирмоқ қилиб сўймиз.

— Яна егулик нималарингиз бор?

— Бошқа нарсамиз йўқ.

— Қимшининг ўғли бўласизлар?

— Мен Сафар чойфурушнинг.

— Мен Салим хўрозини ўғлимсан.

— Қани, суюнчиши чўзинглар-чи, жўжаларим.

— Нимага суюнчи амаки?

— Омон-омон. Сургун бекор қилинди. Үйларингга қайтасылар,— деди отига қамчи босиб хабарчи.

— Үр-рей!.. Омон-омон!..— дея қувониб, бақира бошладик.

Хабарчининг кўк оти қушдек учиб чайлалар орасида ғойиб бўлди.

— «Омон-омон»... Ур-рей, сургун бекор қилинди. Үйимизга қайтамиз!— деб бақириб-чақириб, далани бoshimizga кўтарниб, қора терга пишиб биз ҳам қўрамизга етиб бордик. Хабарчи отлиқ оломон қуршовида. Одамлар устларидаги чопон ва бошларидаги пешанабоғлари ни счиб отлиққа иргитмоқда. Отлиқ амаки «суюнчи»га кўмилиб кетган... Эркаклар, аёллар бир-бирлари билан қучоқлашиб:

— Омон-омон муборак бўлсин.

— Қуллуқ, ўзларига муборак.

— Энди, оғайни, «Учтепа» чўлини елкамизнинг чуқури кўрсин,— дейишар, бирор қувониб, бирор кўз ёши тўкарди.

Учтепадан гўё сайил тарқалаётгандек чўлни одам босди. Оналар болаларининг қўлидан ушлаб, оталар кичкинтойларни опичлаб чумолидек Жиззах томон йўл олишди. Мен улар орасида борар эканман, йўл-йўлакай шундай гаплар эшитиларди:

— ... Қимирлаган қир ошар, эндигиси осон, тонг отгуича етиб олармиз...

— Ҳарқалай фалокатимиз аригани чин бўлсин.

— Сургун бекор қилинди, фалокатнинг аригани шу, худо хоҳласа.

Йўловчилар гурунги орасидан назаримда қўйидаги гаплар эшитилаётгандек эди:

«Оҳ, Жиззахжон! Танаси ўтда қовурилган жабрдийда шаҳрим! Отам-онам, бобом-момом! Бобокалонларимнинг кипдик қони, хок-тупроги қўшилган табаррук шаҳрим!

Жазо отряли қўйган ўтда кабоб бўлган бағрингни оч! Ярангга малҳам, дардингга даво бўлай. Сенинг чироғингни ўчирмоқчи бўлганларнинг чироқлари ўчсин! Бир умр рўшнолик кўрмай дунёдан йиглаб ўтсин! Биз меҳнаткаш одамлар ҳаёт экан, сенинг чироғинг асло ўчмайди. Ариқларинг сувсиз қолмайди. Зарафшоннинг зилол суви яна бағрингда оқади, боғларингда узум, олма, аиор, ўрик, нок-нашвати гуллайди. Далаларингда қўй-қўзи маърашиб, йилқилар кишнайди. Олтин бошоқ буғдойларинг гўзал Фарғона водийси заҳматкашлари кўзига тўтиё...

Сени хўрлаганлар албатта хор бўлади! Ҳақиқат кеч бўлса ҳам ўзига йўл топади. Биз ҳақиқат, эрк-озодлик истаймиз. Буни топмагунча асло тинчимасмиз! Бу азоб-үқубат, исён ва сургуилар сенинг учун, эй менинг кўз қораҷим, оташ нафас, олов тан, довюрак шаҳрим!..»

Ота-онам ёнида, уйқусираб қадам ташлар эканман, қулогимга чалингган бу нидо, балки исёнчилар туғёнининг менинг юрагимдаги акси садосидир...

Учтепа чўлидан Жиззахга стгунча менинг қулогимдан бу овоз аримади... худди шу овоз далласидан куч олиб, чарчашиб нима эканини сезмай култепа шаҳримга кириб келганимни ўзим ҳам сезмай қолибман...

ШОМИ ГАРИБОН

Күн ботиб, қоронғи чүккан пайтда ҳовлимизга етиб олдик. Күчалар, маҳаллаларта худди бало доригандек...

Мана, бое ҳовли дарвозамиз ланг очиқ. Ҳамма ёқ жимжит. Теварак-атроф кишини ютиб юборгудек. Мен билан тенгдош, бирга-бирга катта бўлиб вояга етиб олган марварид тутимиз, ўрик, олчаларимиз ўқсиб, ғамгин боқиб тургандек. Каҳрабодек сап-сариқ, бол гомиб ётадиган, ҳосили қиров тушгунча сақланадиган ҳусайнин узумларимизнинг сўриларни кулаб тушган.

Үйимизнинг иккала эшиги ҳам ланг очиқ. Эгалик уйнинг эшиги ҳеч қачон очиқ қолмасди. Бир вақтлар онам қучоги сингари иссиқ, кўркам бофимиз, эгаси ўлиб кетгандек бирам хунук, бирам ваҳималики... ҳар қачон кўрпа-ёстиқ тахт уриб қўйилладиган айвон тахмони ҳам бўмбўш. Елғиз каравотимиз ўрнида қимирламай турипти. Қани шу топда ҳар қачонгидек кигиз-кўрпа тўшалги бўлса-ю, ўзимни таппа ташласам. Оёқда тик туришга мажолим йўқ. Қуруқ каравотга узала тушдим. Ухласам, ҳеч турмасдан ухласам, ухлай берсам, ухлай берсам, бирон киши тур демаса мени!

Кўнглим тун қоронғисидек зим-зиё. Чироқсиз, зиёсиз қол-қоронғи кечанинг юрагимга қўйинб қўйган ғашини тарқатолмасдим. Рўзингни сот, рўшнолик ол, дейишарди

баъзан тагдор қилиб опалар Чироқ ёқиши учун гугурт ҳам керак-ку! Қапи ўша чироқ! Қани ўша гугурт!

Онамининг қўлида укам ўликдек шалпайган. Муҳаббат чирой, уйқу жой ташламас, деганларидек, қаттиқ тахта каравот ҳам момиқ жой бўлиб, кўзим уйқуга кетган экан, дадамнинг: «Тур ўрнингдан! Шолча тўшай!» деган овозлари қулогимга кирди. Лекин па туролдим ва на кўзими очолдим...

— Кўй, уйготма, ётаверсин,— деган овоз қулогимга киради. Кўзимни очай дейман, сира очолмайман. Танам увушиб қолгандек. Қимирлашга ҳолим йўқ. Ҳушим бору, жоним йўқдек. Лекин уйгоқман. Ўзимни зўрлаб кўзимни очдим. Офтоб зиёсига кўзим қамашди. Яна кўзим юмилди. Қулогимга ғўнгир-ғўнгир товуш киради...

— Ўз фуқаросига-я!.. Худо кўтарсан уин! Умрбод сургунни раво кўрган оқпошшо қандай худо ёрлақаб инсофга келди экан?.. Ҳалққа кўрсатган бу шафқати а ҳозир ҳам ҳайронман, кунинг қисқа бўлгур Николайни!

— Мени ҳам ақлим лол, у ёғини сўрасанг, тошкентлик. Ҳа, қурбақани ҳам босса «вақ» этади-ку, ахир. Зулм жон-жонидан ўтган эдики, ҳалқ мингбоши, ҳокимга тири кўтарди. Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бирорвга! Ҳалқ ҳўб чидади. Ахири сабр косаси тўлгач, бу помаъқулчиликни қилди... Тўғри айтасан, катталар-ку, қўзғолон кўтариб подшо олдида «катта гуноҳ» қилган экан, бу матъсум гўдаккиналарга бундай жазо чикора-а!.. Ноңсиз, сувсиз, сарсон-саргардонлик билан чўл-биёбонда, ҳаммани ўлдириб, ўлаксахўр қушларга ем қилмоқчи эди бизларни! Ўз фуқаросига шундай жазони эп кўрган ўта кетган золим тош юрак подшонинг дилини нима юмшатди, ҳаммага афв умумий бериб уй-уйига қайтарди? Сенга ўҳшаб, ана шунисига мен ҳам ҳайрон-да, хотин...

Овоз тинди. Лекин бу дадам билан онамнинг овозларини билиб ётардиму, қаерда эканимни эслай олмас-

дим. Ўй ўйлаб, бошим қотиб, күзимни очдим. Осмонга бўй чўзган теракларни кўриб ҳушёр тортдим шекилли, теварак-атрофга кўз югуртирдим. Қаер бу? Бошимни кўтариб, у-бу томонга аланг-жаланг боқдим. Бое ҳовли-мизга ўхшайди. Ҳушимни йигишга ҳаракат қилдим... Учтепа сургуни... Чайла тикиш... Собир йигитнинг чўлда пайдо бўлиши... Омон-омон... Чайлаларнинг бузилиши... Кўзғолончиларнинг Жиззахга йўл олишлари...

Шуларни эслаб ўзимга келдим. Кўзимни уқалай-уқалай атрофга қарадим. Ҳеч ким йўқ. Юрагим орқамга тортиб кетди. Ўрнимдан турдим. «Она!» деб қичқиргим келди.

Биринчи шомни гарифонимиз шу тариқа ўтди...

КАТЛ

Бадарғадан қайтиб ҳам халқ тинчимади. Биринчи жағын урушининг пўлат мушти Россия бошига түшиб турган пайтда халқ тинчлиги тўғрисида ўйлаш хаёлпастралик бўларди. Оқпошибонинг Жиззах қўзғолончилари га кўрсатган «шафқатининг» тагида гап бор экан. Орадан сал вақт ўтмасдан, мардикор олиш тўғрисидаги олий фармонини яна тирилтирилар. Даҳаларга мингбошлилар, маҳаллаларга элликбошилар тайин қилинди. Эски рўйхатлар топилиб, хатга тушган йигитлар яна қайта текширишдан ўтказилди. Мардикорлар учун ўнбоши, юзбоши, мингбошилар тайин қилишиб, взвод-роталарга бўлинди. Шу муносабат билан бизнинг маҳаллада бўлган бир йигилишда қаршилик кўрсатган Қурбонбой Ўринбой ўғли билан Урдушмат Отабой ўғли ва бошқалар қамоққа олинди. Бошқа маҳаллаларда ҳам шу каби воқеалар рўй бериб турди. Лекин аввалгидек амалдорлар қони тўкилмади. Чунки ҳар бир маҳаллада қуролли полиция ва ҳарбий патруллар изғиб юрарди. Қайноқ сут ичиб оғзи куйган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деганларидек, қўзғолондан оғзи куйган халқ эҳтиёткор бўлиб қолганди. Истибдодга қарши «кўр-кўрон» қўзғолон кўтариб қаттиқ панд еган халқ ноchor ва ноиложликдан бутун разабини ичига ютиб, тишини тишига қўйиб турарди. Мен

билган ва ўз күзим билан күрган Қурбонбой, Үрдүшмат ва бошқа довюрак азаматларнинг қўл-оёғларига кишин солиниб турмага ташланди! Жиззахнинг барча маҳалла ва қишлоқларида ҳам шу каби фожиалар рўй берди.

Шундай килиб, мардикорга боришдан бош тортишнинг иложи колмади. Лекин улар, гарчи тақдирга тан бериб қўйган бўлсалар-да, пайт пойлашар ва қачондир толела-ри ёр бўлишидан умидвор эдилар.

Одатдагидек, қаландархона хиёбони йигит-яланглар билан гавжум. Ҳар қачон ўйиндан бошимиз чиқмаган биз болаларнинг ҳам юрагимизга қил сиғмасди. Оч бола тўқ бола билан ўйнамас. Кора нонга қорин тўймай турган бир маҳалда, дадалари урушга кетиб қолса аҳволлари нима кечишини болалар ҳам тушуниб қолган эдилар. Шунинг учун ҳам биэлар тўда-тўда бўлишиб, йигитлар давраси яқинида қулоқларимиз динг, хомуш гап «ўғирлардик».

Шундай кунларнинг бирида от устида Эргаш даҳбоши пайдо бўлди. Ҳар қачон пиёда юрадиган Эргаш даҳбоши от устида пайдо бўлдими, халқнинг диққат-эътибори дарҳол унга қаратиларди, чунки у, бу ҳолатда ё хуш, ёким ноxуш хабар келтиради. Аммо ўша кунларда хушхабардан кўра ноxуш хабарни кўпроқ кутарди мотамса-ро ҳамشاҳарларим.

Эргаш даҳбоши эгарга қўйиб қўйгандек от устида ўтиради. Бўйи қисқа бўлса-да, аъзойи бадани бир-бира-ги мутаносиб. Бети япалоқ, патак соқол бўлса ҳам, истараси иссиқ. Узи ўта хушмуомала, бир гапириб, ўн кулади. Катта-кичикни фарқ қилмай: «Болажонларим-болажоним» деб муомала қиласиган беозор киши эди, Одамлар ҳам уни кўрганда «болажон келяптилар» дейи-шарди. Биз болалар ҳам у киши билан учрашганда: «Ас-салом, болажон амаки...» десак, «ваалайкум ассалом, болажонлар!» деб дуо қиласиди-да, қих-қих кулиб ўтиб кетарди.

Бугун «болажонларим»нинг бошида ҳожи дўппи, ува-да кўк салла. Эгнида қирқ ямоқ жун чакмон, оёғида жа-ғи ажралган эски кавуш. Сержун, калта бўйин, пакана тотича отга миниб қалиндархонага кириб келди-да, оти-ни таққа тўхтатиб, бош эгиб таъзим қилди. Сўнг қамчи-нини ўнг чаккасига тираб, муаззин аzon айтгандек, ўнг ва сўлига ўғирилиб, сўзни қойил-мақомига келтириб, қо-фиядош гапларни бир-бирига улаб, қичқира бошлади. Халойиқ жарчи сўзини анқайиб тингларди.

— Аввал салом, халойиқ,
Баъдаз калом, эшигинг!
Қулоқ бериб гапимга,
Мағзини чақиб кўришг.
Катта-кичик аҳли раста,
Соф-саломат, касал-хаста,
Эшишиб олсин битта қолмай,
Эшитмаган сўраб олсин уйлмай.
Отим Эргаш, билмаганлар билишсин,
Касбим жарчи хуш ва нохуш хабарчи,
. Рост гап айтсан гина қилмай қўйсиллар.

Жарчи яна ҳам товушини баланд кўтариб сайрай-кетди:

Ун ялаган аллофлар!
Қон ялаган қассоблар!
Дурадгор ҳам сартарош,
Ғалаёнга бўлган бош,
Ер соҳиби деҳқоним,
Мардлар марди чоракор,
Отбоқар ҳам қўйбоқар!
Она, опа-сингиллар!
Эшитмадим деманглар,
Эшитмай армон қилманглар.

От бошига иш түсіса,
Сувлиқ билан сув ичар.
Эр бошига иш түсса,
Этик билан сув кечар.
Әшитмаган бормиқин,
Жиzzахликлар қаҳрини.
Амалдорларни урган,
Мирзаәрни үлдирған.
Ҳоким тұра Рукинни,
Бошига шашпар солған.
Ұлжа қилиб таппонин.
Күксига ўқни отған.
Билмаганлар билсінлар:
Мұхаммадидир оти,
Ҳамродир ота зоти.
Қисматида бор әкан,
Афсус, ёри дор әкан.
Бүйніга сиртмоқ солинса,
Құй сингары осилса,
Ер-дүстлар йиғилиб
Қиласизми тамошо?

Бир қориндан талашиб,
Тушган ака-укалар,
Огаси Жалолиддин,
Кенжаси Тұражондир.
Хотини — номус-ори:
Номидир Мұхаррамой.
Темир қанот Юсуфжон,
Қиазча шүрлик Роҳатой,
«Дадажон» деб йиғлашса,
На дегайсиз ёронлар?
Ота бүйнида сиртмоқ,
Десаки марданавор:
«Йигламаң, құзинчоқлар!

Күз ёши түкмапг, увол.
Бүй қүйиб катта бўлинг!
Бургуту шунқор бўлинг!
Ҳиммати баланд бўлинг!
Хотамитой сингари.
Отанг Мұҳаммадини,
Осан зўравонларни,
Ўз дорига осинглар!
Кўринг, қанча халойиқ,
Фиқ ётмасдан турнити,
Фиқ ётмагани билан,
Пайтин пойлаб турилти.
Қирқ йил эмас, қирқ кунда,
Учимишин олурсиз».
Мушфиқ онаси Зиннат,
Дод боламлаб йигласа,
Тоқат қолурму танда.
Сочини белга ёйиб,
Садр тушиб айланиб,
Жыгарин пора қилса,
Фарёдидан еру кўк
Мотам тутиб йиғласа.
«Дод солманг, мушфиқ она,
Йиғлама, қўзичогим!
Йиғламанг, тенгу тўшим!
Гўдакларим онаси,
Муҳаррамой чирогим».
Мұҳаммади бечора,
Дор тагида овора.
Куропаткин баланд дор
Үрда устига қурган.
Белингда бўлса белбоғ,
Мұҳаммадига бўл ёр!
Бугун пешин ҷоғида,

Осилар Мұҳаммади,
Лақаби бүчча Қулоқ.
Үтирганлар турсинлар,
Түрганлар юғурсинлар.
Құрғон ичига қараб,
Қатлин бориб күрсінлар! Ҳой!..

Бу мудхиш хабарни жарчи түлиб-түлқинланиб йиғлаб айтди. Нохуш хабар оғиздан оғизга күчди, қулоқдан қулоққа етди. Қатта-кичик аәл-эркак бир-бирига хабарлашиб: «Юраверинглар! Томоша зemas, бу ҳам бир жаноза, армон билан ўлмасын шүрлик. «Мени ҳам йүқлайдын-ғанларим бор экан, бекорга ўлмаётганимни эл-халқым билар экан», деб ўлими олдидә күнгли бир оз күтари-лар-ку»,— дейишиб одамлар даңа ва қишлоқлардан гала-гала бўлишиб, ўрда томон йўл олиши.

Қўрғон ичининг кенглиги қарийб саксон гектар келарди. Аввалги бобларнинг бирида тасвири қилинган бу қўргон қўзғолонга қадар обод бир шаҳарча эди. Жазо отряди бир-бирига туташ уйларга ўт қўйинб ёндирган, ҳозир улар қабристонни эслатарди. Қарийб икки юз гектар келадиган жойда (Бозор жойини ҳам қўшиб ҳисоблаганда) ғуж-ғуж иморатлар куйиб кул бўлган, хон ўрдаси харобаси тепалигида Куропаткиннинг мудхиш дори кўринниб туради.

Мен «дор» деганда мутлақо бошқа бир нарсани кўз олдинга келтирган эканман. Ўрда устига қурилган дор, Тошпўлат дорбозчининг дорига сира ҳам ўхшамасди. Тепаликка йўғон ёғоч тикка қилиниб кўмилган. Ёғочининг тепасига «қўриқчи» қўлидек ёғоч михланиб, унга сирғмоқ қилинган арқон осиб қўйилган.

Ўрда таги одамга тўлган. Тепа устидаги миршаблар дам-бадам оломонга назар ташлаб қўярди. Сентябрнинг бошлари, ҳаво у қадар иссиқ зemas. Осмонда якка-ярим

қора булутлар сузиб юради. Одамлар, «олиб келди, олиб келди» дейнисиб, күхна ёғоч бозор томонга қараши.

Бир гала отлиқ солдатлар яланғоч қиличларини елка-ларига қўйиб, усти гилам билан ёпилган соябонли Қўқон аравани қуршаб келишарди. Оломон қўзғолиб, арава то-мон юзланди. Юраклари така-пука миршаблар оёғи куй-гап товуқдек питирлашиб: «Хой халойиқ! Мусулмонлар! Жойларингдан қимираманглар, ўрда тепасида пулемёт бор, худо у куни кўрсатмагай, ҳаммаларингни қириб ташламасин яна!» деб оломонни огоҳлантиришарди.

Миршабларининг дўқи ва огоҳлантиришига қарамас-дан оломон орасидан яланг оёқ. Йириқ камзул кийган, бош яланг бир ёш бола отилиб чиқиб: «Дада!.. Дадажон!» деб арава томон югурди. Содиқ миршабми, Толиб мир-шабми, эсимда йўқ, «ҳай-ҳайлаб» болага қараб от қўйди.

— Хой жувонмарг, ўлгинг келяптими! Қайт орқанг-га!— дея елкасига бир қамчи урди. Бола дод солиб оло-мон ичига ўзини олди. Бу менинг тенгдош ўртоғим—Знё-қорининг ўғли Ҳакимжон эди. У елкасини ушлаб, овозиниқ чиқазмай, кўзидан дув-дув ёш тўкиб йиғларди. Жўрам-га раҳмим келиб кетди. Знёқорини ҳам миршаблар тутиб, қамоққа олганини билардим. Знёқори Абдулла ўғли ҳам Муҳаммади Ҳамро ўғли сингари подшо ҳукуматига қар-ши бош кўтаргани учун Туркистон маҳсус вақтли дала ҳарбий суди томонидан 1916 йилнинг 29 август куни, йи-тирма уч кишин билан бирга судланган. Ана шу суд ҳук-мида мана шундай ёзув бор:

... Судланувчи мулла Знёқори Абдуллаев 23 нафар айбланувчилар қаторида давлат ҳокимиятига қарши қўз-голон кўтаришда айбланади; бу шахслар ҳаракатдаги ар-миянинг орқа томонидаги ишларга маҳаллий аҳолидан сафарбар қилиш тўғрисида 1916 йил, 25 июнда чиқазил-гап олий фармонни амалга оширишга халақит берини учун ҳалқни қуролли қўзғолонга даъват этган. Хизмат

вазифаларини бажариб турған лавозимдаги ходимларини, полиция, ҳарбий хизматчиларни ва бошлиқтарни ўлдиришда қатнашгани учун мол-мұлки мусодара қилинисін, ўзи дорга осиб ўлдирилсін.

Хукмни тасдиқладам. Генерал Куропаткин. 1 сен-тябрь, 1916 йил.

Уртоғим Ҳакимжон ҳам шу күнги дор тағида дадасини кутаётган экан. Бундан иккى күн бурун Жиззах турмасида құл-оёғига кишан солинган дадаси билан күршиштиришган экан. Онаси, иккала укаси билан йигирма беш қадам чамаси нарида туриб гаплашган экан. Ҳаким жүйрам менга кейинчалик ёзған хатларининг бирида: «Дадамнинг турмадаги қиёфаси күз үнгімдан, онамга қарата айтган сўзлари қулоғимдан кетмайди», деб ёзған эди. Дадам: «Энди мендан умид құлманглар. Худонинг хоҳиши шу бўлди. Тақдир илоҳий, пешанамга ёзганидан ўзгаси бўлмайди. Биз кўпчилик, 23 кишимиз. Бугун, ё эртак ҳаммамизни дорга осадир, алвидо», деган эди. Опам фарёдига назаримда турма орқасидаги баланд тоғлар титрагандек туюлди. Дадамни турма хонасига, бизни кўчага ҳайдаб чиқарган эдилар кузатувчи жандармлар...

Бу күн дадасини дор тағида бўлса ҳам яна бир бор, охирги марта кўрмоқчи бўлиб, Ҳакимжон онаси билан келган экан.

Отлиқ-пиёда солдатлар даҳшат солиб қуршаб олинған аравани оломон олдидан ҳайдаб ўтиб кетди. Одамлар гўё бир ҳайкалдек қотиб қолган эдилар.

Арава тепаликни айланиб ўтиб ўрда устига чиқди. Ҳамманинг дикқат-эътибори тепаликка қаратилган. Орага оғир сукунат чўккан.

Отлиқ-пиёда аскарлар қуршовида арава дор тағига келтирилди. Ажабо, арева ичидә кимлар бўлса экан?. Гарчи Мұхаммади қатл этилади, деб эълон қилингандан бўлса-да, қўзғолон кўтаришда айбланиб қамалган Қур-

бонбой Ўрипбосев, Урдушмат Отабоев ва иеча ўнлаб ўлимга ҳукм қилингандарни халқ биларди. Қамалган ва ўлимга ҳукм қилингандарнинг хотинлари, ўғил-қизлари, ота-оналари, қавм-қариндошлари бу ерда ҳозир эдилар. Уларнинг юраклари «дук-дук» уриб, аравадан тушириладиган маҳкумни ҳаяжон билан юрак-бағирлари ўртаниб кутишарди.

Араванинг орқа томони оломонга тескари. Улар бўйинларини чўзишиб қанча уринмасинлар, арава орқасида кима бўлаётгани кўринмасди. Олтита қуролли солдат қуршовида икки аскар замбил кўтариб ўтганда, одамлар шинвир-шивир қилишиб қолишиди:

- Замбилда оқ нарса кўришадими?
- Нима бўлса экан?
- Муҳаммади эмасмикин?
- Муҳаммади яраланганинди?
- Иўқ. Учтепага хотинини қидириб борганда соппасоф экан. Муҳаммадини Маҳмуд лочин сотган дейишади.

Замбил дор тагига қўйилди. Солдатлар оқ сурпга ўралган оғир нарсани кўтариб баланд курсига қўйишиди. «Оқ сурпга ўралган одам экан», деган овозлар эшитилди.

— Ким, Муҳаммадими? — баланд товуш билан сўради бирор.

Аёл кишининг йиғиси эшитилди. Миршаблар унга ўшқиришиди.

Икки киши тепанинг лабига, халққа яқинроқ келиб тикка турди. Уларнинг бири:

— Эшитинглар, халойиқ! — деб қўлинин кўтарди. Халқ тошдек қотди. Кўзойнак тутган офицер қоғозга қараб рус тилида бир нарсани ўқиди. Фақат Муҳаммади Ҳамроев деган ном халққа тушунарли эди, холос.

Мұхтарам ўқувчиларга таниш Мирзаҳамдамнинг ўғли Мирза Анвар рус офицери ўқиб эшиттирган ҳукмномани ўәбек тилига таржима қилиб бериши билан оломон

и чидан аёл кишининг юракларни чок-чок этувчи фарёди эшилди.

— Вой болам! Онанг ўлсин, болам!..

Овоз бирдан тинди. Чинни коса гўё тошга тегиб жарнглаб сингандек бўлди. Бу овоз мушфиқ она Зиннат кампирнинг овози эди. «Онанг ўлсин, болам!» деди-ю, кампир ерга йиқилди. У қайта ўрнидан туролмади, Жингарораси ўғли Муҳаммади Қатлини кўришдан ўлимни афзал кўрганди шўрлик...

Она фигонидан кафандаги «мурда» тирилгандек тебранди. Лекин солдатлар тезлик билан уни босдилар. Кафандан ингроқ товуш эшилди. У типирчиларди-ю, овози чиқмасди, оломон жунбушга келди:

— Номард, осадиган бўлсанг осмайсанми, нима қиласан кийнаб уни! — деб қичқирди.

Анварбек халқа юз ўгириб: «Ҳозир, ҳозир... Жим бўлинглар. Маҳкумга охирги тилак учун сўз берилади, эшистасизлар», деди. Ҳукм ўқиган офицернинг ишораси билан бир солдат кафанинг бош томонини ечди, маҳкумнинг оғзидаи бир нарсани олиб ерга ташлади. Муҳаммадининг юзи очилди. Аммо кўзи боғлиқ эди.

— Тила тилагингни, Муҳаммади! — деди ерга қараб Анварбек...

— Мени учта тилагим бор, — деди оғир-оғир нафас олиб маҳкум. Афтидан, овози чиқмасин учун оғзига тиқиб кўйилган резинка нафасини қисиб толиқтириб қўйганга ўхшарди.

Оғир сукунатдан сўиг маҳкум тилга кирди:

— Биринчи тилагим кўзим, қўл-оёғим ечилса?.. Озодликда жон берсам.

Анварбек унинг сўзини офицерга таржима қилиб берди. Офицернинг сўзини тинглаб, деди:

— Кўзингни ечиш тўғрисидаги тилагинг инобат бўлди, аммо оёқ-қўлинг ечилмайди.

Солдат маҳкумнинг кўзи боғланган рўмолни ечиб,
курси устига қўйди.

Муҳаммади бошини қимирлатиб ерга, осмонга, атро-
фига қаради...

Ҳамма жим бўлди.

-- Биродарлар! Шукур, кўзим кўзларингизга тушди.
Энди армоним йўқ. Осиб ўлдиришга ҳукм қилинган бир
мен эмас. Кўпчиликмиз... Кўп ўйладим... Ҳарқалай бе-
корга ўлмаяпман-ку!. Фақат бир нарсанинг ташвишини
қилиб дунёдан кўнгил узолмаяпман... Юсуфжон ўғлим,
Роҳатой қизим ёш қоляпти... Хотиним иккиқат. Яқинда
кўзи ёриди... Жоним, агар ўғил кўрсанг, отини Ўрин
полвон қўй, киз кўрсанг, Ўриной қўй! Онажон! Сиз бе-
корга ўзингизга ўлим тилаб, фифон чекдингиз. Ўлим қоч-
майди. Невараларингизга бош бўлинг. Мен кўрмаган
умрни сиз кўрсангиз нима бўпти... Охирги тилагим,—
деди қаҳр-ғазаб билан Муҳаммади,— Николай пошишога
ўлим тилайман! Алвидо... Алвидо!..

Ноғорачилар ноғораларнни шиддат билан тирилла-
тиб, маҳкумнинг овозини эшилтирмади. Оломон ҳайқариб
юборди. Хотин, болалар фарёд кўтариб йигладилар...

Муҳаммадининг бўйнига дор сиртмоги солинди...
Кафан ичидаги гавда икки-уч силканиниб, сўнг оёғини бир
йигди-ю, ёзиб юборди...

Миллий озодлик ҳаракат қаҳрамонларидан бири Му-
ҳаммади бучча қулоқ Ҳамро ўғли билан унинг олтмиш
яшар мушфиқ онаси Зиннат кампир худди шу ўрда усти-
да жон таслим қилишди. Ўғли Куропаткин дорида, она-
си жонажон тупроқ устида..,

ТОНГ ОЛДИДА

Қўзғолончилардан ўттиздан зиёдроқ киши Жиззах ва Самарқанд турмасида осиб ўлдирилди, бир қанчаси Сибирга сургун қилинди.

Қўзғолон шафқатсизлик билан бостирилгандан сўнг мардикор сафарбарлиги тезлатилди.

Шу бугунгидек эсимда, куз пайти эди. Сафарбар қилинган йигитлар маҳалла-маҳаллаларга тўпланиши. Мардикорлар орасида соқол-мўйловсиз ўспирин йигитлар бўлганидек, серсоқол, шопмўйлов одамлар ҳам бор эди. Буларнинг ҳаммасини ҳаммомга олиб бориб, соқол-мўйловларини қириб олдилар. Қийим-кечак улашдилар. Бир одамнинг жуссаси кичик, қирқ олтинчи размер кийим кийса, унга эллик, ёки эллик бешинчиси теккан. Аксинча бичими йўғон ва бўйи узун йигитга кичик размер чолвор ёки оёқ кийими теккан. Бири сўфи-сумакдек чўзилиб, бошқаси қопга ўралган рўдаподек тасқара бўлган эди... Иштон эмас, чолвор, чопон эмас, пахтали камзул—бушлат, кавуш, мукки этик ўрнига ботинка, телпак-салла ўрнига ушанка-қулоқчин кийиб олган эрларини кўрган хотинлар, ёки болалар оталарини таний олмай қолишли.

Сафарбар қилинганларни тўртта-тўрттадан қатор қилиб, олиб кетдилар. Ана шунда оналар, келинчаклар, опа-сингил, ўғил-қизлар йиги-сиги билан мардикорлар

орқасидан эргашди. На ўнбоши, юзбоши, мингбошилар ва на миршаблар аридек тармашиб олган оломонни йўлдан қайтара олмас эдилар, худди июль қўзғолони кунидаги сингари кўчаларга одам сиғмасди.

Машҳур ҳофиз Маҳмудхон мардикорлар олдига тушиб борарди. «Хуш қолинглар, онажонлар» қўшигини айтиб борар экан, йиғламаган, оқпошони қарғаб, лаънат айтмаган аёл-эркак қолмади.

— Болам кетди, деб йиғламанг,
Юрак-бағрингиз додгламанг.
Хуш қолинглар, опажошлар,
Хуш қолинглар, жонажонлар!..

— Биз қолурмиз йиртиб ёқа
Сиз кетарсиз узоқ ёққа.
Хуш боринглар, жонажонлар!
— Хуш қолинглар, жонажонлар!..

Мардикор ва уларнинг кузатувчи қавм-қариндошлари отлиқ солдат ва полициялар қуршовида Жиззах вокзалига стиб бордилар. Видолашибга ҳам имкон бермасдан, шу заҳотиёқ йигитларни қизил вагонларга қамаб, эшикларни ёниб қўйдилар. Йиғи-сиги, шовқин-сурон кўтарилиди. Паровоз ўкирар, аждаҳодек пишиллаб, фидираклар айланар, вагонлар вагонларга «так-туқ» урилиб, узоқлашарди. Хотин-халажлар эшелон орқасидан дод солиб, қувлай-қувлай ҳафсалалари пир бўлиб, кўз ёшлари билан бетларини ювиб, ҳолдан тойиб қайтдилар...

Култепа шаҳар, вайрона кулба. Айрилиқ-ҳижрон азоби, поймол этилган ор-номус, хўрлик-ҳуқуқсиалик, даҳшатли очлик, азоб-уқубат омиҳтаси исёнкор жиззахликларнинг ҳисмати бўлиб қолганди. Тинч турмуш, ором улар учун бегона, бошларига эса қора кунлар кўланка солиб олганди. Сафарбар этилганларнинг аҳволи булар-

нигидан ёмон бўлса борки, яхши эмасди. Жануб қуёшида ўсиб етилган йигитларимиз шимол Сибирь ҳавосининг совуқ изғиринларига бардош беришлари қийин эди. «Ўрмонзорларда қарагай кеса туриб муздек қотиб қоларди узбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман мардикори», деб ҳижоя қилган эди, мардикордан қайтиб келгач тогам. Совуқда қўл-оёқларини совуққа олдириб майиб бўлиб қолганлар озмунчамиди! Улар фронтда окоп қазир, заводларда темир-чўян эритар, темир йўл шпалларини янгилар, конларда ишлар, она юртларидан узоқларда яrim оч, гарифона кун кечирар эдилар. Хор-зорликдан тоқатлари тоқ бўлган йигитлар зулм қалъасини тилка-пора қилиш учун ҳар қандай харб-зарбга тайёр бўлиб қолган эдилар.

«Оқпошшо тахтдан қулатилибди, ўрис мастеровоиляри Николайнин тутиб олиб, болта билан бошини шартта узиб ташлабдилар», деган гап-сўз тарқалганда, жizzахликларининг қувончи ичига сиғмай, кўча-кўйларда бир-биirlарини муборакбод қила бошладилар. Дадамнинг: «Тошкентлик! Мана, айтмовдимми, оқпошшога мусулмонлар бас келиши қийин, бас келганда ҳам ўрисни ўзи бас келар деб. Ҳоким тўранни биз қандай оломон қилиб ўлдирган бўлсак, ўрислар оқпошшони тахтидан тушнриб, оломон қилиб ўлдирибди, азаматлар», деб ўзида йўқ хурсанд бўлганда, онам: «Мусулмонларни кўпам ерга ураверманг. Ҳоким тўранни жizzахликлар ўлдириб ўрисларга йўл кўрсатиб бермаганда, ўрис фуқароси ўз подшисини ўлдиришини қаёқдан била қолади», деб мақтангани ҳали эсимда.

Яна эсимдан чиқмай, шу кунгача хотирамда қолган нарса қўзголонга бош қўшишда айбланиб қамалиб кегап Урдушмат Отабой ўғли билан Қурбонбой Ўринбой ўғлиниң турмадан чиқиб келиши эди. Улар маҳалла чойхонасида чойхўрлик қилиб ўтириб, қўл-оёқларидаги яра-

чака доғи — кишаң изларини күрсатыб, «барака топтүр ўрислар подшони ўлдириб, золтам ҳукуматни ағдармаган-ларида, Назирхұжалар орқасидан бугун-эрта биз ҳам дорга осилніб кетишимиә турган гап эди», деган гаплари ҳали қулоғимда.

— Николай подшо қулаб, Керенский подшо бўлган-миш. Керенскийнинг ўзи ҳам туркистонлик эмиш. Гапларга қараганда Керенский мардикор бўлиб Тошкентдан кетганга ўхшайди.

— Мардикор бўлиб эмасдир-эй, мардикорларга мингбоши бўлиб боргандир,— деб бирор гап қўшади.

— Ҳарқалай, ким бўлса ҳам ҳозир ҳукумат Керенскийнинг қўлида-ку. Ўз туркистонликларига раҳм қилиб, ажаб эмаски, мардикорларга жавоб бераб юборса,— деб бичиб-тўқирди маҳалла чоллари.

Ана шунинг учун ҳам Февраль инқилобидан сўнг, ҳам манинг кўзи мардикорга кетганларининг йўлларида эди.

Мардикорлар бир йўла қайтишмади. Якка-якка, бешта-ўнта келиб туришарди. Куни битиб, ўлиги Россия ўрмонларида ёки бошқа ерларда қолиб кетганлар тўғрисида хабар топган оиласлар аза очиб, йиги-сифи бошлаб юборганди. Бундай азадан холи қолган маҳалла камдан-кам эди.

Мўлкаллик элидан мардикорга ёлланиб кетган Урдуш ота Муқимов бундай ҳикоя қилади:

... Минг тўққиз юз ўн олтинчи йилнинг сентябрь ойи, қайси куни эсимда йўқ. Жиззах эски шаҳридан бизни вокзалга олиб чиқиб, аристон шекилли қизил вагонларга қамашди. Юзбоши Жўра миршаб, мингбоши мулла Исҳоқ афанди Холмуҳаммад ўғли бош бўлиб, бизни Тошкентга олиб боришиди. У ерда мардикорлар қамалган бир неча вагонни бизнинг эшелонга улаб, тўғри Сизран деган шаҳарга элтди. Бу ҳақда мардикорлар чиқарган қўшиқ ҳам бор эди.

— Қандақа қүшиқ? — сўрадим мен.

— Урдуш ота ўйланиб туриб, секин хиргойн қилди:

Анда бордик, бунда келдик,
Сизран деган шаҳрига,
Оҳой ёронлар, кимлар чидайди,
Бештарнинг зарбига.
Шўрва деб лой сувин берди,
Ҳеч киши ичолмадик.
Қора нон аччиқ экаш,
Уч кунгача сёлмадик.
Ярмимиз туз конга кетдик,
Ярмимиз мис конига.
Ярмимиз фронтга кетдик,
Қолганимиз болнициага...

Урдуш ота мийигида кулиб жим қолади, сўнг:

— Эсимда қолгани шу, мулла Назирқул. Ахир, фронтдан қайтганимизда худди шу қўшиқни айтиб Жиззахга кириб келганимизга чамамда эллик йил бўлиб боряпти. Шундайми? — сўрайди ота.

— Ҳа, эллик йилдан сал ошди,— тасдиқладим мен.

— Шу воқеалардан ўзингизни ҳам хабарингиз бўлиши керак,— деб менга тикилди ота.

— Менинг билганим оз. Сиз кўрганингиз, бошингиздан кечирганингизни гапириб беринг?

— Ўша ерда ҳам ҳунарманд ютди,— дея ҳикоясини давом эттирди ота,— мардикорларни касб-корларига қараб гуруҳларга бўлишди. Бирор темирчи, бирор сартарош, бирор қурувчи уста дегандек... Биз Мўлкаллик элидан борган йигитларнинг аксарияти деҳқон болалари, қора ишдан бўлакка ярамасдик. Назармат деган бир йигитни бизга юзбоши қилиб тайнинлашди. У бўлса рус тили,

Ҙэув-чизувга уста экан. Иш билгунча гап бил, дегандек, керак ерда маҳмаданалик ҳам иш бериб қолар экан, мулла. Назиркул,— деди оппоқ мўйловинни силаб Урдуш ота,— ҳарқалай Назармат бош бўлиб, гоҳо темир йўлларни тузатиб, гоҳо иморатларни ремонт қилиб юрдик. Етиш-туришимиз тайин бўлса ҳам, овқатнинг мазаси йўқ эди. Тўгриси, ярим оч кун кечирадик. Куз ва қишини не ҳасратда ўтқазиб, баҳорга чиқиб олдик. Баҳор бўлгани билан у ерларда мева зотидан ҳеч нарса битмас экан. Қийналиб кетдик. Юксиз қоп тик турмайди-да! Ҳаммамизнинг қулогимииздан кун кўринарди. Қочиб кетишнинг сира-сира иложи йўқ. Ишга чиқмасанг очдан ўлсанг! Дарди бедаво кун! Эл-юртимизга стиб ўлсак армонимиз йўқ, дейишарди йигитлар. Кунларнинг бирида ичимизда бир бегона одам пайдо бўлиб қолди. Миллати татар бўлса керак, «ибдош, ибдош» деб гапиради. Тилига бемалол тушунардик. Баъзи кунлари бир-икки соат йўқ бўлиб кетарди-да, қаёқлардан картошка топиб келарди у, картошкани қайнатиб, тузга белаб урадик. Берган худога ёқади, ҳаммамиз татар ибдошни яхши кўриб қолдик. У нима деса ўшани қиласдик. Авваллари очликдан тинкаси қуриганлардан бир-иккиси ишга чиқмаса, уни қамаб, капуста (карам) шўрвадан ҳам маҳрум қилишарди. Татар ибдош: «Буляй ярами!.. Бирингни наказат этса, ҳамманг ишга чиқма!.. Иттифоқ керак, бит! Бир кишини қамаши мумкин. Ҳаммани қамаса ишни ким қиласди, бит», деб ўргатарди. Биз ибдош нима деса айтганини қиласдердик. «Қорнимиз оч! Ишга ярамай қолдик! Шўрванг ёғсиз, гўши йўқ! Сасиган балиқ шўрвангни ичмаймиз, ношни кўпайтир!» деб талаб қўя бошлидик...

Бир куни ибдош қўлтиғига яшириб икки метр қизил алвон олиб келди.

— Эрта соат иккida ҳамма паровозлар бирданига гудок беради. Шунда биттаңг қолмасдан ҳамманг ишни

ташлаб, қизил алвонни байроқ қилиб, вокзал орқасидаги майдонга борасизлэр!— деди. Байроқни мен күтариадиган бўлдим. Байроқقا рус тилида нимадир ёзилган эди. Биз унга тушунмасдик. Сўрасак, қўрқманглар. Рус мастеровийлари ҳам шундақа байроқ билан чиқадилар. Ҳамманинг гапи битта: уруш тўхтатилсан!.. Йўқолсин самодержавие!..

Биз билан бирга ўн-ўн беш нафар рус ишчилари ҳам чиқадиган бўлди. Шундан сўнг юрагимизни босиб олдик. Тонг отди. Йшга чиқдик. Тушликда ўрис ўртоқлар пайдо бўлишди. Паровоз гудоги эшигилди. Бир эмас, бир неча паровоз гудок бера бошлади, кўк, ер ларзага келди. Улоқтиридик лапаткаларни. Ўрис ишчилари билан бир сафга тизилдик. Улар бизни бошлаб борарди. Қарасак, кўча тўла одам. Қизил байроқ деганингиз кўчани лолазор қилиб юборган. Рус ишчилари қўшиқ айтиб, гурс-гурс оёқ ташлаб борарди. Бизни дадил бўлишга чақиришарди... Ўша куни кўчаларга одам сиғмай кетди. Полициячилар от чопиб юрар, ишчилар уларни ҳайдаб юборарди. Шунда рус ишчиларининг шижаотига қойил қолгандик. Байроқ шунча кўпки, кишининг кўзи қамашади. Шунча байроқни қаердан топди экан, деб ёқамни ушлардим. Хуллас, ярим йил ичидан бундақа катта намойишни биринчи кўришимиз эди. Шундан сўнг бундай намойиш тез-тез бўладиган бўлиб қолди.

Бир кун эрта билан ишга чиқсак, рус ишчилари яна лапаткаларини улоқтира бошлади. Билсак, Николай подшо тахтдан ҳайдалган экан... Оҳ, шундай кунга етар экамиз, золим оқпошиносиз яшайдиган кун ҳам келар экан-ку!— деб қувончимиз ичимизга сиғмасди. Рус ишчилари бўлса бизни қучоқлаб, ўпиб: «Паздромлем, теперь домой пайдёш», дейишарди. Биз эса, оғзингизга шакар, тавариш, деб подшодан қутулгани учун дўстларимизни табрик қилардик.

Қўлнимиз шудан совуб, фикри-ёдимиз уйда бўлиб қолди. Татар ибдош: «Қаноғат керак. Сабр этингиз! Взросли кишиларсиз, бит», дер эди. Сабримиз тугаган. Қани, қанот пайдо қилсагу, Жиззахга учсак. Она-ота, қавм-қарин дошларни соғиниб, ёш боладек йиглаган вақтларимиз ҳам бўлганди, мулла Назирқул.— деди енгил уҳ тортиб Урдуш ота.

— Ўрда устида осилган Муҳаммади бучча қулоқ ҳам катл олдида рўй-рост: «Николай подшога ўлим тилайман!» деб сиртмоққа бўйнини солганди. Афсуски, Муҳаммадига ўхшаган мард инқилоб қурбонлари оқпошонинг таҳтдан тобутга тортилганини кўрмасдан армонда кетдилар... Ҳар бир иш ҳам вақти соатига бориб битар экан.— У ниманидир ўйлаб қолди, сўнг:

— Мулла Назирқул, гапимиз Сизрандаги инқилоб тўғрисида эди, Жиззахни аралаштириб, нима қилиб юрибмиз,— деб кулиб қўйди... Мен ота ҳикоясини қунт билан тинглаб, дафтаримга ёзардим.

— Оз бўлса ҳам меҳнатимизга маош олардик. Маош бериш куни етмасдан, кассир пайдо бўлиб қолди. Пулни белга туғиб Туркистонга жўнанглар!— деди. Биз ҳовлиниб станцияга чиқдик.

Шундай қилиб, ҳаммамиз қизил вагонга жойлашдик. Вагон эшелонга тиркалди. Бизга бир рус кишиси ҳамроҳ бўлди. Татар ибдош биз билан хайрлашар экан:— Тувғонларга салом айтингиз! Алексей ибдош сизни юртингизга элтади», деган эди. Шу-шу рус ўртоқни биз Алексей aka деб атай бошладик. Эшелонимиз катта бир станцияда уч кун туриб қолди. Эшелонининг ярмида туркистонлик мардикорлар бор экан. Кўп танишларни учратдик. Ўлганларни хотирладик. Ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз мардикорлар орасида майнб-масриқлар, башарасидан нур кетган бетоблар кўп эди. Уч кун ҳаракатсиз ётавериб, асаблари қақшаган мардикорлар жанжал кўта-

ришди. Шунда Алексей ака: «Жанжалнинг кераги йўқ. Йўл банд, навбат етса бизни ҳам жўнатади»,— деб одамларин юпатди. Дарҳақиқат, бир кун паровозимиз узун гудок чалиб, пишиллаб йўл олди... Қозоқ чўлининг поёни йўқ. Баҳор чоги бўлишига қарамасдан чўл тап-тақири, ўт-ўлансиз. Сабрсиз кишилар паровознинг тошбака суръатидан полиб сўкинар, қозоқ чўлидан ўтказиб кўйса, у ёғига пиёда ҳам кетардик, деб ботирлик қилишарди.

Оҳ-воҳ билан ахир Жиззахжонга ҳам етиб олдик.

Май ойи. Наврӯз — баҳор шабадаси елиб туради... Ҳарқалай сўлиған бодирингга сув бергандек, одамлар тирилиб қолишли.

Жиззах станциясида ўша куни рўй берган хурсандчилик гаърифга сиёмайди. Карнай-сурнай, чилдирма-ногора садоси янграйди. Мардикордан қайтганларга ота-оналари, қавм-қариндошлари қўшилиб, пиёда-пиёда Жиззахнинг эски шаҳари томон йўл олдилар, биз кўчаларни тўлдириб қўшиқ айтиб борардик:

Ассолому ваалайкум,
Хурсандмисиз элликбоши.
Мардикорни мени берайди деб,
Кўл қўйдингиз элликбоши
Қизил қоғоз пул бердингиз,
Қизи талоқ элликбоши.

Пулни олиб близги сотди,
Хотини талоқ элликбоши!
Тахта кўприк битдими,
Николай подшо ўтдими,
Жиззахни вайрон қилиб,
Уз тахтидан кетдими!..

— Бу құшиқнинг маънисини чақинг-а,— деди уқтириб колхоз тузуми ветерани, кекса коммунист Урдуш ота,— мардикорлар киндиқ қони томган үз она юртларига құшиқ айтиб кирганда айтган құшиқлары оддий құшиқ әмас, ағдарылған чоризм тузумидан, золим окпошо Николай тақдиридан кулиш ҳам эди...

АРАФА

Туш пайти. На онам, на мен ва на укам кечадан бери туэ тутганимиз йўқ.

Боғ ҳовлимиз. Олди кун чиқишга қаратиб солинган айвон. Ойим бўйра устига супра ёзиб, кепак эламоқда. Энди уч ёшга қадам қўйган укам бўйра устида сулайиб ётибди. У ҳаммамиздан ҳам озғин, териси суягиға бориб ёпишган, кўзи киртайиб, шалпон қулогидан кун кўриниб турарди. Дадам айвон устунига елкасини бериб, сентябрь қўёши тафтида мудрамоқда.

Дадамнинг ранг-рўйи бир ҳолатда, кўзи юмуқ, қовори солиқ, қандайдир ўй-хаёл билан банд... Афт-башараси ажинлар билан қопланган.., уст-бош кийимлари ҳам бир ҳолатда... Елкасига ташлаб ўтирган тўнининг пилта-пилта пахтаси осилиб ётибди. Дадамнинг шу туриш-турмушини кимгадир ўхшатардиму, ҳеч эсимга келтиролмасдим. Ўйлайвериб, бошимга оғриқ кирди... Ҳа, қаранг-а, кимга ўхшатган эканман, энди эсимга келди:

Маҳалламиизда Шоҳфайзи исмли девона бўларди. У эшикма-эшик санқиб юрадиган кимсасиз бир гарниб, ризқ-рўзи кўчада эди. Одамлар эски-тускисини садақа қилиб, у гарнибни ялангоч қолдирмасдилар. Утган йили, халқ қўзғолонининг бешинчи куни бўлса керак, катта йўл устидаги кўприк ёнида Шоҳфайзи девонани солдатлар

отиб ташлаган эди. Ташқи күрнешдан дадамнинг ҳозирги ҳоли, чумолига ҳам озори тегмагаган ўша Шоҳфайзи девонага ўхшар эди.

Замоннинг зайди билан биз ҳам боғли бўлиб, ёз ойлари қўргон ҳовлимиздан боққа кўчиб чиқадиган бўлиб қолгандик. Боғимиз у қадар катта бўлмаса-да, бир отга етадиган ўт-ўланни бор эди. Дадам, акам, мен, уч киши бўлиб, отхона-ертўла қазидик. Ертўладан чиққаи тупроқ бинойидек супа бўлди. Супада кечалари биз тунасак, ёнгинаимиздаги усти очиқ ертўлада отимиз тунарди.

Бир вақтлар бу супанинг ўзига яраша кўрки, шухрати бор эди. Оиламизшинг ҳузур-ҳаловати кўп вақт шу супа устида ўтар, унинг ёнгинасида қозонимиз биқнлаб қайнаб турарди. Супада бешик тебратиб ўтирас эканман: «Уша кунлар яна қайтиб келса эди», деб хаёл сурардим.

Кунларининг биррида дэдам бир гунажини етаклаб эшикдан кириб келган эди. Шунда онам ўриндан иргиб туриб, қозиқдан ўроқ, токчадан қайроқни олиб, дадам томон юргургандай мен қўрқиб кетгандим. Онам ўроқни гунажининг устидан айлантириб, қайроқни гунажининг бошига, шохига тегизиб, ўроқдек ўралиб юр! Бошгинанг тошдан бўлсин. Туёғингга туёқлар қўшилсин! Зот-зурриётинг кўпаяверсии! Сутнинг шарбат, қаймоғине асал бўлсин. жонивор», дея, қувона-қувона:

— Дадаси, барака топинг. Жониворингиз туғиб берса, болагиналарингизнинг оғизлари оқариб қолади. Молдан ўргилай, сутн қатиқ, қаймоғи ёғ, тезаги ўтин. Турған-битгани фойда,— деди.

Дадам онам хурсанд бўлганидан мамнун бўлиб, ғунажининг етти пушт, авлод-аждодини мақтай кетди. Ғунажининг жайдари эмас, тошкентлик, зотдор хоназот эмиш... Онасининг сутн қуюқ, қаймоғини пичоқ билан кесиб олармишсан...

Шуларни эслар эканман, оғзим сув очиб, сұлакайым лаб-лунжимга оқиб тушди. Дарxaқиқат, ғұнажинимиз кең күзға бориб пешанаси қашқа қүнғыр бузоқча туғиб берганди. Бир күн бузоқчам бишбоги билан құлымдан циқиб қочди. Мен уни құвлаб сира тутдолмадим. У қочиб бориб, чағир күзларини сузиб, менга қараб турардн-да, шыға яқынлашсам, «мұ-ұ», деб дирк-дирк үйноқлаб, киңіндек сакраб, ҳовлимизни айланиб чиқарди. Шунда онаси безовта бўлиб боласи томон интилар, ниҳоят боғлиқда эканини сезиб «мұ-ұ-мұ-ұ» дея күзлари ёниб, безовта бўларди.

— Ҳай, Назирқул, бузоқчангни тутиб боғла, шаталоқ отиб оёқ-поёги шикастланиб ўтирасин,—дер эди күрна қавиб ўтирган онам. Мен бузоқчамни құвлаб кетардим. У бўлса сира тутқич бермасди. Шаталоқ отиб, гүё «ким ўзарга» ўйнаётгандек, астойдил чопарди. Мен бўлсам, құвлай-құвлай чарчардим, ўпкам шишиб ўтириб қолардим. Шунда бузоқчам, «қани етиб ол, ҳунарингни күрсат» дегандек, писанд қилмай тикилиб туриб оларди. Мен нафасимни ростлаб унга томон юра бошласам, яна у шаталоқ отиб қочарди.

— Бузоғинг ҳам ўзингга ўхшаган үйинқароқ, ҳай, дарвоза томонга ўт, айвонга қараб ҳайда,— дер эди, ўзи томон келаётган бузоққа қучогини кенг очиб онам. Сигириим ҳамон безовта, жаҳли чиққандан, худди сузиб оладигандек бошини чайқаб, шохи билан ҳавони сузиб «мұ-ұ-ма» дер эди. Бузоқ бўлса қушдек учиб сигирнинг пинжига кириб оларди ва елинини ялаб-юлқилаб «чалл-чалл» эмарди. Онаси бўлса бутини кериб боласини эмизар экан, сағрисини зўр бериб ялар эди...

Онам ёш сигирни силаб-сийпаб соғишига күндириб олганди. Рўзғоримиз сут, қаймоқ, қатиқдан маъмур. Бир күн ширгуруч, бошқа күн ширқовоқ, қиши фаслида деярли ҳар куни эрта наҳорда ширчой, кечқурунлари гилминдиқ,

ҳарқалай әрта-кеч қора қозонимиз қайнаб турарди.
Биз супа устига түшалган күрпачаларда чордана қуришиб, дадам, онам, ака-укаларим билан бир дастурхонда овқатланардик. Кеч киргач, яна шу супада тонг отгунча мириқиб ухлар эдик.

Кизил жийрон отимиз жонивор жуда хұра, мәхнаткаш әди. Ҳар куни неча бор жажжи ўроқчам билан үт ўриб унинг охурига солардим. От, қувониб бұлса керак, үтни каср-кусур чайнаб, чағир күзларини менга тикар, енгилгина кишинаб, әлларини силкитиб қўярди... Мана, бир йилдан ортиб боряпти, ҳовлимиизда на от бор ва на сиғир. Қўзголоннинг нечанчи куни эсимда йўқ, жазо отрядининг солдатлари сиғир-бузоқни етаклаб олиб, отимизни устига гилам-кўрпаларимизни ортиб миниб кетишганди.

Мана, мен отсиз ҳувиллаб қолган ертўла ёнида, бўйра устида ўтириб ҳамон бешик тебратаман, дунё можароларини ўйлаб, бошим ўй-хаёл гирдобига тушиб қолган.

Қорним оч, бешик тебратган сари кўнглим беҳузур бўларди. Ҳали ёшига стмаган синглим Тошбуви тинмасдан йиглайди. Онамнинг кўкрагида сут йўқ. Еб-ичмаса сут қаёқдан келсин!. Бошим айланиб, кўз олдимни қоронғилик босяпти. Синглим бир зайлда тинимсиз гиңгшийверганидан товуши битиб, аллақандай ёқимсиз овоз билан хириллаб инграрди...

— Сен ҳам ака бўлиб бундоғ алла дессанг-чи! — хитоб қилди «тапа-тап, тапа-тап» кепак элаб ўтирган онам.

Жонимга текканидан бешикни қаттиқ-қаттиқ тебратиб, овозимнинг борича аллалай бошладим:

— Аллаё-аллаё... қўзим болам аллаё... бахтли болам аллаё...

Мудраб ўтирган дадам чўчиб уйғонгандек, аланг-жаланг онамга қаради-да: «Ўғлингиннинг алласини эшитяпсанми?» — деб қўйди.

— Ҳа, онасидан эшитганини айтялти... Бахтсиз бўлмаса худо ғазаб қилган шундай кунда туғилармиди!..

Онамнинг бу гапи дадамга таънадек туюлганиданми, у бошини эгиб, тошбақадек бўйинни ичига тортди, аввал гидек кўзини юмид, яна пинакка кетди... Бўйра устида ухлаб ётган укам менинг овозим билан уйғонди. У кўзи аралаш оғиз-бурнини панжаси билан ишқалай-ишқалай ўрнидан турди. Супра атрофида гирдикапалак бўлиб қийиқлик қила бошлади. Укам онамии ҳол-жонига қўймас, унинг сочи, рўмолидан юлқилаб: «Нон!.. Нон!»— деб чинқиради. Ойим бўлса кепакдан эланниб олинган жирни (йирик унни) супрада кафти билан тўплаб:

— Эшонқулжоннинг ўзи ақлли бола, Тошбуви йиғлоқи, ҳа, буни кўр, қўзим, сенга ҳозир қотирма пишириб бераман. Арпа-буғдои ош бўлди, олтин-кумуш тош бўлди, болам! Ҳайвон ейдиган кепакка ҳам зор бўладиган кунлар келишини ким ўйлаб эди! Ҳозир буни ёқقا қовуриб, кепак талқон қилиб бераман, ўғлимга.

— Талтонмас! Нон иман!— деб яна жанжал кўтарди укам...

Онамнинг кўзи жиққа ёшга тўлди. Унинг лаб-лунжи пир-пир учар, лабини тишлаб, алам ёшларини дув-дув кўксига тўкарди. Бешикда синглим гингшир, ўғил укам бўлса ҳамон «нон!» деб додлашини қўймасди. Онам кўз ёшларини жулдур рўмоли учи билан артиб, яна укамни овутишга тутинди:

— Сен ақлли бола бўлиб, йиғламасанг-чи... Биласаними, мен сенга нима пишириб бераман?

— Има?— хўрсина-хўрсина нурсиз кўзларини жавдиратарди укам.

Онам кепакдан ажратиб олган жирни сопол товоққа солар экан: «Мана бу қайси баҳори ундан кам! Ҳозир ўзимнинг боламга қотирма пишириб бераман»,— дейиши

билан, укам: «Йўқ! Йўқ! Нон иман!»—деб яна ғингший бошлади.

— Мунча акиллатдинг! Қулоқ-миямни еб қўйди-ку! Ўчир овозингни!— жунжикиб ўтирган дадам ўрнидан туриб, укамни ғазаблай бошлади. Укам қўрқиб кетди. У титраб-қақшаб онамнинг бағрига ўзини отди.

— Секинроқ, боланинг юрагини ёрдинги-ку!.. Очилик-ка катталар чидамаяпти, бу ҳали гўдак-ку!..

Онам юрак-юрагидан йиғлаб гапиргандек туюлди менга. У исёнкорона фиғон кўтариб:

— Мунча қаҳрингга олмасанг, эй парвардигор! Ҳеч бўлмаса ёзиқсиз гўдаккиналарга раҳминг келсайди!— деб юборди укамнинг бош-кўзини силаб.

Мен бешик тебратиб ўтирганим билан бутун ўй-хаёлим, кўз-қулогим онамда. Үнинг кўзи яна жиққа ёнгига тўлиб, лаблари пир-пир уча бошлади!

Ҳозиргина ота-онасига дунёни танг қилиб турган укам она оғушида ухлаб қолди. Ким билсии, балки уни очлик енгандир ёки она меҳри уни тўйдириб роҳат ўйқуси бағишлагандир... Худди акасига таҳассиф қилгандек, бешикдаги синглим ҳам жимиб ухлаб қолганди.

Онам укамнинг ҳаловатини бузишни хоҳламай, уни тиззасидан туширмасдан, товоқдаги унни қориб, хамир қила бошлади.

Йўлакда Жўра тоғам кўрниди. У мардикорликдан озод бўлиб Россиядан ватанига қайтганлар қаторида она юрти Жиззахга келгандан сўнг, бизнинг ҳовлига иккинчи бор келиши эди. Тоғам онам, дадам билан салом-алик қилиб, ҳол-аҳвол сўрашди. Онам бармоқларидағи хамирни ишқалай туриб:

— Мунча дом-дараксиз кетдингиз, Жўравой?— деб қўйди.

— Тупроқдан ташқари юрибмиз-да,— қисқа жавоб қилди тоғам.

Дадам, пўстакни ерга тўшаб, тоғамни ўтиришга таклиф қилди. У ўтира туриб менга:

— Ҳа, жиян, дунёда бормисан? Бундай ҳол-аҳвол сўраб келайин деб биз томонга бормайсан ҳам,— деди пўстакнинг бир чеккасига чўкка тушиб.

Мен Жўра тоғамни кўздан кечирдим. Тоғамнинг тенг-қурлари уни «Жўра қантак» дейишарди. Унга бундай лақаб қўйишиларининг ҳам боиси бор эди. Тоғамнинг ташки кўрининши ҳақиқатда ҳам қантак ўрикдек лўппи, икки бети қирмизи олмадек, сўзи ширин, ўзига жуда оро берриб, башанг кийинар эди. Ҳозир унинг устида мардикорликдан кийиб қайтган, ранги айниб ўз тусини йўқотган пахтали камзул, чоловор, оёғида қўпол рус ботинка, бошида қулоқчин телпак, белида эса белбоғ ўрнида қайнинши бор эди. Энди тоғамнинг аввалгидек «Жўра қантак»лигидан асар қолмаган, анор юзидан гўшт ва қони қочиб, озиб кетган бўлса-да, унинг кўзлари ёниб, қўнғир мўйлови чиройини очиб турарди.

— Кўчада нима гап? Бирон хайриятлик бўлармийкин?— сўради дадам.

Жўра тоғам:

— Мен ҳам гузарга кам чиқаман,— деди ўйчаник билан мўйловининг учини бармоқлари билан бураб.

Уша кунларда каттами, кичикми, ким бўлмасин, бирон янгилик, бирон хайриятлик юз беришини зориқиб кутар эди. Кўрнинг муроди—ёруг дунёни ўз кўзи билан кўриш бўлгандек, мазлум одам болалари яхши замон орзусида яшардилар. Онам, дадам сингари мен ҳам Жўра тоғамнинг оғзини пойлаб ўтирадим. У, ахир, дунё кўрган одам. Россиядаги уруш заҳматини ўз бошидан кецирган, не-не оғатлардан омон қолган. Тегирмондан бутун чиқкан жаҳонгашталардан бири шу Жўра тоғам-ку, ахир! Сарҳисобидан янглишиб қолган дадам, онам син-

гари бенаволарга хайриятлик куннинг элчилари — мардикордан қайтганлар бўлмаса, ким ҳам бўларди. Дадам, онам у ёқда турсин, ҳатто «дунёни сел олса тўпигига келмайдиган» мендақаларни ҳам бу хайриятлик сўзи умидвор қилган эди.

— Қачондир хайриятлик кун бўлиши турган гап,— ден сўз бошлади Жўра тоғам.— Аммо хайриятлик ҳали биздан хийла узоқда. Лекин барибир, у бир кун эмас, бир кун бизга ҳам етиб келса ажаб эмас. Нимага десангиз, уруш ҳамманинг жонига теккан. Юрт эгасиз бўлиб қолди деса бўлади. Бир замонлар — ош авлиё, нон пайгамбар бўлган экан,— дейишарди қариялар. Энди бўлса ўша замонни ўзимиз кўриб турибмиз. Россия ўрмонида, худонинг қаҳридан қаттиқ совуқда, бўронларда қарагай кесиб, окоп қазиб, заводларда чўян эритиб, оғир меҳнатда азоб-уқубат чекиб юрганимизда ҳам бир коса ёвғонимиз бор эди. Бегона юртда, ўз юртинг, қавм-қариндошиш, ёр-дўстларингни — сизларни эслаганимизда кўз ёшларимизни тиёлмасдик. Кап-кatta одамлар ёш болалардек ҳўнграшиб йиглашарди. Мана, она тупроққа ҳам келиб етдик. Қавм-қариндош, ёр-дўстлар кечираётган кунни кўриб, дардимизга дард қўшилди. Россияда ҳар кунни муҳайё бўлган ўша бир коса ёвғон бу ерда анқонинг уруғи бўлиб қолди. Юрт эгасиз бўлгандан сўнг нима ҳам бўларди. Ит эгасини танимаса!..

Дадам Жўра тоғамнинг гапини оғзидан олиб:

— Бирники мингга, мингники туманга деб шуни айтадилар!.. Ол, элликбошини ур! Ол, мингбошини, ҳокими ни ўлдир!— деб дунёга довруқ солиб, қўзғолон кўтардик. Бундан нима мурод ҳосил бўлди? Эсон-омон Жиззахни ёндириб, култепага эта бўлдик! Мардикор бермаймиз, мардикорга бормаймиз, деб мана мардикорга ҳам бориб келдиларинг! Қўзғолонлардан фуқарога бир чақалик наф етдими?

— Наф етди, Россияда құзғолом бұлмаса, Николай подшо таҳтидан ҳайдалармиди!— деди жонланиб Жүра тоғам.

— Николай таҳтдан ҳайдалиб, юрт тинчидими? Үзинг айтгандек, Герман билан уруш тұхтадими? Уруш бўлиб турганда юрт тинчиди деб ким айтди сенга? Юрт эгасиз қолди, дейсан, бу тұғри гап. Уша баччағар Николай ҳар қанча золим бўлса ҳам, унинг даврида бирор—оч-яланғоч, бирор—тұқ, куни ўтиб турган эди. Энди-чи? Халқ подачисиз пода бўлди-қолди.

Жүра тоғам дадамнинг «халқ подачисиз пода бўлиб қолди» деган сўзига маҳкам ёпишиб олди. Николайнин таҳтдан йиқитган одамлар Россияда тинч ётганларни йўқлиги, Керенский золим Николайнинг йўлинни давом эттираётгани учун Ленин деган киши уни йиқитишга даъват этаётгани ҳақида гапира кетди.

— У Ленин деганинг ҳам ўрисми?—сўради дадам.

— Ҳа, ўрис бўлса керак. У нуқул ишчи-деҳқоннинг тарафини олиб келган одам экан. Ана шу Лениннинг гапи билан ўрис ишчилари Керенскийни ҳайдаб, ўз одамларини ҳукумат бошига қўйиши учун тайёргарлик кўряттилар экан. Шунинг учун тез орада бирон хайриятлик рўй бериб қолиши ҳам ажаб эмас, деганим шундан, тоға.

— Ойнинг ўи беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ бўлади, кўп сабрсиз бўлманг, эр.— деди онам, дадамга тасалли бериб.— Жўравой бу гапни билмасдан гапирмас. Ноумид шайтон, ўлим бўлмасин. Бу ёмон кунлар ҳам тушдек ўтиб кетар, ўлмасак, невара-эварала-римизга бу кунларимизни чўпчак қилиб айтиб ҳам юрармиз...

Онамнинг бу далдаси дадамнинг ажин босган ғамгин чөхрасида табассум пайдо қилди. У ҳиқ-ҳиқ кулиб: «Жўравой, бизнинг тошкентлик шундақа, хотам аёл, оч бўл-

са ҳам тўқман дейдиганлардан», деб ўша куни хандон уриб кулганини биринчи бор кўргандим.

— Мен сизларга бир латифа айтиб берсам бўлар экан,—деб сўзида давом этди онам.—Ўтган замонларда бир опа-сингил бўлар экан. Кунларнинг бирида синглиси опасиникига ҳол сўрагани борса, опаси қотирмами, қатламами пишираётган экан. Қозон томон келаетган синглисини кўрган опаси қотирмасини шартта қозондан олиб, остига босиб ўтириб олади. Шунда синглиси: «Опа, бу кунлар ҳам ўтиб кетару, қўйруғингнинг куйгани қолар», деб изига қайтиб кетган экан. Бу латифадан маълум, биз кўриб турган кун бурунгиларнинг ҳам бошиндан ўтган. Қаноат арzon, қаноат қилиб туришлар, мен ҳозир қотирма пишириб келаман...

— Опа, яхши ҳам қозон бошида қотирма пишираётганингизда кириб келмадим, бўлмаса сиз ҳам...

— Йўқ,—деди онам кула-кула Жўра тоғамнинг сўзини бўлиб,—опанг ит феъл эмас... Бир майизни қўшни билан бўлиб еганлардан. Ҳозир қотирма пишади, ҳарқалай ёмон куннинг бир куни ўтади... Ҳаракатда бара-кат. Худонинг ўзи ҳам: сендан ҳаракат, мендан баракаг деган. Эркак киши курк товуқдек уйда жупжикиб ўтириб қолса хунук бўлар экан. Уйда ўтиришни худо шўринг қурғур аёлларга чиқарган! Ҳой эркаккина, кўчага чиқинг, сиз ҳам бирон ишнинг бошини тутинг, бирор кофир бўлса, бирор мусулмон дейман. Қани бу эркаккина ўринларидан қўзғалсалар...

Дадам бечора онамнинг бу таъна-тазарруларидан бошини эгиб ер чизиб қолди. Онам кепакдан ясаган қотирмасини кўтариб қозон бошига кетди. Оғир сукунат чўқди... Мен ва тоғам ер тагидан дадамга қараб-қараб қўярдик, дадам бўлса ҳамон кўзини ердан узмай, бош эгиб ўтиради. Дадамга жуда раҳмим келиб кетди. Нима ҳам қила олардим, қўлимдан бирор ёрдам келмаса!

Дадам чўнтағидан нос кадисини олиб ерга «тақ-тақ» урди-да, кафтини очиб кадини салкитди, нос тушмади, таъби яна ҳам хиралашиб, пешанаси тиришди. У ранг-кути ўчган ҳолда чўзиб: «Хўш-ш-ш...» деди-да, салмоқлаб гапира кетди:

— Ҳаракат қилиб кўчага ҳам чиқай, ҳамёнда ҳемиришиг бўлмаса, қўлингдан нима келарди, ишлайин десанг, мардикор ёллашга кўзи учиб турган одамнинг ўзи йўқ! Қимирлаган жонда қорин қайғуси. Қани, ўзинг айтчи, нима қилсан бўлади?. Борди-ю иш излаб бирон бегона юртга бош олиб кетдим ҳам, бу жўжалари билан (мени, укамни бармоқлари билан кўрсатди) тошкентликнинг ҳоли нима кечади? Бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон.

Онам, укаларим, мен дадамнинг оёғига кишан бўлиб қолганимизни шунда тушуниб қолдим. Бечора дадами курк товуққа ўхшатгани, дадам тугур менга ҳам қаттиқ ботган эди...

— Қиши келялти қилич ялангочлаб, уст-бошимиз бу аҳволда,—деди маъюс оҳангда дадам. Паҳтаси тўзиб кетган ўз чопонига, менинг иркит жулдур камзулимга, онамнинг асли туси йўқолган йиртиқ-ямоқ тик кўйлагига назар ташлаб, у ихтиёrsиз уҳ тортиб юборди. Мен, дадамдан кўзимни олиб, ерга қарадим. Дадамнинг бошидаги тегирмон тошидек оғир қайғу юки, гўё мени босиб ерга қалиштириб юбораётгандек эзилиб кетдим. Орага яна жимлик чўкди...

— Нафси ламр, опамнинг гапи ҳақ,—деб сукунатни бузди Жўра тогам. Дадам гўё: «Нима-нима, нима деяпсан?» дегандек, унинг юзига тикилиб қолди. Тогам ётиғи билан секин муддаосини баён қилди:

— Мардикордан қайтгандан бери бир қанча вақт касалдан ўнғарилмадим. Бунинг устига ҳозир ҳам бирон ишининг бошини тутолмай овора-ю сарсонман. Бир ху-

сусда сизга маслаңат согани келган әдим, тоға, билмадым, нима дер экансиз?

Жұра тогам ҳунарманд косиб. Ү құзғолонғача темирчилик қиласынан көрді. Жиззахнинг бозор-расталарында жазо отряди ўт қүйганды тогамнинг темирчилик ишхонаси ҳам күйиб кетганды. Энді у ўша күлтепаны ковлаб, ер тағида қолиб кетганды сандон, босқон, болға, омбур, шунга ўхшаш асбоб ва темир-терсакларини топиб олиб, яна қайта бошдан темирчилик ҳунарини бошламоқчи. Мени ўзинга шогирд қилиб олишни сүраб келибди. Дадам розилик берган бўлди-ю, охирги сўзни онамга ҳавола қилди. Онам ҳам узоқ ўйланиб ўтирмади.

— Бекор юргунча—бекор ишла, деган гап бор. Садағаси кетай ҳунарнинг, ҳунар—ҳунардан унар. Менниңг бирдан-бир муродим Назиркулни ўқитиб мулла қилиш әди. Чархпалак хозирча тескарисига айланиб турибди. Меҳнатдан киши ўлмайди. Ҳунар ўрганса ўзинга фойда. Болам ўсиб, уйлик-жойлик бўлар, ўшанда ҳунар кунига ярар. Кўриб турибсиз, ранги, уст-боши бир қолатда...

— Бу ёғидан хотирингиз жам бўлаверсин, опа,— деди мамнун бўлиб тогам.—Назирқул мен оч бўлсам—оч, тўқ бўлсам—тўқ бўлади.

Онам дастурхон ёзиб қотирманн қўйди. Итбурун уруги солиб дамланган чойни пиёла ва косага қуйиб, ҳузур қилиб қотирма билан чой ичар эканмиз, дадам:

— Ҳар дамига шукур... кўрсатганингга шукур,—деб қўярди...

ЛАТИФА ЭМАС БУ АЙТГАНЛАРИМ

Жўра тоғам уйимиэдан хурсанд бўлиб кетди. Укам хамон кепак жиридан ясалган қотирмани эринчоқлик билан чайнаб инжиқлик қиласади.

— Тур, болам, нафсинг ором олди, укангни олиб кучага чиқ,— деди дастурхонни йига туриб онам.

Мен укамни опичлаб йўл олгандим, онам:

— Нонингни менга бера қол, яхши бола, яшириб қўяман, ўйнаб қорнинг очади. Келиб ерсан,—деган эди, укам қотирмани кўкрагига босиб дод солди.

Дард-дунёси қоронги бўлиб ўтирган дадам:

— Жума оқшом оч арвоҳдек чирқиратмасанг-чи!— деб бақирди.

— Олиб бор овози ўчматурни!— деди жеркиб онам.

Мен тез-тез юриб, зшикдан тор кўчага чиқдим, қадамимни секинлата бориб, орқа-олдимга қараб қўярдим. Ҳеч ким йўқ. Узимча: «Гузарда оч болалар кўп, қотирмани талаб еб қўйишса-я... Йўқ, гузарга чиқмаймиз. Яхиси, қотирмани арра қилиб, еб маза қилай», деб ўйладим-да:

— Ўҳ, чарчаб кетдим, укажон, тушиб тур, озгинадамимни олай,— дедим.

Бу гап укамга ёқмади. Яна жазаваси тутди. Қўллари билан бўйнимга илондек ўралиб олди. У шундай қаттиқ

чинқирдики, ўнг қулогим жаранглаб кетди. Бир вақт қарасам, қотирма оёғим тагида, тупроқда ётибди. Ачи-нишни ҳам, севинишни ҳам билмайман. Дархол энгашиб қотирмани олдим. Укам йифи билан андармон бўлиб ҳабарсиз қолди.

— Хўп-хўп, оч арвоҳдек чинқирма!—дедим укамни силкиб,—тushmanсанг тушма, гузарга олиб борсам йиғла-майсанми?

Укам «ҳа» деди-ю, дархол йифидан тўхтади. Менинг хаёлим қўйнимдаги қотирмада, томогим тақиллаб егим келарди. Энди гузар бошига чиққан эдик, укам яна кўчани бошига кўтариб йиғлай бошлади. У қотирмаси йў-қолганини билиб дод соларди. Мен укамни ғазаблаб: «Ўзингдан кўр, онам қотирмангни қолdir, келиб ейсан, деганларида кўнмадинг. Қизғанчиқ. Баттар бўл! Ажаб бўлди, хўб бўлди. Энди сенга қотирма қаёқда, очдан ўлсанг, ўзингдан кўр!»—деб койиган бўлдим.

Хуллас қалом, укам билан муросага келдик; мен қотирмани қидириб топадиган, укам бўлса қотирмасига шерик қиласдингандан бўлди. Изимиизга қайтдик. Толиққанимдан аъзойи баданимдан тер чиқиб кетди. Оёғим қалтқалт титрарди. Ниҳоят, ҳийла ишлатиб ердан қотирманинг олган бўлдим. Укам суюниб кетди. Мен уни елкамдан ерга туширдим, қотирмага ёпишган тупроқ-чангни пулаб тозалаган бўлдим. Ўзаро битимга кўра қотирманинг ярмини укамга бердим. Қотирмани иштача билан чайнар эканман: «Эшонқулжон, маза қилдикми-а? Сени қотирманг жуда ширин экан, яна шунчаси бўлса «хап-хап» қилиб еб қўярдик» десам, укам хандон уриб куларди...

Укамни ўйнатиб ҳовлига қайтдим. Кун ўтиб қоронги тушди. Ўша куни ухламасдан тоингни пойлаб чиқдим. Тун қоронги. Қеча сокин. Бир вақтлардагидек на итлар ҳуриши ва на хўроzlар қичқириши эшитилмасди. Гўё олам қабристонга айланган. Мозор жимлиги чўккан.

Ана шу кече итлар, хўроздлар зотига кирғин келганини сездим. Бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон. Одамзод үчун донни бир донаси анқонинг уруғи бўлиб турган бир вақтда ким ҳам товуқ, ит боқар эди!

Қора тун пардасини ёриб, дараҳтлар орасидан ой мўралаб кўринди. Ухлай деб харчанд кўзимни юмаман уйқу келмайди. Ҳаёл аллақаёқларга олиб кетади. Очлик азоби, тўқчилик саргузаштларини эсга келтиради. Бир вақтлар куз қандай тўкин келарди. Қайси боққа бош сукманг олма, нок-нашвати ҳосилидан дараҳтлар шохи эгилган... Ҳилма-хил узумлар шира боғлаб, қора-сариқ анжир шохларда маржондек чизилиб ётарди.

Куз. Ингим-терим. Эрта-кеч деҳқонлар арава ҳайдаб, эшак йўртириб, от югуртиб даштдан қишлоқларга дондун, кечки қовун-тарвуз, ойимқовоқ, ем-хашак, ўтин-чўп ташиб келтирадар, чумолидек тиришиб тириклик ғамида тиним нима билмасдилар.

Ўзим жойи хобдаману, ҳаёл ҳамон ўз қанотида учирышдан тўхтамасди. Ақлимни таниб, ёшим ўндан ошиб, очлик нима эканини энди кўриб турибман! Ҳалқ ибораси билан айтганда, у вақтларда менинг ёшимдаги болаларнинг «нони нонвойда, оши ошпазда» экан. Ез пайтлари боғдан боққа сакрашиб мевазорлардан чиқмасдик. Баҳор меваси тут оқариб баччахўрак бўлди дегунча, бизни қидирган киши қайси бир тутнинг шохидан топарди. Ана-мана дегунча жовзак ўрик, гилос, олча, бодринг, орқама-орқа ҳандалак, қовун-тарвуз, узум пишиб маъмурчилик бошланниб кетарди. Ез кунлари мактабдан озод бўлиш билан Мўлкаллик ариқнинг чуқурига (сув айланиб оқадиган жойига) ўзимизни отардик. Чўмилиб, этимиз увушиб кўчанинг момиқдек билқиллаган иссиқ тупроғига танимизни кўмиб, қуёшга товланиб ётардик.

Биздан хийла олисда, чанг-тўзон орасида арава кўринарди. Биз болалар кўлдан учган ўрдаклар син-

гари тупроқдан дув кўтарилиб арава томон юурамиз. Четан тўла қовун-тарвузга кўзимиз тушиши билан шодланиб араванинг икки томонига ўтиб оламиз-да: «Амакижон, битта барака ташланг, хотинингиз қўчкордеч ўғил туғсин, амакижон», деб чуғурлашамиз. Биз қовун-тарвуз ортиб кетаётган деҳқоннинг ёш-қари бўлишини ҳисобга олмасдик, «хотинингиз қўчкордай ўғил туғсин, амакижон», деяверардик. Бир кун соч-соқоли оппоқ қордек, эти қочиб, жағи жағига кириб, мункиллаб қолган бир чолга ҳам: «Бобожон, хотинингиз қўчкордек ўғил туғсин» демаймизми, шунда чолнинг завқи келиб бирданига иккита қовунни араванинг икки томонига ирғитди. Орамизда Сафар чиканак лақабли чақион, чопқир бола бўларди. У чолнинг ҳадисини илиб олиб, ура қочди. Болалар уни қувлаб кетишиди. Үнга етиб бўпти, Сафар чинакам чопиб берса тойчоқдан ҳам ўзиб кетарди. Мен Сафар чиканак қўлига тушган қовундан умидимни узиб, аравадан қолмадим. «Боважон менга ҳам битта барака бера қолинг, келинг боважон, хотинингиз қўчкордек ўғил туғсин», деб жаврашдан чарчамадим.

— Баччағар, момонг етмишни уриб қўйган, бовангнинг бир оёғи йўлда, бир оёғи гўрда... қўчкордек ўғилни менга ҳожи кулол ясаб берармиди... Энди менга худойдан имон тилагин, имонингиз басаломат бўлсин бова, дегин!—деб тишиз милки билан лаб-лунжини қимтиб, кичик бир тарвуз билан менинг ҳам қўнглимни олган эди. Ӯша-ӯша деҳқондан барака тилаганимда ёшига қараб муомала қиласидиган бўлдим.

Жойи хобда ётар эканман: «Қани, ӯша четан тўла қовунлари билан деҳқонларни яна бир кўрсам», деб хаёл суравериб, ниҳоясига етолмай ухлаб қолардим.

Ӯша йили қиши қуруқ келганди. Қора совуқ, ёқимсиз изғирин одамларнинг ранг-қутини ўчирган эди. Бугун

Қишиң қорсиз, намсиз ўтиб, баҳор кириб келди. Әш-қары ҳамманинг күзи осмонда. Булат бору, ёмғир йўқ. Оналаримиз чўпдан «одам» ясаб, тўн-дўлпи кийгизиб қўлимиизга тутқазар экан, қишлоқ айланиб «суз хотин» айтишимизни сўрар эди. Биз бир гала болалар тўпланишиб эшикма-эшик «суз хотин» айтиб, худодан ёмғир тилардик:

«Ёмғирлар ёғсин,
Уралар гўлсин,
Суз хотин, суз хотин.
Деҳқонларнинг уйи тўлсин,
Халинотларнинг уйи куйсин,
Суз хотин, суз хотин.

Хонадонлардан ота-оналар чиқишиб ёғоч «одам» устидан сув қўйишар ва: «Худо, обло денглар, болаларим, ёмғир ёғдир, бандаларингни раҳмини егин, деб худога роз айтинглар, зора сиз норасидаларнинг оҳи даргоҳи илоҳига етса, оби раҳмат қўйиб, экин-тикин кўкарса», дейишиб, мунчоқ-мунчоқ кўз ёшларини тўкишарди. Биз она-оталар гапини жон қулогимиз билан эшитиб, худодан ёмғир тилардик. Ёмғир қаёқда, бор булутлар тарқалиб, осмондан чаңг ёғиларди. Шундай қилиб, ўша йили фасли баҳор ёмғирсиз ўтди. Чорва ем-хашаксиз қолди. Туёқли ҳайвон зотига қирғин келди. Қишиғир ўтган эди. Баҳорга етар-етмас озиқ-овқат танглиги, сўнг қаҳатчилик бошланди. Ваҳимали ўй-хаёллар миёмни кемириб, бошим ғовлаб тонг отганини ҳам билмай қолибман.

Онам ҳар қачон барвақт турар, шунинг учун бўлса керак, дадам: «Бизнинг тошкентлик саҳархез. Эрта наҳор ўйғониб офтобни қаршилашда ҳикмат кўп», деб онамни мақтагани мақтаган. Бугун ҳам онам ҳаммамиз-

дан олдин турганди. Бутун вужудимни чулғаб олган хаёл тизгини бирдан узилиб, Жўра тоғам билан бўлган кечаги гап эсимга тушди. Худди илон чаққандек ўрнимдаи ирғиб турдим, минг ямоқ калта камзулчамни шоша-пиша кийиб кўча эшиги томон чопдим. Энди дарвозадан чиқишим билан қорин ғами яна юк ташлай бошлади. Онам мендан бехабар ташқаримизни супуриб юрарди. Кеча кепак қотирма еб қорин қаппайтирганимида, дадам: «Ёмон куннинг бир куни ўтди», деган гаплари эсимга тушди-ю, бугун кечагидан кўра даҳшатлироқ кўриниб кетди. Жўра тоғамнинг куни кеча:— Опа, хотирингиз жам бўлаверсни, Назирқулиниги мен оч бўлсан — оч, тўқ бўлсан — тўқ бўлади, дегани эсимда. Аммо Жўра тоғам қачон тўяди, бу менга номаълум... Қорин қайғуси мени талвасага солиб қўйган эди. Борайми, бормайми? Бормасам-чи!.. Хўш, бормаганим билан, уйда касал укамнинг жонга теккан ғингшүвини эшишиб ўтирганим билан қорним тўярмиди?.. Таваккал қилиб бораман! Жўра тоғам оч бўлса — оч, тўқ бўлса — тўқ бўларман.

Бизнинг боғ билан Жўра тоғамнинг ҳовлиси ўтасида иkkala амакимнинг—Аширмат темирчи, Отавой совуқ амакимларнинг боғи бўларди. Кўча айланиб юрмасдан, бир девор ошиб боққа тушдим. Иkkala амаким боғи чегарасини ажратиб турган ўқариқ марза-сида юриб борардим. Халқ қўзғолонидан олдин кечки пайтларда жияним Меливой, Ғойибжонлар билан (буларнинг ҳар иккаласи ҳам Улуғ Ватан уруши фронтида немис фашистларига қарши жангда ҳалок бўлди) шу ариқ бўйлаб капалак, игначи тутиб ўйнашардик, ўт ўланга ағанашиб гўдаклик гаштини сурардик. Туябош ўт териб «туя-туя» ўйнардик. Қани энди у болаликнинг масъуд овунчоги, у кўкаламзорлар? Қани у жавлон уриб боғма-боғ кезиб, қанотларини пирпиратиб ҳавода

шүнгіб юргаң күк, қызил, сарғиши рангли иғначилар? Қаёққа ғойиб бўлди у ранго-ранг ҳарир зардўзи қанотли хилма-хил капалақ ва капалакчалар? Биз бир вақтлар офтоб билан бирга уйғониб, шабнамдек мусаф-фо тонг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олардик, майса-дан майсага учиб-қўниб юрган капалакларга бағишилаб қўшиқ айтишардик:

Капалакжон, ҳай мунча,
Севганингиз гул гунча.
Эрта-ю кеч учасиз,
Чарчамайсизми мунча.

Думё ғам-ғуссасидан бегона болаликнинг масъуд дамлари ўтган, учқур иғначилар бутунлай ғойиб бўлиб кетганди.

Қишиш — қорсиз, куз-баҳор — ёмғирсиз ўтди. Ер гулшани хазонга айланди. Табиятда юз берган бу оғатни жаҳонгирлик урушининг мудҳиш оқибатлари яна ҳам авжига миндирганди. Фронтларда одам болалари ўққа ем бўлаётгани етмагандек, фронт орқасида очлик устига терлама касали пайдо бўлди. Бу дард устига чипқон бўлди.

ИНҚИЛОБ ШАРПАСИ

Үт-үлансиз тап-тақир боғлардан ўтиб Жўра тогамникига бордим. У мени кўриб қувониб кетди, суяниб турган кетмонини елкасига олар экан, «баракалла, мулла Назирқулжон», деб қобил бола эканлигимни мақтаб кетди. Тоға-жиян бозор томон йўл олдик. Биз Янтоқзорликлар кўчаси олдига етганимизда Нижонлик мачит дарвозасидан бомдодни ўқиб чиқиб келаётган қарияларга дуч келдик. Тоға-жиян намозхонлар билан саломадик қилишдик.

— Жўравой калла-ю саҳар йўл бўлсин? Нега мачита беш вақт намозга чиқмайсиз?—деб домла имом унга танбеҳ берди. Тоғам ҳам бўш келмади:

— Бўш қоп тик турмайди, тақсир. Садақалари кетай намознинг, қорнимиз тўқ вақтда хўб ўқидик. Тирикчиликни тўғрилаб олайлик, беш вақт намоз қочмас,—деб гапни қисқа қилди-да,— қани мулла Назирқул, ишдан фойда, тирикчиликнинг пайида бўлайлик,— деб қўлимдан ушлаб, бозор томон йўл олди.

Бозор жойи бизнинг маҳалламиз билан чегарадош. Урда, қўй бозор... Кўз очиб, ақлимни таниб илк бор кўрганим қадрдан жойлар култепага айланган... Серқатнов кўчалардаги жонсарак одамлар қаёққа ғойиб бўлишган, гужғон одам қайнаб ётган бу ерларда ҳаётдан ном-нишо-

на күримасди. Фақат Жиzzах қўзғолони ва халқ фожиасидан қолган нишона—култепа яққол кўзга ташланиб турарди.

Урда ёки Кўргон ичи номи билан машҳур бўлган, юз гектар чамаси ерга жойлашган бу маҳаллаларда бир вақтлар неча минглаб жон яшарди, уларнинг бошпанаси, уй-жойлари бўларди. Энди мана хароба култепа бўлиб қолибди. Жўра тоғам ёнма-ён борар экан, бу хароботдан кўз узмасди. Мен бўлсам гоҳ куйиб кул бўлган ҳовли-жойларга, гоҳо тоғамнинг ғамгин чехрасига назар ташлаб қўярдим.

— Аттанг!—деди узун оҳ тортиб тоғам.

— Ҳа, нимага аттанг деяпсиз?—атайлаб тоғамни гапга солмоқчи бўлиб савол бердим мен.

— Нимага аттанг демайин, жиян! Қўзғолонгача бу Кўргон ичи қаидақа обод, гавжум эди, биласанми ўзинг?

— Нега билмас экашман, Зийнат холамишнинг ҳовлиси ни билсангиз керак, ҳа, ана ўтда куйиб қуриб қолган чўлтоқ қайрагочининг орқасида. Ҳар йили шаврўзда холам менга янги дўппи тикиб берарди. Кўп қатори мен ҳам сайилга янги дўппи кийиб чиққим келарди-да. Дўппини битказиб бермагунича холамникида хира бўлиб ётиб олардим. Ўша кезларда Кўргон ичига кириб болалар билан чиллак, тутди-минди, бекинмачоқ ўйнап эдик. Томга чиқиб варрак учирардик. Кўргон ичи томлари бир-бирига тулаш бўларди. Бир томга чиқиб юзларча томда депсинниб варрак учирардик. Томма-том юриб бойларнинг уйларнин томоша қиласардик. Шундай гулдор уй, меҳмонхоналар бўлардик, уларни кўриб оғзим ланг очилиб қоларди. Бир кун бир бойнинг нақшдор меҳмонхонасини томоша қила туриб, томидан ҳовлисига ғиқилиб, пешанам ёрилди.

— Йўғ-эй,—деди юришдан тўхтаб, юзимга тикилар экан тоғам.—Ростданми?

— Ишонмасанғыз мана, күринг?—дедим үнг қошим устини бармоқларым билан силаб...—Томдан қулаб нақ пешанам билан ёғоч устига тушганман!

— Ҳа, рост. Үрни бор. Күкариб турибди. Ҳали ҳам бир худо асрәбди-да, жиян.

— Ҳа, пешанамни ёриғи балиқни оғзидек очилиб қолибди. Ҳовли эгалари кигиз күйдириб ярага босибдилар ҳам, билмайман. Ҳүшсиз ётаверибман.

— Үзинг ҳам тинмагурсан-да, жиян,—деди ачиниб тоғам.— Үнг қошиңг устидаги тиртиқ шұхликдан нишона де...

— Ҳа, қаранг энди, үйнінг күйгур саллотлар әл үйніга ўт қўйиб, күлтепа қилиб кетди-я!.. Нега ўт қўйди экан-а?—жавоб талаб қилғандек тоғамниң оғзига қарадим.

Тоғам жавоб берниш үрнига истеҳзоли жилмайди, таажжубланғандек юзимга тикилиб туриб, сұнг деди:

— Наҳотки нега ўт қўйғанларини ҳалигача билмасанг!.. Қудрат бучча қулоқни (Қудрат чиноқни) тапирмидинг?

— Йўқ. Қудрат бучча қулоқ деганингиз ким ўзи?

— Ҳў, ана у үрда устида тик турған ёғоч нималиги-ни биласанми?—деди тепаликдаги дорни кўрсатиб тоғам.

— Ҳа, биламан. Мұҳаммади бучча қулоқни ана шу дорга осиб ўлдирғанлар. Үша куни мен ҳам үрда тагида бўлғандим. Э-ҳей... Чумолидек одам тўпланғанди. Усти ёпиқ арава. Атрофида бир гала саллот! Ҳеч кимни арава олдига йўлатмас эдилар. Бир вақти арава ичидан оқ қопга солинган бир парсанни кўтарниб туширишибди. Шунда халойиқ шивир-шивир қилишиб:

— Қопда одам бор!

— Қоп әмас! Кафан!

— Қоп ичидаги Мұҳаммади әмиш!

— Қайси Мұҳаммади?

— Ҳокимни ўлдирған бучча қулоқ-да! Дорға осармишлар шұрликни!—деб пичирлашиб, құрқиб-писиб гаплашғанларини үз қулоғим билан әшиетғанман. Мұҳаммади бучча қулоқнинг онаси додлаб йиғларди. Шунда каған ичидан ўғлининг овози әшиетилди:

— Онажон! Йигламанғ! Үглиңгиз бекорға ўлаётгани ўйқ! Золим оқпошшонинг Жиззахдаги бир устунини қулатиб ўляпман!—деганда, унинг бошига сиртмоқ солиб овозини ўчиришганди. Аёллар фарәд қилиб йиғлашғанди.

— Ия, йиғлаяпсанми?—тоғам әнгашиб юзимга қарди. Ҳа, мен йиғлаётган әдим. Мұҳаммади бучча қулоқ қатл этилған кундаги манзара күз олдымга келиб, қулоғимга дод-фарәдлар әшиетилгандек бўлди. Юзимга ўйчан тикилиб, ёнимда бораётган тоғам ҳар замон-ҳар замон бошини қимирлатиб: «Ҳа!» деб қўярди. Мен тоғамдан бир нарсани сўраб билиб олгим келиб турғанла, у сўраб қолди:

— Қани айт-чи, жиян, осилған бучча қулоқ сен билан менга қариндошлиги бўлмаса, сен нега мунча куйиб кўзингга ёш олдинг?

— Оқпошшо қўзголончи Мұҳаммади бучча қулоқни дорға осиб ўлдирганига бир йил тўлмай ўрислар золим подшонинг ўзини таҳтдан туширибди. Куни кеча бу гапни ўзингиз дадамга сўзлаб берган эдингиз. Бундан чиқди, ўрислар ҳам оқпошшони бизга ўхшаб ёмон кўрар экан, шундайми?

— Бўлмасам-чи,—қатъий жавоб берди тоғам.

— Шундай бўлса Мұҳаммади бучча қулоқнинг ҳам ўша оқпошшони қулатган ўрислардан фарқи йўқ экан-да!

— Албатта!—деди тоғам,—сен ҳали шунинг учун йиғладингми?

Мен тогамнинг саволига жавоб бермадим.

— Оқпошшога қарши қўзғолонлар Русияда бир эмас, бир неча марта, бир шаҳар, ёки қишлоқда эмас, бир нечта шаҳар-қишлоқларда бўлиб ўтган әкан. Ана шу қўзғолонга бош бўлган ўқимишли паҳлавон ўрислар подшо дорига осилиб кетган, Сибирга сургун қилинган, қамоқда чиритиб юборилган. Биз мардикорда юрган кезларимизда ўрислар билан кўп суҳбатлашардик. Уларга жizzахликлар бошига тушган кулфатни гапириб, қўзларимизга ёш олардик. Шунда: «Товариш!.. Йиғлаш ярамайди! Газаблапши, курашиш керак!—деб муштини тугарди...—Ҳаммамиз бир бўлиб ҳаракат қиласак, подшони ағдариб ташлаш мумкин бўлади. Якка-якка ҳаракат қиласак, тутиб олиб йўқ қиласаверади. Бирлашсак, иттифоқ бўлсак, ҳукуматни ўз қўлимизга олиб, бойларнинг заводларига, ер-сувларига ўзимиз эга бўлиб оламиз. Бундай ишга йиғлаб эмас, жанг қилиб, дўст бўлиб, қўлни қўлга бериб эришиш мумкин»,—дер эди. Улар ўз гапларининг устидан чиқишди. Ҳаммаси бир ёқадан бош чиқарип шундай подшони қулатишиди. Сен бўлсанг дорни кўриб йиғлаб юрибсан!..

Мен дарҳол кўз ёшимни артдим. Тоға-жиян кенг тош йўлдан анча вақтгача жим юриб бордик. Кўчада, тоштупроқ орасида отилиб ташланган милтиқ гилзалари ётарди. Олгим келарди-ю, қўрқардим. Кўлга олса отилиб кетармиш деб эшитгандим...

Жўра тогамнинг темирчилик ишхонасига кўп қолмади, қовун бозорни ўтсак етамиз. Йўлнинг икки ёқасидағи дўконлар, расталар култепа бўлиб ётарди. Бундан бир йиллар бурун чумолидек серқатнов бу кенг кўчада тоға-жиян иккаламиздан ўзга жон кўринмас, гўё биз қабрисонга кириб борардик.

Кулолчилик хумдонлари ёнидан ўтиб борамиз. Қўзғолон бостирилиб, халқ «Учтепа», «Қили» чўлига сургун

қилингандын күни жазо отряди бизни худди шу кулолчилик олдидан ҳайдаб ўтганда рўй берган воқеани аввалги бобларда ҳикоя қилған эдим. Ўша вақтда хумдонга терилған кўза, обдаста, хумлардан биронтаси қолмаган, қизил кесакка айланған хумдон атрофида синиб ётган сопол парчалари кўзга ташланиб туради.

— Дамин кулолнинг дўкони қаерда эди, биласанми?—сўради тоғам.

Мен хумдонини кўрсатдим. Жўра тоғам: «Тополмадинг, жиян,— деди.— Унинг ишхонаси ҳўана, чўлтоқ қайрағочнинг рўпарасида. Дамин кулол шу дараҳт соясида почасини болдиригача шимариб, бошини рўмол билан танғиб, икки қўли орқасида, бели камалакдек букилиб лой тепганни тепган эди...»

— Дамиш кулол ҳунарига мен ҳам қойил қолган эдим,—тоғамининг гапини бўлдим мен...

— Қани-қани, нимасига қойил қолган эдинг?—қизиқиб сўради тоғам.

Эсимда, ўтган йил рўза ойининг бошидаги жума куни. Онам: «Бугун ифторлик қиласиз. Холанг, амманг келишади. Бизникида оғиз очишади. Дадангга тайин қилғанман, намози жумадан чиқиб нишолда, кунжутли ширмойи нон олиб берадилар. Чопқиллаб бозорга бор! Ҳаялламасдан изингга қайт! Келиб сув ташиб, ҳовлига сепасан»,—деди. Мен суюниб кетиб: «Бўлмаса тез бўлинг, нишолдага коса беринг»,—дедим. Онам: «Коса керак эмас. Даданг янги коса олиб нишолда тўлдириб берадилар. Бора қол!» деганларида қушдек учиб бозор бошига етгандим. Дадамии қассоблик растасида, Одил қассобининг дўконида учратдим. Қўлларида хуржунча. Гўшт-ёғ олаётган эканлар. «Келдингми, балли азаматим. Мана бу хуржунчани олинг-чи», дедилар. Мен чаққон хуржунчани олиб елкамга ташладим-да, «нишолда қани?» деб дадамининг юзларига қарадим. «Нишолда

олиш учун кулолликка бориб коса олишимиз керак». Мен дадамга эргашдим. Ўша вақтларда бозор бошида одам кўп бўларди. Йўл-йўлакай учраган катта-кичик дадам билан саломлашар, баъзилари ҳол-аҳвол сўрашиб ўтишарди. Мен ҳар бир дуч келган одамга: «Ассалому алайкум», дердим. Уларнинг баъзилари худди қорилардек қироат билан «ваалайкум ассалом. Мулло бўлинг», деб қўйиншарди. Нилчи (бўёқчи) дўкони олдидан ўтиб борардик. Бўёқ иси бирам қўлансаки... Бир вақти саватда нон кўтариб ўтаётган Соли шонвойга кўзим тушиди. «Соли новчанинг нони лаззатли, хотинининг қўли ширин, ўзи пазанд» деган мақтовларни кўп эшигтанман. Унинг нонидан сотиб олдик. Кейин дадам билан тўппатўғри кулолликка бордик. Шили қамишли айвонга кирдик. Айвон саҳнинда лойдан ясалган хум, қўш қулоқ кўзалар қатор қўйилган, афтидан, улар ўз харидорларини кутиб турарди. Хумга ҳавасим келди. Хумнинг суви совуқ бўлади. Дадамга: «Хум олиб беринг, қудуқдан ҳар куни сув ташиб тўлдириб қўяман. Онам ҳам сувга зориқмайдилар», дедим. Дадам гапимга эътибор бермасдан, айвондан ичкари хонага йўл олдилар. Изма-из мен ҳам кирдим.

Кенг зинхона. Кулол дастгоҳида лойдан кўза яса-моқда, унга юзма-юз тик турган бир одам бўғилиб гапиради:

— Ҳой, нега даминг чиқмайди?

Кулол бутун вужуди билан ишга берилган. У бир ярим метр чamasи баландликда, бўйра кенглигидағи супача устида пўстакчага ўтириб оёғи билан дастгоҳ айлантиради. Мен кўздан сув қўйинб ичишни билибману, кўза қандай ясалади, билмас эканман. Кулол қаршисида тик туриб олиб пўписа қилаётган одамдан ҳам, менга кулолнинг «машинаси» қизиқ туюлди. У қозон қопқоғидек тошни оёғи панжаси билан айлантиради. Лагандек тах-

та устида чириллаб айланадыган лой кулолнинг панжала-
ри орасида шаклдан шаклга кириб борарди.

Тик турган одам ҳамон тажанг. Кулолнинг бўлса пар-
воси фалак. Қўл-оёги ишда, ғиқ этмайди.

— Ҳой, одамми бу ўзи?—деди савол назари билан
дадамга қараб тик турган одам.

— Қўйинг элликбоши, сиз ҳам, сен ҳам, бир оғиздан
чиқади. Яхши гап, яхши муомала яхши-да,—деган эди,
элликбоши дадамни жеркиб берди:

— Яхшиликни ҳам билган билади-да! Подшо ҳазрат-
лари ўйинчоқ бўлиб қолганлари йўқ!

Дадам индамади. Дамиш кулол шу қадар хотир-
жам, гўё униш қаршисида на биз ва на ўзига бино қўй-
ган элликбоши бор. У бутун вужуди билан ишига берил-
ган.

«Қурбақани босса ҳам «вақ» этади. Бу кулол кар бўл-
са керак, нега бўлмаса шунча дўқ урса ҳам, ғинг демай-
ди, деб ўйлардим. Кулолга раҳмим келиб тикилиб қол-
дим. Юзи чўтири, аммо хўрот токиси сингари қип-қизил.
Қирғиз қовоқ, қоши сийрак. Аммо ўзи серсоқол. Эти
қочиб суюгига ёпишган бўлса-да, чайир кўринади. Эллик-
бошининг зўравонлигидан ғазабини ичига ютганиданми,
қоши чимирилган, қовоғи солиқ.

Элликбоши аччиқ ва ҳақорат сўзлар билан кулолдан
бир оғиз жавоб ололмагач: «Яхшиликни билмади бу
имонсиз. Энди ўзидан ўпкаласин! Йиғиштир дов-даст-
гоҳингни! Сен билан энди мингбошининг ўзлари гап-
лашади. Юр-юр, олдимга туш!» дея бақира бошлади.

Кулол ҳамон «ғиқ» этмасди.

— Сенга айтяпман, ҳой маҳлуқ!

Кулол ҳамон жим. Мен, кулол кар экан, деган фиқрга
келдим. Ҳаммадан ҳам ачинарлиги шу бўлдики, кулол
бечора не-не азоб билан ясаб битирган кўзасили даст-
гоҳдан узиб олиб, ёнига қўяётганда қулаб тушди, қорни

ичига кириб пачоқ бўлди. Шунда ҳам у авзонни бузмади, аламини элликбошидан олмади. Гўё ҳеч қандай ҳодиса рўй бермагандек, йиқилган кўзанини фижимлаб, қайта бошдан юмшатиб, зувала қила бошлади.

Дадам: «Жон элликбоши, рўза куни дили сиёҳлик яхши эмас», деб яна орага тушди. Элликбошининг бўйин томири ўқлоғидек бўртиб, қошлари пир-пир учар эди, қўли қалтираб, рағидан қони қочди:

— Дили сиёҳликни ким қиляпти, менми, ёки анави хотини талоқми?

Дамин кулолни гўё чаён чақди. У пишитиб турган лойини элликбошига қараб отди. Лой деворга чаплаган таппидек унинг пешанасига бориб ёпишди. Элликбошининг салласичувалиб, ўзи устунга суялиб қолди.

— Иzzатини билмаган хунаса! Хотини беқадр!—деди ғазаби тошиб Дамин кулол.

— Хунаса дедими? Эл оқсоқолини-я!—деди салласини йиғишириб элликбоши.

— Эл оқсоқоли бўлган баччагар эл ғамини егучи эди. Одам боласини итдан олиб, эшакка солмасди. Эл оқсоқоли элга ота бўлсин! Ўз фуқаросининг ҳол-аҳволидан хабар олсин! Амал деб элни сотадими!

— Мингбоши, ҳоким жаноблари олдиларида жавоб берасан, муттаҳам.

— Муттаҳам ўзинг!—деди овозини бир оз кўтариб кулол.

— Қани, пастга туш! Қолган гапни ўша ерда гапирасан!

— Мен гапимни гапириб бўлдим. Мардикор ёллашга қурбим келмайди. Кунимга яраб турган биргина ўғлимни мардикорга юбормайман! Қўлларингдан нима келса ўшани қилинглар!

— Нима арз-додинг бўлса мингбошига айтарсан. Олдимга туш.

— Мени тинч қўйининг, қонга ташна бўлиб турибман!—
деди ранги оқариб кулол. У човут солишга ҳозирланган
йўлбарсдек секин жойидан қўзғалди.

Кулолнинг авзойи бузилганини билган элликбоши
секин орқасига тисарилиб ташқарига чиқди-да, «минг-
боши!.. Полиция!» деб қичқира-қичқира маҳкамамон
йўл олди.

Дадам: «Чакки иш бўлди, усто Дамин, энди бу ерда
турманг, тез кетинг! Кўриб турибсиз, замон зўрники,
амалдор билан сен-менга бориб бўладими шу зол за-
монда!»—дедилар-да, дўкондан чиқиб ҳовлимиз томон
йўл олдилар.

— Ҳа, қўзғолон худди сен айтаётган ўша хархаша-
нинг эртаси куниёқ бошланиб кетган эди,—деди ҳикоям-
ни бўлиб тогам.—Ҳар ҳодисага ҳам бирон нарса сабаб
бўлар экан, ажал тортиб турганини қарамайсанми,
худди ўша куни келган арзгўйларга Мирзаёр мингбоши
одамдек муомала қилмади, оғзидан боди кириб, шоди
чиқаверди. Мен дўконда ўроқ пешлаб турган эдим, маҳ-
камамонда шовқин кўтарилидди. Шошилиб ўроққа сув
бердим-да, дўкондан отилиб ташқарига чиқдим. Бир
одам бир кишининг ёқасидан олиб, тош йўлга судраб
тушяпти. Кўчанинг у-бу томонидаги темирчи, мискар
дейсанми, аравасоз, дурадгор, мўккидўз, баққол дей-
санми, саройда дам олиб ётган карвонлардан тортиб,
такядаги бангиларгача маҳкамамон югуришарди.
Сен айтган Дамин кулол Мирзаёр мингбошининг
миясига тош билан туширди. Мингбоши ағдарилиб
тушди.

Дамин кулол:

— Ана, хотини талоқ бундақа бўлади... Ўғлимизни
мардикорга юбориб, келинимизга эр бўладиган сенми!—
деб миясининг қатифи чиққунча тош билан урди. Шу
аснода тўпланган одамлар ҳам томошабин бўлиб қол-

мади. Бирор мингбошига тош отар, бирор оёғи билан тепарди.

Тоға-жиян Жиззах қўзғолони хотиралари ва унинг аянчли оқибатлари ҳақида йўл-йўлакай гаплашиб кигиз бозорга етиб қолибмиз. Қигиз бозорга олиб кирадиган кўчанинг чап муюлиши Жўра тогамнинг ишхонаси, ўн муюлишидаги баққолликка туташ темирчи Миразим тоғам, уста Мансур, уста Шайман, Азиҳон мискарларнинг дўконлари култепа бўлиб қолган эди.

Жўра тоғам ўз дўкони култепаси устига чиқиб атрофии кўздан кечирди, шегадир у ич-ичидан куйиниб чуқур оҳ тортди-да, «аттанг!» деб қўйди.

Култепага чиқиб мен ҳам атрофга назар ташладим! Үрда ичидаги ҳамма хонадон куйиб кул бўпти-ю, фақат сирли мачит куймасдан қолибди. Тоғам учун муаммо бўлиб кўрингап бу тасодиф менинг учун таажжубланарли эмасди. Бошқа маҳаллалардаги мачитлар ҳам қўзғолонда куймасдан қолганди. Ота-оналарнинг талқинларига кўра, гўё мачит худонинг уйи бўлгани учун солдатлар унга ўт қўймаган. Бозорнинг гарб томонидаги Нуридин хожининг мадрасаси ва унинг билан ёнмаён солинган Оқтом деб аталувчи русско-туземная школа биноси ҳам омон қолган эди. Мени ҳамма нарса қизиқтиарди, тоғамга саволлар ёғдиардим. У бўлса яловланибми, ёки дардини янгилашни истамаганлигиданми, кўп саволларимни жавобсиз қолдиарди. Ниҳоят, тоғам култепа устига чўнқайди-да, мингиллаб «Кулхуоллоҳу аҳад»ни тиловат қила бошлади. Буни мен ҳам ёддан билардим. Унинг ёнига чўнқайдим. Тоғам иккала қўлинини фотиҳага очиб: «Бу оғатларни бошимиздан ўзинг кўтар, биз кўрдик, бошқалар кўрмасин», деб юзинга фотиҳа тортди. Тоғам нима қилса, мен ҳам шуни қилдим. Тоғам айтган балоларнинг бошимиздан кўтарилишига мен ҳам чин юракдан талабгор эдим. Шундай

яхши тилакка тарафдор бўлмай бўлармиди. Бироқ мен ҳам бу балоларнинг «даф» бўлиши одамлар ҳоҳишидан кўра кўпроқ худога боғлиқ деб тушунардим ва унга шак келтиришдан қўрқардим. Бу сабабсиз эмас эди, албатта. Эски мактабда домламиз «яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам, баҳт, баҳтсизлик, бой бўлиш ва қашшоқлик ҳам ёлғиз худонинг иродасига боғлиқ, ҳатто беамр бандасининг оёғига тикан кирмагай. Кимки бунга шак келтирса коғир бўлғай, у дунёда жаннат юзини кўрмагай, етти дўзахнинг бирн—сақар унинг донмий макони бўлғай», деб таълим берар эди.

Тоғам ўрнидан турди. Кетмонни қўлига олиб салмоқлаб кўрди, сўнг иккала кафтига бир-бир туфлаб: «Ё ҳазрат Довуд пиrim!» деб қулочкашлаб кетмонни култепага урди. Кул, кўмир аралаш тупроқни тош йўл тарафга иргита бошлади. Хўш, бу култепа тагида Жўра темирчининг олтини қолиб кетгандир, шунинг учун, у ўлартириларига қарамасдан, оч-наҳор култепани ковлаётгандир, деб ўйлаётганлар ҳам бордир, албатта. Йўқ, бу тупроқ тагида Жўра темирчининг олтидан ҳам «қиммат» асбоб-ускуналари ётибди. «Арпа-буғдой ош, олтин-кумиш тош бўлган» ўша йилларда, ҳарқалай ҳунарнинг асқатишига оз бўлса-да, умид бор эди.

— Ойнинг ўн беши қоронги бўлса, ўн беши ёруғ, жиян, ноумид шайтон. Дунё шундай бўлиб қолавермас, тирик жон бор, ҳаракат қиласди, одамзод тирик экан, экин-тикинсиз яшай олмайди. Олдимиз қиш, худо қаҳридан тушар, қор ёғар, ўлмаган қул баҳорни ҳам кўрар, деҳқон яна ер коплаб уруғ сочар, унга кетмон, ўроғ, инчунин турли-туман асбоб керак... Қараб турҳали, бу кунларни кўрмагандек бўлиб кетамиз, худо хоҳласа,—деб мени юпатарди тогам.

Худонинг қорни тўқ бўлса керак, агар мендек оч бўлгаңда, балки бизнинг тўғримиизда ҳам ўйлармиди,

деган фикр қаёқдан ҳам бошимга келди-ю, айтишга ботинолмадим.

Тоғам астойдил ишга берилиб кетди. Қизил тупроқ, күл, күмирии аралаш-қураш қилиб күчага ирғитар әди. Куюк иси димоққа уар, аллақандай бадбүй ҳид күнгилни беҳузур қиласын. Тоғам қора терга тушиб, оғир-оғир нафас олар, ранги оқариб, күзининг остида күкимтир дөг күринарди. Тоғам кетмөнни ёнбошига құйиб, енгі билан юз-күздеги терини артди. Тупроққа секин үтируди. У калта-калта нафас олар экан:

«Күкракни совуққа олдирғланман, жиян!»— деб қўйди. Мен тупроқ орасидан күмир, ҳар хил темир-терсакларни териб бир четга тўплардим.

— Териб ол. Битта қолдирмай териб ол! Аигишвона-дек кўмир ҳам қолмасин. Биз савдогар эмасми, сармоя-дан қийналсан. Бизининг сармоямиз темир, дастмоямиз кўмир. Зерикма, кўмирми, темир-терсакми, биронтаси тупроқ тагида қолмасин.

Мен каламуш сингари тупроқ ковлайман. Ўроқ, чопки, қирғич, оташкурак, капгир, занжир... Э-хе нимагина йўқ бу тупроқ тагида... Үлжалар уюми оша борган сари олтин тўплаётгандек суннаман.

— Тоға, сиз чарчадингиз, мен ҳам пича ковласам майлими?

— Кошки эди, кучинг етса ковлаб кўр,—деди беҳол үтирган тоғам.

Мен кетмөн дастасидан чаққон ушлаб, худди тоғамдан кўрганимни такрорладим. Аввал ўнг кафтимга, кеъин сўл кафтимга туфлаб, кетмөнни бошимдан ошириб: «Е ҳазрат Довуд пирим», деб тупроққа урдим. Кетмөн темирга тегиб, тупроқ орасида «ялт» этиб учқун чақнаб кетди.

— Сандон... кетмөн худди сандонга тегди,— деди ўрнидан сакраб туриб тоғам. Қани, кетмөнни менга берчи

Тоғам құлымдан кетмөнни олди. Уни күздан кечирап экан, кетмөннинг қайтған дамини бармоғи билан силаб: «Ха, сандонга тегмаса бунчалик дами қайтмасди», деб қўйди ва авайлаб тупроқни ковлай бошлади. Сандон кундага қўндирилганича турган бўлса-да, кунда куйиб сандон зўфатаси бўшашиб қолган экан.

Тоғамнинг хурсанд ёки хафа бўлганини билиш қийин эди. Уннинг чеҳрасидаги табассум бирдан сўниб, қуёш юзини тўсган булут сингари ғам-ғусса ўраб олди.

— Ҳазилакам иш бўлмади, жиян. Бугунча шу ҳам етар... Сандон топилди, болға, омбур бор. Кўмир-темир деҳқончилик. Бир амаллаб дам ясад олсан, марра бизники. Худо хоҳласа энди очдан ўлмаймиз, келиб-келиб, яна кунимизга ҳунар ярайдиган бўлди. Ҳунар ўрган. Бир йигитга қирқ ҳунар камлик қиласди. Ҳунари бор одамни икки дунёси чарогон, ҳеч қачон хор бўлмайди.

Менинг қорини оч. Дармоним қуриб, қулогим шанғиллар эди, кўз ўнглим қоронғилашиб кўнглим аллақандай беҳузур бўла бошлади. Тоғам менга кўз қирини ташлаб, ўзича: «Нечаво» деб қўйди.

Бу сўзни мен умримда биринчи эшитишим эди. Гарчи ўша топда пашшанинг ғинги қулоғимга ёқмаса-да, бу сўз нима эканлигини билгим келди ва «нечаво нима?» деб тоғамдан сўрадим. Тоғам очилиб-сочилиб менга тушунтира кетди.

— Үрмонда қарағай кесардик. Қаҳратон қиши, бўрон авжига чиққан. Изғирии бўридек улиб, кўз очиргани қўймайди. Иш беҳад оғир. Қорин оч. Орамизда ҳолдан тойиб, суроби тортилмаган одам камдан-кам. Одатда ишлаб чарчаган одамнинг дам олини турган гап. Лекин у ерда, ўрмон ичидаги чарчаб ҳолдан тойсанг ҳам, бир нағас ўтириб дам олиб кўр-чи. Совуқда тиррайдек қотасан. Одам қимирлаб турмаса қўл-оёғи шамдек қотади. Ҳар кун иш бошида ўилаб одамлар ҳалок бўларди. Ай-

ниңса Туркистан үлкасидан борганлар Россия совуғига чидай олмасди, күплари нобуд бўларди. Үрис халқи со-вуққа бардошли бўлар экан. Ҳай-ҳай мусулмонлар!.. Юриб бора туриб мўрт теракдек қулашади. Одамзод-нинг бунчалик хор бўлганини кўриб ҳўнг-ҳўнг йиғлашар-дик. Шунда ўрислар бизга тасалли бериб елкамизга қо-қарди-да, «нечаво» деб қўярди. Авваллари «нечаво»си нима экан деб тушунмасдан юрдим. Кейинчалик билсан «нечаво»си ўзимизча «нима ҳам қилардик» дегани экан. «Бу ишидан Николай подшо ҳеч нарса ютаётгани йўқ! Россияда ким кўп, бизга ўхшаган ээилганилар кўп. Бу-ларнинг ҳаммасини қириб тугатишга подшонинг умри кифоя қилмайди. Нечаво, подшонинг ҳам саноқли умри қолди. Аммо бизнинг ёруғ кунимиз узоқ эмас, нечаво брат», дейишарди. Тушундингми энди, «нечаво» дегани нима экан,—жилмайиб менга қаради тоғам.

— «Нечаво брат» дедингизми?.. У нима дегани?— эзмалик қилиб яна савол бердим.

— Оббо сен-эй.. шуни ҳам билмайсанми? «Брат» дегани оғайни, оғайничалиш дегани-да... Ҳа, «нечаво»сида ҳикмат кўп экан, жиян. Кўриб турибсан, «нечаво»си тўғ-ри чиқди. Шоввоzlар Николайн тахт-бахти билан кўта-риб урди. Энди саломатлик бўлса бу ёғи хайриятчилик...

Тоғам афтидан мени овутмоқчи, қорин очлигини унут-тириш учун «нечаво» сўзидан шундай хулоса чиқаришга уринди. Бироқ подшони ағдариб ташлашга «кучи» етган «нечаво», ўша топдаги очликка оз бўлса-да асқатолмаган эди.

ҲАМИЯТ

Кече тогамга қарашиб жуда чарчаган эканман, эрталаб уйқудан уйғонишим қийин бўлди. Онам:

— Ҳой ғафлат босмагур, алла-невақт бўлиб кетди!.. Тура қол! — дея жаврайвериб жонимга теккандан сўнг, ноchor кўзимни очдим. Аъзойи баданим қақшаб, суюклагим зирқирап, қимирлашга мажолим йўқ эди. Ўзимни аллақандай беҳол, оғир ҳис қиласдим. Шундай бўлса ҳам сир бермадим. Онамни хафа қилгим келмасди-да! Чала-чулпа мушук юз ювишини қилиб, супанинг бир четига бориб ўтиредим. Жуллур камзулим барига бет-қўлимни артдим. Оч наҳор Жўра тогамнинг олдига борарман, қорин нима бўлади, деган хаёлга бориб турганимда қўлида яримта қотирма билан онам ҳозир бўлди:

— Болам, гапим қулогингда бўлсин, тоганг нима иш буюрса бош тортма, хўпми, жоним болам?

— Хўп, онажон.

— Дангасалик ёмон. Ундан худонинг ўзи сақласин. Мана буни ол, шу ерда еб қорнингни тўйдир! — дея яримта қотирмани қўлинига тутқазди.

— Сиз ўзингиз нима ейсанз, онажон?

— Мени ўйлама. Даданг кўчага чиқиб кетдилар. Бирон нарса топиб келарлар. Яримта қотирма бор, даданг билан нонушта қиласмиз.

— Үндай бўлса ярмини тушликда ерман,— дедим қотирмани иккига бўлиб.

— Яхши қиласан, ақлли ўғилжоним. Ишдан кейин тўғри уйга кел. Кечқурун ёғлиқ атала қиласан.

— Ур-рэй... ёғлиқ атала, ёғлиқ атала!— деб бақирдим, қувончимни ичимга сиғдиролмай.

Худди қулоғи овда бўлиб ётгандек, ухлаб ётган укам уйғониб кетди:

— Атая... Менгаям атая!— деб қилди хархаша, қилди хархаша.

Онам менин койиб берди. Қувончим заҳар бўлди. Укам ўтакетган инжиқ. Йўқни йўндирамагунча тинчимайди. Дарҳол қотирмани беркитдим. Худо сақласин, борди-ю укамнинг кўзи қотирмага тушиб қолса, шерик бўлиш у ёқда турсин, «ҳаммасини берасан!» деб ер тепинади. Шунинг учун ҳам орқа-олдимга қарамасдан қоча қолгандим, онам елкамдан ушлаб тўхтатди.

— Бу дўппи ўлгурга нима зўр келди!— деди бошимдан дўппимни юлиб олиб.

Укам ҳамон «атая-атая!» деб хархаша қиларди.

— Фингшимай тур, акангнинг дўпписини чатиб берай, атала қилиб бераман,— деди деворга санчиғлиқ игнани олиб, ип ўтказар экан онам.

Онам имиллаб ишлаган одамни ёмон кўради. Ҳозир ҳам дўппини чатар экан, қўли ишда, оғзи гапдан бўшамасди.

— Кийимни аяб кий!.. Қадимгидек бисотим бўлса экан, янгилаб турсам... Кечагидек бугун ҳам кўйлагингни лойга белаб келма!

Онам дўппимни чатиб бошимга кийгизди. Мен одатдагидек тоғаминкига қараб йўл олдим! Тоғам мени хушнуд кутиб олди.

Бозор боши томон йўл олар эканми, тоғам йўл-йўла-кай ўз режалари тўғрисида гапиради:

— Дамсиз темирчилик юрмайди, жиян. Қандай қи-
либ бўлса ҳам биронта кўнчи билан сўзлашиб ошланган
тери топмоқ керак. Теридан дам ясаб, кўра қурамиз...
Мабодо бирон ерда эски-туски терига кўзинг тушмаган-
ми, жиян?

— Йўқ. Қўй бўлмаса тери қаёқдан бўлсин...

— Қўй ҳам бўлиб қолар... терисиз-дамсиз темирчи-
лик юрмайди, жиян.

— Онами эски пўстагидан дам бўлмасмикин?

— Ия, ана бу гапинг авлиёлик бўлди, жиян... Бўлган-
да қандай... Онанг пўстагини берармикин?

— Билмадим, кўрпаларимизни саллотлар олиб кет-
ган... Тагимизга яраб турган эди, сўраб кўринг.

Тофам ўйланиб қолди. Темирчиликни бошлаб юбо-
риш учун дам зарурлигини мен ҳам биламан. Тоғамга
ёрдам қилгим келади, аммо чорасизман. Онамга ҳам ай-
тишим мумкину, аммо тагимизга нима соламиз!.. Шу-
ларни ўйлаб бошим қотди.

— Нимага шунча ўйланиб қолдинг, жиян?— деди
тоғам,— қани у ёқ-бу ёқдан суруштириб кўрайлик-чи,
юрчилик, топилиб қолар, жуда топилмаса, кейин икка-
ламиз бир бўлиб онангга ялинамиз. Бўптими, жиян?

— Бўпти.

— Керакли тошни оғирлиги йўқ,— деб бурунгилар
хўб айтиб кетган эканлар-да. Ишга яроқсиз бўлиб қол-
ган чархни бир вақтлар сомонхонага ташлаб қўйган
эдим. Уша чарх мана бугун кунимизга яраб қолар,—
деди қўлидаги чархни кўрсатиб тоғам. У бугун шу чарх-
га қум боғлаб, ишни ўроқ-пичоқ чархлашдан бошлаб
юбориш ниятида эканлигини гапирди.

— Қани энди, Назирқул, чарх тортишга сенинг ҳам
кучинг етса эди, бошқа бирорга ялинниб юрмас эдик,—
деди у синовчан назар билан менинг юзимга қараб.

Мен умримда чарх тортиб кўрмагандим. Аммо қўз-

ғолонга қадар темирчилік растасида чарх тортаётган халфаларни күргандым.

Үрөкни чархлашдан күра, чархни тортиш оғир эканлигини ҳам билардим. Бошида яғир дүпли, эгнида иштөнидан бўлак кийими бўлмаган ўрта ёшдаги бир одам амакимнинг чархини тортарди. Унинг мускуллари қайнаб битган, бадани қоп-қора қўйма чўянга ўхшарди. У извошчининг отидек бошини бир ёнбошига ташлаб олиб зўр бериб чарх тортарди. Бошидан тер қуилиб, ҳамомдан чиққандек танасидан буғ чиқарди. Олдин томошадек бўлиб кўринган бу манзара, сўнг менда ачиниш ҳиссини туғдирганди:

«Амаким у бечорага бир нафас ҳам дам бермайди... Камбағалга бундан осонроқ иш қуриган эканми?» деб раҳмим келгани эсимга тушди. Тогамнинг: «Қани энди, Назирқул, чарх тортишга сенинг ҳам кучинг етса эди», деб қилган шамаси мени ўйлантириб қўйди. Чарх тортиш кўлимдан келмаслигини билардим. Демак, тогамга чарх торта оладиган одам керак... Унда мен ортиқча бўлиб қоламан-ку! Ишламасам ҳеч ким менга бир бурда нон бермаслигига ақлим етарди. Уйда дадам, онам, укаларим оч, ярим яланғоч...

Тоға-жиян жимгина юриб борардик. Бозор жойига кириб борганимизда қўланса куюқ ҳиди анқиб кетди. Бозорга олиб борадиган йўл одатдагидан серқатнов, «Учтепа» ва «Қили» чўлига сургун қилинган қўзғолончилар ва фронт орқасига сафарбар қилинган йингитлар подшо тахтдан ағдарилиш билан шаҳар ва қишлоқларни қайтишган эди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора, уйи ўтда куйганлар лой қориб, гувала қуяр, чумолидек елиб-югуришиб ўзларига бошпанга қуришарди.

Сургундан қайтиб келганлар дарҳол ўз касб-корларни қилишга ҳаракат қилиб қолишли. Бозор жой куйиб култепа бўлиб қолганидан маҳаллалар бозор бўлиб қол-

ганди. Бирор дўкон учун куча юзидағи сомонхонасини, бирор ўчоқбоши, ёки молхонасини мослаб олганди. Жазо отряди кетиши билан гузарларга файз кириб, бақ-қолларда оз бўлса-да, озиқ-овқат, баззозларда газлама пайдо бўлиб қолди. Аҳоли очяланғоч бўлишига қарамасдан руҳи баланд, чунки золим подшо таҳтдан тобутга тортилганди. Аммо ҳокимият эгасиз, ҳар ким ўз билганича иш тутарди. Ўша кунларда савдогар унсурлар қуртдек ғивирлаб қолишди. Маҳалла бозори секин-аста барҳам топиб, эски куйган бозор тиклана бошланди. Еймачи майда савдогарлар пайдо бўлди. Қўзғолон пайтида бор-йўғи талон-торож бўлиб, ҳатто товоқ-қошиққа зор бўлиб қолганлар кўп эди. Харидорлар эҳтиёжини ҳидлаб топишнинг омилкорлари бўлган савдогарларга қайта бошдан жон кириб қолди. Хуржункашлар шаҳарма-шаҳар изғишиб, жizzахбоп мол-матолар ташишиб, савдо-сотиқни ривожлантириб юбордилар.

Тоғам ҳам қандай қилиб бўлса-да, тезроқ темирчилик ишхонасини қуриб битказиш пайнда эди. Ишхона ўрни энди кул-тупроқдан тозаланган. Лой қориб, гувала қўйиш керак. Бироқ сувни бир чақирим узоқдан, қассоблик мачитдан пақирлаб ташиш керак. Тоғам икки, мен бир пақирни олиб ҳовуздан сув ташиб, лой қориб, гувала қуя бошладик. Вақт тушга яқинлашиб қолганда тоғам иккита пақирни тутқазиб: «Чопқиллаб бориб тўлдириб кела қол, кейин тушлик қиласиз», деган эди, гўё танамга жон, оёғимга дармон киргандек бўлди. Сув олиб келганимда тоғам ўт ёқиб қумғон қайнатаётган экан. Келтирган сувимни лойга сепди-да, «қани жиян, бир оз ҳовузланиб олайлик», деди. Чопони орасидан катталиги туяning кўзидан кўра сал каттароқ бир яримта зорора (тариқ унидан пиширилган) нон олди-да, бутунини ўзи, яримтасини менга узатди. Илгарилари одатда нон дастурхонга қўйилиб ушатилгач, одамлар «олинг-

олинг» қилиб, ҳар ким хоҳлаганича ер эди. Энди бўлса... Тофам мени сувга юбориб, яримта нонни ўзи ўмарган бўлса керак, деган шубҳа кўнглимдан ўтди. Начора, тоғамга қарам бўлмаганимда нима қилишимни ўзим билардим-а!

Тофам сопол косага дор сув қуиб, зогора нонини ботириб-ботириб ер эди. Мен дор сувдан совуқ сувни афзал кўрсам ҳам, ўша топда на дор ва на совуқ сув ичгим келмади. Тоғам дор сув узатганди, мен бош чайқаб: «Йўқ, ичгим йўқ», деб қўя қолдим.

Шу зайлда ҳар кун лой қориб, гувала қуиб ҳафтадан кўпроқ ишладик. Бироқ менинг ноним бутун бўлмади. Яримта зогора нон менинг улишим бўлиб қолаверди.

— Гувала етиб қолар, энди деворни кўтарсак бўлади. Аммо бу иккита одам билан битадиган иш эмас. Ёлғиз отнинг чағи чиқмас, чағи чиқса ҳам донғи чиқмас! Бу гапнинг маъносига тушунасанми?

Мен елкамни қисиб қўя қолдим. Тўғриси, мен бу гапнинг маъносига кечқурун, ҳовлига қайтиб борганимда, тоғам иккаламиз қилаётган ишга дадам билан онам қизиқиб, савол берганларида тушундим. Супага тўшалган пўстак устида дадам билан сўзлашиб ўтирган онам, тоға-жиян орамизда бўлиб ўтган гапдан воқиф бўлиш биланоқ қиссадан ҳисса чиқазган эди.

— Муштдек бола билан ёлғиз ўзи иморат қуролмайди, албатта. Сиз катта бўлиб, иккала укангиз Аширмат поччам билан Отавой поччамни қаватингизга олиб ҳашарга борсангиз жуда соз бўларди! Бекор юргунча, бекор ишла дейдилар. У ёғи ўзингизнинг жон-жигарингиз. Сиз учала ака-уқани деб жиян шўрлик мардикор бўлиб, ўлим жойларга бориб қайтди. Ким ўйловди урушга кетганлар қайтиб келади деб, яхшики оқпошонинг куни қисқа бўлди. Замон шундай туриб қолмас. Кўмаклашмоқ лозим.

Онамнинг бу гапларига дадам эрпб ўтиради. У ҳар замон-ҳар замонда «гапнинг маъқул» деган маънода бошини қимирлатиб-қимирлатиб қўярди:

— Назирқул!— деди онамнинг гапини бўлиб дадам,— югур ўғлим, иккала амакингга айт, дадамнинг зарур гаплари бор экан, тездан юрар экансизлар дегин.

Мен ирғиб ўрнимдан турган эдим, онам: «Бир йўла Жўравойни ҳам айтиб кела қолсин», дея дадамга қарди. Дадам: «Жўранинг кераги йўқ. Чарчаган, дамини олсин. Яхшиси, ўзимиз маслаҳатлашиб олайлик. Сен факат деворни кўтариш билан иш битади деб ўйлайсан. Ўғлинганинг гапнга қараганда, иморатининг устини ёпиш учун ёғочи ҳам йўқ экан. Жўранинг чўнтагида бир мири пули йўқ, ёғочни қаёқдан олсин. Отавойдан бешолтида терак сўрасак, йўқ демас, нима дединг, тошкентлик?

— Ҳа, ўлманг, одамгарчилик бундай бўпти-да,— деди дадам таклифини маъқуллаб онам.

Мен иккала амакимни айтиб келдим. Улар йўл-йўла-кай:

— Назирқул, дадангни бизга нима иши бор экан?— деб сўрарди. Мен уларга:

— Билмасам, зарур ишлари бор экан, бориб биларсизлар,— деб жавоб қиласдим.

Амакиларим келишди. Дадамнинг ўртанча укаси Отавой, салом-алик йўқ, томдан тараша тушгандек:

— Сафар! Нима гапнинг бор эди, бизга?— деб савол берди.

Амаким, ўзидан катта акасини сенсираб, яна номига «ака» сўзини қўшмасдан «Сафар» дейиши жуда қўпол ва хунук эшитиларди.

Дадам укаларига дабдурустдан мақсадни лўнда қилиб айтиб қўйиш ўрнига, узоқдан даромад қилди: халқ Қўзғолони, подшоцинг тахтдан қулатилиши, очарчилик,

одамлар орасида меҳр-оқибат күтарила боллагани, тоғалари учун Жўранинг мардикорга бориб, ўлим жойидан омон Қайтгандагини гапиргач, «уч азамат тоға, ҳолинг нима кечәётир, жиян, деб ёрдам қилиш ўрнига, ўзларини четга олиб юришлари одамгарчилликдан эмас», деб қўйди. Дадамнинг гаплари, катта амаким — Оставой амакимга малол келган бўлса керак:

— Шу зол замонада ўз аравасини тортиб юрган одамга балли десанг-чи, Сафар! Жияининг бизни ҳашарга айтиби-ю, биз бормаблизми! — деди зарда билан.

— Одатда ҳашарга айтмайдилар, ака, қарашиб юборишни лозим топғанларнинг ўзлари боришаверади. Биз, бегона эмис, ахир, жоя-жигарлар-ку! — деди дадамнинг тапини маъқуллаб, ўртачча акасининг гапини маъқул кўрмай Аширмат амаким.

Оставой амаким ғижиниб қўйди.

— Гувала тайёр. Деворни күтариш учум уста қидириб юришнинг ҳожати Йўқ. Одам қиласан ишни одам қилади. Сизлар лой-кесак етказиб бериб турсаларнинг, деворга гувалани ўзим қўямац... Ҳа, — деди сўзини давом эттириб дадам,— дарвоҷе, тўсун ҳам керак бўлади ҳали, томини сёғи билан ёпмайди-ку! Беш-олтига терагингни баҳридан ўтасан-да, уки.

— Баҳридан ўтадиган ортиқча терак Йўқ, менда! — деди кўзларини ўйнатиб амаким.

— Ҳовузинг атрофидаги тераклар-чи?

— Ҳовузни ялангоч қилиб-ал

— Усиз ҳам дарахтларинг қалин-ку.

— Сояси ҳам қалин! Дарахт кесилса соя қоларми-ди!. Йўқ, у теракларни кесолмайман. Уволига қоламаи.

— Сийраклаштирса, увол бўлармишми! Бермасининг оши пишмас қабилида гап қиляпсан, ука!

— Йўқ, овора бўлма, Сафар!. Ҳашарга борамаш...

Илло терак ватда қилолмайман. Гап шу!—леди-да, ранги қув ўчиб, ўрнидан турди.

Орага жимлик чўкди. Бу жимликни яна онамнинг ўзи бузди:

— Дунёда мумсик одамлар бордиру, аммо қайнимдақаси топилмаса керак! Менга қаранг, ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчани иши битади. Аnavи азamat тेракларинги сотинг-да, пулнга тўсинбоп терак олиб Жўравойни кўнглини овланг. Мардга берсанг ошингни, мардлар силар бошингни! Жўравой сизларга мардлик қилганими, мардларча жавоб қилинглар!

Боғимизда учта қучоқ етмас азamat мирзатерак бўларди. Кечалари ой чиқа туриб шу тераклар орасидан менга мўралаб қаради, мен ойнинг кўкка кўтарилишини томоша қилиб ётиб, ухлаб қолардим.

Сабабдан сабаб, балчиқдан иморат, деганларидек, ҳашарчилар кўмаги билан тоғамнинг елкасидан тоғдек юқ олиб ташланди, дўкон битди. Тоға-жиян иккимиз темирчиликни бошлаб юбордик.

— Ҳунар — ҳунардан унар деган гап рост бўлса, энди нонимизни ёғ билан еймиз жиян,— дер эди тоғам. Мен:

— Тоғажон-ей, сиз йўқ ёғлиқ нонни галирасиз! Шу топда ёғсиз бўлса ҳам Соли нонвойнинг битта нони бўлармиди-я!— деб қўярдим.

САЗОЙИ БҮЛГАН МИРШАБ

Минг түккиз юз ўн еттинчи йил. Кузак. 1916 йил қўзғолони бостирилганига мана бир йилдан ошиб бораётир. Бу орада озмунча оламшумул воқеалар юз бермадими? Подшо Николай тахтдан тобутга тортилди. Бу Жиззах қўзғолончиларнинг айни муддаолари эди. Бироқ чоризм-нинг емирилиши айниқса жиззахликларга, жуда-жуда қимматга тушди. Ким бўлиши, мақсад-муддаоси қанақа бўлишдан қатъи назар, қўзғолонга бошчилик қилишда айбланиб ўттиздан кўпроқ киши подшонинг дорига осилди. Қўл-оёқларига киshan солиниб сургун қилинганлар бу ҳисобга кирмайди. Шаҳар-қишлоқлар тўпга тутилиб, ёндирилди. Мол-мулк таланди. Қиз-жувонлар номуси таҳқирланди. Ниҳоят, бу жазолар камлик қилгандек, бутун Жиззах халқи озиқ-овқатсанз, бошпанасанз, сувсиз биёбонларга бадарға қилинди. Бу хил жазолардан сўнг ҳам, халқ мардикор сафарбарлигидан озод қилинмади. Чўл-биёбонда сарсон-саргардон бўлиб юрган йитларимизни чор малайлари тутиб олиб найза кучи билан яна мардикорликка жўнатди. Ҳимоясанз ота-оналар, ёш келинчаклар чапак чалиб, дод деганларича қолавердилар.

Озодлик деб кўз кўрмаган, қулоқ эшиматган азоб-уқубатга гирифтор бўлган халқ, чоризм тузуми емирилиб, муваққат ҳукумат тузилгандан кейин ҳам рўшнолик кур-

мади. Гарчи ҳукумат андор қиласмиш, Керенский бундор қиласмиш деган овозалар оғиздан оғизга күчіб юрган бўлса-да, улар миш-мишлигича қолаверди. Халқларнинг ҳурриятдан кутган ҳақиқий орзулари рўёбга чиқмади!

Дуруст, сафарбар қилинган йигитлар, ҳуррият бўлиш билан ички Россиядан элларига қайта бошладилар. Ҳувиллаб қолган маҳаллаларга оз бўлса-да, файз кира бошлади. Гўё қўй қўзисига қўшилгандек эди. Курк товуқ сингари уй-уйига кириб олишган эркаклар маҳалла-кўига ўрмалаб чиқишиди. Маҳаллаларда ўз ҳолига яраша бозорча—олди-сотди бошланди. Ҳуррият шарофати билан қамоқдан бўшаб келган қўзголончи Урдушмат очган самовархона кечакундуз одам билан лиқ тўла. Булар ўша ер-сувсиз батраклар! Ҳўкиз, от-уловидан ажralиб қаноти синган деҳқонлар! Дастмоя-сармоясидан ажраб аро йўлда қолган косиблар! Халқ эрки-озодлиги учун янги жангларга тайёр, қўрқиш нима билмас, қамоқ ва дорни писанд қилмас рус ишчилари, рус революцияси руҳи билан суғорилган жаҳонгашта мардикорлар! Подшо маъмурларига тиф кўтариб, қўзголон қилиб қўл-оёқларига кишин тушган, ниҳоят, ҳуррият жонларига аро кириб, подшо дори тагидан қайтган, оқ-қорани энди оз бўлсада, фарқ қила биладиган одамлар эди. Бу одамларнинг юрагида ёлқипланиб турган газаб ўти ҳали ўчмаган, у ўт қўр олиб, учқун сочиб турарди. Кичик шамол елпини билан пороҳдек портлаб, дунёни ёндириб юборгудек тутақиб гапиради улар! Бу одамлар қўзголондан бурунги ҳамқишлоқларимга сира ҳам ўхшамасди. Бир йил ичилда худди менинг қўзим олдида шу қадар кўп воқеалар бўлиб ўтдики, уларнинг ҳар бири, кичикдан-кattасигача зеҳнимга ўтириб қолган. Қамоқдан чиқиб келиб чойхоначи бўлиб олган Урдушматни қўзголондан илгари ҳам яхши танирдим. У маҳалламида иишолда пишириб со-

тарди. Қосым акам жүрә боши бүлган гаштакнинг гулларди:

«Құй келади құзи билан,
Хайёр-әр, ёрингман.
Бир-бириннинг изи билан,
Хайёр-әр, ёрингман».—

құшиғини янгратиб, жүралар базмiga файз кирилган вақтлари ҳали ёдимда, унинг қиёфаси ҳозиргача менинг күз олдимда. Үрта бүйли, қарчигайдек қотма, оқ юзли, қирғиз қовоқ, уст-боши башанг, хушфеъл, хотам йигит зди. Унинг иккала жағида тангадек-тангадек сийрак соқолчаси ҳам бүларди, әнгагида тук деярлы кам бүлганидан соққадек ўйнаб чиққан кекирдаги яққол күзга ташланиб туради.

Подшо маъмурлари Урдушматнинг қўл-оёғига бекордан-бекорга киshan солмаган здилар! Мирзаёр мингбoshi ўлдирилиб, бозор жойи оломон билан тўлганда, у бизнинг жийрон отимиизни миниб олиб:

— Золимларга ўлим! Бой, мингбошидан, ҳоким ва элликбошидан эулм кўрган бўлсанг қўлингга қурол ол! Қасосчилар қаватига кир! Эркак бўлсанг, белингда белбогинг бўлса мардлар майдонига чиқ! Душманингдан қасос ол!— деб от чопиб, оломонни ҳоким маҳкамасига даъват қилиб, жавлон урганини ўз кўзим билан кўрганман.

Мана дарвозахонамиз билан ёнма-ён чойхона олдиндаги супада ўтириб, ёқимтой куз қуёшига танамни товлаб, чойхўрлар гапини тинглаб ўтирибман. Бу ерда марҳум Қосым акамнинг жўралари, ўспирин йигитлар, кексалар давра қуриб суҳбатлашмоқда. Улар замондан шикоят қилишар, Анварбек мингбоши бўлиб қолганидан порози бўлиб гапиришар зди. Кейинги кунларда яна бир янги тартиб жорий қилинган: одамлар бир ерга тўпла-

ниб гаплашиб ўтириши ман этилган. Маҳаллада қандайдир бazzознинг дўйонини ўғри уриб кетди. Шундан кейин Йўлдош миршаб келиб, Үрдушматга чойхонани беркитиш, агар бундан кейин самовар қўйиб, одам тўпласа жавобгар бўлишини эълон қилиб кетди. Мен бу гапни Жўра тоғамдан эшишиб билдим.

— Ажаб қизиқ замон бўлди-да, жиян,— деб гап бошлиди дўйонни йиғиштира туриб тоғам,— кўнгил тортар оғайнилар билан учрашиб дардлашадиган бирдан-бир жой — чойхона эди. Буни ҳам кўп кўрибди.

— Ким кўп кўрибди, тоға?

— Мингбоши Анварбек.

— Анварбекка нима оғирлиги тушибди чойхонанинг? — сўрадим мен.

— Эй жиян, ёшсан, тушунмайсан, ҳали... Иштонсиз-пинг чўпдан ҳам ҳадиги бўлар экан. Анварбек ҳадиксираса керак. Одамлар тўпланишган ерда ҳар хил гап-сўз бўлали, яна менга қарши фисқ-фасод гап бўлмасин, деб хавфсираб, чойхонани ёпишга фармон берган бўлса керак. Қани, бет-қўлингни юва қол, кетамиз,— деди.

Биз шу кун ишдан бевақт қайтдик. Маҳаллага келсак, эшигимиз олди тўла халойиқ. Одамлар Йўлдош миршабни ўртага олган.

— Оғайнилар!.. Ҳаммамиз бир қариндош, қолаверса ҳамқишлоқмиз. Мени тушунинглар. Менга қолса Жиззахни дориламон қиласдим. Афсуски, мен кичкина одаммап. Менга жабр қилманглар, ўтиниб сўрайман. Беш-олти кун самовар берк турса ҳеч гап бўлмас.

— Бир кун ҳам берк турмайди,— деди Қурбон.

— Қурбон,— деди зорланиб Йўлдошхон, чирилдоқ ҳуштагини қўлида ўйнаб.— Аҳволимни кўриб турибсан.

— Кўриб турибман. Бу срдагилар ҳам кўр эмас! Анварбекнинг ялогини яламасанг ўласан!

— Қурбон, укажон...

— Ука дема мени! — деди жеркиб Қурбон, — мен сенга ука бўлишдан ҳазар қиласан. Оқпошшо дорн тагидан қайтиб миршабни ака қилгунимча ўлганим яхши!.. Қаранг-а, бу жупруқни!

Одамлар қийқиришиб кулишди.

Жўра тоғам завқланиб кетди:

— Улма Қурбон! Боплайвер, бўйнидаги қиличини олиб, думига шипирги боғлаб, ҳайдаш керак бу қанжиқни! — деб одамларни ёриб олдинга ўтди.

— Хўп бўлади, Жўра қантак,— деди Йўлдошхоннинг қиличига қўл узатиб Қурбон.

Миршаб ўзини орқага ташлади, даврани ёриб ташқарига чиқди.

— Қочма-қочма! — турган ерида депсинди Қурбон.

Юраги чиқиб кетган Йўлдошхон хайр-маъзурни насиya қилиб қочиб қолди.

Қурбон:

— Ушла!.. Ушла! — деб бақирар, одамлар «ҳей-ҳей!» деб қийқиришар, кулишарди.

Қурбон ака менинг кўзимга аввалгидан кўра бутунлай бошқа, фақат оғзи ботиргина эмас, қаҳри келса тоғни қулатгудек қудратли, қўрқмас, паҳлавон бўлиб кўринди. У шу қадар гавдали бўлишига қарамасдан, бўй-басти келишган, яғини кенг, тўшдор, ҳар елкасига икки киши бемалол ғирса бўларди. У озиб танидан гўшти қочиб қолган бўлса ҳам, тарозига қўйганда икки-уч кишини бемалол босарди. Қурбонбой савлат тўкиб юрганда, гўё кўча тўлиб кетарди.

Қурбон аканинг бир ҳайқириғига тоб беролмай, ўша соҳт-сумбати, қилич-қалқони билан қочиб бораётган Йўлдошхон миршаб худди лайчага ўҳшарди.

Миршаб қочиб кетди, мингбошисидан дарак йўқ. Эрта-кеч чойхона аввалгидек одамлар билан гавжум. Афтидан, бу ерга чой ичишдан ҳам кўра, дунё аҳволи-

дан хабарлар эшитиш учун келишарди. Дунё аҳволи, сиёсат билан қизиқадиган, эсаётган ишқилоб шамолидан ҳид олиб юрадиган одамлар маҳалламиизда бор эканлигини мен анча кейинроқ билиб олгандим. Булар мискар Азизхон Дўст ўғли, Сайднасим Эшонбобо ўғли, Нормурод ҳофиз Мирзабадал ўғли, Байза Миразимовларга ўхшаган ўз замонасининг зиёлисимион кишилари эди. Анварбеклар ана шу «бузуқ» бошлардан ўтдан қўрқандек қўрқарди.

Йўлдошхон Анварбекка қанчалик содиқ кўпак бўлмасин, барибир маҳалла йигитларидан қўрқарди. Үн олтинчи йил исёнкорлари ғазабига дучор бўлган ҳокимлар олдида Йўлдошхон пашшадек бир маҳлуқ эканлигини билар, «мусофир итдек думини қисиб, ҳар дам ўтган кунинга шукур қилиб» юришининг боиси ҳам шундан бўлса керак.

Йўлдошхон ўрта бўйли, буғдой ранг, қора қош, юзи юмaloқ киши, ўнг бетида доги бор, бошида қора барра папах, эгнида кўк матодан тикилган камзул, этигига шпор тақилган. У юрганда кеккайиб, шошмасдан қадам босарди. Сўзлаганда гапига русча аралаштирас, «поннимайш», «суккин син» деган ибораларни кўп ишлатарди. Бир кун кейин Йўлдош миршабни мен ошиқ ўйнаётгани болалар орасида учратдим.

— Қани, азаматларим, мени ҳам ўйинларингга қўшасизларми? — дер эди ёлворгандек.

— Қандақа ўйинни биласиз? — кўзини шиграйтириб сўради кўр Мирза номли ўта айёр бир бола.

— Хоҳлассанг ёнгоқ, хоҳлассанг опиқ. Полиция ошиқ ўйнолмайди деб ўйлайсанми?

Йўлдошхон чўитагидан бир ошиқни олиб «гардкам» деб ерга стиб, қўнжига тарс этказиб урди. Болалар:

— Олчи! — деб қичқиришиди.

Миршаб ошигини олиб, қўлида айлантирас экан, гапни бошқа ёққа бурди:

— Хўш, уйлар тинчми, болалар?

— Тинч.

— Тинчликка нима етсин. Ҳурриятни биз нима учун қилдик? Тинчлик бўлсин, одамлар ёғ еб, яланғоч ётсин, болалар эркин ўйнасинлар деб қилдик-да.

Болалар қиқирлашиб кулишди.

— Ҳа, кулманглар!— деди сўкиниб миршаб:— Маддалламизга ўғри оралаб қолгани яхши бўлмади. Баззознинг дўконини уриб кетган ўғри ким, ораларингизда биронталарингиз хабардор бўлмасликларингиз мумкин эмас, албатта.

— Ўғри ким экан, амаки?— чувуллашиб сўрашди болалар.

— Мен сизлардан сўрамоқчи эдим,— деди мулоҳим илжайиб Йўлдошхон.

— Биз ўғрини қаёқдан биламиз!— дейишиди чувуллашиб болалар.

— Билишларинг керак. Сизлар ёрдам қилмасала-ринг, менинг бир ўзим нима ҳам қила олардим. Дўконни урган ўз ичимиизда, кўз-қулоқ бўлиб юринглар, бирон ерда ҳиди чиқиб қолади. Ким олдин хабар топиб, менга келиб айтса, бош-оёқ сарпо... Бир тўп газлама мукофот олади.

— Ўғрини топамизми, болалар?— очкўзлик билан сўрарди Мастон девонанинг ўғли кўр Мирза.

Болалар индашмади.

— Майли, ўйлаб кўришсинлар. Ўғрини топиб айтиш сизлардан, мукофоти биздан,— деди ошиғини қўлида айлантириб Йўлдошхон.— Кўряпсизларми болалар, ўзи ҳам зўр қўчқорники, ошиқмисан ошиқ-да!..

— Қани кўрай, — деди ошиқдан кўз узмай, қўл узатиб кўр Мирза.

Йўлдошхон ундан қўлни олиб қочди. Кўр Мирза ҳамон унга интилар, суюкка бўйи етмай сўлакайи оққан

тозидек жилпанглаб,—амакижон, қани бир күрай, бир ўйнаб күрай, амакижон,—деб толпинарди.

— Тұхтаб тур, ғап бор. Қани, ичларингда ким чаққон?

— Мен чаққон,— деб қичқирди күр Мирза.

— Ким чаққон бўлса мана — мард-майдон. Узини кўрсатсан. Мен ошиқни отаман. Ким ошиқни олдин келтириб берса, ошиқ билан мана бу ўнта ёнгоқ ўшаники бўлади.

— Бўпти, отинг,— дейишди болалар.

Кўр Мирза олғир тозидек жилпанглаб, иштонини бир кўтариб қўйди-да, чопишга шайланиб,— қани, отмайсизми? Отинг-да,— деб қичқирди.

— Бир, икки, уч!— деди қўлини қулочкашлаб полициячи. Болалар югуришди. Аланг-жаланг атрофга қараб:

— Қани ошиқ, қани ошиқ?.. Боринг-эй, алдадингиэ!— деб аччиғлари чиқди.

— Диқкат!.. Диққат, болалар!. Уйлаб қарасам, чопишда ҳеч ким Мирзанинг олдига тушолмайдиганга ўхшайди. Ҳўб десаларинг, барчага баравар бир ўйин бор.

— Қандақа ўйин?—чувуллашиб сўрашди болалар.

— Қулоқ чўзма. Розимисизлар?

— Розимиз... розимиз.

Қулоқ чўзма шундай ўйин эди: бирон белгиси бор чақа пул, ёки ошиқни тўдаланиб турган болалар даврасинга отиб юборилади. Болалардан биронтаси албатта уни илиб олади; илиб олган болага ҳамма аридек тармашиб, иккала қулогидан чўза бошлайди. Шу азобга тоб берив, рақиблар қўлидан қутулиб, чақани ўйин бошига етказиб берган бола, ғолиб ҳисобланиб совринни олади.

Йўлдошхон болалар тўдасига ошиқни отди. Дарҳақиқат, бу ерда ҳам кўр Мирза чаққонлик кўрсатди. У ошиқни илиб олди, болалар тўдасини ёриб чиқиб Йўлдошхонга қараб чопди, мэррага етайдеганда уни Сафар

чиканак тутиб олди. Бутун болаларнинг қўли унинг қулоғида, аёвсиз чўзиб тортишарди. Кўр Мирза шундай ўлармон, очкўз, жони қаттиқ эдики, қулоғи узилиб чиқканда ҳам, совриндан воз кечада олмасди.

Йўлдошхон:

— Ҳа, бўш келманглар, болалар! Мирза, ҳаракат қил!. Болалар бўшатманглар, соврин ўнта эмас, ўн бешта ёнгоқ. Ким ошиқни менга етказса, ўн беш ёнгоқ билан қўчкор ошиғи ўшаники! — деб «қулоқ чўэма»ни қизитиб турганда, йўрга отини елдириб, бир сипо киши келиб тўхтади. Йўлдошхон отлиқнинг келганидан хабарсиз:

— Ҳа, шоввозлар, бўшашманглар! Совриндан қуруқ қолманглар! — деб ёнгоқни шалдиратиб қичқираади. Болаларнинг қўллари гўё омбур, кўр Мирзанинг қулоғида, у дод солиб:

— Қулоғимни қўйиб юбор. Ошиқ менда эмас. Войдод, қулоғим... Онаниги, — деб сўкинар, аммо рақиблар уни бўшатмасди.

Бир вақт Йўлдошхоннинг кўзи отлиққа тушиб қолди. У шоша-пиша қўлидаги ёнгоқни чўнтагига солди. Қамар ва қиличини тузатди. Гир айланиб отлиққа юзланди-да, шахдам қадам ташлаб бориб, унинг рўпарасида ғоз туриб:

— Жаноб старшина,— деди ва яна нималар деб валдиради.

Отлиқнинг парвойи фалак, Йўлдошхонни назар-пинсанд қилмасди... Қарашлари аллақандай ёқимсиз, энсаси қотган, лўппи юзидан нафрат ёғиларди.

Болалар қулоқ чўзиш билан овора. Менинг кўзим отлиқда. Отлиқнинг захча кўзи бежо, бутун вужуди билан ғазабланганини билдириб турарди. Полициячи отлиқ қархисида ҳайкалдек қотган.

Гапнинг тўғрисини айтсам, яқин орада бундақа башанг кийининг сипони кўрмагандим... Ким бўлса экан?..

Кўзимга танишдек кўринади. Қаерда кўрган эканман, бу басавлат одамни?.. Эй, ҳа... Ҳшайди, худди ўшанинг ўзгинаси, юзида доги бор эди, ўша, ўша! Мен бу одамни солдат кийимида кўргандим. Жазо отряди солдатлари орасида... Куйиб кул бўлган бозорда, култепа каппон саҳнида, исёнчи ҳалқ чўлга бадарға қилишгаётган куни подшо фармонини ўқиб эшилтирган, бизни сургунга бошлиб борган одам худди шунинг ўзи! У икки қўли билан белидаги камарини тутиб (ҳозирги кумуш камарни эмас, у вактда белида сариқ тўғалик энлик қайиши камар боғлаб олган эди), талтайиб, ҳаёсизлик билан «жиноятчи, нонкўр Жиззах қўзголончилари!» деб сўз бошлаган эди... Ҳа, худди ўшанинг ўзгинаси, фақат кийимини ўзгартирибди, холос. Отлиқдан кўз узмай қараб турар эканман, кўр Мирзанинг бир сўзи эсимга тушиб кетди; агар бироп бола янги кийим кийиб чиққудек бўлса, у:

— Э-ҳа, хар ҳамину, тўқимаш дигар, муборакшовад,— дер эди. Кўр Мирза айтмоқчи, от устидаги киши мен қўзголон бостирилгандек кўрганим эшакни ўзи бўлса ҳам, тўқими бугун бошқа. Бошида кул ранг ҳарир ишак салла. Эшида бўғма ёқа кўк мовут камзул, белида кумуш камар, қўлида нуқра ласта қилич. Мен бундақа қилич билан камарни қўзголондан бурун мулла Хидир мингбошининг белида кўрадим. Анварбек устидаги рангоранг йўл-йўл банорас тўн қуёшда товланарди. Кийим-кечак бу маҳлуқقا шу қадар савлат бағишлабдики, унга дуч келиб қолган ҳар қандай камбағал ўзини йўқотиб қўярди.

У от устида мағрур ўтиради. Қўшжи қисқа амиркон этиги йўғон болдирини қисиб турарди. Оёғини кумуш ранг узангига тираб олиб, этигини кўз-кўз қилар, бургут бопи эгарга қийшиқ ўтириб олиб, нуқра даста қамчи сопини сонига тираб. Йўлдошхонга ғазабнок тикилганди.

Полициячи авралиб аждарҳо комига тортилаётган қўён ҳолига тушиб қолган эди.

Бу одамнинг ноинсоф, бераҳмлигини билардим. Ӯша сизга таниш куйиб кул бўлган бозор каппонида, ёш-қари, аёл-эркак демасдан, исёнчиларни калтаклаганини ўз кўзим билан кўрганман. Бизларни чўлга сургун қилаётган куни, бу махлуқнинг қўлида ҳозирги нуқра дастали қамчи эмас, ҷармдан ўриб тўқилган илон нусха узум қамчи бор эди. Ӯша қамчи билан Қандим опамнинг бошига туширганда, у шўрликнинг бўйни, юзи қон талашиб кеггани ҳали кўз олдимдан кетмайди... Ҳа, энди яхши танидим бу оғзи қон бўрини, жазо отрядини бошлаб, бизларни «Учтепа» чўлига ҳайдаб олиб борган Анварбек шунинг ўзи! Маҳалламиизда чойхона очишни тақиқ қилган ҳам шу бўлса керак. Лекин унинг буйругини полициячи амалга оширолмади, одамлар уни қувиб юборганини эслаб, болаларга қарадим. Кўр Мирза ҳамон болалар тагида типирчилаб ётарди. Қий-чув, тўполон, кўр Мирзанинг қулоги узилиб кетмаган бўлса яхши эди.

- Узи нима гап?
- Сизни кутиб турган эдим, бегим.
- Үғри топилдими?
- Шунинг пайдаман, бегим.
- Тополмадинг?
- Топаман, бегим.
- Улганингдами?
- Йўқ, ўлмасдан бурун топаман, бегим.
- Аҳмоқ!
- Тўғри айтасиз, бегим.
- Чойхонани нега ёпмадинг?
- Чойхона тўғрисиnda шундай, бегим... у бузуқбошларга бир эмас, икки бор буйруғингизни айтдим. Қутуриб ҳужум қилдилар.
- Эшиздим, думингни гажак қилиб қочганингни эшигдим, қанжиқ! Қанжиқмисан?
- Қанжиқман, бегим. Бошқа иложим йўқ эди, мар-

ҳум отанғиздек шаҳид бўлишнинг оз қолди, яна ҳам худо бир сақлади, бегим.

— Кечак дўйон урилса! Яна шу ўғрилар чойхонага уя қўйиш олиб ҳукуматга қарши фитна уюштиrsa! Сен даюс, жони ширин қўрқоқ!

Анварбек чаққонлик билан ўғирилиб, миршабининг бошига зарб билан қамчи солди. Йўлдошхоннинг бошиндан папаги уч метрча ерга учиб кетди. У папагини олиш учун энди ерга энгашган эди, Анварбек шиддат билан унинг устига от солиб, дўпносляй кетди. Бирпасда Йўлдошхоннинг афт-башараси қизил қонга беланди. Калтакдан таниб қолган Йўлдошхон миршаб, иккни қўли билан бошини маҳкам ушлаб, «раҳм қилинг, раҳм қилинг, бегим», дея сурина-суринна чойхона томони борарди.

Кўчани одам босди.

— Қайт! Қайт орқангга, ит боласи!— деб бақирди қиличини кинидан суғуриб Анварбек.

Томошабинлар, қиличини қинидан суғурган отлиқка йўл очиб бердилар. Калтак зарбидан гаранг бўлиб қолган полициячи маст киши сингари гандираклаб борар, ҳаётида биринчи бор бегига итоатсизлик кўрсатиб, мингбоши қанча бақирса ҳам орқасига қайрилиб ҳам қарамасди.

Бу итоатсизлик Анварбекнинг иззат-нафсиға қаттиқ теккан бўлиши керак. Кўча тўла «ялангоёклар» олдида «ит бақиряптими, эшак ҳанграйптими демай, назар-писанд қилмайди-я!..» Бекнинг газаби қайнаб тошди. Отини ниқтаб қўлидаги ялангоҷ қиличини Йўлдошхонга отди. Қилич миршабга тегмади, ердаги тошга урилиб, сакраб бориб маҳалла оқсоқоли уста Йўлдошхоннинг чаккасига учи тегиб кетиб ерга тушди. Оқсоқолининг чаккасидан тизиллаб қон отилди. Одамлар унинг устига ёпирилишиди. Ярасини ўз салласи билан боғлашди. Ҳамманинг эътибори ярадор оқсоқолга қаратилганди.

Анварбек қиличини ердан олиб, қинига солиб ғойнб бўлгач, кимдир:

— Шу ҳам сипоҳгарчилигу, шу ҳам одамгарчилик! — деб қўйди.

Маҳаллада йигилган одамларнинг биронтаси ҳам, чала туғилган Керенский ҳукуматининг бу бебош амалдорлари ўртасига тушмади. Фақат бу «томоша» боисига тушуниб етмаган одамлар, «ўзи нима гап?», «билимасам», «қарға қарғанинг кўзини чўқимас эди-ку, бирон гап борга ўхшайди», дейишиб бир-бирларига савол беришар, бироқ ҳеч ким аниқ бир гап айтолмасди. Мен бўлсан бу жанжалининг сабабини оз-моз билар эдим. Лекин мендан ҳеч ким сўрамагани учун жимгина юравердим.

Томошанинг охирги кўриниши олдингиларидан ҳам қизиқ бўлди. Йўлдошхон миршаб чойхона олдидағи суплага ўтириб олиб, ҳўнг-ҳўнг йигларди. Катта одам йигласа хунук кўринаркан. Унинг афт-ангорига қараб бўлмасди, юз-кўзи моматалоқ бўлиб кетган. Анварбекнинг қамчisi бекорга синмаган экан, полициячининг юзи, ҳулоги, бўйнида тарам-тарам қамчи излари қон талашиб ётарди.

— Маҳаллам, ёр-дўстларим деб, мана кўришлар, қандай аҳволга тушдим!..

— Кўриб турибми. Бу кунингдан баттар бўлсанг суюнмасмидик.

Миршаб бошипи ердан кўтариб одамларга қаради-да:

— Мен сенга нима ёмонлик қилган эдим, Қурбонбой,— деди қонга беланиб кетган йиртиқ рўмолчаси билан лаб-лунжини авайлаб артар экан.

— Менга ёмонлик қилиб бўпсан! — деди заҳарханда қилиб Қурбонбой,—эшиттиларингми, бизга ён босиб шу аҳволга тушганмиш! Биз, золим Николайдан қолган сендақа олқиндиларнинг ёрдамига зор эмасмиз!

— Шуни вайт-а,— деди гапни бўлиб Урдушмат,— қўз-

голончилар тошбўрон қилиб ўлдирган ҳамялоғинг Комил йигит аллақачон кўкариб чиқди. Иккинчи ҳамялоғинг Собир миршаб биласанми, нима қилди?

— Ўлганларнинг оёғидан олиш гуноҳ,— деди Йўлдошхон.

— Э, ҳа, сен ҳам савоб билан гуноҳнинг фарқига борар экансанку-а!— деди хитоб қилди Жўра тогам.— Урдушмат! Ҳар қалай Собир миршабда оз бўлса-да, орият дегап нарса бор экан, бош кўтариб юришга юзи чидамай ўзини ўзи осиб ўлдирди.

— Ҳа, энди Йўлдошхон ҳам ўзини осиб ўлдирсин, демоқчимисан?— деди кимдир Жўра тогамга луқма ташлаб.

— Ҳа, албатта-да. Тирни мурда, ёки итнинг кейинги оёғи бўлиб юргандан кўра, ҳамялоғи сингари ўзини осгани маъқул эмасми?

Йўлдошхон ўз қўли билан пешакасига шарт этиб урди-да, орқасига қараб йиқилди. Кимдир уни суяб турғизди. «Туринг, ҳовлингизга боринг, янгам ювиб-тараб яраларнингизга дори-дармон қилсан», деб уни кетишга қистай бошлади.

Йўлдошхон супадан пастга тушиб, одамларга рўпара бўлди.

— Мени Комил, Собир билан бир рўйхатга тиркаманглар. Кал ҳоким ўлдирилган куни ҳам Комил билан Собир у билан бирга эди. Оломон Комилни уриб ўлдирди, Собирнинг оти илдамлик қилиб қочиб қутулди. Мен бўлсам Николай тахтдан қулашдан бир йил бурун миршабликни ташлаган эдим.

— Ҳозир бажариб турған хизматлари қашдақа хизмат?— деб сўради мазах қилиб Урдушмат.

— Ҳозиргининг йўли бошқа. Ҳалқ полицияси хизматидаман.

— Ҳўжа Али, Али Ҳўжат Илғари ҳешинг Мирзаёр

мингбошига миршаб эдинг, энди бўлса ўзимиз уриб ўлдирган Мирзаҳамдамнинг ўғли Анварбек мингбоши хизматидасан. Илгари қора ит бўлсанг, энди оқ итсан.

— Тўғри.— деди бошини чайқаб Йўлдошхон.— Мен бу кундан бошлаб полициячи эмасман. Қилич-қалқонини олсия мендан Анварбек!

Йўлдошхон секин йўл олди. У калтак зарбидан ҳамон тарапт тўринарди.

Болалар бирдан кўр Мирзани ўртага олиб, унга тармасиб, қулогидан чўза кетди. Ҳамманинг диққатини янги томоша ўзига тортди. Кўр Мирза болалар қўлидан қутулиб, Йўлдошхон орқасидан чопди, йулини тўсиб:

— Мана, қулоқ чўзма, совринни оширинг!— деди.

Йўлдошхон кўр Мирзани итариб юбориб, йўлида давом этди. Энди Йўлдошхон йўлини ёлғиз кўр Мирза эмас, қулоқ чўзмага қатнашган барча болалар тўсиб олди.

— Совринни беринг!. Бечора Мирзанинг қулогини қаранг, дадасининг эшагидек шалпанг қулоқ бўлиб қолди.

— Йўқол кўзимдан ҳамманг!— деб болаларга дўқ уради Йўлдошхон.

— Совринга қўйган ёнғоқни беринг!

— Ёнғоқ йўқ, дедим-ку!— деб яна дўқ урган эди, болалар:

— Э ҳалай!. Э ҳалай!. Фирром миршаб, ёлғончи Йўлдошхон амакига «жирт»,— деб ҳар томондан бақиришиб, миршабга жирттак чала бошладилар...

ЖИЗЗАХЛИКЛАР МЕҲМОНИ

Тут пишиб тамом бўлаётган пайт. Эгаси кўчгая ҳовлидек ҳувиллаб қолган Жиззах кўчаларига мардикорлар қайтиш билан бирданига файз кириб қолди. Айрилиқ изтироғида оқиб турган куз ёшлар таниб, одамлар чеҳраси табассумдан ёришди,— оч бўлсак ҳам тинч бўлайлик,— дер эди ота-оналар.

Эртадан кечгача десам ёлғон бўлмас, куним тутлар шохида ўтарди. Зумрад япроқ панасида бир дона тут оқариб кўринса, ҳатто энг баланд, энг хавфли шоҳда бўлса ҳам, уни олмай тинчимасдим.

Уша кунларда баҳор олди меваси тут — катта-кичикинг нон-оши бўлиб қолган. Ҳар куни тут теришга чиқар эканман, жажжи пақирчамни қўлдан қўймасдим. Терган тутимнинг бир донасини ўзим есам, бир донасини пақирчамга солардим. Тома-тома кўл бўлур... ҳарқалай озми-кўпми тут териб тушардим. Оч-наҳор ўтирган онам, укам билан тутни баҳам кўрардим.

— Барака топ. Икки дунёда хорлик-зорлик кўрма, ўғилжоним,— деб дуо қиласарди онам. Кунларнинг бирида эрта наҳор тут тергани чиқиб кетаётсам, эшикдан Оқил Жўрам салом бериб кириб келди. Нима учундир жўрам ҳар кунгидан хурсанд. Сўлғин бетида табасум...

— Хола, суюнчи беринг, дадам мардикордан қайтдилар.

— Вой, яхши бўлти-сий... оқпошшони йиқитганларни дуо қил, ўғлим. Қанчадан-қанча гўдаклар отасиз етим бўлиб қолганди. Қўй қўзисига қўшилгандек бўлди-қолди. Бурунгидек бисотим йўқки, бошингга дўппи, белингга белбоғ ўратиб юборсам, суюнчисига... Золим оқпошшонинг қораси ўчди, энди ёмон кунлар яхши бўлиб қоллар,— дер эди онам қувончи ичига сиғмай.

— Дадам оқ қанд, оқ нон олиб келдилар,— деди киссасини ковлаб Оқил жўрам. У чаңг ўтириб иркитлашиб қолган бир бўлак қандни менга узатди.— Онам Назирқул жўрангга олиб бориб бер, оғзи тегсин, мозор босди, деб мени юбордилар,— деди.

Мен суюнганимдан нима дейишимни билмасдим. Қандни оғзимга солиб бир шимдим-да, яна қайтариб олдим.

— Қандай меҳрибон жўранг бор, томогидан ўтмай сенга илинибди. Энди, сен ҳам уканг билан баҳам кўрсанг, яхши бўлади, ўғлим.

Онамнинг гапини икки қилмадим, дарров остона устига қандни қўйиб, теша билан аста урдим. Қанд уч бўлак бўлди. Бир бўлагини оғзимга солдим... Иккинчи бўлагини укамга асраб, учинчи бўлагини жўрамга узатдим. Оқил қандни олди-ко, «мен еганман, бу холамларнинг хақлари», деб онамга узатди.

— Ўзинг еб қўя қолмайсанми, болам.

— Олинг.

— Мани ҳам насвам қўшилган экан,— қанднинг кириши артиб, оғзинга солди онам.

— Жўра, қандинг жуда ширин экан, уйингда яша борми?— сўрадим мен.

Жўрам бошини чайқади.— Дадам муштумдек-муштумдек икки бўлак қанд олиб келган экан. Онам данак-

дек-данакдек майдалаб қўшииларимизга улашди,— деди.

Ҳар кунги одатим бўйича жажжи пақирчамни олиб тут тергани кўчага чиқдик. Биздан бўлак болалар ҳам тут тергани изғиб юради. Олмахон сингари шохдан шохга сакрашардик. Лекин тут тугаган. Бу биз учун даҳшат! Ёлғиз биз болалар учун эмас, ота-оналар учун ҳам даҳшат эди. Чунки қимматчилик энди қаҳатчиликка айланган. Бозорда на нон ва на дон топилади. Арпа, буғдой,— ош, олтин, кумуш — тош бўлган чоқ келиб етганди...

Бир куни фронтдан қайтган мардикорлар мулла Ҳафиззобойнинг богига тўпланаармиш, деган овоза тарқалди. Кўзғолонгача ҳафта сайин бу боғда Жиззахнинг ҳокими Рукин ўз онла аъзолари билан ҳордиқ чиқариб, кайфсафо сурарди. Ўша кезларда айниқса Мўлкаллик ва Найман ариқда тўлиб сув оқарди. Кўчаларга сув сепилиб, ҳоким тўра оёғи остига ҳатто пояндоz тўшаларди. Биз болалар миршаблар оёғи остида ўралишиб, улардан дакки еб ҳам боққа киролмасдик. Бугун бу ерда дориламон, на миршаб бор ва на эшик олдида дарвозабон!

Икки тавақали дарвоза ланг очиқ. Йиртиқ тўн, ямоқ чориқ кийгаи юзларча ялангоёқ мардикор-чорикорлар бойнинг Бояни Эрамига тўпланишди. Мардикордан қайтганларнинг оёқларига қўпол ботинка. Устларида қисқа сарғиш кўйлак, шим. Баъзиларининг белларида қайиш, баъзиларида белбоғ. Салла ўраган, дўппи, телпак кийиб олган одамлар Жиззахнинг барча маҳаллаларидан йиғилганга ўхшайди.

Ҳамон кўз олдимда... Қора қош, хушмўйлов, рангпар, оёғида хиром этиги бор, гимнастёрка устидан яктак кийиб олгаи бўйдор қарчинғайдек йигит одамларни оралаб ўтиб, каравотга чиқди. У теварак-атрофдаги одамларни кўздан кечириб, мулойим овоз билан:

— Мусулмон биродарлар!.. Қадрдон ўртоқлар! — деб

сўз бошлали Одамлар жим бўлиб унинг сўзини тинглашиди.— Йигилишдан муддао ўзларингизга маълум. Золимларга қарши қўзғолон кўтардик. Мингбоши, миришаб, ҳокимларни ўлдирдик. Дунёда бор золим шуларнинг ўзи, булатни ўлдирсан, дунё золимлардан тозаланади, зулм барҳам топади, деб ўйлаб қаттиқ янгишгандик. Чунки Мирзаёр. Рукинга ўхшаган минг-минг золим, амалдорларнинг боши Николай подшо ҳаётлигини ўйламаган эдик. Оқпошшо иктиёрида қўзғолонин шафқатсиз бостирган Ивановга ўхшаш қотиллар, тўп-пулемёт, миљтиқ билан қуродланган минг-миллионлаб солдат борлигини писанд қилмаган эдик. Қанча ғазабнок ва қасоскор бўлмайик, қора калтак билан подшонинг қулогини қимирлатиб бўлмасди. Биз буни ҳисобга олмасдан ҳаракат қилиб, қаттиқ панд едик. Мана Жиззахдек шаҳримиз култепага айланди. Ариқларда оқиб турган сувимиз қуриди! Боеҳаримиз ҳазов бўлди! Охир-оқибат бурда нонга зор бўлдик, очлик гирибонимиздан бўғиб турилти!

Елғиз Туркистанда эмас, бутун Россияда оқпошшодан азоб кўрмаган ишчи-дэҳқон йўқ десам, янгишмасман!.. Лекин биродарлар! Романовлар зулмига қарши сиз-биздак қўзғолон кўтариб, азиз умрлари турмаларда адо бўлган, Сибирь сургуналарида ўлиб кетган ўрислар озмунча эмаслингини мен китоб, газеталардан ўқиб билганман. Шундан қиёс қилиб, мана бундай хуносага келсак бўлмасмикин?

Бундай ўйлаб қарасам, биз жиззахликлар Мирзаёр, ҳоким ва унинг шерикларини ўлдириб оқпошшодан зулм кўриб келаётган ўрис биродарларимизнинг ёнларини олган эканмиз. Худди бизга ўхшаб рус ишчи-дэҳқонлари оқпошшони таҳтдан ағдариб, Жиззах қўзғолончилари нинг қасосларини олганига шоҳид бўлиб турибмиз. Келинг биродарлар, бир оғиздан тасанно айтайлик. Яшасин Февраль инқилобининг қаҳрамонлари! Яшасин рус ишчи-

лари! Яшасин ишчи-дәхқондан чиққан инқилобий сол-
датлар!

Тингловчилар нотиқ ташлаган шиорларни ўзларича
чуғурлашиб тақрорлашди.

— Яшасин ҳүррият! Яшасин озодлик! — деди нотиқ.

— Яшасин ҳүррият! Яшасин озодлик! — деб қичқири-
шади мардикор-чоракорлар!

Бу құдратли овоздан бойнинг бояғи ларзага келди. Тे-
варак-атрофдаги үйлардан хотин-қизлар чиқиб, ҳар то-
мондан мұралай бошлади. Болалар мұр-малахдек да-
рахтларга чиқиб томоша қилишарди.

— Инқилоб қурбонсиз бўлмайди, — деб сўзини давом
эттириди нотиқ, — хўш, бу қурбонлар бадалнга биз нима-
ларга эга бўлдик?

— Вайроналикка!

— Очликка! — деган овозлар эшитилди.

— Ана шу очликдан қутулишнинг йўлини топишимиз
керак. Подшони йиқитиши билан иш битмас экан, биро-
дарлар! Жиззахликлар мардикорга «пода» бўлиб борган
бўлса, пода бўлиб қайтмади. Озодлик учун, ўз ҳақ-ху-
қуқимиз учун қандай курашув кераклигини билиб қайт-
дик. Мана, Сизран шаҳридан сизларни кузатиб келган
Алексей ака орамизда жимгина ўтирибди.

Одамлар бўйинларини чўзишиб, ўринларидан ярим
туриб шийпон томон қарашиб. Нотиқ жамоатни ўтириш-
га чақириб, бундай деди:

— Гаппинг тўғриси, бугунги йиғилиш Алексей ака-
ниңг илтимосига кўра чақирилди. Билмаганлар билиб, та-
нимаганлар таниб олсинлар. Алексей ака деганим бу ки-
ши темир йўл ишчиларидан. Сизлар мардикорда қийна-
либ юрган вақтларингизда оталик қилган, чинакам биз
мусулмонларнинг дўст-биродари. Алексей ака Сизран
шаҳридан Жиззахгача сизларни кузатиб келди. Бир неча
кундан бери Жиззах аҳволи, халқ турмуши билан таниш-

ди. Яхписи, сўзни Алексей аканинг ўзидан эшита қолайлик.

Қасур-қусур чапак чала бошлади одамлар. Биз болалар ҳам роса қарсак урдик. Алексей ака қандақа бўлса экан, деб қараб турувдим, кўримсизгина бир киши ўрнидан туриб, одамларни оралаб, нотиқ ёлига келди. Бош яланг. Юзи чўзиқ. Малла қош. Сарғиш сочи сийрак. Узи озғин бўлса-да, яғриндор, ёши қирқларнинг нари-берисида, юлдузи иссиқ киши экан, Алексей ака дегани. Қўзголон пайтларида мен кўрган ўрисларга ўхшашлиги йўқ. Қийим-боши жуда содда, устида жигар ранг қизил кўйлак, қора шим, сёғида қорамойга беланганд этик. Белида ингичка қайиш.

Биз қарсак чалардик, Алексей ака бўлса эгилнб таъзим қиласади. Мен Алексей аканинг кўм-кўёқ кўзига тикилиб, оғзини пойлардим. У рус тилида сўзлади. Нима деётганини билгим келарди, тилига тушунолмай доғ эдим. Яхшики, нотиқ таржима қилиб бериб турди. Бундай қараганда, бўшгина кўринган бу руснинг шунчалик сўзга усталигига, жабрдийда мусулмонларга жони ачиб, куйиб-ёниб гапиришинга ҳайрон қолгандим. Алексей ака йигиндаги одамларнинг кўнгилларидаги дардларини топиб-билиб гапиргани учун ҳам, бир неча минут ичидаги тигловчиликарни ўзига ром қилиб олганди. Ҳарқалай қўзғолон кунларида мен кўрган ўрисларнинг биронтасига ҳам ўхшамас эди. Феъл-автори билан Алексей ака назаримда, «оқ ялов» кунларида штимни отиб ўлдирган ва оналарни қўрқитганда ёш солдатни койиган ва менинг елкамни силаб ҳолимизга ачинган ўрис солдат ҳам Алексей акага ўхшаброқ кетарди. Қаёқда, бу ўрис мутлақо бошқа, оқпошшонинг етти пуштига лаънатлар ўқирди. Николайнинг авлод-ажоди рус халқининг жаллоди, қўли қадоқ йўқсиллар дунёсининг ашаддий душманни, деди у. Шундай золимнинг тахт-бахтига, тузумига

қарши қўзғолон кўтариб мардлик, қаҳрамонлик кўрсатгансизлар, деб жиzzахликларнинг кўнгилларини кўтарди.

— Николай подшони биргаллашиб гўрга тиқдик. Жиздахни ўтда куйдирган, қўзғолончиларни отган, дорга осган, қўл-оёқларига кишан солиб Сибирга ҳайдатгаи золим подшо ва унинг ҳукумати ер билан яксон қилинди. Лекин дўстлар, ҳали сиз-биз ўйлаган мақсадимиз юзага чиққанича йўқ. Уруш давом этмоқда! Вақтли ҳукумат бўлса халқнинг додига қулоқ солмаяпти, урушни тўхтатишга хоҳиши йўқ! Аслида уруш сиз-бизга кераги йўқ нарса! Сиз-бизга ҳуррият керак! Ер деҳқонники, завод-фабрика ишчиларники бўлиши керак. Мехнатни қадрлайдиган, миллатлар орасидаги адоватни йўқотадиган ҳукумат керак. Ишчи-деҳқонлар раҳбари ўртоқ Ленин сиз билан бизни курашга, янги жашга чорляяпти!

Жиzzахлик биродарлар! Аҳволингиз беҳад оғир. Биз русларниң ҳам аҳволимиз яхши эмас, аммо бизникидан сизниң аҳволингиз минг марта оғир! Қарниб ярим йилдан бери ариқларингизда сув оқмас экан! Ер суғорилиб, дон экилмас экан! Йўқ, бу аҳволга бундан сўнг бир кун ҳам тоқат қилиб бўлмайди. Рукин ўрнига янги ҳоким тайин қилинибди. Хўш, у ҳоким ҳозир нима билан машғул? Янги қўзғолон чиқмасин учун жазо отряди тузиш билан... Йўқ, биз ундақа дўқлардан қўрқадиган болалик ёшидан ўтганмиз. Мана мен, мардикорларни кузатиб Сизрандан келдим. Ўртоқларимнинг маслаҳати билан атайлаб Жиzzахга келдим. Келиб яхши иш қилган эканман. Пушаймон эмасман, уч кун мобайнида жиzzахликлар аҳволи билан танишдим. Одамлар оч-яланғоч! Ноң, ёғ-гўшт у ёқда турсин, ақалли ичишга ҳовузларда сув йўқ! Хўш, ҳукумат қаёқда?.. Ҳол-аҳволинг қалай, мардикордан қайтганлар?» деб Керенский ҳукуматининг биронта вакили кириб келдими?..

Шу пайтгача жиім үтирган одамлар тұсатдан гапира бошлади:

— Очмиз! Яланғочмиз, биродар!

— Бир кафт ун ва ғаллага зор қилди, бизни!

— Экай десак уруғ йўқ. Ер ҳайдашга ҳўқиз, суюришга сув йўқ!

— Ўйимиз куйган, рўзғоримиз тўзиган. Яхши ўрис экансан, ҳол сўраб узоқ юртдан келибсан, раҳмат сенга, хуш кўрдик, биродар, аслини айтсак, ўрислар билан бизнинг орамизда душманлик йўқ эди. Тўғри айтдинг, Николай ўрис, ўзбек, қозоқ, қирғизни ҳам душмани эди. Мирзаёр билан Рукинни ўлдирганимиз сенга маъқул бўлиди, биз хурсанд. Утган ишга салавот! Кел, энди бундан кейин нима қиласиз; шу тўғрида сўзлашайлик.

— Кўриб турибсан, Алексей ака! Халқнинг егани пони, ичгани суви йўқ. Гуятортардан келиб турадиган сувимиз ҳам ўпқонга уриб кетипти. Сангзордан оладиган навбат сувимиз ҳам оққанда оқиб, оқизмаганда оқмай қолади. Сувсиз деҳқон иши юрмайди. Халқнинг тириклиги сув билан, сув бўлмагач гиё унармиди! Қўзғолонга қадар жizzахликларнинг мулла Ҳақберди деган сув бегиси бўларди. Унинг зўри билан Жizzах ариқларида навбат суви оқарди. Ана шу одамни жазо отряди солдатлари отиб ўлдиргандан бери, жizzахликлар сувга зор. Ариқдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шуни айтар эканлар-да! Мулла Ҳақберди тириклик чоғида биз унинг қадрига етмаган эканмиз. Гап шундаки, унинг овози эшигилган ерда бешикда йиғлаб турган гўдак қўрққанидан жимиб қоларди. Сув бегимиз ана шундақа зарби ўткир, суюриш тартибини бузган одамларга жарима солиб, ҳатто қаматиб ҳам қўяверарди. Гап ана шундақа, жойи келгандаги жizzахликлар сув эмас, заҳар ичишарди. Қўзғолонгача аҳволимиз ундақа бўлса, энди бундақа. Яхши ўрис экансан, ҳарқалай, дунё кўрган одамга ўхшайсан,

сен бизни янги ҳоким олдига бошлаб бор. Пиçoқ бориб сүякка тақалди, биродар Алексей, қўлингдан келса бизга ёрдам қил!— дейнинди мардикордан қайтганлар.

Шундан сўнг мардикордан қайтганлар жанговар сафга тизилишиб, байроқ кўтариб, Алексей акани олдилари га солиб Жиззах ҳокими олдига чиққанлар! Очларга нон, экишга дон, Туятортар ва Сангзор сувини аввалги тартибда оқизиб беришни талаб қилганлар. Янги шаҳарда яшовчи руслардан бир нечтаси мусулмонлар тарафини олиб хайриҳоҳлик билдириб, ҳар қандай ёрдамга тайёр эканликларини билдирганлар. Ана шундан сўнг ҳоким:

— Туятортарни тиклаш оғир, ҳозирча Сангзор сувини тезлик билан Жиззахга ҳайдаб келиш керак. Бунинг учун мен ўн беш нафар солдатни ёрдамга бераман. Сизлар сувни очиб, қўриқлаб келиш учун одамларингни ажратинглар,— деган... Лекин ҳоким оч халқقا па бир бурда нон ва на экишга дон ваъда қилган.

Шундан кейин ариқларга тўлиб сув келди. Лекин ёлғиз сувнинг ўзи на нон ва на доннинг ўрнини босолмади.

Очлик халқнинг гирибонидан бўға бошлади..

МУНДАРИЖА

Биринчи қадам	5
Дастлабки сабоқлар	22
Гап-гаштак	35
Дадамнинг саргузашти	47
Бир қиз беш болани ўйнатади	57
Наврӯз	65
Эшонлинг чашмаси ич буруғи қилали	82
Сув олиб келган хор зор	93
Сабр косаси тұлғач	99
Она меҳри	151
Оқ ялов	159
Ҳайда-ҳайда	171
Бадарга	184
Шоми гарнибон	217
Қатл	220
Тонг олдида	231
Арафа	241
Латифа эмас бу айтгапларим	253
Инқилоб шарпаси	260
Ҳамият	275
Сазойи бўлган миришаб	284
Жиззахликлар мәдмопи	299

На узбекском языке

Назир Сафаров

О ПРОЖИТОМ И ПЕРЕЖИТОМ

Повесть

Редактор М. Осмонов

Рассом В. Гриденев

Расмлар редактори Н. Холиков

Техн. редактор Т. Смирнова

Корректор М. Абдушукурова

Босмахонага берилді 17/II 1968 й. Босншга рухсат этилди 21/V-1968 й. Формати
70 - 108/м. Босма л. 0,75. Шартты босма л. 13,66. Нашр л. 13,09. Тиражт 30000.
Р -06 85. Еффур ғулом почидаги бадийл адабиёт нашриёти. Тошкент. Навоий
кучасы. 30 Шартнома № 234-66

Узбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг З-босмахона-
сида № 2 Корозга босылды. Тошкент. Навоий кучасы, 30. 1968 йил, ваказ № 140.
Баҳоси 48 т.

Уз2
С31

Сафаров Назир.
Күрган кечиргиларым. Повесть,
дайы бадинй адабиёт нашар. 1968.
819 бет Тиражи 3000

Сифаров Назир. О промытом и переведитом.

Т. Рафур Рудом номи

Индекс 7-3-3

Уз2

